dents are working in groups of two or more, mutually searching for understanding, solutions, or meanings, or creating a product. Collaborative learning activities vary widely, but most center on students' exploration or application of the course material, not simply the teacher's presentation or explication of it [2:9]. Therefore, students can learn from their groupmates without any challenges by sharing and asking misunderstandings which occur during the learning process. It is commonly known that some introverted students do not want to ask any questions or exchanging ideas, emotions while the theme is being introduced. Subsequently, their knowledge declines to the lower positions rather than extroverted students due to being reserved, lack of confidence, and not accepting new information on time. For these reasons, it will be better if students cooperate with their peers with the aim of stimulating curiosity about the lesson and engaging in the classroom with an overwhelming desire. Additionally, collaborative learning is considered as one of the vital ways of taking responsibility for the team. When students do teamwork activities, they can learn how to be responsible for tasks and support their team members especially, weaker ones who are hopeless at executing assignments correctly. Lower level learners who study in the mixed ability classes can enhance comprehension skills by means of talking with groupmates, exchanging information and sharing different ideas.

Even though mixed ability classes include many advantageous sides, the greatest detriments are caused in the learning and teaching process of English language. Different level classroom problems demand serious attention from educators with the aim of treating all students in the same measure. There is a paradox; Should teacher draw attention to higher level students or lower levels more? Should he/she apply variety of methods for each student or the same ones? These are real disadvantages of mixed level classroom that both teachers and learners can suffer from these tricky positions. There are some key drawbacks that are leading causes of difficulties of this classroom.

**Lack of motivation.** Giving encouragement is a useful way of teaching language effectively but most students who study with different abilities have lack of motivation to gain knowledge. Since, lower levels demotivate when cannot comprehend the new theme, express feelings for the topics, or give feedback like other advanced level students. As a result, they reckon that they are not good enough to be gifted students and any attempts are abandoned in learning. Researchers Trang and Baldauf identified factors such as

negative poor self-esteem, experiences of failure and negative attitudes towards English as possible sources of learner-related demotivation. In particular, experiences of failure were reported to be most significant internal influence. Respondents felt that their failure to make sufficient progress in their previous classes caused them to be unable to catch up to their peers due to large knowledge gaps [3:89].

**Materials.** Teachers try to provide students with handy materials in order to follow the lesson in a thrilling way but it is impossible to give learners different handouts according to their levels. It seems that the time is wasted and learners are confused of selecting them. Choosing interactive materials is a foremost tool of the lesson as they play major role to attract learners' attention to the subject. In some cases, L2 learners can learn more by materials rather than teacher's explanation. Besides, they are considered as a prominent engagement for students to be interested in the subject and well-designed materials make considerable contribution to arouse students' engrossment. The teacher who teaches the subject reading has much more challenges of choosing suitable texts for different level class rather than other teachers. The reason why, selecting reading materials for any classroom as ESL or EFL must be a serious process rather than a random one. The learners should be actively involved in the lesson if facilitators adopt appropriate materials for the lesson especially for the course reading. If educators successfully select a variety of appropriate texts, the students will perceive reading as an interesting and valuable activity [4:132].

Although facilitators are still facing these issues, several ways are tackled with the aim of providing students with qualitative knowledge. It will be effective, if the lesson should be divided into steps as warming up, organizing, and assessment. Firstly, teacher should manage the classroom utilizing different strategies particularly, all materials should be taken into consideration. Presentations, handouts, visual aids should be utilized with the aim of engaging and understanding the lesson clearly that is why they play the crucial role in the process. Handouts should be designed in an appropriate way that not only higher proficiency students but also lower levels should not lead to any misunderstandings. They should be created with a common style for all in order not to pose difficulties while executing the tasks. Secondly, a lower proficiency student should sit with a higher proficiency one in order to learn more by group-mates as in the classroom has some students who have not comprehend teacher's explanation. At this time learners can support each other and share similar interests on the topic.

In addition to this, higher-order thinking activities help students to learn the theme better rather than lower-order thinking activities such as gap-fill exercises, recalling a word or grammatical structure. The reason why doing like these activities in each lesson make students be tedious. In contrast to this, asking learners to apply something in real life, or deciding which one is more indispensable or asking connections between two things will be more engaging [5:14].

Creating friendly atmosphere is a successful way of teaching different level students that assists educators to promote good relationship with them. For instance, calling learners with their names, asking their interests as what they like or do not like are fundamental cause of having strong connection between a good classroom atmosphere [6:5]. In the welcoming atmosphere especially, lower proficiency level students feel themselves relaxed, cheerful and build good self-esteem for themselves by virtue of teacher's support. They do not think themselves poor enough in language learning compared to their gifted students because of teacher's similar attention to the students. In the process learners are worried about making mistakes in speaking or writing and contemplate that this is intimidating situation for them. As a result, students have less desire to express feelings and ideas because of being shy in front of the audience. In these situations, clear explanations are given to the learners like for instance, this is a normal situation for them to make embarrassing mistakes. By means of mistakes students try not to repeat them the next time while speaking and writing can be fruitful process for their future improvement.

Additionally, project work or pair work activities can be productive in mixed ability classes that build good communication between a teacher and students. While doing a wide range of stimulating tasks both level students help one another to design and deliberate them in a good way. In the project work they brainstorm ideas together and working in pairs creates more possibilities to share opinions, mobilize support in the active process.

In conclusion, each teaching process has its advantages and disadvantages too so that it demands teacher's intellectual ability, competence, experience of how to teach students following several steps, engaging them to the lesson. Due to the fact that it is a little impossible to educate the same level students therefore, educators should make use of teaching abilities in order to overcome all challenges which happen in the mixed ability classes.

### References

1. Merve Bakiryazici. Teaching mixed level classes with a Vygotskian Perspective. Department of English language and Literature, Recep Tayyip Erdoğan University. 53100 Rize Turkey, 5<sup>th</sup> World Conference on Learning, Teaching and Educational Leadership. WCLTA 2014. -P.914.
2. Smith B.L and MacGregor J. Collaborative Learning: A Sourcebook for Higher Education. University Park, PA: National Center on Postsecondary Teaching, Learning and Assessment (NCTLA) 1992. -P.9.
3. Trang T. Baldauf, R. Demotivation: Understanding resistance to English language learning, The case of Vietnamese students. The Journal of Asia TEFL, 4 (1), 2007. -P.89.
4. Ivannia Jimenez Arias. Selecting Reading Materials Wisely. Universidad Nacional, Costa Rica. Letras 41, 2007. -P.132.
5. State of Israel Ministry of Education Pedagogical Secretariat Language Department English Language Education. This booklet was written by a sub-committee of the English Advisory Committee, led by Prof. Renny Ur. And Dr. Ory Haim. February 2019. -P.14.
6. Ann Christin Svärd. The challenge of mixed ability classroom. -How should upper secondary English teachers work in order to help the weaker students? Höstterminen 2006. -P.5.

**REZYUME.** Ushbu maqolada har xil ko'nikma darajadagi talabalarni o'qitish va uning asosiy qiyinchiliklari, jarayondagi vaziyatning afzalliklari va kamchiliklari haqida so'z boradi.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье освещаются вопросы обучения студентов на разных уровнях и его основные трудности, преимущества и недостатки ситуации в процессе.

**SUMMARY.** This article highlights teaching mixed level students and its major difficulties, benefits and drawbacks of the situation during the process.

## КРЕДИТ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ РОЛИ

Д.Х.Ашурова – таянч докторант

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти


**Таянч сўзлар:** жаҳон таълим андозалари, педагогик маҳорат, модулли ўқитиш тизимида педагогик фаолият, ўқитувчиларнинг асосий вазифалари, ўқитувчининг баҳоловчи сифатидаги хусусиятлари

**Ключевые слова:** мировые образовательные стандарты, педагогическое мастерство, педагогическая деятельность в модульной системе обучения, основные задачи учителей, характеристика учителя как оценщика

**Key words:** world educational standards, pedagogical skills, pedagogical activity in the modular system of education, the main tasks of teachers, characteristics of the teacher as an evaluator.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев[4]нинг “Яна бир муаммони ҳал этиш ўта муҳим ҳисобланади: бу педагоглар ва профессор-ўқитувчилар таркибининг профессионал даражаси, уларнинг махсус билимларидир. Бу борада таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий кадриятларини шакллантириш жараёнларига фаол қўмак берадиган муҳитни яратиш зарур”, – деган фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

XXI аср глобаллашув, янги замонавий билимлар, технологик инновациялар ва улкан илмий ўсиш давридир. Таълим соҳаси мўжизавий тарзда ўзгариб бормоқда. Таълим ва технология соҳасидаги тараққиёт рақобатнинг кучайишини таъминлаш билан бирга, ўқитувчиларнинг билим бериш вазифаларидан ташқари, яна бир қатор муҳим вазифаларни бажариши зарурлигини кўрсатиб берди. КЛ (Koneru Lakshmaiah) муҳандислик университети “Инглиз тили” кафедраси доценти К. Уша. Рани ва С.Арчана [5] ушбу вазифаларни қуйидагича тавсифлашади:



## Ўқитувчи ўрганувчи сифатида: (Learner)

Ўқитиш ва ўрганиш узлуксиз жараён бўлиб, ундаги стратегиялар авлоддан-авлодга фарқ қилиши мумкин. Гарчи таълим тизимида қўллаб ўзгаришлар кузатилаётган бўлсада, ўқитувчиларнинг асосий вазифалари ўзгаришсиз қолмоқда. Ўқитувчининг вазифаси талабани таълим-синфдаги эҳтиёж ва илм олишни қондиришига ишонтиришидир. Ўқитувчи ўқувчилар билан мулоқот

қилишни режалаштиришдан олдин, ўқувчилар нуқтаи-назаридан ёндашишлари лозим. Агар ўқитувчилар ўқувчилар нуқтаи-назаридан ёндашган ҳола режа тузиб, таълим беришни бошласа, бу талабаларга маълумотларни тушунишда енгилликлар яратади.

## • Фасилитатор (Facilitator)

Талабалар уларнинг ўқитувчилари улар ҳақида қайғуришларини ҳис қилишлари лозим ва шунинг учун ҳам ўқитувчилар талабаларнинг ҳар жабҳадаги энг яхши қўмақчисига айланишлари даркор. Фасилитатор ўқувчиларни мустақил таълим олишларига йўл-йўриқ кўрсатишлари ва қўллаб-қувватлашлари лозим. Ўқитувчилар ижтимоий, интеллектуал ва лингвистик ходисаларда ўқувчилар ҳаётини акс эттирадиган таълим муҳитини яратишлари зарур. Фасилитатор сифатида ўқитувчи уларнинг шахсий ўсиши учун мустаҳкам пойдевор қўйиши керак.

## • Ўқитувчи баҳоловчи сифатида (Assessor)

Ўқитувчи сифатида ўз фикр-мулоҳазаларини(feedback) давомли тарзда баён этиб, уларни баҳолаш ўқувчилар билим олишининг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Ўқитувчининг вазифаси фақат ўқитиш билан чекланмайди. Баҳолаш ўқувчилар билимини яхшилашнинг самарали воситасидир.

Ўқитувчининг баҳоловчи сифатидаги хусусиятлари қуйидагилардан ташкил топиши лозим:

- Адолатли бўлиш

- Ўзига бўлган ишонч ва етакчилик қобилияти
- Тартибни ҳис қилиш ва режалаштира олиш қобилияти
- Ўз олдига қўйган вазифаларга диққатни жамлай олиш қобилияти
- Талабалар билан самарали мулоқот қила олиш қобилияти

## Ўқитувчи бошқарувчи сифатида (Manager)

Ўқитувчининг бошқарувчилик роли синфни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи белгиланган вақт ичида дарсларни ўтказиши ва академик саволларни ёритиб бера олиши лозим.

Тажрибали педагог вақтни ўз тажрибасига кўра бошқариши мумкин. Ўқитувчининг асосий механизмлардан фойдаланган ҳолда синфни мукамал бошқара олиши ўқиш ва ўқитиш усуллариининг муваффақиятига олиб келади.

## • Ўқитувчи баҳоловчи сифатида (Evaluator)

Ҳамма биладики, ўқитувчининг муваффақиятида баҳолаш муҳим роль ўйнайди. Баҳолаш бу ўқувчиларнинг ўқиш самаралорлигига баҳо бериш ва баҳолашнинг стандартлаштирилган жараёни. Талаба йўл қўйилган ҳатолар орқали маълум бир билимлар мажмуига эга бўлиши мумкин. Баҳоловчи талабанинг заиф томонларига эмас, аксинча уларнинг ютуқларига эътибор қаратиши лозим.

## • Ўқитувчи раҳбар сифатида (Guide)

Ўқитувчи ўқувчиларга инглиз тилини ўқитишда турли вазифаларни амалга оширади. Ушбу вазифалар қуйидагилар: Ўрганувчи, баҳоловчи, қўмаклашувчи, бошқарувчи ва ҳоказо. Ушбу вазифаларни амалга ошириб, ўқитувчи ўқувчиларнинг келажагини шакллантиришда идеал раҳбар (guide)га айланади.

Бугунги кунда юртимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни жаҳон таълим андозалари асосида қайта қуриш кераклиги долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Таълим самарадорлигини ошириш учун таълим тизимини ислоҳ қилиш, сифат даражасини ошириш ва бу борада дунёнинг илғор олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Дунёнинг турли бурчакларида қўлланилаётган модулли ўқитиш тизими замонавий таълимнинг энг такомиллашган шаклларида бири ҳисобланиб, бугунги кунда дунёнинг илғор давлатлари ўртасида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро келишувга эришиш ва ҳамкорликни йўлга қўйишнинг самарали йўлларида бири ҳисобланади.

Дунёда энг кенг тарқалган кредит таълим тизимлари қуйидагилар:

- АКШ кредитларни жамғариш тизими - USCS;
- Бирлашган Қироллик кредитларини тўплаш ва ўтказиш тизими - CATS;
- Европа кредит трансфери тизими - ECTS;
- Осиё ва Тинч океани кредит ўтказмалари тизими - UCTS.

Таълимнинг кредит технологиясини ташкил этиш зарурати ва имконияти қуйидаги омиллар билан чамбарчас боғлиқ:

1. Сифатли таълим олиш бўйича чекловлар (хусусан, чекка ҳудудларда таълимнинг чекланганлиги, таълимнинг қимматлиги, ўқиш вақтининг чекланиши ва бошқалар)

2. Олий ўқув юртлари, малака ошириш марказлари

ва бошқа турдаги таълим муассасалари имкониятларидидаги чекловлар;

3. Таълим нуфузининг ошиши ва мутахассисларни қайта тайёрлаш зарурати туфайли сифатли таълим олишни хоҳловчилар сонининг ортиши [3]

Ўқитишнинг кредит тизими жорий этилиши қуйида берилган тамойилларни тақозо этади:

- Ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқувчилар билимини назорат қилиш тамойилининг ўзгариши;

- Педагоглар таълим траекторияси индивидуаллаштирилишига эришишни таъминлайдиган ходимлар таркиби ва услубий мажмуа фаолиятининг норматив-ҳуқуқий асосларини янгидан қўриб чиқиш;

- Ўқув траекторияларининг танловчанлигини инобатга олиб, талабалар гуруҳларини тузиш механизмини ва ўқитувчилар ўқув юқламаларини тақсимлашни такомиллаштириш;

- Олий таълим ташкилотлари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш тамойилига ўзгартиришлар киритиш;

- Ўқув жараёнини ахборотлаштиришнинг юқори даражаси;

- Талабаларнинг курслар бўйича дарсликлар ва ўқув материаллари, шунингдек техник воситалар ва олий таълим ташкилотлари моддий-техник базасини бойитишнинг амалдаги стандартларини ўқитишнинг кредит-модуль тизими талаблари асосида мувофиқлаштириш.

**Кредит тизими**-талаба ўрганаётган ҳар бир фан "кредит баллари" деб аталадиган маълум миқдордаги кредит бирликларига мос келадиган тизимдир. Кредит балларининг умумий ҳажми талабага маълум бир даража (бакалавр ёки магистр) ни қўлга киритиш имконини беради. [2]

**Кредит баллари** – бу талабанинг машғулот жараёнида бажарган ишини баҳолашнинг баъзи бир шартли ўлчов бирликлари бўлиб, улар турли кўрсаткичлар бўйича ҳисобланади, масалан, талабанинг аудиториядаги ишининг ҳажми, талабанинг умумий иш ҳажми ва бошқалар. Ҳар бир кредит тизимининг ўзига хос хусусиятлари айнан шу кўрсаткичлар билан белгиланади.

У талабаларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш, таҳлилий ва мантикий фикрлаш салоҳиятини яхшилашга йўналтирилган курслар мажмуи бўлиб ҳисобланади. Модулли ўқитиш тизимида аудитория машғулоти сезиларли даражада қисқартирилиб, мустақил таълимга урғу берилади. Демак, ўқитувчи ўқув жараёнини ташкиллаштиради, жонли, видео ҳамда аудио маърузалар ўқийди, талабанинг фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Талаба эса мавзунини мустақил ўрганади ҳамда

берилган топшириқларни бажаради. Келинг, амалдаги таълим тизимимиз, яъни анъанавий ўқитиш тизими ва кредит модуль тизимидаги асосий фарққа тўхталасак:

Маълумки, анъанавий ўқитиш моделида ўқитувчи ўқув жараёнининг марказида туради ва маълумот тарқатишда муҳим рол ўйнайди. Аудитория машғулоти эса ўқув жараёнининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади. Модулли ўқитиш тизимида талабалар ўқув жараёнининг марказида бўлади ва улар мустақил тарзда таълим олишга йўналтирилади. Ўқитувчилар талабаларни ўқитиб, билим олишга ундайди, амалий кўникмасини ҳамда ҳар қандай шароитда ҳам мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантиради. Демак, З.Г. Нигматов ва Л.Р. Шакирова таъкидлаганидек [1] замонавий педагог- бў барча янгиланган қабул қилишга тайёр бўлиши, махсус таълим мазмунинидаги ўзгаришларни ижодий кўриб чиқиш ва уларни педагогик фаолиятда қўллаш, педагогика ва психология фанлари бўйича ўз билим ва кўникмаларини доимий равишда оширишга тайёр бўлиши керак.

Педагогик фаолият - бу ёш авлодни иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва эстетик мақсадларга мувофиқ ҳаётга онгли равишда тайёрлашга қаратилган катталарнинг ижтимоий фойдали фаолиятининг алоҳида туридир [6].

Педагог кадрларни янги шароитларда ишлашга тайёрлаш нуқтаи назаридан таълимнинг кредит технологиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу замонавий ахборот технологиялари асосланган сифат жиҳатидан янги прогрессив таълим тури бўлиб, кейинги йилларда ушбу таълим соҳасига бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Дарс жараёнини мақсадли ташкиллаштиришда кредит-модуль тизимининг ўрнини алоҳида қайд этиш лозим. Ҳар бир педагог дарс жараёнини ташкиллаштиришда қуйидагиларга аҳамият бериши муҳим ҳисобланади:

- ўқув фанининг аниқ мақсадини белгилаш;
- фаннинг ҳажми ва мазмунини аниқлаш;
- зарур бўлган таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва тавсия этиш;
- фаннинг моддий ва техник таъминотини яратиш;
- таълим олувчиларнинг хусусиятларини ўрганиш;
- ўқитувчининг тайёргарлиги ва дарс машғулотини лойиҳалаш;
- дарс жараёнида талабалар фаоллигига урғу бериш;
- дарс самарадорлигини ошириши мумкин бўлган илғор, инновацион пед технологиялардан унумли фойдаланиш;
- дарс мобайнида талабаларнинг мустақил фикрлаб, мулоҳаза юритишлари асосида имконият яратиш.

#### Адабиётлар

1. Нигматов З.Г., Шакирова Л.Р. Теория и технологии обучения в высшей школе.
2. Маджидов Х., Хабибов С.Х., Мирзоев Р. Р. Кредитная технология обучения и повышение качества подготовки бакалавров./Увопроси психологии и педагогики. Кургантюрбинского государственного университета. 2009. № 4.
3. Цейкович К.Н., Ворожейкина О.Л., Тарасюк Л.Н. Использование зарубежного опыта при разработке государственных образовательных стандартов высшего профессионального образования (на примере США, ФРГ, Великобритании // Материалы XV Всероссийской научно-методической.
4. Мирзиёев Ш.М. "Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаи бўлиши керак". –Тошкент: 2017. 45-6.
5. Archana S. (Assistant Professor, Department of English, KL University, Vaddeswaram, Vijavawada, India) and K. Usha Rani, Role of a teacher in English language teaching (ELT), International Journal of Educational Science and Research (IJESR), Vol. 7, Issue 1, Feb 2017, 1-4.
6. <http://plib.ru/pedagogika/lekci po pedagogike/lekci po pedagogike14.htm>

**РЕЗЮМЕ.** Ҳар бир педагогнинг асосий мақсади, аввало, педагогик маҳорати орқали ўз индивидуаллигини намоён этиш, интерфаол таълим методлари воситасида дарсларда мустақил фикрлаш маданиятини шакллантириш ва бу орқали талабалар фаоллигини ошириш масалаларидан иборатдир. Ўқув машғулотларини кредит-модуль тизими асосида ташкиллаштириш педагогларнинг ҳам ўқув жараёнидаги ролини сезиларли даражада оширади.

**РЕЗЮМЕ.** Основная цель каждого педагога – прежде всего проявить свою индивидуальность через свое педагогическое мастерство, сформировать культуру самостоятельного мышления на занятиях посредством интерактивных методов обучения и тем самым повысить активность учащихся. Организация учебных занятий по кредитно-модульной системе значительно повышает роль педагогов в образовательном процессе.

**SUMMARY.** The main goal of every pedagogue is first of all to show their individuality through their pedagogical skills, to form a culture of independent thinking in classes by means of interactive educational methods, and thereby to increase the activity of students. Organization of training sessions on the basis of the credit-module system significantly increases the role of pedagogues in the educational process.

## TALABALARNING KREDIT-MODUL TIZIMIDA BILIMLARINI BAHOLANISHNING XALQARO TAJRIBASI

A.K.Bazarbaeva – *stajyor tadqiqotchi*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** kredit-modul tizimi, Yevropa kredit tarmog'i tizimi, ta'lim natijalarini baholash, o'rganish jarayoni, reyting ballari, o'quv jarayoni.

**Ключевые слова:** кредитно-модульная система, европейской системе взаимозачета кредитов, оценка образовательных результатов, процесс обучения, рейтинговые баллы, учебный процесс.

**Key words:** credit-module system, European credit netting system, evaluation of educational results, learning process, rating points, educational process.

Mamlakatimiz hayotining barcha jabhalarida tub o'zgarishlar ro'y berayotgan bugungi kunda oliy ta'lim tizimidagi islohotlar muhim ahamiyat kasb etmoqda. OTMning ta'limning kredit-modul tizimiga o'tishi eng dolzarb masalalardan biri bulib kelmoqda.

O'quv jarayonini tashkil etishning kredit-modul tizimi atamasi ostida modulli o'qitish texnologiyalari va kredit ta'lim birliklaridan foydalanishga asoslangan o'quv jarayonini tashkil etishning yangi modeli ko'rib chiqiladi (kreditlar) [1].

Kredit-modul tizimining joriy etilishi o'qituvchilar mehnati xarakterini va o'quv jarayonining intensivligini sezilarli darajada o'zgartiradi, ta'lim tizimini xalqaro hamkorlikka yanada ochiq qiladi.

Kreditlarga o'tish uzoq mehnatni talab qiladi, chunki kreditlarning jamg'arib boriladigan tizimi o'quv ishlarining barcha turlarini, jumladan, nafaqat auditoriya ishlarini, balki ishlab chiqarish amaliyotini, laboratoriya va tadqiqot ishlarini, turli sertifikatlashtirish tadbirlarini qamrab olishi kerak.

Xorijiy OTM tajribalariga keladigan bo'lsak ECTS (European Credit Transfer System- Evropa kredit tarmog'i tizimi 1989 yilda Erasmus dasturining bir qismi sifatida joriy qilingan, hozirda Sokrat dasturining bir qismidir. Evropa padagi kredit tizimlari qatoridan ECTS tizimi eng ko'p e'tirof etilgan, bu kredit tizimi muvaffaqiyatli sinovdan o'tgan va hozirda butun Yevropada qo'llaniladi. Dastlab, ECTS talabalar bir o'quv yurtidan boshqasiga ko'chib o'tganda kreditlarni o'tkazish uchun mo'ljallangan edi. Tizim chet elda o'qish davrlarini tan olishni osonlashtirdi va shu bilan Yevropada talabalar harakatchanligi sifati va ko'lamini oshirdi. So'nggi paytlarda ECTS mintaqaviy, milliy va Yevropa darajasida amalga oshirilishi kerak bo'lgan moliyalashtirilgan tizimga aylandi.

Yevropa kredit tizimining asosini uchta element tashkil qiladi: ta'lim dasturlari to'g'risidagi ma'lumotlar, talaba erishgan natijalar va talabalar faoliyatining miqdori. Har bir o'quv yili 60 qismga bo'lingan va kredit birligini ifodalaydi. Haftalik yuklama 54 soatdan oshmasligi kerak, 54 soat 1,5 kreditga teng. Yevropada o'quv yilining davomiyligi o'rtacha 40 hafta. Ammo Yevropaning turli mamlakatlarida o'quv yilining davomiyligi ma'lum darajada farq qiladi, bu esa muammolarni keltirib chiqaradi.

Kredit tizimi ta'limning barcha shakllarini nazorat qilishni o'z ichiga oladi (tinglovchilar bundan mustasno). Kredit tizimi o'quv jarayonida o'qilgan soatlar sonini emas, balki erishilgan natijani ko'rsatadi. Ya'ni, bu mutaxassisni malakasi bo'yicha baholaydigan natijaga yo'naltirilgan o'lchov birligi.

Bu shuni anglatadiki, kredit nafaqat ta'lim faoliyatiga berilgan baho, balki tugallangan o'quv yukini ko'rsatadigan birlikdir. Bitta kredit 36 akademik soatga teng. Har bir o'quv moduli 1 yoki 1,5 kreditdan iborat bo'lib, odatda uchta oshmasligi kerak.

Kreditning o'quv jarayonida tutgan o'rni va unga bog'liq elementlar quyidagi diagrammada 1-rasmda ko'rsatilgan.



Shakl 1. Test krediti

Yevropa kredit tizimida (bakalavr) birinchi bosqichda talaba 180 dan 240 kreditgacha to'plashi mumkin.

Ikkinchi bosqichda (magistratura) 90-120 tagacha kredit olishingiz mumkin. Kredit tizimining asosini, albatta, ballar reyting tizimi tashkil etadi.

Reyting asosida ta'lim natijalarini baholash. Kredit tizimi, o'z navbatida, reyting ballga asoslanadi. Kreditlarni jamlashning Yevropa tizimida hisoblash tizimi qabul qilingan. U ikkita tuzilishga bo'linadi:

- 1.O'rganilayotgan kurs bo'yicha o'qituvchining bahosi. 70 balldan oshmasligi kerak.

- 2.Yakuniy imtihon ballari, ular uchun siz maksimal 30 ball to'plashingiz mumkin.

To'plangan ballar ularning erishganlik ko'rsatkichi sifatida hisobga olinadi. Ammo tajribalar shuni ko'rsatdiki, reyting ballari barcha fanlarning xususiyatlarini hisobga olgan holda turli yo'llar bilan taqsimlanishi mumkin. Turli faoliyat turlari turlicha baholanadi (dars soati, kurs ishi, laboratoriya ishi, amaliy mashg'ulotlar, manbalarni o'rganish, tadqiqot ishlari va boshqalar).

Reyting ballari har bir faoliyatning murakkablik darajasiga qarab taqsimlanadi. Ushbu taqsimotni amalga oshirishda har bir faoliyat turi uchun harakatlar (bosqichlar) tizimini ishlab chiqish va ushbu harakatlar tizimi uchun ballarni taqsimlash kerak. Talabalarga rivojlanishning ushbu bosqichlari bo'yicha ballar taqsimoti ko'rsatilgan jadval taqdim etiladi va talabalar o'z yutuqlarini mustaqil ravishda baholash imkoniyatiga ega bo'ladi. Masalan, bitta laboratoriya ishinin bajarilishi 9-18 ballni tashkil etadi, aniq bir masalaning yechimi 4-7 ballga baholanishi mumkin. Ba'zan, barcha ilmiy bilimlar uchun 100 ball tizimi mos kelmasligi mumkin, chunki bajarilishi kerak bo'lgan ko'plab tadbirlar mavjud. Biroq, 100% hisoblab, to'plangan jami ballarni bitta kreditga moslashtirish mumkin. Ballarni xatolarga o'tkazishda ham 70% va 30% o'zaro munosabat saqlanishi kerak.

Reyting ballari bir necha turlarga bo'linadi:

- Joriy reyting ballari – talabaning modulni o'rganish jarayonida bajaradigan barcha turdagi faoliyat turlarini o'z ichiga oladi.

- Nazorat reyting ballari modul bo'yicha bilimlarni sinab ko'rish va natijalarni tahlil qilishga qaratilgan.

- Yakuniy reyting bali joriy va nazorat ballarining yig'indisidan iborat bo'lib, modulning topshirilishi haqidagi ma'lumotlarni o'z ichiga oladi.

- Semestr bo'yicha yakuniy modulni baholash ballari – semestr davomida o'zlashtirilgan barcha modullar bo'yicha olingan ballarni aks ettiradi.

- Imtihon ballari – imtihon ballaridan yoki agar yetarli bo'lsa, joriy va nazorat ballaridan olinishi mumkin.

• Semestr bo'yicha yakuniy ballar, semestr yakuniy moduli bo'yicha ballar yig'indisi va imtihon uchun ballar.

Xulosa qilib aytishimiz mumkinki, o'quv jarayonida avtonom ta'limning dolzarbligi ortib bormoqda, bu ke-  
lajakda mutaxassislarining mustaqilligi, ijodiy tashabbusi va faolligini oshirishga olib keladi. Universitet talabalari har doim kredit-modul tizimi doirasida o'qituvchilar va kursdosh talabalardan yordam va maslahat olishlari mumkin. Bu o'zaro hamjihatlikni mustahkamlaydi va jamoada ish-  
lash ko'nikmalarini shakllantirishga yordam beradi. Kredit-modulli ta'lim tizimi joriy etilishi munosabati bilan oliy

#### Adabiyotlar

1. Makhmudova N.D. Advantages of pedagogical technologies in the development of Education // Journal of professional educa-  
tion. –T.: № 2-2019.
2. Yuldasheva G.I. Advantages of credit-module system in the field of education // Journal of Social Sciences & Interdisciplinary  
Research., January-2022.
3. Дуняева В.Г. Кредитно-модульная система обучения в ВУЗе: обратная сторона медали // Вектор науки ТГУ. 2012. №4  
(11).

**REZYUME.** Ushbu maqolada talabalarining kredit-modul tizimi bo'yicha bilimni baholashning xalqaro tajribasi ko'rib chiqiladi va maqolada kredit-modul tizimining asosiy tushunchasi, kredit-modul tizimining zamonaviy dunyoda tutgan o'rni Yevropa kredit tarmog'i tizimi asosida muhokoma etilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье рассматривается международный опыт оценки знаний студентов по кредитно-модульной системе, а также статья включает базовое понятие о кредитно-модульной системе, роль кредитно-модульной системы в современном мире, даётся краткая информация о европейской системе взаимозачёта кредитов.

**SUMMARY.** This article discusses the international experience of assessing students' knowledge on the credit-modular system, and the article also includes the basic concept of the credit-module system, the role of the credit-module system in the modern world, and provides brief information about the European credit netting system.

### OLIIY TA'LIMDA "RADIATION TIBBIYOT VA TEXNOLOGIYALAR" FANINING SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA "HAMKORLIKDA" O'QITISH TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH

**E.X.Bozorov** – fizika-matematika fanlari doktori, professor

*O'zbekiston Respublikasi fanlar akademiyasi yadro fizikasi instituti*

**L.X.Zoirova** – fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent

*Navoiy davlat konchilik va texnologiyalar universiteti*

**Tayanch so'zlar:** radiatsion tibbiyot va texnologiyalar, "Hamkorlikda" o'qitish texnologiyasi, sog'liqni saqlash, fan-texnika tarmoqlari, zamonaviy interfaol metodlar, ko'nikma, jamoaviy hamjihatlik, faol ishtirok.

**Ключевые слова:** радиационная медицина и технологии, технология «Коллективного» обучения, здравоохранение, развитие науки и техники, современные интерактивные методы, навыки, командная работа, активное участие.

**Key words:** radiation medicine and technology, "Collaborative" teaching technology, health, science and technology development, modern interactive methods, skills, teamwork, active participation.

**Kirish.** Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyevning 2021-yil 19 martdagi "Fizika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5032-son qarorida jamiyatimizda yoshlarning fizika faniga qiziqishini kuchaytirishga e'tibor qaratish, fan va texnika taraqqiyotini to'la qamrab oladigan zamonaviy darsliklar yaratish, jumladan yangi va ta'lim bozorida yuqori bo'lgan mutaxassislarga bo'yicha kadrlar tayyorlashni yo'lga qo'yish orqali yoshlarning fizika ta'limi bilan qamrab olish darajasini oshirish ko'zda tutilgan va bir qancha vazifalar belgilab qo'yilgan [1].


O'z navbatida, ta'lim sohasida yaxshi natijalarga erishish uchun zamonaviy, interfaol usullar va yangi pedagogik texnologiyalardan samarali foydalanish tobora rivojlanib bormoqda. YUNESCO hujjatlaridan birida «... Yangilik albatta yangi bo'lishi shart emas, biroq u albatta nimasi bilandir yaxshiroq va o'z-o'zidan namoyon etilishi mumkin bo'ladi»-deb ko'rsatilgan.

Hamkorlikda o'qitish g'oyasi turli mamlakatlar, xususan, Amerikadagi Kaliforniya universiteti professori J.Aronson (1978), Minnesota universiteti professorlari R.Jonson va D.Jonsonlar (1987), Isroildagi Tel-Aviv universiteti professori Sh.Sharan (1988), J.Xopkins universiteti professori R.Slavin (1990) tomonidan ishlab chiqilgan. Bu usul negizida, ayniqsa, talabalarda bilim, ko'nikma va malakalarni shakllantirish, ta'lim oluvchilar tomonidan o'quv materialini qayta ishlash, loyihalash faoliyatini rivojlantirish, o'quv bahsi va munozaralar o'tkazish yotadi [2].

Ta'kidlash joizki, hamkorlikda o'qitishning asosiy g'oyasi – o'quv topshiriqlarini nafaqat birgalikda bajarish, balki hamkorlikda o'qish, o'rganishdir.

ta'lim muassasalari professor-o'qituvchilari oldiga yanada ko'proq majburiyat va talablar qo'yiladi. Pedagogik muhitda o'qituvchining yetakchilik vazifasi hal qiluvchi ahamiyatga ega. Ta'limning kredit tizimi talabalar almashinuvinu oshiradi. Chunki bir universitetda olingan kreditlar boshqa universitetda hisobga olinadi va talabalar bir universitetdan boshqasiga kredit yo'qotmasdan o'tishlari mumkin. Mazkur tizim O'zbekiston talabalariga yetakchi xorijiy oliy o'quv yurtlarida o'qishni davom ettirish va murakkab byurokratik to'siqlarni bartaraf etish imkonini beradi.

Hamkorlikda o'qitishning *individual (o'zaro), guruhli, frontal va jamoaviy (kollektiv) usullari* [3] mavjudki, ularni quyidagi ko'rinishda tavsiflasak bo'ladi (1-rasm):




1-rasm. Hamkorlikda o'qitish usullarining konseptual sxemasi.

"Jamoali o'zaro o'qitish usuli"da ta'lim oluvchilar dars mashg'ulotlarida o'rganilayotgan mavzu bo'yicha topshiriqlarni bajarishda yakka (individual) yoki juft-juft bo'lib yakdillikda ishlashlari nazarda tutilgan bo'lsa, "Kichik guruhlarda hamkorlikda o'qitish usuli" muloqotga kirishish ko'nikmasining takomillashishiga olib kelib, o'z-o'zini va guruhlararo baholash kabi imkoniyatlarni yaratadi; "Hamkorlikda o'qitishning "Zig-zag yoki arra" usuli"da talabalar bir guruh asosida ishlash, mavzuni tezkor va puxta o'zlashtirish, o'z bilimlarini boshqalarga yetkazib berish imkoniga ega bo'lish kabilarni o'rgansalar, "Hamkorlikda o'qitishning "Birgalikda o'qiyamiz" usuli" orqali jamoaviy birdamlik bilan bir qatorda insonparvarlik, kerakli paytda bir-biriga yordam

qo'lini cho'zish kabi insoniy fazilatlar ham namoyon bo'ladi; **"Kichik guruhlarda ijodiy izlanishni tashkil etish usuli"**da esa jamoa a'zolarining mavzu asosidagi ijodiy va kreativ yondashuvlari alohida hisobga olinib baholanishi ko'zda tutilgan [4].

Yuqorida sanab o'tilganlardan 2-, ya'ni **"Kichik guruhlarda hamkorlikda o'qitish"** usuliga alohida to'xtalib o'tmoqchimiz. Bu usul – ta'lim oluvchilarni faollashtirish maqsadida ularni kichik guruhlariga ajratgan holda o'quv materialini o'rganish yoki berilgan topshiriqni bajarishga qaratilgan darsdagi ijodiy ishdur. Mazkur usul qo'llanilganda ta'lim oluvchilar kichik guruhlarda jamoa a'zosi bo'lib ishlab, darsda faol ishtirok etish huquqiga, boshlovchi rolda bo'lishga, bir-biridan o'rganishga va turli nuqtayi nazarlarni qadrlashni o'rganish imkoniga ega bo'ladi. Ahamiyatli shundaki, bunda o'qituvchi bir vaqtning o'zida barcha talabalarni mavzuga jalb eta oladi va baholay oladi, chunki boshqa interfaol usullarga qaraganda vaqtni tejash imkoni paydo bo'ladi.

**Asosiy qism. "Kichik guruhlarda hamkorlikda o'qitish" usulini** quyidagi sxema bo'yicha tavsiflash mumkin (2-rasm):



2-rasm. "Kichik guruhlarda hamkorlikda o'qitish" usulining konseptual tuzilmasi.

1-jadval. Guruhlarga beriladigan topshiriqlar taqsimoti

| Guruhlar              | 1-guruh                                                | 2-guruh                                                     | 3-guruh                                                 | 4-guruh                                              |
|-----------------------|--------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------|------------------------------------------------------|
| Berilgan topshiriqlar | Radiatsion tibbiyot va texnologiyalar - kardiologiyada | Radiatsion tibbiyot va texnologiyalar - ney-rojarrohlilikda | Radiatsion tibbiyot va texnologiyalar - stomatologiyada | Radiatsion tibbiyot va texnologiyalar - onkologiyada |

**"Ko'rsatma berish va yo'naltirish"** bosqichida har bir guruhga berilgan topshiriqdan kelib chiqib individual maslahatlar, yo'llanmalar, kerakli tavsiyalar berib o'tiladi.

Shundan so'ng ajratilgan ma'lum vaqt o'tgach guruhlar o'zlariga berilgan vazifani qay darajada tushunganliklari, jamoa bo'lib ishlash ko'nikmalarini o'zlashtirganliklarini hamda berilgan mavzuning asl mohiyatini qay darajada ochib berishlarini tayyorlagan taqdimot (prezentatsiya, slayd, doklad-ma'ruza, videorolik va h.k.) lari asosida namoyish etishadi. Bunda har bir guruhning mavzuga individual va ijodkorlik asosidagi yondashuvi, jamoaviy ishlashi va bir-birlarining fikrlarini to'ldirib, yagona xulosa bera olishlari alohida hisobga olinadi. Bunda har bir guruh a'zolari (talabalar) radiatsion tibbiyot va texnologiyalarning kardiologiya, neyrorrohlilik, stomatologiya va onkologiyada qo'llanilishi haqida gapirib berayotganda hozirgi kunda tibbiyotda qo'llanilayotgan zamonaviy tashxislash asbob-uskunalari: UTT, MRT, KT, EKG, ExoKG, MSKT, PET lardan tortib ularning dozalar taqsimoti, ularning kechadigan fizik-kimyoviy, jumladan, radiatsiya, nurlanish jarayonlari bilan bog'liq fizikaviy hodisalarni ham ochib berishlari talab etiladi.

**"Muhokama va tahlil qilish"** bosqichida har bir guruhning javoblari o'qituvchi va boshqa guruh ishtirokchilari tomonidan muhokama qilinadi, asosli tahlil qilib beriladi.

So'ngi **"Baholash va darsni yakunlash"** bosqichida

Yuqoridagi usulning bosqichlarini amalda **"Radiatsion tibbiyot va texnologiyalar"** fanidan **"Radiatsion tibbiyot va texnologiyalarning sog'liqni saqlash sohasida qo'llanilishi"** mavzusini o'tkazish jarayonida birma-bir ko'rib chiqamiz.

Dastlab **"Mavzuni yoritish"** bosqichida yangi mavzu haqida atroflicha ma'lumot beriladi. Ya'ni radiatsion tibbiyot va texnologiyalarning hozirgi kunda jamiyatimizning ko'pgina sohalarda, jumladan, radiatsion materialshunoslik, yarim o'tkazgichli elektronika, qishloq xo'jaligi va oziq-ovqat sanoati, farmakologiya, geologiya, qurilish sanoati, qiyoslash va nazorat usullari sohasi (metrologiya), radiatsion-kimyoviy nanotexnologiyalar, biopreparatlar, "yashil" ximikatlarni, bioyogil'i va yem mahsulotlarini ishlab chiqarish uchun bioxomashyoni nurlantirish, tabiiy va oqova suvlarni, qattiq chiqindilarni va chiqindi gazlarni radiatsiyaviy zararsizlantirish hamda tozalash va shu kabi qator sohalarda qo'llanilishiga doir hayotiy misollar keltiriladi.

So'ng, **"Kichik guruhlarni shakllantirish"** bosqichida auditoriyadagi talabalar sonidan kelib chiqib, kichik guruhlar soni va tarkibi aniqlanadi (masalan, 32 ta talabasi mavjud guruh uchun 8 tadan ishtirokchidan iborat bo'lgan 4 ta guruh shakllantirish maqsadga muvofiqdir, bu har bir fan xususiyati va talabalar sonidan kelib chiqib, ixtiyoriy hisoblanadi). Tabiiyki, har bir guruh birdamlikda, bahamjihatlikda ishlashi, qaror qabul qilishda jamoaviy fikr-mulohazalar inobatga olinib, tahlil etilishi uchun o'zlariga guruh yetakchisi (sardori)ni tayinlab oladilar.

Keyingi bosqichda har bir guruhga mavzu doirasida alohida topshiriqlar beriladi va dars yakunida fikrlar umumlashtiriladi (fan va mavzu xususiyatlaridan kelib chiqib guruhlarga bir xil topshiriqlar berish, dars so'ngida esa javoblarga qarab tahlil qilish va baholash ham mumkin).

Demak, bunda **"Radiatsion tibbiyot va texnologiyalarning sog'liqni saqlash sohasida qo'llanilishi"** mavzusiga oid topshiriqlar guruhlariga taqsimlab beriladi (1-jadval):

o'qituvchi mavzu yuzasidan umumiy xulosalarini bayon etadi, shu bilan birga guruh ishtirokchilari (talabalar)ga bir nechta test topshiriqlari berishi, qisqa blits-so'rov o'tkazishi mumkin. Shu tariqa o'qituvchi auditoriyadagi ta'lim oluvchilarning yangi mavzuni qay darajada o'zlashtirganliklarini aniqlab, har bir guruhni (kerak bo'lsa har bitta guruh ishtirokchisini ham) asosli baholaydi va darsni yakunlaydi.

Yuqorida bayon etilgan **"Hamkorlikda"** o'qitish usulining sinovi (aprobatsiyasi) Samarqand davlat tibbiyot universiteti Tibbiy pedagogika fakulteti Biofizika kafedrasida amalga oshirildi va ushbu kafedra talabalari sinovdan o'tmoqdalar. Talabalar uslubiy ko'rsatmalardan va kafedra o'qituvchilari tomonidan tayyorlangan materiallardan foydalandilar. Taqdim etilayotgan usulning istiqbolligi uning takrorlanmas originalligida, kreativ yondashuv, ijodkorlik va jamoa bo'lib ishlashni birlashtirganligidadir.

**Xulosa.** Yuqorida bayon etilganlardan ko'rinib turibdiki, **"Hamkorlikda"** o'qitish usulining barcha turlari, dars o'tish bosqichlari talabalarda nafaqat bir jamoa bo'lib ishlash ko'nikmalarini shakllantirish, mustaqil qarorlar qabul qilish, guruhdagi barcha a'zolarning fikr-mulohazalarini hurmat qilish va ularni tinglashni o'rganishni, balki o'qituvchi-talaba munosabatlarini ham yaxshilashda, o'zaro hamfikirlik, hamjihatlik, yakdil xulosalar qabul qilishda juda qo'l keladi.

## Adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 19 martdagi "Fizika sohasidagi ta'lim sifatini oshirish va ilmiy tadqiqotlarni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-5032-son qarori.
2. Ioffe A.N. Aktivnaya metodika-zalog uspeha. Ioffe, A.N. // Grajdanskoye obrazovaniye. Material mejdunarodnogo proyekta. – SPb.: RGPU im. A.I. Gersena, 2000. –S. 382.
3. Avlayev O.U., Jo'rayeva S.N., Mirzayeva S.R. Ta'lim metodlari / O'quv-uslubiy qo'llanma. -Toshkent: "Navro'z", 2017. 134-136-b.

4. Bozorov E.X., Zoirova L.X., Xusanov J.Z., Raximova M.Yu., Togayev O.Sh. Podgotovka spetsialistov visshego urovnya po radiatsionnoy meditsine i yeyo aktualnost. // XXX Mejdunarodnaya nauchno-prakticheskaya konferensiya: «Sovremennaya nauka: aktualniye voprosi, dostijeniya i innovatsii». –Anapa: 24 oktyabrya 2020. -S. 6-9.

**REZYUME.** Ushbu maqolada "Hamkorlikda" o'qitish texnologiyasidan dars mashg'ulotlarida foydalanish "Radiatsion tibbiyot va texnologiyalarning sog'liqni saqlash sohasida qo'llanilishi" mavzusi misolida batafsil va kengroq tushuntirib o'tilgan. Shuningdek, ushbu usulni qo'llashdagi natijalar, foydali jihatlari ham sanab o'tilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье подробно объясняется использование технологии «Коллективного» обучения на занятиях на примере темы: «Применение радиационной медицины и технологий в сфере здравоохранения». Также перечислены результаты и преимущества использования этого метода.

**SUMMARY.** This article explains in detail the use of "Collaborative" teaching technology in the classroom on the example of "Application of radiation medicine and technology in health care." The results and benefits of using this method are also listed.

## BASQARIW FUNKCIYALARI HAQQINDA ALIM A.T.TUXTABAEVNIŲ KÓZQARASLARI

**M.Erejepov – oqıtıwshı**

*Ájiniyaz atındağı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so'zlar:** boshqaruv, ma'muriy boshqaruv, boshqaruv funksiyalari, ijtimoiy – psixologik funksiyalar, umumiy funksiyalar, texnologik funksiyalar.

**Ключевые слова:** управление, административное управление, функции управления, социально-психологические функции, общие функции, технологические функции.

**Key words:** management, administrative management, management functions, socio-psychological functions, general functions, technological functions.

Búgingi kúnde mámleketimizde ámelge asırılıp atırǵan bilimlendiriw tarawındaǵı zamanagóy reformalar, sociallıq - ekonomikalıq rawajlanıw hám de bazar ekonomikası tereń rawajlanıp atırǵan dáwirde Kadrlar tayarlaw milliy baǵdarlamasına muwapıq bir qansha jańadan talaplar júzege keldi. Olardıń ishinde eń áhmiyetlileri ulıwma orta bilimlendiriw mákemelerin basqarıw sistemasın jetilistiriw, tálim sistemasınıń basqarıw procesine jańasha jantasıw máseleleri bolıp tabıladı. Bul tek ǵana bilimlendiriw sistemasındaǵı basqarıw máselelerin emes, al mektep basshıları tárepinen basqarıwdı jetilistiriw hámde onıń usılların ámeliyatqa engiziw, sonıń menen birge, túrli dárejedeǵı basshılardıń basqarıw iskerliginde mashqalalardı aldınan kóriw hám olardı unamlı sheshiw qábiletlerin qalıplestiriwdi alǵa baslap kelmekte.

"Basqarıw" sózi anıq bir maqsetke erisiw ushın basqarıwshı sistemaga tásir etiw haqqında aytlǵanda qollanıladı. Biz basqarıw boyınsha ilimiy izertlewlerdi úyreniw barısında zamanagóy ádebiyatlarda basqarıwdıń mánisi boyınsha úsh túrli baǵdardaǵı túsiniqler bar ekenliginiń guwası boldıq.

"Birinshiden basqarıwdıń mánisi xızmet dep keltirilgen. Misalı, basqarıw procesi boyınsha ilimiy izertlewler alıp barǵan, óz dáwirinde basqarıw pániniń rawajlanıwına salmaqılı úlesin qosqan, basqarıw teoriyasınıń tiykarın salıwshılardan biri francuz ilimpazı A.Fayol basqarıwdı:

- keleshekti kóriwshı;
- xızmetti shólkemlestiriwshı;
- shólkemdi basqara alıwshı;
- xızmet túrlerin muwapıqlastırıwshı;

-qarar hám buyırıqlardıń orınlanıwın qadaǵalawshı kúshli qural dep ataydı. Ekinshi baǵdar wákılleri basqarıwdı bir sistemanıń ekinshisine, shaxstıń ekinshi bir shaxsqaya yamasa toparǵa "tásir etiw" dep esaplaydı. Bul baǵdardıń tárepdarları basqarıw- maqsetke baǵdarlanǵan tásir etiw bolıp, subektıń obektke tásiрі nátiyjesinde obektıń ózgeriw dep táriypleydi.

Ushınshi baǵdarda, basqarıw- bul subektler ortasındaǵı óz-ara tásir yaǵnıy tuwrı hám kerı tásirlerdiń úziksizligi, bir-birine tásir etiwshı subektler ózgerisiniń organikalıq baylanıslıǵı degen kózqaraslar bar.

S.N.Tidor basqarıw mánisin tómendegishe táriypleydi:

- maqset baǵdarında obektı muwapıqlastırıw;
- maqsetke erisiw ushın obektke tásir etiw;
- maqsetke erisiw baǵdarında sistemanı shólkemlestiriwshilerge tásir etiwdi vertikal muwapıqlastırıw bolıp tabıladı.

A.I. Kitovtıń táriypine kóre: "Basqarıw –bul insanlardı basqarıw, olar menen islesiw" dep táriypleydi" [1:21].

Basqarıw bul – quramalı process bolıp bunda basshı mákemeniń rawajlanıwı, onıń maqsetine erisiwi, xızmetkerlerge jumıstı tuwrı bólistiriwi, olar arasında salamat psixologiyalıq ortalıqtı jaratıw sıyaqlı bir qansha lawazımlıq wazıypaların ámelge asırıw kerek. Basshıǵa basqarıw qararlardı, metodları, qábiletler qay dárejede áhmiyetli bolsa, funkciyalardı ámelge asıra biliw sol dárejede zárúr esaplanadı.

Funkciya sózi latin tilinen alınıp wazıypa, iskerlik, májbúriyat mánilerdi bildiredi [1:28]. Bunda xızmetkerdiń normativ-huqıqıy hújjetlerde kórsetilgen onıń lawazımlıq wazıypaların orınlawı yáki basshı tárepinen qosımsha berilgen tapsırmalardı bólistiriw sıyaqlı processlerde biz funkciya sózin isletemiz.

Basqarıw funkciyaları – belgili obektge basshılıq etiw ushın zárúr bolǵan iskerlik túri bolıp esaplanadı. Basqarıw wazıypasınıń mánisi eki elementten ibarat: birinshiden sistemada ne qılıp atırǵanlıǵın belgilense, ekinshiden, qanday qılıp? sorawına juwap beriw bildiredi [2:28].

Joqarıda keltirilgen maǵlıwmatlar boyınsha alım A.T.Tuxtabaev basqarıw teoriyaları, hákimshilik menejment boyınsha óziniń bahalı pikirlerin bildirip ótken. Sonıń ishinde basshıǵa eń zárúr bolǵan, basqarıw iskerligin tuwrı joǵa qoyıwda áhmiyetli sanalǵan basqarıw funkciyaları haqqındaǵı usınısların kórip ótemiz. Ilimpaz tárepinen hákimshilik basqarıw funkciyalarınń úsh toparın ajratıp kórsetedi:

- 1) Ulıwma funkciyalar;
- 2) Social-psixologiyalıq funkciyalar;
- 3) Texnologiyalıq funkciyalar.

1) Ulıwma funkciyalar – basqarıw procesiniń tiykarǵı basqıshları mazmunın anılatadı. Barlıq shólkemlerde tabıslı basqarıw tómendegi ulıwma funkciyalardı ámelge asırıwdı kózde tutadı:

- maqsetlerdi qalıplestiriw;
- strategiyalıq rejlestiriw;
- shólkemlestiriw;
- tártipge salıw;
- xoshametlew;
- qadaǵalaw (esap-kitap júritiw hám analiz etiw).

2) Basqarıwdıń social-psixologiyalıq funkciyaları – topardaǵı social-psixologiyalıq qarım-qatnaslar xarakteri menen baylanısqan. Olar eki túrli funkciyalardı óz ishine aladı:

- вақилликлар бўлистирилиши;
- мотивация

3) Texnologiyaliq funkciyalar – hár qanday dárejedegi basshilar miynet texnologiyasi mazmunin áñlatadi hám iskerligin tómendegishe belgileydi:

- qararlar;
- kommunikaciya (baylanis) [3:29].

Bul pikirlerde ulıwmalıq funkciya haqqında alim ilimiy tárepten jantasqanlıǵı, basqarıwdı kemshiliksiz, qátelersiz alıp barıwda nátiyje beretuǵın pikirlerdi bildirip ótkenligi ayqın kórinedi. Ulıwmalıq funkciyalarda shólkemdi basqarıwda birinshi maqsetti qalıplestirip alıp, sol maqsetler tiykarında strategiyaliq jobalar dúziw hám dúzilgen jobalardı ámelge asırıwda shólkemlestiriw isleri zárúr bolıp tabıladı. Bunda funkciyalardıń izbe-izligine itibar beriw kerekligin, xızmetkerler arasında jumısqa bolǵan qızıǵıwshılıǵın arttırıw hám olardıń ruwxıy túskinligin kóteriwdе xoshametlew úlken áhmiyetke iye esaplanadı. Sebebi adamlar máteriallıq tárepten xoshametlense olarda óz jumısına degen pıdayılıǵı artadı. Sonıń menen bir qatarda alım óziniń izertlew jumısında qadaǵalaw haqqında ayırıqsha toqtalıp ótilgen.

**РЕЗЮМЕ.** Основная цель данной статьи - показать, что совершенствование профессиональных компетенций будущих учи-телей физической культуры является требованием времени.

**SUMMARY.** The main goal of this article is to provide the fact that improving the professional competence of future physical edu-cation teachers.

### ЎҚУВЧИ ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШИ, МАДАНИЯТИ ВА ТАРБИЯВИЙ РИВОЖЛАНИШИДА АСТРОНОМИЯНИНГ ЎРНИ

Н.Б.Холбоева – катта ўқитувчи  
Наманган давлат университети

**Таянч сўзлар:** ер, қуёш, коинот, планеталар, дунёқараш, маданий тарбия, компьютер моделлари, кузатиш, фикрлаш.

**Ключевые слова:** земля, Солнца, Вселенная планеты, мировоззрения, культура, воспитание, компьютерные модели, наблю-дения, мышления.

**Key words:** earth, Sun, universe, planets, worldviews, culture, education, computer models, observations, thinking.

**Кириш.** Маълумки, астрономия коинот ҳақидаги энг қадимий фанлардан саналиб, у осмон жисмлари жойлашуви, ҳаракатлари, тузилиши, келиб чиқиши ва улардан иборат тизимлар ривожланишини ўрганади. Астрономияни ўзига хос томони шундаки, у дунёқарашни шаклланишига дахлдор чуқур маъноли саволларни кўриб ўтиш орқали бизнинг планетамиз чегараларидан ташқаридаги дунё ҳақида тасаввурни кенгайтириб, уларни ўрганиш билан бирга Ерни юқори даражадаги тизимлар элементи экани ҳақидаги тасаввурни шаклланишига олиб келади. Ўқувчиларни илмий дунёқарашини шаклланишида астрономияни муҳим аҳамиятга эгаллигини таъкидлаб, [1] ишда инсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда ижтимоий ҳаётдаги, Ердаги ва коинотдаги дунё бир бутунликда дунёқараш объекти эканлиги кўрсатиб берилган. Кўрамизки, дунёқарашни моҳиятига кўра, унинг муҳим

компонентлари бўлмиш коинотни билиш, ижтимоий ҳаёт қонун қоидаларини ва табиий борлиқни ўрганиш, инсонни қимликка етаклаб, билимли бўлиш билан бирга илмий дунёқарашни кенг шакллантиришга хизмат қилади.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ривожланишнинг бугунги босқичида жамиятнинг замонга мос ҳолда умумтаълим ва олий таълимдаги фундаментал фанларни ўқитишнинг такомиллаштиришга ва уларни амалий фойдали томонларини ўрганишга бўлган талабларини эътиборга олган ҳолда ўқувчи талабаларни илмий дунёқарашларини ва билимларини амалда қўллаб олиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган изланишлар жуда муҳим ҳисобланади. Бунда фундаментал фанлар ютуқлари билан уйғунликда ривожланиб, чексиз олам тасаввурини идрок этиб, инсонни кўп қиррали ривожланишида

астрономия фанини ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Шу маънода ўсиб келаётган ёш авлодни табиий илмий астрономик тасаввурини шакллантиришни долзарблиги жамиятни глобал ва масштабли фикрлайдиган кадрларга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Астрономия курсини ўқитиш методикасига бағишланган ишлар талайгина бўлиб, кейинги йилларда ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқитиш методикасини такомиллаштиришга қаратилган ишлар сони ортиб бормоқда [2,3]. Таъкидлаш жоизки, кўп ҳолларда астрономия ўқитишни мақсад ва вазифаларини бажаришда кўпроқ эътибор ахборот маълумотларга қаратилиб, ўқувчи талабаларни шахсга йўналтирилган, замон талабига мос, ҳар томонлама етук бўлиб шаклланишларида астрономияни аҳамиятли томонларини кўрсатиб берадиган адабиётлар жуда кам. Айниқса, ўқувчи талабаларни илмий дунёқараши ва кенг масштабли фикрлашда астрономияни ўрни юқорилигини кўрсатадиган адабиётлар деярли учрамайди.

**Тадқиқот мақсади.** Астрономия таълими ўқувчи талабаларни табиий илмий тасаввурларини шаклланишида салмоқли афзалликларга ва чексиз потенциал имкониятга эгаллиги ва дунёнинг илмий манзараси харитасини кенгайиб бориши билан замонавий илмий дунёқарашни шаклланиши, маънавий-маданий ва тарбиявий ривожланишдаги аҳамиятли томонларини ёритиш билан ўқувчиларни астрономияга қизиқишларини орттириш ва глобал фикрлаш юксак мақсадлар сари етаклашини кўрсатишдан иборат.

**Асосий қисм.** Маълумки, барча астрономик кузатишлар, қуёш тизимидан тортиб коинотдаги жамики жараёнлар фундамента фанларда амал қиладиган қонунлар асосида рўй бериб, астрономияни улар билан уйғунликда ўрганилиши табиий илмий тушунчалар билан маълумот савиясини орттиришига ва ўқувчиларни билиш қобилиятларини ривожланишига ёрдам беради. Шунингдек, нафақат илмий дунёқарашни шаклланишига, балки олинган билимлар ва кўникмаларни кундалик ҳаётда фойдаланиш самарасини орттиришга олиб келади. Дунёни тушунишдек стратегик мақсадга етиш эса, инсонни амалий ҳаракатларга ундайди [4]. Модомики шундай экан, фундаментал фанларни ўқитиш ва режалаштиришнинг такомиллашувида унинг аҳамиятидан келиб чиқиб иш юритмок лозим. Бу фанларни инсоният ҳаёт фаолиятидаги ўрни ҳақида кўп гапирилган бўлсада, уни такрор ва такрор оммалаштиришдан асло чарчамаслик керак. Чунки, фундаментал фанларни, айниқса, астрономияни ўқитилишининг моҳиятига кўра, биринчидан, у инсонга атроф олам ҳақида зарур ва муҳим билимлар манбаи бўлиб хизмат қилса, иккинчидан, инсон имкониятларини бойита бориб, уларнинг замон тараққиёти йўлида дадил қадам ташлашлари учун асос яратади, учинчидан, инсон маънавий қиёфасининг ривожини учун муҳим ҳисса қўшиб, унда маънавий-маданий бойликлар шкаласини даражалай оладиган тарздаги дунёқарашни шакллантиради [5].

Ҳақиқатдан ҳам, дунёнинг илмий манзарасини, ундаги мураккаб жараёнларни идрок этишда астрономияни ўрни беқиёс. Лекин астрономияни роли бу билан чекланиб қолмайди. Астрономия ва космосни ўрганиш ўқувчиларда инсоният тараққиётига йўналтирилган юқори даражадаги глобал масштабда фикрлашни ривожлантиришга ҳам катта ёрдам беради. Айтиш керакки, астрономияни ўқимаган ўқувчиларни кўпчилик қисми кундалик турмуш тарзига мос келадиган онг билан яшайди ва бундай ўқувчиларда астрономик жараённи мушоҳада қилишни кераги

бўлмайди. Натижада уларда энг муҳим хусусият, яъни табиий жараёнлар ҳақида мустақил мулоҳаза қилиш кўникмалари шаклланмайди. Чунки ҳар бир онг даражасига мос фикрлаш даражаси тўғри келиб, уни ривожланиши бўлмайди. Астрономияни ўқитилиши эса, ўқувчиларда кузатиш қобилиятларини орттиришга, фикрлашга, атроф муҳит муаммоларига қизиқиш билан қараб, ечими қандай бўлиши мумкинлигини идрок этишга, ҳодисаларни ўзаро боғлиқлигини ўрнатишга ва уларни тушунишга хизмат қилади. Бу фанни ўрганиш билан ёшларни ҳар қандай муаммоларга мустақил ёндаша оладиган қилиб тарбиялаш мумкин. Шу ўринда айтиш керакки, ҳозирги кунда астрономия фанини айрим мутахассисларга керак бўладиган махсус фан деб қарайдиганларга, аввало у билимлар манбаи бўлиши билан бирга ривожлантирувчи ва тарбияловчи вазифаларни бажаришини ва у барчага бирдай зарурлигини ўргатиб бориш керак. Астрономия заминидан ўзаро таъсирлар, улардаги боғланишларни объектив тарзда ўрганиш ётадики, уларни билиш орқали барча турдаги улкан коинот ҳодисаларига бўлган жараёнларда охириги мувозанатли ҳолат ўзаро таъсирлар мувозанати натижаси эканини ва буларни ўрганиш натижасида коинотни янада янги номаълум сирларини ўрганиш билан ўқувчиларни дунёни билиш ва катта масштабларда фикрлаш қобилиятларини ўсиб боришига эришиш мумкинлигини унутмаслик керак. Айниқса, астрономияни ўрганиш объектлари космосга қаратилганда ўқувчиларни одатий онг ва фикрлаш доиралари кенгайиб, Ердаги ва коинотдаги умуминсоний саналадиган муаммолар уларни ўйлашга мажбур эта бошлайди. Яъни қуёш тизими ва планетамизда ҳаётни сақланиши ва цивилизация давомийлиги қандай бўлишини англашга уринадилар. Вақт ва фазода миллиард йиллар ва миллиард парсеклар масофаларда рўй берадиган ҳодисаларни мушоҳада этиб глобал масштабда фикр юритишга ўрганадилар. Бунда ўқувчиларнинг ақлий характеристикаларини кўрсатувчи белгилардан аниклик, равшанлик, мантиқли, кенг ва чуқур мулоҳазалик, оригинал, танқидий, таҳлилий мустақиллик каби қизилар ривожланиб, қўшимча равишда яна глобал ва масштабли фикрлаш билан бойитилади [6]. Ўқувчиларни вақт ва фазода коинотни ривожланишини когнитив билиб боришлари фикрлаш даражаларини анча юқorigа олиб чиқиб, дунёга бошқача, космик назар билан қарашга одатланадилар. Яна таъкидлаш жоизки, астрономия фани ёшлар салоҳиятини ривожлантириб, коинот ҳақидаги илмий тасаввурларни ҳосил қилишда табиий фундамента билимларни узлуксиз ўрганишга ундайди ва энг муҳими ҳозирда кенг авж олган астрология, хурофот ва жаҳолатли қоронғуликка қарши иммунитетни кучайтиради. Ҳозирги сохта тўқима фанларни ахборот воситаларида кўпайиб оммани ўзига қаратаётган бир пайтда ўқувчиларни ахборот ва астрономик маданиятини олам тузилиши, унинг хоссалари ва унда инсонни ўрни ҳақида илмий тасаввурини шакллантириш ўта муҳим. Астрономик маданиятни, табиий илмий дунёқарашни ва глобал масштабларда фикрлаш қобилиятларини шакллантиришни мураккаблиги шундаки, биринчидан уларга фақат бир астрономияга таянмай, барча табиий фанлар тизими билан уйғунликда ўқитиш орқали эришилади. Иккинчидан эса, астрономия фани бошқалардан фаркли ўлароқ ўзига хос томонларга эгаки, унда қўлланаётган анъанавий таълим тизими энг содда астрономик кузатишларни ҳам истаган вақтда, керакли кетма кетликда ва кўп марта амалга оширишга имкон бермайди, шунингдек, коинотдаги кўплаб объектлар ва уларда рўй берадиган ҳодисаларни бевосита сезиш органлари орқали кузатиб аниқ тасаввурга эга бўлиш

кийин. Шунинг учун hozirgi kunda bunday muammolarni taʼlim jaraʼnida zamonaviy innovatsion pedagogik, yangi axborot kommunikatsiyasi va interfaol texnologiyalardan foydalaniib ўqitish orqali eriishi mumkin. Ayniqsa, Parsekli mashtablarida Kuʼsh tizimi galaktikalalar orasida kichik bir nukta-day borliqda turganini his etishga ʻrdam beradigan [7,8] ishlar-dayi kabi namoyishi maʼlumotlar bilan boyitib astronomiyani ўqitilishini yana-da samaraliroq natijalar beradi.

Bulardan foydalaniib ʻutilgan mashgʻulotlar asosida aytish mumkin, astronomiyani inson haʼtida ʻrni naqadar bekiʻs va uni ʻrganiish naʼakat ilmiy dunʻkarashi, keng mashtabli fikrashi, balki ʻsh avlodni maʼnaviy rivojlaniishiga ham

taʼsir kʻrsatadi. Shuning uchun astronomiyani tarbiyaviy imkoniyatlardan pedagogik amaliyatlarda foydalaniish katta ahamiyatga ega.

**Хулоса.** - Астрономияни ўқиш билан ўқувчи-талабаларда табиий илмий дунёкараш, глобал масштабда фикрлаш, маданий етукилик ривожлана бориб замон талабларига мос комиллик ва маънавий киёфа шакллана боради.

-Астрономия элементларини тушуниш зомонавий дунё харитасини манзарасини идрок этишга олиб келиб, фундаментал фанларни ўрганишга кизиқишни орттиради.

-Астрономияни маданий ва тарбиавий имкониятларини кўрсатиб ўтилиши ўқувчи талабаларда ақлий чизгиларни ривожланишига хизмат қилади.

#### Адабиётлар

1. Емец Н.П. Методические вопросы обучения студентов использованию Интернет-ресурсов по астрономии // Физика в школе и вузе: Международный сборник научных статей. СПб. Изд-во РГПУ им. А.И.Герсена. 2004, -С.275-279. (0, 2. (б.д.).
2. Емец Н.П. Использование интерактивных компьютерных моделей в обучении астрономии студентов физических специальностей педагогических вузов тема диссертации и автореферата 2009.
3. Гомулина Н.Н., Крылов А.И. Интерактивная модель Солнечной системы. CD-ROM. -М.: «Дрофа», 2009.
4. Гурина Р.В. Воспитательные возможности астрономии. //Ученые записки Забайкальского государственного университета. Серия: Физика, математика, техника, технология. 2009. №. 2. – С. 52-57.
5. Qoʻchqorov H.O., Yusupov D.A. Fundamental fanlarni oʻqitish samaradorligini oshirishning dolzarb muammolari va yechimlari //Academic research in educational sciences. 2021. T. 2. №. 11. - С. 448-455.
6. Создание интерактивных образовательных модулей по астрономии и космонавтике для ФЦИОР. Сборник трудов Международной конференции ИТО 2011.
7. Холбоева Н.Б., Тургунов С.Т., Кўчқоров Х.О. Астрономия фанини ўқитишда компьютер ахборот технологияларининг ўрни. //Современное образование (Узбекистан). 2020. №. 9 (94). – С. 88-93.
8. Предметный сайт учителя – опыт создания и применения. -М.: 2013.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу ишда астрономия ўқитилишини ўқувчи талабалар илмий дунёкарашини шаклланишидаги аҳамиятли томонлари кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, кенг масштабли фикрлаш қобилятларини ривожланишида космик фазодаги жараёнларни ўрни кўрсатилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной работе показано значительные стороны в формирование научного мировоззрения учащихся и студентов в обучения астрономии. А также, указано место космических процессов в развитии их масштабного мышления.

**SUMMARY.** This paper shows significant aspects in the formation of the scientific worldview of students and students in teaching astronomy. And also, the place of cosmic processes is indicated in the development of their large-scale thinking.

### ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ТИЖОРАТЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Н.Х.Ҳакимов** – *фалсафа фанлари доктори, профессор*

**Г.А.Бекбаев** – *техника фанлари номзоди*

*Тошкент давлат иқтисодий университет*

**Таянч сўзлар:** олий таʼлим, инновацион фаолият, молиявий мустақиллик, кафедра, тижоратлаштириш.

**Ключевые слова:** высшее образование, инновационная деятельность, финансовая независимость, кафедра, коммерциализация.

**Key words:** higher education, innovative activity, financial independence, department, commercialization.

**КИРИШ.** Сўнгги йилларда мамлакатимиз олий таʼлим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириб, давлат ва нодавлат олий таʼлим муассасалари фаолиятини ташкил қилиш вазифаси вужудга келди. Жамият тараққиётининг hozirgi davrida олий таʼлимнинг нодавлат, масофавий шакллари ташкил этиб кенгайтириш орқали ʻшларнинг олий таʼлим билан қамров даражасини 50% дан ошириш ва соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш масалалари демократик ислохотлар кўлами, инсон кадрини юксалтириш жараёни билан боғлиқдир. Фуқоралик жамиятини ривожлантириш жараёнида олий ўқув юртларида таʼлим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришнинг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепцияси босқичма-босқич жорий этилмоқда. Шу мунособат билан илмий тадқиқот жараёни, университетлар фаолиятини янада такомиллаштиришга, олий таʼлим муассасасининг молиявий, академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигига эришишдаги устувор масалалари ечимидаги муҳим вазифадир.

**АСОСИЙ ҚИСМ.** Тараққиётнинг янги босқичида олий таʼлим такомилидаги “Университет 3.0” дастури, бу фан, малакали кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини

тижоратлаштириш, уларни жадал суратда амалиётга татбиқ қилиш фаолияти билан шуғулланувчи олий ўқув юртларидир. Таъкидлаш лозимки, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетлари умумий сонининг атиги 0,3% “Университет 3.0” моделига мос деб тан олинган [1]. Ҳозирги даврда QS World University Rankings талқинига кўра дунёдаги топ 1000 олий ўқув юртлари рўйхатида юқори рейтингдаги Массачусетс технологиялар институти (Massachusetts Institute of Technology - MIT) [2], Стенфорд университети (Stanford University) [3] ва Гарвард университети (Harvard University) [4], “Университет 3.0” масалалари тизимли йўлга қуйилган ва ижобий натижалар билан ишлаб келмоқда.

Ривожланган давлатларнинг юқори малакали кадрлар тайёрлаш, илмий тадқиқот фаолияти тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда республикамиздаги олий ўқув юртларида ҳам тижорат хизматлар кўламини кенгайтириш ва илмий ишларнинг натижалари асосида шакллантирилган бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига:

– инновацион технологик парк ва инновацион марказлар ишини йўлга қўйиш;

– технологиялар трансфери марказларни ташкил этиш ва уларни рақамли иқтисодий талабларига мос суратда ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.


Замонавий олий ўқув юртлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллаётган “Инновацион технологик парк ва инновацион марказлар” – профессор ўқитувчилар ва докторантларга илмий фаолиятни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиладиган, фундаментал моддий-техника мажмуаси мавжуд бўлган ҳудудга мулк ҳуқуқи асосида эгаллик қилувчи юридик шахс ҳисобланади. Ушбу инновацион технопарк фаолиятининг асосий йўналишлари эса қуйидагилардан иборат:

- илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашга қўмаклашиш;
- олий таълим соҳасида инновацион тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам бериш;
- олий ўқув юртларининг етакчи профессор - ўқитувчилари томонидан таклиф этилган, илмий жиҳатдан асосланган, рақобатбардош аҳамият касб этадиган инновацион лойиҳаларни бошқаришни ташкиллаштириш;
- янги илмий ишланмаларнинг тажриба синовларини ўтказиш ва интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий асос берилишига қўмаклашиш;
- инновацион йўналишдаги илмий ишланмаларнинг амалиётга жорий қилиниш жараёнига маҳаллий ва хорижий инвесторларни ҳамда тадбиркорлик субъектларини жалб этиш.

Олий ўқув юртлари фаолиятининг модернизациялашуви технологиялар трансфери ишини фаоллаштиришни талаб қилади. Олий ўқув юртлари қошидаги технологиялар трансфери маркази фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- жамият янги тараққиёти талаблари мазмундаги ишланмаларни илгари суриш орқали ташкилий-техникавий, молиявий имкониятларини тадқиқ қилиш, уларнинг тадбиркорлик субъектлари талабига мослигини, рақобатбардошлигини аниқлаш асосида, бозор конъюктурасига мос суратда илмий тадқиқотларини ўтказиш;
- тадбиркорлик субъекти вакилларига малакали маслаҳат ва қўшма, муайян ҳолатда буюртма асосида лойиҳаларни шакллантириш, уларни илмий асослаш учун зарур бўлган хизматлар кўрсатиш;
- ижтимоий иқтисодий ривожланиш муаммолари ечими асосланган бизнес режалар тайёрлаш бўйича маслаҳат хизматларини ташкил қилиш;
- олий таълим муасасаси кафедралари базасида олиб борилаётган илмий ишларнинг техник, технологик ишланмалари учун зарур бўлган инвестицияларни жалб қилиш;
- технологиялар трансфери билан боғлиқ ахборотни тадбиркорлик субъектлари, турдош олий таълим муасасалари кафедраларига тарқатиш;
- илмий тадқиқотлар давомида қўлга киритилган натижаларни мунтазам суратда университет қошида ташкил қилинган илмий ахборотлар тўплами ва хорижий университетлар журналларида нашр қилишга тавсиялар бериш;
- илмий тадқиқот ишига бакалаврият ва магистратурани имтиёзли диплом билан тугатган ёшларни жалб қилиш ва улар учун зарур бўлган ижтимоий муҳитни шакллантириш.

Олий ўқув юртларидаги илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг бюджет ва бюджетдан ташқари манбалари сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин (1-расм).



1-расм. Олий ўқув юртлари илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни молиялаштириш манбалари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847 сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” фармони [5] ва ушбу концепцияда белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайтириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш мақсадида 2021 йил 24 декабрида иккита муҳим ПҚ-60 “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар” [6] ва ПҚ-61 “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари” [7] тўғрисидаги қарорлари қабул қилинди. Мазкур қарорларга кўра 2022 йил 1 январидан бошлаб республикадаги 35 та етакчи давлат олий таълим муассасаларига молиявий, академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллиги берилган, бу эса ўз навбатида ўз хўжалик фаолиятини, асосан давлат бюджети ва талабаларнинг тўлов-контракт маблағлари асосида юритувчи олий таълим муассасаларига янги манбалардан пул маблағларини ишлаб топиш заруриятини шакллантирди. Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллигини таъминлашда профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва инновацион фаолияти натижасида олинган инновацион маҳсулот ва хизматларни тижоратлаштиришнинг амалий аҳамиятига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР** Юқоридаги президент ва ҳукумат қарорларини чуқур таҳлили ва [8-10] да келтирилган илмий ишларнинг натижаси сифатида, олий ўқув юртларида илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

- олий ўқув юртларида фаолият юритаётган кафедралар қошида инновацион ишчи гуруҳларни тузиш, мавжудлари фаолиятини янги тараққиёт босқичи талаблари асосида мукамаллаштириш;
  - кафедраларда жамиятнинг янги ривожланиш даври талаблари, жумладан тадбиркорлик субъектлари илгари сураётган, илмий ечимлар зарур бўлган тадқиқот мавзуларини аниқлаш, муҳим мавзулар базасини яратиш, етакчи мутахассислар иштирокида муҳокама қилиш ва устувор аҳамиятга эга бўлган мавзулар атрофида илмий ишларни олиб боришни йўлга қўйиш;
  - кафедраларда яратилаётган интеллектуал, инновацион маҳсулотларни тизимлаштириш бўйича илмий ишлар реестрини тузиш.
- Олий ўқув юртларида молиявий мустақилликни таъминлаш мақсадида, факультетлар базасида қуйидаги қўшимча таълим хизматларини:
- халқаро қўшимча таълим дастурлари доирасида

малакали кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириб бориш;

– халқаро қўшма дастурлари тизимида таълим олиш, малака ошириш, қисқа муддатли маслаҳат курсларининг кафедралар ҳузурида доимий фаолият кўрсатиши учун, махсус аудиторияларни ажратиш ва уларни энг сўнгги техника жиҳозлари, компьютерларнинг замонавий авлодига мос комплектлари билан таъминлаш;

– малака ошириш институтларида мунтазам суратда жаҳондаги етакчи университетлар турдош кафедраларининг профессор-ўқитувчилари маърузаларини тингловчилар учун масофадан ўқитиш технологиясидан самарали фойдаланган ҳолда ташкил қилиш;

– ривожланган давлатлар етакчи университетлари кафедралари билан мунтазам иш олиб бориш учун,

#### Адабиётлар

1. <https://vuz.uz/news/universitet-30-tushunchasi-haqida> – Янги Ўзбекистон инфор­мацион портали;
2. <https://web.mit.edu> – Massachusetts Institute of Technology расмий сайти;
3. <https://www.stanford.edu> – Stanford University расмий сайти;
4. <https://www.harvard.edu> – Harvard University расмий сайти;
5. <https://lex.uz/docs/4545884> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847 сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” фармони;
6. <https://lex.uz/uz/docs/5793261> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-60 сонли “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори;
7. <https://lex.uz/docs/5793251> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-61 сонли “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори;
8. Ҳақимов Н.Х., Зулфикаров Ш.Х., Кадиров Н.Н. “Ўзбекистон янги таракқиёт босқичида”. –Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2022, 351-б.
9. Khakimov N.Kh. “Joint program for training competitive economists in the context of e-education development in Uzbekistan in the collection: Trends in the development of electronic education in Russia and abroad”. Materials of the I International Scientific and Practical Conference. –Ekaterinburg: 2020. –P.190-193.
10. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021, 464-б.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада жамият таракқиётининг янги босқичида Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ислох қилишнинг устувор вази­фа сифатида белгиланганлиги ва ушбу воқеликнинг янги таракқиёт жараёнидаги ўрни таҳлил қилинган. Мақолада профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва инновацион фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг олий таълимдаги ислохотлардаги аҳамиятини, кадрларнинг янги корпусини тайёрлашдаги халқаро тажрибалар, ушбу фаолиятнинг истикболдаги йўналишлари асосланган. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ўқув, илмий фаолиятини жадаллаштириш жараёнининг сифат кўрсаткичларини ошириш омилларидан ҳисобланган, илмий ишлар натижаларини тижоратлаштириш механизмлари мазмуни тадқиқ қилинган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируется роль реформы системы высшего образования Республики Узбекистан на новом этапе развития общества. Авторы попытались раскрыть цель, содержание и суть структурных реформ проводимых в университетской системе на современном этапе. Статья основана на международном опыте подготовки нового корпуса квалифицированных кадров, важности нормативно-правовой базы регулирующей научную и инновационную деятельность профессорско-преподавательского состава в реформировании высшего образования. В статье изучено содержание коммерциализации результатов научных работ, что рассматривалось как факторы повышения качественных показателей процесса ускорения образовательной, научной деятельности профессорско-преподавательского состава.

**SUMMARY.** The article analyzes the role of the reform of the higher education system of the Republic of Uzbekistan at a new stage of development of society. The authors tried to reveal the purpose, content and essence of the structural reforms carried out in the university system at the present stage. The article is based on the international experience of training a new corps of qualified personnel, the importance of the regulatory framework regulating the scientific and innovative activities of the teaching staff in the reform of higher education. The article examines the content of the commercialization of the results of scientific works, which was considered as factors of improving the quality indicators of the process of accelerating the educational, scientific activity of the teaching staff.

#### ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРНИНГ ЁШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗГАРИШЛАРИ

**Т.Ж.Жумабаев** – стажёр ўқитувчи

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали*

**Таянч сўзлар:** иродавий сифатлар, жасурлик, катъиятлик, аффе­ктив, кайсарлик, ўжарлик.

**Ключевые слова:** волевые качества, смелость, настойчивость, аффективность, упрямство, упрямство.

**Key words:** willpower qualities, courage, perseverance, affective, stubbornness, stubbornness.

Иродавий сифатлардан сабр-тоқатлиқнинг ёш билан боғлиқ ўзгаришларини М.Н.Ильин томонидан ўрганилган. Сабр-тоқатлиқнинг асосий ўсиш даври 15-16 ёшга тўғри келади. Бу факт шу билан изоҳланадики, бу ёшга келиб нерв системасининг кучи янада ривожланади [1].

Е.В.Эйдман: ўпкада нафасни ушлаб туриш машкидан фойдаланган ҳолда сабр-тоқатлиқ сифатининг ёш билан боғлиқ хусусиятларини очиқ бера олмайди. Балким бу тадқиқот олиб борилган текширилувчиларнинг камсонлилиги билан боғлиқдир. Бу вақтда шу билан бирга шу нарса аниқ бўлдики, кичкина синф ўқувчиларида иродавий зўр бериш ташқи стимуляция билан боғлиқ, юқори синф ўқувчиларида

университетлар аро ва кафедралар ўртасида тўғридан-тўғри шартномалар имзолаш, унинг амалиётда ишлаши учун зарур бўлган молиявий харажатларини қоплаш учун маблағлар ажратиш;

– олий таълим муассасаларининг биринчи курс­ларига ўқишга қабул қилишда иқтидорли ўқувчиларни, бўлажак талабаларни жалб қилиш жараёнидаги рақобатнинг муттасил ошиб бораётганлигини ҳисобга олиб, олий таълим муассасалари ҳузурида доимий ишлайдиган тайёрлов бўлими (Foundation курслари) ни ташкил қилиш, ушбу ўқув курсларида дарс олиб бориш учун малакали ўқитувчиларни таклиф қилиш, уларнинг самарали фаолиятини тингловчиларнинг олий ўқув юртларига қабул қилинганлик даражаси билан аниқлаш механизминини яратиш.

#### Адабиётлар

1. <https://vuz.uz/news/universitet-30-tushunchasi-haqida> – Янги Ўзбекистон инфор­мацион портали;
2. <https://web.mit.edu> – Massachusetts Institute of Technology расмий сайти;
3. <https://www.stanford.edu> – Stanford University расмий сайти;
4. <https://www.harvard.edu> – Harvard University расмий сайти;
5. <https://lex.uz/docs/4545884> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5847 сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” фармони;
6. <https://lex.uz/uz/docs/5793261> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-60 сонли “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарори;
7. <https://lex.uz/docs/5793251> – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-61 сонли “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарори;
8. Ҳақимов Н.Х., Зулфикаров Ш.Х., Кадиров Н.Н. “Ўзбекистон янги таракқиёт босқичида”. –Тошкент: “Иқтисодиёт”, 2022, 351-б.
9. Khakimov N.Kh. “Joint program for training competitive economists in the context of e-education development in Uzbekistan in the collection: Trends in the development of electronic education in Russia and abroad”. Materials of the I International Scientific and Practical Conference. –Ekaterinburg: 2020. –P.190-193.
10. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021, 464-б.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада жамият таракқиётининг янги босқичида Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ислох қилишнинг устувор вази­фа сифатида белгиланганлиги ва ушбу воқеликнинг янги таракқиёт жараёнидаги ўрни таҳлил қилинган. Мақолада профессор-ўқитувчиларнинг илмий ва инновацион фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асосларнинг олий таълимдаги ислохотлардаги аҳамиятини, кадрларнинг янги корпусини тайёрлашдаги халқаро тажрибалар, ушбу фаолиятнинг истикболдаги йўналишлари асосланган. Шунингдек, профессор-ўқитувчилар ўқув, илмий фаолиятини жадаллаштириш жараёнининг сифат кўрсаткичларини ошириш омилларидан ҳисобланган, илмий ишлар натижаларини тижоратлаштириш механизмлари мазмуни тадқиқ қилинган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируется роль реформы системы высшего образования Республики Узбекистан на новом этапе развития общества. Авторы попытались раскрыть цель, содержание и суть структурных реформ проводимых в университетской системе на современном этапе. Статья основана на международном опыте подготовки нового корпуса квалифицированных кадров, важности нормативно-правовой базы регулирующей научную и инновационную деятельность профессорско-преподавательского состава в реформировании высшего образования. В статье изучено содержание коммерциализации результатов научных работ, что рассматривалось как факторы повышения качественных показателей процесса ускорения образовательной, научной деятельности профессорско-преподавательского состава.

**SUMMARY.** The article analyzes the role of the reform of the higher education system of the Republic of Uzbekistan at a new stage of development of society. The authors tried to reveal the purpose, content and essence of the structural reforms carried out in the university system at the present stage. The article is based on the international experience of training a new corps of qualified personnel, the importance of the regulatory framework regulating the scientific and innovative activities of the teaching staff in the reform of higher education. The article examines the content of the commercialization of the results of scientific works, which was considered as factors of improving the quality indicators of the process of accelerating the educational, scientific activity of the teaching staff.

#### ИРОДАВИЙ СИФАТЛАРНИНГ ЁШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЎЗГАРИШЛАРИ

**Т.Ж.Жумабаев** – стажёр ўқитувчи

*Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали*

**Таянч сўзлар:** иродавий сифатлар, жасурлик, катъиятлик, аффе­ктив, кайсарлик, ўжарлик.

**Ключевые слова:** волевые качества, смелость, настойчивость, аффективность, упрямство, упрямство.

**Key words:** willpower qualities, courage, perseverance, affective, stubbornness, stubbornness.

эса бунда ички қизиқиш билан кечади (ўзини енгитиш, ҳаёлий мусобака) [3].

Н.Д.Скрябин 9 ёшдан 26 ёшгача бўлганларда иродавий сифатлардан жасурлиқни ўрганади. Эракк жинси вакилларида жасурлик 11-12 ёшдан 15-16 ёшгача босқичма-босқич ривожланиб боради. Шунга биноан жасурликнинг паст даражасини ўзида на­маён этувчилар 35%дан 11% гача пасайиб боради. Шундан сўнг, жасурлик сифатининг юқори даражасини ўзида акс эттирувчилар сони қисқариб, паст даражасини акс эттирувчилар сони 9-10 ёшли болалар ҳолатига­ча ўсиб боради, яъни 38%гача.

Қизларда ҳам шунга ўхшаш динамика кузатилади, лекин улар ўртасида жасурликнинг юқори даражасини акс эттирувчилар кам бўлади. 13-14 ёшда бундайлар

сони энг юкори кўрсаткичга эга бўлади. Аёллар орасида жасурликнинг паст кўрсаткичига эга бўлганлар сони эркакларга қараганда кўп бўлади, 9-10 ёшдагидан ташқари. Паст кўрсаткич бу ёшдан 21-22 ёшгача 27.5%дан 51%гача кўпайиб боради.

Жасурлик, асосан хар иккала жинс вакилларида жинсий етилиш пайтига келиб юкори даражага кўтарилади.

Жасурликнинг кўрсатиб ўтилган ёш динамикасини гормонал ўзгаришлар ва бундай ўзгаришлар билан боғлиқ нерв системасининг типологик хусусиятлари билан боғлиқдир. Жинсий етилиш даврида нерв системасининг кучи янада ривожланади, кўзгатувчи тормозловчидан устун бўлади.

Катъиятлилиқнинг даврий ўзгаришларини И.П.Петяйкин ўрганган. Хар иккала жинсдаги 7-8 ёшли болаларда қарор қабул қилиш учун энг кўп вақт сарфланган. Сўнг 9 ёшда бу вақт кўрсаткичи дарҳол пасаяди ва катта ўзгаришларсиз 13 ёшгача бир хил паст баландликда бўлиб туради. Бу пайтдан сўнг (14-17 ёшда) қарор қабул қилиш вақти чўзилади, бу дадиллик, катъиятлилиқнинг пасайишидан гувоҳ беради.

14 ёшдан бошлаб қизларда болаларга нисбатан катъиятлилиқ, жасурлик сифати паст бўлади. Бу уларга бажариш учун берилган хавфли топшириқларни бажаришда янада яққол кўзга ташланади. Мисол учун жисмоний машқларни бажаришдан (орқага йиқилиш) бош тортиш болалар ва қизларда турли ёшда ифодаланади. Болаларда ҳамма ёшда (8-9 ёшда кам миқдорда кузатилган) ҳам кузатилмаган, қиз болалар 10-11 ёшдан ташқари ҳамма ёш даврида бу машқни бажаришдан бош тортганлар.

Юкорида келтирилган иродавий сифатларнинг ёш динамикасига доир тадқиқотларда экспериментал методлардан фойдаланилган. Берилган методлар шуни исботлайдики, иродавий сифатларнинг ёш динамикаси хар хил вақтда турлича ифодаланади. Мисол учун, жасурлик ўғил болаларда, асосан жинсий етилиш даврида ёрқин намоён бўлади; сабр-тоқатлилиқ жинсий етилиш даври 15-16 ёшдан сўнг ўсиб боради; катъиятлилиқ 8-11 ёшда кўпроқ намоён бўлади. Жинсий етилиш вақти ва ундан сўнг сабр тоқатлилиқ ўсиб боради, жасурлик ва катъиятлилиқ пасайиб боради.

Илк боалиқ инсон онтогенизида унинг 1 ёшдан 3 ёшгача ўсиш даври алоҳида аҳамият касб этади. Чунки бу даврда инсон зотига хос энг муҳим сифатлар, характер хислати, атроф муҳитга, ўзгаларга муносабат, хулқ атвор, тафаккур ва онг каби психик акс эттиришнинг турли кўринишлари шаклланади.

Буларнинг барчаси қарама-қаршиликлар кураши остида таркиб топади. Боланинг юришга уриниши, турли нарсалар билан овуниши ва машғул бўлиши имкониятлари кенгайиши, унинг катталарга бевосита тобелиги, уларга боғлиқлиги нисбатан камайишига олиб келади. Бир ёшли ва ундан сал ошган боланинг хар хил харакатли ўйинларда муваффақиятсизликка учраши кўзлаган ишни бажаришидаги нохуш кечинмалар унинг руҳий дунёсида дастлабки жазава (аффектив) туйғу ва хисни вужудга келтиради.

Боря (1 ёшда) 84 маротаба металл кофе қайнатгичнинг қопқоғини кўтариб туширди. Пружинанинг харакати натижасида қопқоқ қаттиқ овоз чиқарган ҳолда жойига қайтиб келарди. Бол бир сесканиб тушарди ва яна гўё ўз харакати ва қопқоқнинг пастга тушиши ва овоз ўртасидаги боғлиқликни текшириш мақсадида қопқоқни кўтарарди.

2 ёшдан 3 ёшга ўтиш вақтида нуткнинг регулятив функцияси асоси шаклланади. Болаларда катталарнинг иккита сўз сигналларига билдирадиган реакцияси улардаги иродавий сифатларнинг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Булар боланинг хоҳиши эътиборга олинмай бирон харакатни талаб қилувчи “керак” сўзи

ва бола хоҳишини таъқиқловчи “мумкин эмас” сўзи. Бу ёшда бола хатти харакатлари реал ташқи стимуллар таъсирида назорат қилинади.

С.Я.Рубинштейн ёш болаларни ўзини назорат қила олмайдиган, импульсив қизиқувчанлик ва инстинктлар асосида харакат қилади деб ҳисоблаш нотўғри деб билади. Болалар хатининг 3-йилидаёқ ўзини тутабилишлик хусусиятига эга бўлади. Бу уларнинг ўзлари учун ёқимли бўлган бирон нарсадан воз кечишларида кузатилади, шунингдек ёқимсиз аммо қилиш керак бўлган бирон нарсани бажаришида намоён бўлади. Тахминан шу вақтда (3-4 ёшда) бола ҳамма вақт ҳам хоҳлаган ишини қилиши мумкин эмаслигини тушина бошлайди. Бу шундан далолат берадики, болалар ўз эҳтиёжларини чеклай биладилар. Бу вақтда танловчанлик (мисол учун иккита севимли ўйинчоқдан биттасини танлаш) ҳали қийин бўлади.

3 ёшга келиб, баъзан ундан ҳам эрта, болаларда мустақилликка интилиш пайдо бўлади. Уларда “Мен ўзим” туйғуси шаклланади. Катталарнинг ёрдамига қатъий қарама-қаршилик кўрсата бошлайди. Ёш болага бунинг ўрнига бошқа нарсани қил деган буйруқдан кўра, бирон нарсани қилма деган буйруққа бўйсунуш анча мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун катталар учун ўз талабларини негатив кўринишда эмас, балки позитив кўринишда ифодалашлари фойдали бўлади. Мисол учун “Сен энди катта қизсан, қани кўрсатчи сен буни қандай қила оларкансан”.

3 ёшли болалар агар бу улардаги қониқиш туйғусини оширса, ўзларида сабр ва чидамни намоён қиладилар [4].

Е.П.Ильин болаларда ҳақиқий сабот бироз кеч намоён бўлади деб ҳисоблайди. Бу 6-8 ёшдаги болаларнинг аниқ мақсадга қаратилган спорт ёки музика билан шуғулланишларида кўринади [1].

Мактабгача ёш даври.

Бу ёшда ўйин ёши бирмунча фаоллашади. Мадомики ўйин фаолияти мактабгача ёшдаги болаларда асосий фаолият экан, бола билан биргаликда қандайдир ўйин ўйнаш унда иродавий сифатларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

4 ёшдан бошлаб ўз харакатларини назорат қилиш ривожланиб боради. 4-5 йилда болалар катталарга қулоқ сола бошлайдилар, қандайдир мажбуриятни бажармаслик оқибатида катталар олдида айбдорлик ҳиссини сеза бошлайдилар. Бу ёшда бола иродавий ривожланишда олдинга катта қадам ташлайди, яъни у бирон бир топшириқни бажаришни ўз зиммасига ола бошлайди. 6 ёшли бола ўзида мақсад танлашда ташаббускорлик, мустақиллик, қатъийликни намоён қилади.

Катта мактабгача ёш давридаги болаларда бирон бир фаолиятни амалга оширишда “керак”, “мумкин”, “мумкин эмас” сўзлари асосий ўринни эгаллайди. Бу болада ирода кучининг биринчи маротаба мустақил намоён бўлишидир.

Бирок бу ёшдаги болалар учун ирода кучининг салбий намоён бўлиши ҳам характерлидир. Бу улардаги қайсарлик, ўжарлик, ўзбошимчиликда намоён бўлади. А.П.Ларин шуни кўрсатадики, болалардаги ўжарлик уларнинг мустақиллигини, эркинлигини кескин чеклаш, шунингдек, назоратсизлик натижасида келиб чиқади.

Кичик мактаб ёши.

Боланинг мактабга чиқиши унинг иродавий сифатлари ривожланишидаги янги босқич бошлангани кўрсатади. Унга қўйилган талаблар таъсирида сабр тоқат сифати кучли ривожланади. Ва бу бола хулқ атворидаги интизомлилик шаклланишига асос бўлади.

Е.И.Игнатьев, В.И.Селиванов ва бошқаларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, 1-3 синф ўқувчиларида ақлий фаолиятларида иродавий зўр бериш ёрқин

намоён бўлади. Улар энди ихтиёрий ақлий ҳаракатларни тартибга сола бошлайдилар: ихтиёрий эса олиб қолиш, ўқув материални эсга тушириш, ихтиёрий диққат, йўналтирилган ва барқарор кузатувчанлик, масалаларни ечишдаги қатъийлик ва бошқалар [5].

Агар 1-2-синф ўқувчилари иродавий ҳаракатларни катталарнинг, шунингдек, ўқитувчининг кўрсатмасига биноан амалга оширган бўлса, энди 3-синфга келиб иродавий актларни ўзларидаги мотивлар таъсирида амалга оширадилар. Керак бўлган пайтда болалар бирон бир ҳаракатдан ўзини тия оладилар, мисол учун, қараш таъқиқланган нарсалар бўлганда юзларини бошқа ёққа бурадилар (Чхарташвили) ёки бошқа иш билан машғул бўладилар. Ўқувчилар дарсга қизиқиши бўлган ҳолатда ўзларида матонатни намоён қиладилар. Мисол учун, С.И.Хохлов шунинг кўрсатадики, қачонки ўқувчиларнинг иродаси паст ривожланган бўлса ҳам предметга нисбатан қизиқиш бўлса ўзларида юқори ва мустақкам фаолликни намоён қилади, севимли бўлмаган предметларни ўзлаштиришда фақатгина иродавий сифатлари юқори ривожланган ўқувчилар фаоллик кўрсата оладилар. Бу ёшда болаларда иродавий механизмлар ташқи таъсирларга берилиб кетмаслик даражасида хали ривожланмаган бўлади. Кичик синф ўқувчилари тез-тез ҳолларда иродавий фолликларини катталарнинг эътиборини, ҳурматини қозониш учун намоён этадилар.

Мустақилликка интилишнинг ва ўзини англашнинг кучайиб бориши бошланғич синф ўқувчиларини умумий қонун-қоидаларга бўйсунмасликка туртки бўлади. Бундай ҳулқ-атвор орқали улар ўзларининг улғайганлиги ва мустақиллигини ифодалайдилар. Баъзан ўзларининг қарорлари, фикрлари ва ҳаракатларини ҳимоя қила туриб қайсарлик қиладилар. Хаттоки ноҳақ эканликларини билсалар ҳам болалар ўз қарашларини астойдил ҳимоя қиладилар. Кичик мактаб ёшидагиларнинг қайсарлиги қатъийлик сифатида баҳоланади. Ўқув фаолиятида қайсарлик қилиш учун баҳона бўлиб ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги “ноҳақ қўйилган баҳо” хусусидаги конфликт хизмат қилади. Бундай ҳолат асосан ўқитувчи болага муттасил равишда танбеҳ берган ҳолатда, уни мактамаган ҳолатда кўп учрайди. Бундай ҳолатда қайсарлик қатъий норозилик сифатида вужудга келади ва дарсга жавоб бермаслик ёки ўқитувчининг талабларига бўйсунмаслик сифатида намоён бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларда жасурликнинг намоён бўлиши унинг тенгқурлари даврасида эканлигига боғлиқ. Маълумки, жуда кўп ҳолларда боласини сузишга ўргатмоқчи бўлган ота-оналар фарзандини чуқурликка олиб бора олмайди. Лекин жисмоний тарбия дарсида 1-синфларни сузишга ўргатиш чоғида ҳамма болалар, ўз имкониятларини ҳисобга олмай чуқур сувга сакрашади.

Кичик мактаб ёшидаги болаларда вазминликни тадқиқ этган олима Иванова В.Ф. айтадики, агар би-

ринчи синф ўқувчилари юқори кўрсаткичдаги вазминликка эга бўлсалар, ўз имкониятларини сустанглайдилар ва намоён қиладилар. Таъсирчан болаларга қараганда кизлар вазминроқ бўладилар (Е.И.Игнатьев, В.И.Селиванов). Муаллифлар буни, асосан оиладаги шароит билан тушунтирадилар. Оилада асосан уй ишлари юзасидан кўп вазифалар қизларга юклатилади ва бу уларда босиқликни шаклланишга сабабчи бўлади.

С.А.Петухов шунинг кўрсатадики, учинчи синф ўқувчилари ўйин ва ўқиш жараёнида иш фаолиятига қараганда кўпроқ ташаббускор бўлишар экан. Матонатлилик кичик синфдагиларда хали яхши ривожланмаган бўлади. Болалар матонат, қатъийликни ҳаракатли ўйинларда яхши намоён қилишлари мумкин, лекин бу уй вазифаларини бажаришда етарли эмас.

Ўсмирлик даври.

Ўсмирларда мустақилликка интилиш кичик мактаб ёшидагиларга нисбатан фаркланади. Тартиб интизомлилик даражаси пасайиб кетади, ўжарлик, қайсарликнинг намоён бўлиши кучаяди. Бу қисман ўз менини қарор топтириш, шахсий фикрини ҳимоя қилиш, катталарнинг маслаҳатини ўзининг нуқтаи назарига нисбатан танқидий ҳисоблаш сабабли келиб чиқади. Сабр тоқатлилик, қатъийлик фақатгина қизақирли ишларда намоён бўлади. Ўсмирлардаги жинсий етилиш уларнинг иродавий жиҳатларининг ўзгаришига олиб келади. Нерв системасидаги қўзғалувчанликнинг ортиб кетиши тақикларни қабул қилишни қийинлаштиради, ўзини назорат қилиш пасайиб кетади.

Бу ёшда жасурлик сифати ривожланиб боради. Ватанпарварлик туйғулари таъсирида ўсмирлар катта қаҳрамонликлар кўрсатишлари мумкин. Бундай ҳолат II жаҳон урушида кўп кузатилган. Ўша даврда В.И.Камишова ва И.К.Петровларнинг кўрсатишича 12-14 ёшдаги ўсмирлар ўзларидаги иродавий сифатларга юқори баҳо берганлар, асосан сабр тоқатлилик ва ғайратлилик сифатларига юқори баҳо берганлар. 12 ёшли ўқувчиларда асосий иродавий сифатларнинг ривожланишида дисгармония кузатилади, 13 ёшга келиб бу ҳолат изига тушиб кетади. 15 ёшли ўсмир энди ўзининг асосий иродавий сифатларини тўғри баҳолай бошлайдилар, ўзига берган баҳоси ва атрофдагиларнинг баҳоси мос тушади. Лекин улар ўзларидаги собитқадамлик, матонатлилик, мустақиллик каби сифатларга юқори баҳо беришга мойил бўладилар. Ирода кучини аниқлашга доир олиб борган тадқиқотимизда 67 нафар синалувчилар иштирок этдилар. Ўтказилган тадқиқотдан шу нарсга маълум бўлдики, 22-25 ёш оралиғида бўлган талабалар кучсиз ирода натижасини қайд этмаган ҳолда, уларда кучли ирода кўрсаткичи 26.6% ни ифодалаган. 14-15 ёшли мактаб ўқувчилирида эса кучсиз иродага эга бўлганлар 5.7% ни ташкил этган ҳолда, юқори ирода кўрсаткичи 19% ни ташкил этган. Бу натижалар ўсмирларнинг иродавий сифатлари хали тўла тўқис шаклланма-ганлигидан далolat беради.

#### Адабиётлар

1. Ильин Е.П. Психология воли. -Питер: 2009.
2. Гозиев Э.Ф. Психология. -Тошкент: 2010.
3. Эйдемн Е.В. Волевая регуляция деятельности в условиях предельного напряжения. Тип диссертации: Кандидатская. - Москва: 1986.
4. Рубинштейн С.Я. Психология умственно отсталого школьника. -Москва: 1986.
5. Селиванов В.И. Воспитание воли школьника. -Москва: 1954.
6. www.koob.ru

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада иродавий сифатларнинг ёш билан боғлиқ ўзгаришлар баъзи олимларнинг нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Айниқса, ёш билан боғлиқ айрим иродавий сифатлар бўйича таҳлиллар ўтказилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье обсуждаются возрастные изменения волевых качеств с точки зрения некоторых ученых. В частности, были проведены анализы некоторых волевых качеств, связанных с возрастом.

**SUMMARY.** In this paper, age-related changes in willpower traits are discussed from the perspective of some scholars. In particular, analyzes were conducted on some volitional qualities related to age.

## ЎҚУВЧИЛАР ВА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ САНОГЕН ФИКРЛАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

О.Ю.Карахонova – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Қариш давлат университети

**Таянч сўзлар:** саноген фикрлаш, профилактик дастурлар, эркинлик, ҳиссий импульсивлик, психофизик хусусият, патоген хусусият, соғлом таълим, психогимнастика, автоген машғулотлар.

**Ключевые слова:** саногенное мышление, профилактические программы, свобода, эмоциональная импульсивность, психофизическая особенность, патогенетическая особенность, здоровое образование, психогимнастика, аутогенные упражнения.

**Key words:** sanogenic thinking, preventive programs, freedom, emotional impulsivity, psychophysical feature, pathogenetic feature, healthy education, psychogymnastics, autogenic exercises.

Ҳар қандай жамиятда ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда болалар ва ўсмирлар саломатлиги муҳим ва долзарб муаммо ҳисобланади. Уларнинг ақлан ва маънан саломатлиги мамлакат келажагини, миллат генофондини, илмий-иқтисодий салоҳиятини белгилаб бериш билан бирга демографик кўрсаткичлар каторида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг сезгир барометри ҳисобланади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги таълим тизимида ўқувчиларга ўқув юкнамаларининг ҳаддан зиёд кўплиги ва ҳаёт тарзининг камҳаракатсизлиги ва нотўғри овқатланиши ўқувчиларнинг соғлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бу вазиятдан чиқиш йўли ўқувчиларда саноген фикрлашни шакллантиришдир.

Маълумки, фикрлаш услуби, яъни ҳаётимизда юзага келган воқеаларни идрок этиш, баҳолаш ва бошдан кечиришда фикрлаш тарзимиз инсон муносабатларини, соғлигини бузиши ёки аксинча яхшилаши, муваффақиятга эришишга кўмаклашиши ёки тўсқинлик қилиши мумкин.

“Ички зиддиятни, кескинликни камайтирадиган, ҳис-туйғуларни, эҳтиёж ва истакларни назорат қилиш имконини берадиган ва шунга мос равишда касалликларнинг олдини оладиган фикрлаш”-рус олими Ю.М.Орлов таърифича **саноген фикрлаш** деб атайди.

Ю.Орлов инсон тафаккури ва унинг аҳамияти тўғрисида қуйидаги фикрни билдирган: «Инсоннинг тафаккури қанчалик соғлом бўлса, унинг руҳияти, жисми шунчалик соғлом эзгуликка йўналган бўлади. Одамнинг фикрлаши қанча соф эркин бўлса, у шунча зарарсиз фикрлайди, шукрли, сабрли ва бегараз бўлади. Бугунги кунда гўзал ҳулқ, тўғри ақида асосида тарбияланган, эҳтиёткор, соғлом фикрлай оладиган фарзанд ҳаётда ақл-идрок билан иш тутта олади. Иймон-этиқодда собит туради, эркин ва мустақил фикрлай олади, турли алдовларга учмайди ҳамда ғаразли ташвиқотларга берилмайди. Бундай сифатларга эга шахс соғлом тафаккур эгаси саналади. Демак, фарзанд ёшлигидан соғлом эътиқодли, билимли, одобли ва шижоатли бўлиб вояга етиши учун фойдали илм ва кўникмалар билан банд бўлишлари муҳим вазифадир» [1].

Маданият талаблари билан дастурлаштирилган одатий ва автоматизмлар ҳукмрон бўлган оддий фикрлаш патоген тафаккур, яъни касалликни келтириб чиқарадиган носоғлом фикрлаш деб аталади.

Ўқитувчи ўқувчи тафаккурини ривожлантиришда турли типдаги тафаккур ривожланишининг психологик-педагогик қонуниятларини билиши ва ижодий, назарий, дивергент, саноген тафаккур турларини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериши керак.

Соғлиқни сақлашнинг долзарблиги, шунингдек, саноген тафаккурни шакллантиришнинг долзарблиги эмпирик фактдан келиб чиқадики, ҳозирги вақтда инсон инфекциялардан эмас, балки нотўғри турмуш тарзига, оғир руҳий тушқунлик ва депрессиядан вафот этади. Унинг оқибатларини саноген фикрлашни яхшилаш орқали бартараф этилиши мумкин.

Шу муносабат билан мактаб ўқувчиларининг саломатлиги учун асосий юк ва масъулият бошланғич синф ўқитувчилари зиммасига тушади. Шу сабабли, саноген фикрлашни шакллантириш учун профилактик

дастурларни топиш ва ишлаб чиқиш муаммоси долзарб ҳисобланади.

Бошланғич мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий меъёрлар ва ҳулқ-атвор қоидаларини ўзлаштириш содир бўлади. Психологларнинг таъкидлашича, боланинг ахлоқий тарбияси мактабдан анча олдин бошланган, унда тизимлаштирилган хусусиятга эга бўлади.

Айнан мактаб даврида бола ахлоқий талабларнинг аниқ ва батафсил тизимига жавоб беради, уларга риоя қилиш доимий ва мақсадли назорат қилинади. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, етти ёшдан саккиз ёшгача бўлган болалар ахлоқий меъёрлар ва қоидаларнинг маъносини аниқ тушунишга, уларни ҳар куни амалга оширишга психологик жиҳатдан тайёр.

Мактаб ёшидаги ўқувчининг шахсиятида саноген тафаккурнинг биринчи элементлари пайдо бўлади, шуни ҳулоса қилишимиз мумкинки, бу ёшда бола аллақачон саногеник фикрлаш ва унга мос келадиган ҳатти-ҳаракатларни шакллантириш учун етарлича тайёрланган бўлади.

Шундай қилиб, эркинлик (ихтиёрийлик), ҳаракатнинг ички режаси ва мулоҳаза юритиш мактаб ёшидаги ўқувчи шахсининг энг муҳим янги шаклланиши ҳисобланади. Бу хусусиятлар боланинг саноген тафаккурининг асосини ташкил қилади.

Мактаб ёшидаги ўқувчи томонидан ахлоқий, интизомий меъёрлар ва қоидаларни ўзлаштириш уларнинг ҳис-туйғуларига сезиларли даражада таъсир қилади. Туйғуларнинг намоён бўлишида вазминликнинг кучайиши, онгли равишда амалга ошади. Ўқувчи одатда ўзларининг қайфиятларини қандай бошқаришни билишади. Шу билан бирга, баъзи болалар ҳиссий импульсивликни ва ҳатто аффектив ҳолатни ўзларида кўрсатадилар.

Бунинг асосий сабаби истаклар даражаси ва уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги номувофиқликдир. Агар истакларни қондириш учун ҳеч қандай восита бўлмаса, унда хавотир, ғазабланган реакцияларда намоён бўлади. Бундай эмоционал бузилишларнинг олдини олиш учун саноген фикрлашни шакллантиришга алоҳида эътибор бериш керак.

Психологияда ўқувчиларнинг психофизик ва ахлоқий саломатлигини сақламадан ва ривожлантирмасдан туриб, улар томонидан олинган билимлар ўз қийматини йўқотади, деган фикр мавжуд. Шу сабабли, саноген фикрлаш болалар психикасини яхшилашга ҳамда педагогик жараёнини оптималлаштиришга ҳисса қўиши мумкин.

Ўқувчи ўзининг психофизик хусусиятларига кўра ноёб бўлгани каби, ўқитувчи ҳам ўзига хосдир. Ўқитувчи фаолияти нафақат унинг касбий компетенцияси даражасини, балки жисмоний, ақлий ва ижтимоий фаровонлик даражасини, умумий ва педагогик маданият даражасини, шахсий хусусиятларни ҳам акс эттиради.

Болаларнинг мактабда дарсларни ўзлаштира олмаслиги ва қолиб кетиши сабабларининг 95% га яқини уларнинг руҳий соғлигининг ёмонлиги билан боғлиқ бўлиб, бу болаларга ақлли, меҳрибон, эътиборли ота-оналар ва ўқитувчиларнинг етишмаслиги, яъни уларнинг бепарволиги, бефарқлиги ва ҳатто қалбнинг қаттиқлигидан келиб чиқади. Шу сабабли, бўлажак

ўқитувчининг таълим ва тарбиясини бошлаш учун асосий нарса - бу болалар ва ўз саломатлигини сақлаш қобилиятини шакллантириш. Бунда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқ саноген тафаккурини шакллантириш бебаҳо хизмат қилиши мумкин [2].

Муваффақиятнинг аниқланиши ўқувчига эришган ютуғини нишонлаш, тан олиш қувончини ҳис қилиш, бошқалар томонидан ҳурмат, келажакка ишонишга ёрдам беради. Ўқитувчи боланинг ўзи ва унинг атрофидагиларнинг эътиборини муваффақиятга қаратиб, унинг тафаккурини саноген йўлга йўналтириши мумкин. Умумлаштирувчи муваффақиятга эришилганда, уни кутиш аста-секин барқарор эҳтиёжга айланади.

Шу асосда ўқувчида саноген тафаккур элементлари шаклланади: ўзига бўлган ишонч, хавфсизлик ҳисси. Бироқ, ўқувчида патоген хусусиятларнинг пайдо бўлиш хавфи мавжудлигини ёдда тутиш керак: ўз имкониятларини ортиқча баҳолаш, хотиржамлик, муваффақиятга эришиш истаги. Юқорида тавсифланган муваффақият турларини билиш ўқитувчига ўзининг педагогик салоҳиятини реал тасаввур қилиш ва уларни ташкил этиш усулларини танлашда тўғри ҳаракат қилиш имконини беради.

Саноген фикрлаш когнитив жараёнларнинг оптимал ишлаши ва онгнинг ижобий фазилатларини шакллантириш учун ички шароитларни яратди.

Олинган натижалар бизга қуйидагиларни тасдиқлашга имкон беради [3]:

1. Умумтаълим мактабининг ривожланиши туб ўзгаришлар йўлидан бориши керак, бунинг асосини “соғлом таълим” тизими ташкил этади. Бундай тарбиянинг мақсади жамиятда имкон қадар узоқ ва бахтли яшашга қодир соғлом инсонни шакллантириш, ҳар бир боланинг соғлиғини ирсиятга мос равишда мақсадга мувофиқлик тамойили асосида шакллантиришдир. “Соғлом таълим” тизимининг стратегияси барча конституциявий ва ирсий ижобий томонларни ўз вақтида ва тўлиқ ривожлантиришга, салбий мойилликларни тузатишга қаратилган бўлади.

2. Саноген тафаккур когнитив жараёнларнинг (диққат, тасаввур, хотира, идрок) оптимал ишлаши ва онгнинг ижобий сифатларини (ақллилик,

мослашувчанлик, мустақиллик, танқидийлик, онгда ҳаракат қилиш қобилияти) шаклланиши учун ички шароитларни яратди.

3. Мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқув жараёнида саноген тафаккурнинг шаклланиши кетма-кет ўзаро боғланган ҳодисалар тизими орқали содир бўлади:

- тарбиявий ишлар инсон танасининг такомиллашишига ва соғлом турмуш тарзини олиб боришга ёрдам беради;

- диагностика ишлари болаларнинг соғлиғи даражасини аниқлашни таъминлайди (функционал ҳолатлар ва оғишлар, ҳиссий чарчок ва мактаб ўқувчиларининг ортиқча ишлашини аниқлаш);

- профилактика ишлари - таълим, тарбия ва соғлиқни сақлаш тизимларидан фойдаланишнинг мақбул режимларини ишлаб чиқишни таъминлайди;

- коррекцион (тузатиш) ишлар- ўз-ўзини такомиллаштириш кўникмаларини сингдиришга ва психикани яхшилашга ёрдам беради.

4. Психогимнастика, автоген машғулотлардан фойдаланган ҳолда мактаб ўқувчиларининг фаолиятини куриш ижобий ўзгаришларда намоён бўладиган саноген тафаккур элементларини самарали шакллантириш имконини беради:

- ўқувчиларда саноген фикрлаш одатлари ва кўникмаларини мақсадли шакллантиришга кизиқишни ошириш;

- идрок, хотира, тасаввурни ривожлантириш;

- мушоҳадани, ички эркинлик ва бўшлиқни ривожлантириш;

- ўзига ва бошқаларга муносабатни ўзгартириш;

- мулоқот ва ташкилотчилик қобилияти даражасини ошириш;

- ўзини, ҳис-туйғуларини, хатти-ҳаракатларини назорат қилиш қобилияти.

5. Ўтказилган тадқиқотлар мактаб ёшидаги ўқувчиларда саноген тафаккурни шакллантириш, шунингдек, уларда ўз-ўзини такомиллаштириш ва руҳий саломатликни яхшилаш кўникмаларини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатади.

#### Адабиётлар

1. Орлов Ю.М. Мышление, дарящее здоровье и успех. // Воспитание школьников. -М.: 1992.
2. Васильева Т.Н. Формирование саногенного мышления младшего школьника. Учеб. Пособие. - Калининград : Калинингр. гос. ун-т, 1997.
3. Васильева Т.Н. «Формирование саногенное мышления младшего школьника». -К.: ГИПП «Янтарный сказ», 1996.
4. Гасанова Д.И. Саногенное мышление: вопросы теории и практики. - Дагестанский ГПУ, 2004.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада саноген фикрлаш муаммоси, унинг долзарблиги, ўқувчиларда саноген фикрлашни ривожлантиришда ўқитувчининг роли, саноген фикрлашнинг ривожланишига таъсир этувчи омилларнинг ижтимоий фаолиятда намоён бўлишининг ижтимоий-психологик ва педагогик жиҳатлари ёритилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассмотрена проблема саногенного мышления, ее актуальность, роль педагога в развитии саногенного мышления у учащихся, социально-психологические и педагогические аспекты проявления факторов, влияющих на развитие саногенного мышления в общественной деятельности.

**SUMMARY.** The article deals with the problem of sanogenic thinking, its relevance, the role of the teacher in the development of sanogenic thinking among students, the socio-psychological and pedagogical aspects of the manifestation of factors influencing the development of sanogenic thinking in social activities.

#### ФАРИДИДДИН АТТОРНИНГ МАШҲУР ТАСАВВУФИЙ АСАРЛАРИ ВА УНДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИНИ АКС ЭТИШИ

**А.А.Матмуратов** – мустақил тадқиқотчи

Урганч давлат университети

**Таянч сўзлар:** «Аёл садокати», «Аёл ишки», «Бектош ва Робиа», «Сулаймон ва чумоли», «Кўкармасдан бурун мева берган дархатлар», «Ит ва суфий», «Иброҳим Адҳам ва дарвиш».

**Ключевые слова:** «Женская верность», «Женская любовь», «Бекташ и Робиа», «Соломон и муравей», «Деревья, которые плодоносили без синяков», «Собака и суфий», «Ибрагим Адхам и дервиш».

**Key words:** "Women's loyalty", "Women's love", "Bekdash and Robia", "Solomon and the ant", "Trees that bore fruit without bruising", "Dog and Sufi", "Ibrahim Adham and Dervish".

Аттор асарларидан “Тазкирату-л-авлиё” Мансурнинг 988 қиссада авлиё ва сўфийларнинг тарихи, саргузаштлари, сўзлари, хатти-ҳаракатлари, эътиқодларини қамраб олган асаридир. Тадқиқотчилар

унинг яратилган йилини 1219-йилда ҳисоблашган. Бу асар Абдуррахмон Суламийнинг “Табакати сўфий”, Қурайшийнинг “Рисолату-л-Қурайшия”, Ҳужвирийнинг “Қашфул-л-Маҳжуб” ва ўз навбатида “Нафаҳоту-

л-унс...” асарлари асосида яратилган. Жомий чуқур услубий ва ғоявий таъсир кўрсатди. Бу асарда иккита яхши хислат бор; соддалик ва гўзаллик яққол намоён бўлади. Атор шеърятда инқилоб яратди. У чиндан ҳам шеър мазмунини янгилай олди ва шу йўл билан мактаб соҳибига айланди, бўлажак нотиклар уни хурмат билан устоз дейишди.

“Атор” бўйича тадқиқотчиларни кўп ўйлантириб келган муаммо бу унга насиб қилинган барча асарлар ҳақиқатан ҳам унинг қаламиданми, деган савол. Бу икки фактнинг кузатилиши билан олдинга чиқди; биринчидан, бу асарлар орасида услуб жиҳатидан сезиларли фарқлар бор, иккинчидан, уларнинг аксарияти суннийлик мазҳаби борасидаги муаллифнинг байъати эканлигини билдиради. Ушбу икки мезон бўйича турли ишларни таснифлаш деярли бир хил натижаларни беради. Атор ижоди тадқиқотчиларидан профессор Курбон Восе унинг “Футуватнома мазмун”ини ёшлик маросимидаги энг яхши асар деб ҳисоблаб, “Футуватнома”ни ёзган шоир ва ёзувчилар орасида Аторнинг ўрнига ҳеч ким етиб келмаганини айтади. Профессор Восенинг айтишича, Атор бу асарида йигитнинг 72 фазилатини улуғлаган ва бу асар “маърифат ва инсонпарварлик тушунчаси” саналади. Профессор Восенинг таъкидлашича, Атор бу шеъри билан форс ва тожик адабиётида кенг шеър яратиб, “келажакка маънавий-ахлоқий, тасаввуф оламига йўл очди”. Тожикистон Фалсафа институти раҳбари Абдулвоҳид Шамоловнинг айтишича, Атор олим бўлган, унинг асарлари марказида борлиқ ваҳдати мадҳияси туради. А.Шамолов Аторнинг тасаввуфий асарлари, энг аввало, инсоннинг ўзини билиш ва шу орқали Худони билишдир, деди. Шамоловнинг фикрича, Атор ва унинг таълимотини билмай туриб форс-тожик адабиёти тасаввуф ва сўфийларнинг асарларини яратиш мумкин эмас [5:180]. Тадқиқотчилар Аторнинг тасаввуфий таълимотини унинг машҳур асарларидан кўпроқ “Илоҳийнома”, “Асрорнома” ва “Мантик-ут-Таир”га боғлайдилар.

Аторнинг тасаввуфдаги ўрни ҳақидаги шарҳ унинг мазҳаби тўғрисида турлича қарашлар мавжуд бўлиб, баъзилар унинг ҳанафий мазҳабига алоқаси йўқлигини таъкидлаган бир пайтда бўлиб ўтади. Аммо Хуршед Зиёев бу иддаоларни инкор этиб, Аторнинг мақоми ва асарларининг изоҳланиши “Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳабига эргашганлиги” билан боғлиқ, дейди. Х.Зиёевнинг фикрича, Атор фамилияси ва оиласи билан ҳанафий мазҳабига боғланган бўлиб, бағрикенглик Абу Ҳанифа таълимотининг тамал тоши бўлиб, Атор ижодида ҳам асосий ўрин тутган. Шу тариқа, Х.Зиёев “Имоми Аъзам мазҳаби Аторга маърифат боскичларидан ўтишга имкон берди, бу эса сўфийлик ва ирфонда, яъни шариат, тариқат ва ҳақиқатда бор”, деб ҳисоблайди. Х.Зиёев “Имоми Аъзам мазҳаби Аторга маърифат боскичларини босиб ўтишга имкон берди, бу эса тасаввуф ва ирфонда, яъни шариат, тариқат ва ҳақиқатда” деб ҳисоблайди. Бироқ, айрим тадқиқотчи ва олимлар Аторнинг асарлари ҳозирча тўғри ўрганилмагани ва тадқиқ қилилмагани, кўпроқ изланиш ва илмий шарҳларга муҳтожлигини таъкидлайди. Атор асарларидан хабардор бўлмаслик сабаби сифатида қадимий ёзув (форс)га киришнинг чекланганлиги кўрсатилган.

Мавлоно Румийнинг тасаввуф оламига кириб келиши Шайх Фаридиддин Аторнинг башорати билан бўлганини унинг илк тафсирчиларидан Ҳусомиддин Чалабийдан тортиб, Давлатшоҳ Самарқандийгача ўтган шориҳлар бир овоздан тасдиқлайди [1]. Аҳмад Афлокийнинг «Манокйбу-л-орифин» (“Орифларнинг сифатлари”) асарида зикр қилинишича, Дамашқда шакланган Муҳйиддин ибн Арабий мактабининг давомчиси сифатида фаолиятда бўлган.

Улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Мир Алишер Навоий (1441-1501) Ҳазрати Жомий воситаси билан нақшбанд тариқатига боғлангани маълум. Навоийнинг тасаввуфий қарашлари деярли барча асарларининг руҳига сингган бўлса-да, «Лисону-т-тайр» суфийлик достони бўлиб, Шайх Фаридиддин Атор аънаналари руҳида ёзилган. Асарда борлиқ ва илоҳиёт ҳақидаги қарашлар, инсон, табиат ва ҳаёт ҳақидаги фикрлари қушлар тили (қуш тасаввуфда қалб рамзи, қушлар нутқи эса қалб хитоби) ва саргузаштлари орқали баён қилинган. Тасаввуфий қарашлар «Назму-л-жавоҳир», «Арбаин», «Муножот», «Махбубу-л-қулуб» сингари асарларида ҳам акс этган [3].

Атор ҳаж сафарини ўтаган, Миср, Ироқ, Шом мамлакатларининг турли шаҳарларида саёхатларда бўлган. Кўплаб шеърӣ асарлар, манзума ва дostonлар битган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро” асарида унинг шеърӣ асарларининг ҳажми 250 минг байтга яқин деб кўрсатилган. Асосий илмий-фалсафӣ ва тасаввуфӣ руҳдаги асарлари “Илоҳийнома”, “Асрорнома”, “Мусибатнома”, “Ҳайдарнома”, “Мазҳару-л-ажойиб” («Мўъжизаларнинг кўриниши»), “Жавҳару-з-зоғ”, “Ҳайлож”, “Муҳторнома”, “Уштурнома” ва бошқалардир. Булардан ташқари Аторнинг тўқсон олти нафар машҳур суфийлар ҳаёти ва ҳолати зикр қилинган “Тазкирату-л-авлиё” номли асари мусулмон шарқида энг кўп тарқалган китобларидан ҳисобланади.

Фаридиддин Аторнинг машҳур тасаввуфӣ асари “Илоҳийнома”нинг дебодасидан ва дostonнинг бошланиш қисмидаги “Рухга мурожаат...” каби бўлими ҳамда “Жавҳару-з-зоғ” асаридаги айрим лавҳаларида Агар гуноҳкор ва бўлганган ҳулқларни бу улуғ дарёга солиб ювсанг, дарё заррача қирланмас, хираланмас, лекин бу дарё нуридан жаҳон ёруғлик топади” дейди.

Атор “Илоҳийномада” “Агар ажадан олдин бир дам ўлсанг, яъни нафсингни ўлдиролсанг - оламни эгаллайсан” дейди. “Агар Худо йўлига лойиқ бўлсанг, хою ҳавас йўлини тарк эт. Хою ҳаваснинг кўзи кўр бўлгач, илоҳий кўзинг Ҳақ сари очилади. Ҳайратнинг охири кўринмайди, сен ҳайрат олами ичра ғарқсан, игнани дарё ичидан топишга интиласан, талпинасан, тўлганасан. Сен жаҳонни икки эшикли робот деб бил - бу эшигидан кириб, у эшигидан чиқиб кетасан. Сен ғафлат уйқусидасан ва ҳеч нарсдан хабаринг йўқ. Хоҳласанг хоҳламасанг, қисмат қўлидасан. Агар гадо ёки подшоҳ бўлсанг ҳам, икки газ бўз ва тўққизта ғиштдир охириги «мулқинг» - дунёдан орттирган матойинг. Сен токи фалак остидасан, озод эмассан. Бахт ва бахтсизлик ҳақидаги тушунчаларинг бўш ва бемаъни, ташла бу ҳаёлларни! Агар мулку бойлигинг еру кўкдан иборат бўлса ҳам, оқибат гадойсан, Худо меҳрининг гадоий. Фоний дунё бамисоли Искандар. Бу фоний дунёдан кетарда Искандардай қудратли шох бўлсанг-да, агар қафан насиб этилса, қомронсан” [4] - дейди яна бир нуктада.

Тариқат шайхи Шайх Фаридиддин Атор - сирларини Аллоҳи таоло муқаддас тутсин - педагогик қарашларида футувват фалсафаси жуда ёрқиндир. Атор дейдики: “Авлиёуллоҳдан - буюк ва улуғдирлар - бир қавм борки, аларни тариқат машойихи ва куброи ҳақиқат бўлмиш “увайсийлар” деб атайдилар. Ва аларнинг зохирда бирон пирга эҳтиёжлари бўлмағай, чунки аларни ҳазрат рисолат ўз оталиги инояти остида тарбиялайдилар, бошқа бировнинг воситасисиз. Худди Увайси - Аллоҳ ундан рози бўлсин - тарбия қилгани каби. Ва бу энг азим, буюк ва ниҳоятда олий мақом бўлғай. Кимни шу ергача етказар эканлар ва бу давлат кимга юз кўрсатаркан? “Бу Аллоҳнинг фазлидир, кимга хоҳласа шунга ато қилади” (Қуръони қаримдан. Моидда (5) сураси, 54-оят. )

Билгилким, футувват илми шариф-мўтабар илмлардандир ва тасаввуф билан *тавҳид илми*нинг бир бўлагидир. Ва оламнинг улуг зотлари бу илмда кўп китоблар битибдирлар ва унинг таърифи, камоли ҳақида кўп саҳифаларни қоралаганлар дейди Аттот. Чунончи, “Қавоъиду-л-футувват”(ни) Фаридиддин Аттотга нисбат берибдирлар. Ва яна “Одобу-л-футувват” (“Футувват одоби”), “Ориф-л-масриф” (“Орифлар фойдаси”), “Мирсоду-л-аъбод” (“Бандаларнинг мушоҳада қиладиган жойи”), “Ҳадиқату-л-ҳақиқат” (“Ҳақиқат боғчалари”) номли рисоалар, шунингдек, Жомийнинг “Рисолаи сайр”, Зариа Исфохонийнинг “Зоду-л-ахира” (“Охират озуқаси”), Шайх Аттотнинг “Тазкирату-л-авлиё” каби китоблари мавжуд бўлиб, уларда бу шариф илм – футувватнинг зикри ва бу сифатга мушарраф кишиларнинг таърифи берилган - дейди олим Нажмиддин Комилов [2:32].

Бугунги педагогик тафаккурга мункаше бўлган оҳангда яна Аттот дейдики: “Билгилким, “футувват” сўзининг луғавий маъноси ёшлик демак, ёш йигитни “фатий” дерлар. Баъзилар бу сўзга изоҳ бериб, футувватни жувонмардлик (жўмардлик) деганлар. Истилоҳ сифатида *футувват* деб омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машхур бўлишни айтадилар, шу вазҳданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида *мўмтоз* бўлади. Футувватнинг уч мартабаси бор: аввал саховат, яъни бор нарсани ҳеч кимдан қизғанмаслик. Иккинчиси сафо, яъни қалбни қибру ҳаво, гина-қудурат, қасд-ғазабдан покиза, пок тутиш. Учинчиси вафо, яъни ҳамма вақт халқ хизматида бўлишдир [4].

Айтмоқчи, Фаридиддин Аттотнинг «Илоҳийнома» асари Абу Абдуллоҳ Ансорийнинг шу номли асаридан фарқ қилиниши керак. Ансорий асари «Муножот» номи билан ҳам машхур. Аттот асари эса ўзига хос

муқаддима «Ҳамди беҳад»дан бошланади. Дастлабки мақолада эътиқод ҳақида сўз юритилиб, «Аёл садоқати», «Аёл ишқи», «Бектош ва Робиа», «Сулаймон ва чумоли», «Қўқармасдан бурун мева берган дарахтлар», «Ит ва суфий», «Иброҳим Адҳам ва дарвиш» каби ҳикоятларни ўз ичига олган [2:7-12].

Аттот асаридаги рамзлар, калит сўзлар, тимсоллар тушунилишида унчалик қийинчилик туғдирмайди. “Тўн билан нон гамини ейишинг қачонгача, ном-шухрат учун, ор-номус учун қайғуришинг қачонгача? Аслида ажойиб хилқатинг бор, беҳуда фикрлар билан хилқатингни хароб этма, одамийлик ва илоҳийлик сифатларидан узоқлашма, сенинг атлас тўнинг одамийлик сифатингдир” – деди Аттот. Унинг бу “Сенинг ичингда *жавҳар* – Мутлақ рухнинг сири бор, аммо бу ерда сенга йўл кўрсатувчи йўқ. Охирда йўқотган нарсанг сенинг ўзингдандир, бу зоҳирий сирлар бандига гирифтор бўлгансан. Сен Холиқнинг зоти ва сифатлари жавҳарига эгасан, аммо зотининг дийдоридан узоқсан. Сенинг жавҳаринг барчаникидан афзалдир. Ажабки, фалак ва юлдузлар сенинг кўзларинг – дийдангдир, уйнинг ичидасану эшикдан ташқарисан, ҳам кўринасан, ҳам йўқсан” деб хитобқилиши эса инсон ахлоқини янада сайқаллаштириш учун илҳом беради.

Фаридиддин Аттотнинг «Жавҳару-з-зот» асари эса ўзбекчада нашр этилмаган. Бироқ «Илоҳийнома»нинг ниҳоясида улуг мутасаввифнинг шориҳи сифатида раҳматли профессор Нажмиддин Комилов ушбу асардан парчалар келтириб, уларни шарҳлаб берган. [2:72-94]. Биз ҳозирча «Жавҳару-з-зот»га фақатгина сурат ва маъни жиҳатидангина муносабатда бўлиб, бу мураккаб педагогик муаммонинг талқинида Аттот ҳазратларининг айрим асарларигагина мурожаат қилдик, холос.

#### Адабиётлар

1. Бадиъуззамон Фурўзонфар. Рисола дар таҳқиқи аҳвол ва зиндаги Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад. – Техрон: 1315.
2. Комилов Н., Нажмиддин Кубро. Рисола. – Т.: А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1995. 32-б.
3. «Муножот» талқинида проф. А.Аъзамовнинг «Муножотнома». – Наманган: 1997; -Тошкент: 2001. рисола, «Маҳбубу-л-қулуб»даги сўфийлар ахлоқи талқини Н.Комиловнинг «Дарвеш ахлоқи таърифида» мақоласи (Филология масалалари, 2004, 1-сон, 4-9-б.)да акс этган. Шунингдек, “Маҳбубу-л-қулуб” асари рус тилига А.Рустамов томонидан таржима этилиб, “Сўфийлар” тўпламида нашр этилган. Қаранг: Суфий. Восхождение к истине / Антология мысли. Изд. подготовлено Л.Яковлевым. – М.: ЭКСМО, 2007. – С. 358-410.
4. Фаридиддин Аттот. Илоҳийнома. Насрий таржима, талқин ва тафсир. Амалга оширувчи Н.Комилов («Тавҳид асрори» қисмидан). - Т.: “Ёзувчи”, 1994. 72-94-б.
5. Шамолов А.А. Сравнительный анализ этики Абу Хаида Газали и Насириддина Туси/А.А.Шамолов. – Душанбе: 1994. - С.180 с.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақола, Фаридиддин Аттотнинг машхур тасаввуфий асари “Илоҳийнома” асари таҳлил этилади, бу асардаги нафсини ўлдирилсанг - оламни эгаллайсан, агар Худо йўлига лойиқ бўлсанг, хою ҳавас йўлини тарк эт, хайратнинг охири кўринмайди, сен хайрат олами ичра ғарқсан, бахт ва бахтсизлик ҳақидаги тушунчаларинг бўш ва бемаъни, ташла бу ҳаёлларни каби масалалар таҳлил этилади.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье анализируется известный мистический труд Фаридууддина Аттара "Илохийнама", если вы сможете убить свое эго в этом произведении - вы захватите мир, если вы достойны пути Бога, сойдите с пути похоти, радости нет конца, вы тонете в мире чудес, ваше понимание счастья и несчастья пусто и бессмысленно, отбросьте эти фантазии и проанализируйте такие вопросы.

**SUMMARY.** This article analyzes Fariduddin Attar's famous mystical work "Ilohiyname", if you can kill your ego in this work - you will take over the world, if you are worthy of God's path, leave the path of lust, there is no end to the joy, you are drowning in the world of wonder, your understanding of happiness and unhappiness It is empty and meaningless, throw away these fantasies and analyze such issues.

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА CBI ВА STEM ТЕХНОЛОГИЯСИГА АСОСЛАНГАН ДАРСНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Ф.Машарипова – ассистент ўқитувчи  
Урганч давлат университети

**Таянч сўзлар:** CBI/STEM технологияси, илмий тадқиқот, интеграцион модел, ҳавоза модели, компетентив, аффе́ктив филтёр.

**Ключевые слова:** технология CBI/STEM, научные исследования, интеграционная модель, модель подмостки, компетентный, аффе́ктивный филтёр.

**Key words:** CBI / STEM technology, scientific research, integration model, scaffolding model, competent, affective filter.

Давлат сиёсати даражасида университет таълимида чет тилга катта эътибор қаратилган бир шароитда соҳа эҳтиёжларига мос чет тилини интенсив ўргатувчи дарслар мажмуасини ташкил қилиш чет тили таълими

соҳасида ечимини кутаётган муҳим масаладир.

Жумладан, CBI/STEM технологиясининг интеграцион моделининг айрим унсурларини Г.Қ.Обидова ўз тадқиқот ишида инглиз тилини

ўргатишда экологик маданиятни ривожлантиришнинг интегратив тамойиллари (экологик онг, экологик тафаккур, экологик психология, экологик фаолият, экологик қадриятлар) экология, биология, география ва тиббий-гигиена фанларини синхронизация ва корреляция орқали уйғунлаштириш асосида такомиллаштирган [9:44]. Тадқиқотчи буларнинг барчаси таълим жараёнига интегратив ёндашувни таълим олувчиларда оламнинг глобал манзарасини шакллантиришдаги муҳим шарт деб аниқлайди. Шунингдек, муаллиф томонидан таълимда тўртта асосий йўлни интеграция қилишни қўллаш таклиф қилинади: қўшилиб кетиш; киритиш; синхронизация (мослаш); корреляция (ўзаро боғлаш) [9:49].

CBI/STEM технологиясининг хавоза моделининг айрим элементларини Н.Н.Норматова ўз тадқиқотида иқтисодиёт таълим йўналиши талабаларининг касбга йўналтирилган инглиз тилидаги оғзаки нутқ кўникмаларини ривожлантиришда “ҳамкорликда ишлаш” таълим технологиясидан фойдаланиш бўйича махсус тавсиялар ишлаб чиқилган ва жараён самарадорлиги оширилган, талабаларга касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитишда оғзаки нутқ кўникмаларини “дискурс”га таянган ҳолда ривожлантиришнинг ўрни ва аҳамияти илмий асослаб берилган ва иқтисодиёт таълим йўналиши бўйича институционал дискурснинг мувофиқ турлари ажратиб чиқилган [7:8].

CBI/STEM технологиясининг компетентив ёндашувининг айрим ўзига хос унсурлари С.М.Саиджалалованинг амалиётга муваффақиятли жорий қилинган тадқиқот ишида, нофилологик олий таълим муассасаларининг бўлажак мутахассисларида рус тилидаги нутқ компетенцияларини ривожлантириш модели натижасида нутқ компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган методик тавсиялар ишлаб чиқилиб, улар нутқ компетенцияларининг услубий ёндашувлари ва педагогик шартларини такомиллаштиришга эришган [12:8-9].

CBI/STEM технологиясининг аффектив филтър гипотезаси тадқиқотчи П.Х.Омонов чет тилларни ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини ривожлантиришда тил ўзлаштиришга салбий таъсир қиладиган мотивациянинг пасайиши, ишончсизлик каби аффектив ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган лингводидактик таъминотнинг самарадорлиги кўп киррали интеллект (Multiple intelligence) ва эмоционал филтър гипотезаси (affective filter hypothesis) каби психологик омилларга устунлик бериш асосида такомиллаштирилган. Шунингдек, тадқиқотчи дарсда талабаларга инглиз тилини мураккаб ўқитишга қаратилган мультимедиял ўқув ресурс манбалари веб-саҳифа кўринишидаги онлайн платформа (Online Platform) дастурлаш тилига оид императив, декларатив, функционал ва объектга йўналтирилган аутентик материаллар узлуксизлигини таъминлаш тизимини ва инглиз тилини анъанавий таълим шароитида ўқитишда аутентик видеоматериаллардан фойдаланишга қаратилган лингводидактик таъминот самарадорлиги ҳаётий коммуникатив эҳтиёжлилиқ, фанлараро алоқадорлик, интегративлик тамойилларига асосланган уч босқичли (намоийшдан олдинги-рецептив, намоийш жараёнидаги - репродуктив ва намоийшдан кейинги - продуктив) машқ ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш орқали исботланган [10:8]. CBI/STEM технологиясининг таншириқларга асосланган моделининг айрим кўринишини Х.Ф.Максудованинг Тошкент фармацевтика институтининг фармация ва саноат фармацияси факультетининг 1-2 босқич 200 нафар талаба ва 15 нафар профессор-ўқитувчилар, Андижон тиббиёт институтининг фармация йўналиши

1-2-босқич 150 нафар талаба ва 10 нафар профессор-ўқитувчилар, Тошкент педиатрия институтининг Нукус филиалининг фармация йўналишининг 1-2- босқич 100 нафар талаба ва 10 нафар профессор-ўқитувчилари, жами 35 нафар профессор-ўқитувчи ва 430 нафар талаба иштирокидаги илмий тадқиқот тажриба-синов ишларига фармацевтика йўналиши талабаларининг инглиз тилида ижтимоий ва касбий мулоқот, фармацевтик терминларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллаш, касбий-соҳавий дастлабки ёзув кўникмаларини аниқлашга доир ҳар бир босқич учун берилган 8та топшириқ [4:109] талабалар томонидан тўлиқ бажарилиши бу моделнинг амалдаги самарасига ишонч бағишлайди.

С.А.Мисиров томонидан ишлаб чиқилган умумий лингводидактик тавсиялари: (1) муаллимлар педагогик фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишга системали ёндашиш; (2) ўқув жараёнини замонавий дидактик материал билан таъминлаш; (3) таълимда предметлараро боғланиш тамойилига изчил амал қилиш; (4) инглиз тили ўқитишнинг асосий мақсад ва вазифаларига мос методик усулларни қўллаш; (5) ўқувчилар билим, кўникма ва малакаларини мунтазам назорат қилиб бориш; (6) таълимда индивидуал (яккама-якка) ёндашиш тамойилига риоя қилиш [5:13] талабаларига CBI/STEM технологияси жавоб беради.

Таълимшунос Х.Ф.Максудова ўз тадқиқотида илк бор фармацевтика йўналишида касбга йўналтирилган инглиз тилини тўрт босқичли тизимда умумкасбий (EGPP), умумакадем (EGAP), махсус касбий (ESPP), махсус академ (ESAP) йўналишларда ўқитишда компетенциявий ва соҳавий ёндашув мезонлари асосида дарсда талабаларнинг ўқув-когнитив кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган дидактик таъминот ишлаб чиқилган ва фармацевтика йўналишида кредит-модуль таълим тизими тамойиллари асосида «Тиббиётда хорижий тил» модулини ўқитишнинг муқобил усули сифатида таклиф этилган, бўлажак фармацевтларнинг касбий лаёқат хусусиятларини ривожлантирувчи амалий (билим, малака, кўникма), аксиологик (касбга шахсий йўналганлик), ҳиссий (ўз-ўзини бошқариш), аутокомпетенция (технологиялардан фойдалана олиш), махсус компетенция (касбий вазифаларни еча олиш) компонентлари касбий-коммуникатив компетенцияларини шакллантиришда бирламчи омил эканлиги фармацевтларнинг хорижий тилларга ташқи ва ички эҳтиёжларига қаратилган лингводидактик таъминотни оптималлаштириш орқали исботланганлиги [4:109]. CBI/STEM технологиясининг ‘schemata’ назариясининг ўзбек аудиториясида тадқиқ этилиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда талабанинг дастлабки таянч соҳа билимларининг тил ўрганиш жараёни билан узвий боғлиқлиги эътироф этилади. Д.Румелхарт таъкидлаганидек бу билишни қурувчи блоклардир [10].

CBI/STEM технологиясининг дарсда касбга йўналтирилган муаммоли вазиятни ҳал этишга мўлжалланган усуллардан, топшириқларни бажаришга қаратилган билимлар, касбга йўналтирилган малакалар, тиббий концепцияларни билиш, мантикий фикрлаш техникасини егаллаш каби стратегиялар М.И. Аҳмедова томонидан Тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг “чет тилда касбий коммуникатив компетенцияси” тушунчаси остига умумлаштирилиб ўрганилган. Бунда медик-талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциянинг шаклланганлик даражасини аниқлаш учун баҳолаш мезонлари ҳам ишлаб чиқилиб, Андижон давлат тиббиёт институтида, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт академиясининг Фарғона филиали базасида амалга оширилган тажриба-синов ишларига жами 232 нафар респондент жалб қилинган бўлиб, шулардан тажриба

гуруҳларида 120 нафар, назорат гуруҳларида 112 нафар талаба иштирок этган [1:16].

Битирувчиларда тегишли компетенцияларни шакллантиришда педагогик ҳамкорликда бўлажак касбий фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларини талаба ўзлаштириши учун самарали ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ҳамкорликда тadbирлар ишлаб чиқиб, амалга ошириш, консултиватив ёрдам ташкил қилиш, натижаларни баҳолаб, эксперимент дастурини такомиллаштириш юзасидан унга тегишли ўзгартиришларни киритиш зарурлиги, кўплаб хорижий тилдан дарс бермайдиган ўқитувчилар ҳам хорижий тилдаги лойиҳаларни тайёрлашда иштирок этиши мумкинлиги, бу, ўз навбатида, уларнинг касбий маҳоратларини оширишда яқиндан ёрдам бериши мумкинлиги [4:109] бир неча тадқиқот ишларида ўз исботини топган.

CBI/STEM технологиясининг асосини ташкил қилувчи фанлар алоқадорлик – бу ўқитувчи ёки талабанинг когнитив фаолият жараёнида ўрнатадиган ва маълум бир муаммони чуқур англашга, шунингдек билимларни амалда самарали қўллаш мақсадида ўрнатилган мавзулар ўртасидаги боғлиқликдир деб кўрсатилади [2].

Соҳага асосланган чет тилини ўқитишнинг топшириқларга асосланган моделининг бир намунаси, Андижон машинасозлик институти, Фарғона политехника институти ва Наманган қурилиш ва муҳандислик институтининг технология факультетларида тажриба ишлари олиб борилган ва бу

босқичда 270 нафар учинчи курс талабалари жалб қилинган. Иш уч босқичда амалга оширилган: биринчи босқичда (2016–2017) технология факультетларида (Машинасозлик технологияси ва жиҳозлари) инглиз тилини ўқитиш ва жорий қилиш муаммолари ҳолати ўрганилган. Экспериментнинг аниқлаштириш босқичида сўровнома ўтказилган, шунингдек ушбу масала бўйича ихтисослаштирилган адабиётлар ва мавжуд ўқув қўлланмалар, ўқитувчилар томонидан касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш даражаси ва инглиз тили билан фанлар алоқадорликни ва турдош фанларнинг интеграциясини амалда қўллашга тайёргарлиги ўрганилган [6]. Тажриба синов ишлари муваффақиятли яқунланган. Шу ўринда, CBI/STEM технологиясига асосланган дарснинг умумий тавсифини бериш ўринли деган фикрдамиз. Дарснинг дастлабки босқичида талабаларни нотаниш таркиб билан таништиришлари учун уларда баъзи бошланғич билимларни шакллантиришга ёрдам бериш муҳим бўлади. Шундай усуллардан бири, талабаларни чет тил муҳитига мослаштиришга асосланган фаолият яратиш бўлади. Ўқишдан олдинги босқичда мазмунни тушуниш учун луғат билан таништириш ҳам талаба учун зарур билимларни шакллантиришнинг яхши усулидир. Ниҳоят, турли визуал воситалардан, жумладан, расмлар, графиклар, диаграммалар, схемалар, видеолар ва чизмалардан иложи борида фойдаланиш керак бўлади, чунки биолог талабаларнинг визуал ўрганиш қобилияти гуманитар соҳада тахсил олувчиларга нисбатан анча юқори бўлади.

#### Адабиётлар

1. Ахмедова М. И. Медик талабаларнинг чет тилда касбий коммуникатив компетенциясини ахборот технологиялари ёрдамида шакллантириш. – Андижон: 2020. 16-б.
2. Исроилова Д. М. Нофилологик олий ўқув юртларида талабаларни фанлар алоқадорликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитиш (технология факультети мисолида). – Тошкент: 2020.
3. Максудова Х. Ф. Фармацевтика йўналишида инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий лаёқатларини ривожлантириш.
4. Максудова Г. О. Интегратив ривожлантирувчи ёндашув асосида талабаларнинг хорижий тил тайёргарлигини такомиллаштириш. 13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертацияси. – Тошкент: 2021. 109-б.
5. Мисиров С. А. Касб-хунар коллежларида инглиз тили ўқитишнинг лингводидактик асослари. 13.00.02 – таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили). Педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация а в т о р е ф а т и. – Тошкент: 2007.
6. Мухитдинова М. Р. Умумий ўрта таълим мактаби битирувчиларини инглиз тилига масофавий ўқитишнинг усул ва воситалари. П. Ф. Ф. Д (PhD).
7. Норматова Н. Н. Инглиз тилини ўқитишда иқтисодиёт йўналиши талабаларининг оғзаки нутқ қўникмаларини ривожлантириш. 13.00.02 – таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили) педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси автореферати. – Термиз: 2021. 8-б.
8. Обидова Г. Қ. Чет тилини ўқитиш жараёнида талабаларда экологик маданиятни шакллантириш технологиялари. 13.00.02 – таълим-тарбия назарияси ва методикаси. Педагогика Фанлари бўйича Фалсафа доктори (phd) диссертацияси. – Наманган: 2019. 49-б.
9. Оманов П. Х. Инглиз тилини ўқитишда талабалар ижтимоий-маданий компетенциясини аутентик видеоматериаллар воситасида ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Автореферати. – Тошкент: 2021. 8-б.
10. Rumelhart D.E. Schemata: Building blocks of cognition. In R.J. Spiro., B.C. Bruce. and W.E. Brewer. Theoretical Issues in Reading Comprehension. Hillsdale N.J. Lawrence Erlbaum Association, 1980.
11. Саиджалалова С. М. Нофилологик олий таълим муассасалари бўлажак мутахассисларида нутқ компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик технологиялари. 13.00.02 - таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (рус тили). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2021. 8-9-б.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақола CBI/STEM технологияларининг айрим унсурларини ўзида акс эттирган ва муваффақиятли амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари натижаларини муҳокама қилди. Биология ихтисослигида тахсил олаётган талабаларга CBI/STEM технологияларидан фойдаланган ҳолда дарс ўқишни ташкил қилишга асос бўлувчи илмий-амалий тажрибалар самараси ҳақида фикр билдирилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье обсуждаются результаты локальных успешных научных исследований в области ESP, которые напоминают некоторые элементы технологии CBI/STEM, и мнения об эффективности научно-практических экспериментов, которые являются основой для организации обучения английскому языку студентов-биологов с использованием технологий CBI/STEM.

**SUMMARY.** This article discusses the results of local successful research investigations in ESP that resemble some elements of CBI / STEM technology and opinions on the effectiveness of scientific and practical experiments, which are the basis for the organization of teaching English for biology students using CBI / STEM technologies.

# BOSHLANG'ICH MATEMATIKA DARSLARIDA ROST VA YOLG'ON MULOHAZALARNI SHAKLLANTIRISH USULLARI

X.E.Nazarov – pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

G.N.Eshkobilova – o'qituvchi

Samarqand davlat universiteti

**Tavanch so'zlar:** rost, yolg'on, mulohaza, to'g'ri va noto'g'ri mulohazalar.

**Ключевые слова:** правда, ложь, предположение, правильное и неправильное.

**Key words:** true, false, speculation, right and wrong judgement.


Boshlang'ich sinf matematika darslarida o'quvchilarning atrofida narsalar to'g'risidagi mulohazalari ularning kuzatishi, ushlab ko'rishi va taqqoslab ko'rishlari, ustma-ust joylashtirishlari va chamalashlari yordamida shakllantiriladi.

Boshlang'ich matematika ta'limida o'quvchilarning tafakkur mulohazalarini aniq narsalarga tayanib shakllantirib borishlari mumkin. Ayniqsa, o'quvchilarning o'zaro suhbatlarida narsalarning ko'rinishi, rangi, katta – kichikligi va narsalarning obrazlari haqida bo'ladi. Bu jarayon o'quvchilarda bosqichma – bosqich izchillik bilan ularning tafakkur qilishlari, aqliy xulosalar chiqarish qobiliyatlarining taraqqiy etib borishini ta'minlaydi.

Shuning uchun ham boshlang'ich sinf matematika darslarida o'quvchilarni ularga ma'lum bo'lgan narsa va materiallarga nisbatan aniq va to'g'ri mulohazalar chiqarishga yo'naltirib borish ta'limning dolzarb masalalaridan hisoblanadi.

Boshlang'ich matematika darslarida o'quvchilarning narsa va materiallarga nisbatan to'g'ri va noto'g'ri mulohazalarini shakllantirib borish uchun dastlab rasmlarda berilgan narsalarga nisbatan ularning mulohazalarini shakllantirib borish maqsadga muvofiq [2:52-54].

O'qituvchi belgilangan quyidagi rasmni doskaga osib qo'yadi va o'quvchilarning e'tiborini osib qo'yilgan rasimga qaratib quyidagi yo'naltiruvchi savolni beradi:



1 - rasm

Rasmdagi archa daraxtlaridan qaysi biri uzun? Albatta o'quvchilar daraxtlarni taqqoslab, chamalab chap tomondagi archa daraxti uzun deb javob berishadi. O'qituvchi daraxtlardan chap tomondagi archa daraxti haqiqatdan ham uzun bo'lsa, buni qanday mulohaza deb aytish mumkin? O'quvchilar „chap tomondagi archa daraxti uzun, shuning uchun buni to'g'ri mulohaza deyish mumkin“ - deb javob berishadi.

O'qituvchining o'ng tomondagi archa uzun bo'lishi mumkinmi? degan yo'naltiruvchi savolga o'quvchilar: „yo'q uzun emas“ - deb javob berishadi.

O'qituvchi bu mulohazani qanday mulohaza deyish mumkin? degan savolga o'quvchilar: „bu noto'g'ri mulohaza bo'ladi“ - deb javob berishadi. O'qituvchi o'quvchilar bilan bunga o'xshash rasmlardan foydalanib yetarlicha mashqlar bajarib borsalar o'quvchilarda qanday mulohaza to'g'ri yoki qanday mulohaza noto'g'ri ekanligi haqida tafakkurlari shakllantiriladi va o'stirilib boriladi [1:103-106].

Songa 0 (nol) ni qo'shish va sondan 0 (nol) ni ayirish tushunchasini o'rganishda o'quvchilarga to'g'ri va noto'g'ri mulohazalarni quyidagicha tushuntirish maqsadga muvofiq.

Buning uchun ikkita gulli tuvak olib: birida gul bor,

ikkinchisida gul yo'q. Ular qo'shilganda nechta gulli tuvak hosil bo'ladi? savoli qo'yiladi. O'quvchilar bu savolga bir ovozdan bitta gulli tuvak hosil bo'ladi deb javob berishadi. O'qituvchi o'quvchilarga quyidagi yo'naltiruvchi savolni berishi lozim.

“Bitta gulli tuvak hosil bo'ladi” mulohazasini qanday mulohaza deyish mumkin? O'quvchilar “to'g'ri mulohaza bo'ladi” - deb javob berishadi. Doskaga va daftarlariga bu mulohazalarning matematik ifodalarini yozib oladilar.

$1 + 0 = 1$ ;  $2 - 0 = 2$ ;  $1 + 0 = 0$  mulohazalari ham to'g'ri mulohaza bo'lishini o'quvchilar tez anglab yetadilar. Bunga doir yetarlicha mashqlar bajarilgandan keyin quyidagi qoidani o'quvchilarga o'rgatish mumkin.

Demak, har qanday musbat butun songa 0 ni qo'shsak yoki har qanday musbat butun sondan 0 ni ayirsak shu musbat butun sonning o'ziga teng bo'ladi. Bu to'g'ri mulohazalarning matematik ifodalanishi quyidagicha bo'ladi.

$1 + 0 = 1$ ;  $1 - 0 = 1$ ;  $12 + 0 = 12$ ;  $12 - 0 = 12$ ;

$123 + 0 = 123$ ;  $123 - 0 = 123$ ;  $1452 + 0 = 1452$ ;  $1452 - 0 = 1452$ .

$1 + 0 = 2$ ;  $2 - 0 = 2$ ;  $12 + 0 = 11$ ;  $12 - 0 = 11$ ; ifodalar noto'g'ri.

Shuning uchun bu mulohazalarni noto'g'ri mulohazalar deb tushuntiriladi.

O'n ichida qo'shish va ayirish tushunchalarini o'rganishda bir amalli sodda masalalarni yechish o'rgatiladi [3: 87-91].

Sodda masalalarni o'rganish jarayonida o'quvchilarda to'g'ri va noto'g'ri mulohazalarni quyidagicha shakllantirish mumkin.

Masalan. Rahimada 8 ta daftar bor edi, akasi unga yana 2 ta daftar berdi. Rahimaning daftarlari nechta bo'ldi?

Ko'pchilik o'quvchilar masalani yechib, Rahimada 10 ta daftar bo'ldi deb javob berishadi. Ayrim o'quvchilar “Rahimada 9 ta daftar bo'ldi” - deb aytishadi.

Shunda o'qituvchi quyidagi yo'naltiruvchi savol bilan “Bu fikrlardan qaysi biri to'g'ri yoki qaysi biri noto'g'ri mulohaza bo'ladi?” - deb o'quvchilardan so'raganda o'quvchilardan ko'pchiligi Rahimada 10 ta daftar bo'ladi” - degan mulohaza to'g'ri mulohaza bo'lishini, “Rahimada 9 ta daftar bo'ladi” - degan mulohaza noto'g'ri mulohaza bo'lishini aytishadi.

Masalan, 17 ta sabzi bor edi. Quyondalarga 7 ta sabzi berildi. Nechta sabzi qoldi?

O'quvchilar masalani yechish jarayonida 10 ta sabzi qolganligini bilib oladilar. Bunga doir to'g'ri va noto'g'ri mulohazalarni anglab yetadilar. Shunday qilib sodda masalani yechish jarayonida o'quvchilarda to'g'ri va noto'g'ri mulohazalarga doir takror-takror mashqlar bajarilsa, ularda to'g'ri va noto'g'ri mulohazalar haqida yetarlicha bilim, ko'nikma va malakalari shakllantiriladi.

Murakkab masalalarni yechish jarayonida ham to'g'ri va noto'g'ri mulohazalarni shakllantirish mumkin.

Masala: Sabzovot omborida 68 bochka karam, undan 18 bochka kam bodring, bodringdan 14 bochka ortiq pomidor tuzlandi. Necha bochka pomidor tuzlangan?

Yechish: Masalaning shartiga ko'ra:

1) Necha bochka bodring tuzlangan?

$68 - 18 = 50$  bochka bodring.

2) Necha bochka pomidor tuzlangan?

$50 + 14 = 64$  bochka pomidor.

Javob: 64 bochka pomidor tuzlangan.

Bunda “50 bochka bodring va 64 bochka pomidor tuzlandi” mulohazalari -to'g'ri mulohazalardir.

Masala: Ertalab paxta zavodiga 40 ta mashinada, kechqurun esa undan 20 ta ortiq mashinada paxta keltirildi. Zavodga hammasi bo'lib nechta mashinada paxta keltirildi?

Yechish: Masalaning shartiga ko'ra :

1) Kechqurun nechta mashinada paxta keltirildi?

$40+20=60$  ta mashina

2) Zavodga hammasi bo'lib nechta mashinada paxta keltirildi?

3)  $40+60=100$  ta mashina

Javob: Zavodga hammasi bo'lib 100 ta mashinada paxta keltirildi. Masalaning javobi masala shartini to'liq qanoatlantirganligi sababli o'qituvchi bu mulohazani to'g'ri mulohaza bo'lishligini o'quvchilarga anglatadi.

Sodda va murakkab masalalar yechish jarayonida hosil bo'ladigan mulohazalarni tahlil qilish asosida o'quvchilarda to'g'ri va noto'g'ri mulohazalarni shakllantirib borishi mumkin [4:95-102].

O'qituvchi boshlang'ich matematika darslarida mashqlar bajarish jarayonida o'quvchilarda hosil bo'lgan mulohazalardan qaysi birlari to'g'ri mulohaza va yoki qaysi birlari noto'g'ri mulohaza ekanliklarini aniqlash va ularni o'qish ishlarini olib borishlari ta'limiy va metodik ahamiyatga ega.

Quyidagi mulohazalar to'g'ri yoki noto'g'ri mulohaza ekanligini aniqlang:

1. Samarqand – O'zbekistonning birinchi poytaxti bo'lgan.

2. Sentabr 3o kundan iborat.

3. 11 soni eng kichik ikki xonali butun son.

4. 99 soni eng katta ikki xonali butun son.

5. Bir soni eng kichik butun son emas.

6. Besh soni uchdan katta.

7.  $5 \cdot 8 = 40$  ekani noto'g'ri.

8.  $9+7=16$ . ekani to'g'ri.

9. Istalgan kvadrat to'g'ri to'rtburchak.

10. Istalgan kvadratning uchta uchi bor.

11. Har qanday kesmaning ikkita uchi bor.

12. 569 soni 612 sonidan kichik.

13. 56 sonidan 48 soni ayrilsa, ayirma 18 ga teng bo'ladi.

14. 214 soni 83 sonidan katta .

15.  $63126:7=9018$  ekani noto'g'ri.

16.  $35133:7=519$  ekani to'g'ri.

O'quvchilar bu mashqlarni bajarishlari jarayonida to'g'ri mulohazalarni va noto'g'ri mulohazalarni ajratib olishni va ularni o'qishni o'rganib oladilar.

So'ngra matematikada to'g'ri mulohaza rost deb atalishi va bu R harfi bilan belgilanishi, noto'g'ri mulohazani esa yolg'on deb atalishini va uni U harfi bilan belgilanishi o'quvchilarga o'rgatiladi.

Masalan,  $(569 < 612) = R$  to'g'ri mulohazasi bunday o'qiladi. " $569 < 612$  mulohazasi – rost".  $(214 > 83) = R$  to'g'ri mulohazasi bunday o'qiladi. " $214 > 83$  mulohaza – rost" [4: 102-104].

$(56-48=18) = U$  noto'g'ri mulohazasi bunday o'qiladi: " $56-48$  ayirma 18 ga teng" mulohazasi- yolg'on.

Shunday qilib, yetarlicha berilgan mulohazalardan rost va yolg'on mulohazalarni tanlab olish va ularni o'qish mashqlari o'tkazilishi lozim. So'ngra rost va yolg'on mulohazalarni boshqa mulohazalarga almashtirishlar o'quvchilarga shunday o'rgatilishi kerakki, unda "..... ekani yolg'on" jumlasini ishtirok etsin. Unda qanday mulohazalar hosil bo'ladi: rostmi yoki yolg'onmi?

1. Istalgan kvadratning uchta uchi bor.

Istalgan kvadratning uchta uchi bor ekanligi yolg'on. Bu rost mulohaza bo'ladi.

2. Har qanday ikkita parallel to'g'ri chiziqlar kesishadi.

Har qanday ikkita parallel to'g'ri chiziqlar kesishadi mulohazasi yolg'on

Bu rost mulohaza bo'ladi.

3. Dekabr oyi 31 kundan iborat. Bu rost mulohaza Dekabr oyi 31 kundan iborat emasligi noto'g'ri mulohaza.

4. Olma – meva. Olma meva emas bu yolg'on mulohaza

Bu mashqlar taqqoslab qaralganda ularning har birida dastlabki mulohazalarni inkor qiluvchi ikkinchi mulohazalar berilganligini anglash mumkin. Bundan anglashiladiki, har qanday mulohazani inkor qiluvchi mulohazalari mavjud ekan.

Boshlang'ich sinf matematika darslarida istalgan mulohazani lotin alifbosining bosh harfi bilan belgilash qabul qilingan. Masalan agar "yanvar 31 kundan iborat" mulohazasi A harfi bilan belgilasak, u holda "Yanvar 31 kundan iborat ekani noto'g'ri" mulohazasini bunday belgilaymiz  $\bar{A}$ . Bu bunday o'qiladi;  $\bar{A}$  mulohaza A mulohazaning inkori deb ataladi. Ya'ni, agar A mulohaza rost bo'lsa, u holda uning inkori  $\bar{A}$  mulohaza (yolg'on) bo'ladi. Bunday yoziladi.  $A = R, \bar{A} = U$ . Agar A mulohaza yolg'on bo'lsa, u holda uning inkori A rost mulohaza bo'ladi. Bunday yoziladi.  $A = U, \bar{A} = R$  [3:70].

Agar ikkita sonning yig'indisi 5 ga bo'linsa, u holda har bir qo'shiluvchi ham 5 ga bo'linadi, mulohazasini olib qaraylik. Bu mulohazaning qanchalik to'g'ri emasligini aniq misollarda ko'rib chiqish mumkin.

Demak, ikkita sonning yig'indisi 5 ga bo'linsa, u holda har bir qo'shiluvchi ham 5 ga bo'linadi mulohazasini A desak, ikkita sonning yig'indisi 5 ga bo'linsa, u holda har bir qo'shiluvchi ham 5 ga bo'linadi ekani noto'g'ri mulohazasini,  $\bar{A}$  deb belgilaymiz. Bunday yoziladi:  $A=Y, \bar{A}=R$

Quyidagi rost mulohazalar bunday o'qiladi:

1) "burgut – qush" mulohaza – rost;

2) "haftada – 7 kun" mulohaza – rost;

3) "avgust – yoz oyi" mulohaza - rost;

4) "uchburchakning – uchta uchi bor" mulohaza – rost;

5) " $248 > 138$ " mulohaza rost deb o'qiladi;

Ushbu yolg'on mulohazalarni quyidagicha o'qish mumkin:

1) "istalgan kvadratning uchta uchi bor" mulohaza – yolg'on;

2) "tonna- uzunlik birligi" mulohaza yolg'on;

3) "100 va 49 sonlari ayirmasi 52 ga teng" mulohaza- yolg'on ;

4) "parallel to'g'ri chiziqlar kesishadi" mulohaza – yolg'on;

5) "tipratkon – o'simlik" mulohaza- yolg'on;

6) "choynak – gul" mulohaza – yolg'on deb o'qiladi.

Ayniqsa o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini o'stirishda ikkita mulohazani taqqoslash maqsadga muvofiq.

Masalan: "dekabr oyi 31 kundan iborat" mulohaza – rost;

"dekabr oyi 31 kundan iborat emas" mulohaza – yolg'on; bu mulohazalardan birinчисini ikkinчисini inkor qilyapti. Biz "dekabr oyi 31 kundan iborat" mulohazasini A harfi bilan belgilasak, u holda "dekabr oyi 31 kundan iborat emas" mulohazasini  $\bar{A}$  deb belgilaymiz. (Bu A emas deb o'qiladi). Demak  $\bar{A}$  mulohaza A mulohazaning inkori hisoblanadi . Bundan quyidagi xulosani berish mumkin:

1) Agar A mulohaza rost bo'lsa u holda uning inkori  $\bar{A}$  mulohaza yolg'on bo'ladi. Bunday yoziladi:  $A=R, \bar{A}=U$ .

2) Agar A mulohaza yolg'on bo'lsa, u holda uning inkori  $\bar{A}$  rost bo'ladi. Bunday yoziladi:  $A=U, \bar{A}=R$ .

O'quvchilarning rost va yolg'on mulohazalar haqidagi bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish uchun o'quvchilar yetarlicha berilgan mulohazalardan rost va yolg'on mulohazalarni tanlab olishni va ularning qanday o'qilishini bilib olishlari uchun takror-takror mashqlar bajarishlari lozim bo'ladi.

#### Adabiyotlar

1. Levenberg L.SH., Ahmadjanov I.G., Nurmatov A.N. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. –Toshkent: «O'qituvchi», 1985.

2. Abdurohmonova N., Jumaev M. Matematika. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 1-sinf uchun darslik. –Toshkent: «Turon-iqbol», 2019.

3. Bikbayeva N.U., Sidelnikova R.I., Adambekova G. A. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. –Toshkent: «O'qituvchi», 1996.

4. Bantova M.A., Beltyukova G.V., Polevshikova A.M. Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi. –Toshkent: «O'qituvchi», 1983.

**REZYUME.** Maqolada boshlang'ich matematika ta'limda o'quvchilarning rost va yolg'on mulohazalar haqidagi bilim, ko'nikma va malakalarini shakllantirish uchun, o'quvchilar berilgan mulohazalardan rost va yolg'on mulohazalarni tanlab olishni va ularning qanday o'qilishini o'quvchilarda shakllantirish hamda, rost va yolg'on mulohazalarini o'rgatish metodlari, shakllari haqida materiallar bayon etilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье изложен материал о методах и формах обучения истинным и ложным рассуждениям знаний, умений и навыков истинных и ложных рассуждений в начальном математическом образовании, о том как ученики выбирают истинные и ложные суждения из представленной обратной связи и как их читать, а так же обучения истинным и ложным рассуждениям.

**SUMMARY.** The article presents the material on the methods and forms of teaching students in primary mathematical education the true and false judgements and the ways students choose true and false judgements from the provided judgements and way they read them in order to form knowledge, skills and abilities about the true and false judgement.

## УМУМКАСБИЙ ФАНЛАРДАН ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ

**Ғ.Ғ.Қурбонов** – таянч докторант

*Бухоро давлат университети*

**Таянч сўзлар:** рақамли технология, модернизация, контент, мобил таълим, трансформация, LMS, CMS, АКТ, тенденция, виртуал, компонент.

**Ключевые слова:** цифровые технологии, модернизация, контент, мобильное обучение, трансформация, LMS, CMS, ИКТ, тенденция, виртуальный, компонент.

**Key words:** digital technologies, modernization, content, mobile learning, transformation, LMS, CMS, ICT, trend, virtual, component.

Шубҳасиз, бугунги кун талабига асосланиб ўқитишда, рақамли технологиялардан фойдаланишни “таълим поғонасининг бошланғич босқичида талабаларга рақамли технологияларни тақдим этиш орқали рақамли кўникмаларни ўзлаштириш учун имкониятлар яратиш, таҳлилий ва танқидий фикрлашни ривожлантириш, келажакда зарур бўладиган кенг кўламли рақамли трансформация шароитида ёшларга билим ва кўникмалар бериш” масалалари “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида босқичма- босқич дастур асосида амалга оширилиши кўзда тутилган [1].

Ҳозирги кунга келиб дунёда таълим бериш ва таълим олиш долзарб масалалардан бирига айланди. Чунки айнан сифатли таълим биз яшаб турган дунёни турли муаммолардан қутқаришда муҳим роль ўйнаши энди ҳеч кимга сир эмас. Шу туфайли барча ривожланган давлатлар таълим сифатини оширишга катта маблағ сарфламоқда. Бу борада мамлакатимизда ҳам салмоқли ишлар амалга ошириб борилмоқда.

Шундай бўлишига қарамай таълим тизимида ҳали ўз ечимини топмаган бир қатор масалалар борки уларни бартараф этмасдан замонавий ва сифатли таълим ҳақида гапириб бўлмайди. Хусусан, ахборот олиш ва фойдаланиш тезлиги жуда тезлашган ҳозирги даврда, таълим тизимига рақамли технологияларни жалб этмасдан таълим сифатини ошириш ва ижтимоий фаол ёшларни тарбиялаб бўлмайди. Бугунги кунга келиб, таълимни рақамлаштириш жараёни бошланди. Бу эса таълим олувчига замонавий қулайликлар яратиб, таълим олишни осонлаштирмоқда. Айниқса, рақамли технологиялар жорий этилган таълим тизимининг воситаларини: мультимедиялар, кодоскоп, компьютер, ноутбук, интернетга уланган телевизорлар, смарт доска, проекторлар бажариб беради.

Б.Б.Мўминов ва З.Д.Расуловлар ўзларининг илмий - тадқиқот ишларида педагогик дастурий таъминот яратиш, таҳлил қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш методикаси ҳақида баён этишади. Улар ўзларининг тадқиқотларида умумкасбий ва мутахассислик фанларидан амалий ва лаборатория машғулотларининг хусусиятларини ўрганиб, педагогик дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқишган ҳамда дастурий таъминот алгоритмининг яратиш жараёнида, педагогик дастурий таъминотнинг самардорлигини аниқлаш мақсадида

тажриба - синов ўтказиш каби ишлар жуда яхши амалга оширилган [3,4]. Хусусан [4] ишда “Технология фанини ўқитиш методикаси” фанининг мобил дастури ишлаб чиқилган. Бунда креативликни ривожлантиришга қаратилган “The wheel of logical reasoning”, “Three-stage training”, “Blended learning” инновацион технологияларининг самарали имкониятларидан ҳамда “NanoCAD”, “Discrete 3DS Max”, “Animation Master” дастурларидан фойдаланишга оид тавсиялар келтирилган.

Ўтказилган тадқиқотимизда “Сонли усуллар” фанидан тайёрланадиган электрон ўқув материалларини тайёрлашда фойдаланиладиган замонавий дастурий воситалари билан танишув ва таҳлилини дастур - иловалар ёрдамида баён этамиз. Аввало таъкидлаш жоизки, “Сонли усуллар” фани олий таълим муассасаларида бакалавриятнинг 5330100 – Компьютер илмлари ва дастурлаш технологиялари (йўналишлар бўйича) ва 5330200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари (тармоқлар ва соҳалар бўйича) таълим йўналишлари 3-босқич талабаларига 5-6-семестрларда ўқитилади. Мазкур курсни ўқитишнинг асосий мақсади талабаларда математик масалаларни сонли ечиш бўйича турли алгоритмларнинг сифатини ва ишлатиш имкониятларини таҳлил қила билиш, янги алгоритмлар ярата билиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатдир. Бу фандан маъруза машғулотлари мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган ўқув хонасида, амалий машғулотлар эса керакли дастурий таъминотлар билан жиҳозланган ўқув хоналарида олиб борилиши тавсия қилинади. Фан дастурида белгиланган мустақил таълим топшириқлари ва курс иши мавзулари эса талабалар томонидан мустақил равишда бажарилиши кўзда тутилган. Қуйида биз “Сонли усуллар” фанидан ишлаб чиқилган мобил дастур ва унинг имкониятлари ҳақида маълумот келтираемиз.

Мобил таълим дастурини қандай ишлаб чиқиш ва оммага тақдим этиш масаласи таълим бозорида ҳозирги кундаги долзарб масала бўлиб ҳисобланиб келинмоқда. Ўтказилган тадқиқотлар жараёнида мобил таълим дастурини юқори даражада ишлаб чиқиш, фойдаланувчиларгача етказишга бўлган жараён ўрганиб чиқилди ва улар қуйидаги муҳим омиллардан иборатлиги аниқланди:

• тайёрланган мобил таълим дастурларининг энг яхши ғояси – бу эришиладиган ютукнинг 60 - 70 фоизи демакдир. Бу эса, бизни асл ғояга таянган ҳолда, бозорда рақобатбардош дастур тайёрлашга ундайди;

• тадқиқотни ўтказиш жараёнида мобил таълим бозори ўрганилиб, тайёрланган дастурнинг фойдаланувчи учун барча параметрлари мос келиши ҳам муҳим аҳамиятга эга;

• тайёрланган мобил таълим дастурларини амалиётда кичик гуруҳларда синовлардан ўтказиш ва тажрибали педагоглар томонидан билдирилган тавсияларни албатта, эътиборга олиш муҳим вазибалардан бири ҳисобланади;

• мобил таълим дастурларини фойдаланувчилар учун ишлаб чиқариш хизматларини ташкиллаштирувчи компаниялар ишини тадқиқ қилиш ва жараёнларни дастурлаш амалиёти билан шуғулланувчи мутахассис дастурчилар хизматидан фойдаланишга тўғри келади.

АКТ соҳасида рақамли таҳлилга асосланган ҳолда, талаб ва таклиф аниқ ва тушунарли маълумотлар базаси орқали фойдаланувчиларга тақдим этилиши, дастурлаш соҳасида рақамли таълим бозори шаклланишига ҳамда, ривожланиш тенденциялари инсон иштирокисиз ҳам амалга оширилишини кўрамиз. Шубҳасиз, мобил таълимни кенг маънода билим оловчилар учун таълимий мустақилликка эришишга олиб келишини кўришимиз мумкин. Талабаларнинг функционал, психологик ва физиологик имкониятлари инobatга олиниб дастурий таълим воситаларни қўллаш асосида уларнинг мустақил таълим олиш кўникма ва малакалари шакллантирилади.

Олий таълимнинг “Ахборот тизимлари ва технологиялари” таълим йўналишининг умумқасбий фанларини ўқитишда виртуал синфни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш асосан куйидаги 4 (тўрт) муаммони бартараф этишга:

• талабалар фанга ажратилган мустақил таълим мавзуларини индивидуал равишда ўзлаштира олиши;

• таълим олиш жараёнида уларда масофа ва вақт чегаралари бўлмаслиги билан таъкидлаш;

• фойдаланувчилар учун масофавий таълим одатдагидан кўра қизиқарлилиги;

• фаннинг виртуал синфидан фойдаланиш бўйича алоҳида мобил илованинг мавжудлигига эътибор қартилган.

Юқоридаги муаммолар бартараф этилганда, фан бўйича мавзуларни замонавий таълим берувчи профессор - ўқитувчилар дарс жараёнида рақамли технологиялардан янада самарали фойдаланиш имкониятини оширади.

Изланишлар жараёнида мобил таълимни ташкил этиш усуллари ва унинг ўқув - услубий таъминотини ривожлантириш бўйича турли илмий қарашлар кўриб чиқилиб, муаммолар бартараф этилмоқда.

Қуйида келтирилган мобил таълимнинг “Ахборот тизимлари ва технологиялари” таълим йўналишининг “Сонли усуллар” фани бўйича салбий томонлари асосли тадқиқ этилган бўлиб, иштирокчиларнинг ўқув жараёнида мобил таълимни қўллаш бўйича билим, кўникма ва малакалари ҳисобга олинган (1 – расмга қаранг).



1 - расм. “Сонли усуллар” фанининг мобил илова дастурининг кўриниш ҳолати

Юқорида келтирилган назарий асослардан келиб чиқиб, “Сонли усуллар” фанининг асосий компоненталарини ўз ичига олган мобил дастур фойдаланувчининг шахсий смартфонига ўрнатилади. Бу эса уларнинг дарс ва дарсдан ташқари мустақил таълим жараёнида бўш вақтларини самарали ва сермазмун ташкил этиш имконини беради.

“Сонли усуллар” фанининг мобил иловаси ўрнатилгач, смартфонининг ойнасида илованинг бош саҳифаси намоён бўлади ва иловадан фойдаланиш бўйича йўриқнома билан танишилади. Белгиланган тартиб бўйича иловага кириш учун рўйхатдан ўтилгач, фойдаланувчи ойнасида ўқув – методик ҳужжатлар, маъруза машғулотлари, амалий машғулотлар бўйича топшириқлар, ҳар бир мавзу бўйича тест назорати, мустақил таълим ва муаллиф ҳақидаги бўлимлар намоён бўлади. Ўқув – методик ҳужжатлар бўлимида намунавий ва ишчи ўқув дастурлар жойлаштирилган бўлиб, бу уларга режага мувофиқ узвийлик, кетма-кетлик тамойили асосида очиб берилган. Маъруза машғулотлари бўлимига кирилгач, ҳар бир маъруза машғулотлари бандида, режа асосида машғулотлар мазмуни тўлиқ, тушунарли ва содда қилиб очиб берилган. 1 – маъруза тўлиқ ўқиб ўзлаштирилгач, мавзу бўйича тест берилади ва ўзлаштириш натижаси 60% дан юқори бўлгандагина кейинги мавзуга ўтилади, акс ҳолда маърузани қайта ўзлаштиришга тўғри келади. Амалий машғулотлар бўлимида ҳар бир мавзу бўйича намунавий мисоллар бажариб кўрсатилган ва мустақил бажариш учун топшириқлар берилган. Мустақил таълим бўлимида фаннинг қўшимча мавзулари бўйича топшириқлар берилган. Бунда фойдаланувчига ёрдам сифатида аудио, видео ва қўшимча маълумотлар берилади. Фойдаланувчи юқоридаги айтиб ўтилган бўлимларни тўлиқ ўзлаштиргач, фаннинг барча мавзуларини қамраб олган тест топшириғига мурожаат қилинади. Талаба тест топшириғидан 60% дан юқори кўрсаткич тўплай олсагина фанни ўзлаштирган ҳисобланади, акс ҳолда тестни қайта топширишига тўғри келади. Фойдаланувчи ва ўқитувчи орасидаги ўзаро мулоқот телеграм ва e – mail орқали амалга оширилади.

Мобил иловани яратишда бугунги кун талаба – ёшларининг мобил телефонлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ортиб бораётганлиги инobatга олинди. Бу эса, барча андроид қурилмалар учун мўлжалланганлиги билан фойдаланувчиларга дарс ва дарсдан ташқари мустақил таълим жараёнларида, яъни бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида, мобил иловадан метро ва автобус бекатларида бемалол фойдаланишга мўлжалланган. Мобил илова ўзининг осон ўрнатилиши, оддийлиги, барча керакли бўлган маълумотларни қамраб олганлиги, фойдаланувчини билим ва кўникмасини мустақил ошириш мақсадида ҳар бир маъруза бўйича назорат тестларининг

тузилганлиги билан бошқа мобил иловалардан тубдан фарқ қилади. 5330200 – Ахборот тизимлари ва технологиялари таълим йўналишининг ўқув режасидаги умумқасбий фанлар блокидаги “Сонли усуллар” фанидан мобил дастур талабаларнинг мустақил таълим олиш имкониятини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилиниб, талабалар ва соҳа мутахассислариға фойдаланиш учун тавсия қилинди.

Яхши маълумки, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб масофавий таълим шаклини жорий қилиш режалаштирилган. Масофавий таълимда бундай турдаги мобил

иловалардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, ўқув материалларини тақдим этишда АКТдан фойдаланиш фанни тўлиқ ўзлаштиришга ёрдам бериб, талабаларнинг билим ва кўникмаларини ривожланиш даражаси оширилади. Яратилган мобил дастур фойдаланувчи (талаба)ларнинг дарсдан ташқари мустақил фаолиятларини ривожлантирибгина қолмай, уларнинг келгусида мустақил ишлаб олиш қobiliятларини оширишга хизмат қилади. Бу эса, уларнинг индивидуал фаолият олиб бориши билан бир қаторда, ўз имкониятлари ва келажакдаги муваффақиятли йўллариини белгилашда хизмат қилади.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги –“Рақамли Ўзбекистон–2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6079-сонли Фармони (Манбаа: <https://lex.uz/docs/5030957>).
2. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти.: Пед. фан. докт.... дисс. автореф. - Т.: 2007. 37-б.
3. Мўминов Б.Б. Информатикадан амалий ва лаборатория машғулоти учун педагогик дастурий таъминот яратиш ва фойдаланиш методикаси (академик лицейларнинг аниқ фанлар йўналиши мисолида). Пед. фан. номзоди.... дисс. -Т.: 2009. 177-б.
4. Расулова З.Д. Талабаларнинг креативлигини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланиш методикасини такомиллаштириш (технологик таълим йўналиши мисолида). Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Дисс. 2021. 126-б.

**РЕЗЮМЕ.** Мазкур мақолада умумқасбий фанлар блокидаги “Сонли усуллар” фанидан ишлаб чиқилган мобил дастурнинг таълим соҳасида тутган ўрни ҳамда унинг қандай шаклда жорий этилиши бўйича таҳлиллар амалга оширилган. Тайёрланган мобил иловани ўқув жараёнига жорий этишда илмий асосланган ёндашув шакллантирилган ва тегишли хулосалар чиқарилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье анализируется роль мобильного приложения в сфере образования и способы его реализации, разработанного по предмету «Численные методы» в блоке общеобразовательных наук. Сформирован научно обоснованный подход к внедрению разработанного мобильного приложения в образовательный процесс и сделаны соответствующие выводы.

**SUMMARY.** This article analyzes the role of a mobile application in the field of education and ways to implement it, developed in the subject “Numerical Methods” in the block of general education sciences. A scientifically based approach to the implementation of the developed mobile application in the educational process has been formed and the corresponding conclusions have been drawn.

### TALABALARGA OBYEKTGA YO‘NALTIRILGAN DASTURLASHNI O‘RGATISHNING FOYDALI JIHATLARI (Python dasturlash tili misolida)

**D.E.Saidova – o‘qituvchi**  
*Qarshi davlat universiteti*

**Tayanch so‘zlar:** obyektga yo‘naltirilgan dasturlash, Python, sinf, obyekt, usul, atribut, xatti-harakat, funksiya, holat, o‘zgaruvchilar, inkapsulyatsiya, meros, polimorfizm.

**Ключевые слова:** объектно-ориентированное программирование, Python, класс, объект, метод, атрибут, поведение, функция, состояние, переменная, инкапсуляция, наследование, полиморфизм.

**Key words:** object-oriented programming, Python, class, object, method, attribute, behavior, function, state, variable, encapsulation, inheritance, polymorphism.

Ўзбекистон Respublikasining oliy va o‘rta ta‘lim tizimida dasturlash tillari sifatida uzoq yillardan buyon Paskal, C++, C#, Visual Basic, Java va boshqa tillar o‘qitilib kelinmoqda. Faqat so‘ggi yillarda Python dasturlash tili maktab darsliklari va oliy ta‘limning ayrim yo‘nalishlarida o‘qitilmoqda. Shuning uchun maktab o‘quvchilari va talabalar yuqoridagi dasturlash tillarida obyektga yo‘naltirilgan dasturlash bo‘yicha amaliy ko‘nikmalarga ega bo‘lishsa-da, Python tilida bu borada yetarlicha ko‘nikmalarga ega emaslar.

Avvalo shuni aytishimiz mumkinki, Python obyektga yo‘naltirilgan dasturlash tili sifatida yaratilgan. Bu quyidagi tamoyillarni hisobga olgan holda qurilganligini anglatadi [5]:

1. Undagi barcha ma‘lumotlar obyektlar bilan ifodalangani.
  2. Dastur bir-biriga xabar yuboradigan o‘zaro ta’sir qiluvchi obyektlar to‘plami sifatida tuzilishi mumkin.
  3. Har bir obyekt xotiraning o‘ziga xos qismiga ega va boshqa obyektlardan iborat bo‘lishi mumkin.
  4. Har bir obyektning turi bor.
  5. Bir xil turdagi barcha obyektlar bir xil xabarlarini qabul qilishlari va bir xil harakatlarni bajarishlari mumkin.
- Boshqa keng tarqalgan dasturlash tillari bilan solishtirganda, Python tili obyektga yo‘naltirilgan dasturlash bilan bog‘liq quyidagi xususiyatlarga ega [7]:

1. Har qanday berilgan (qiymat) obyektidir. Raqam, satr, ro‘yxat, massiv va boshqalar hamma narsa obyektidir.

O‘rnatilgan sinflar obyektlari (oldingi jumlada sanab o‘tilganlar kabi) va foydalanuvchi tomonidan belgilangan sinflar obyektlari (dasturchi yaratadiganlar) mavjud. Yagona o‘zaro ta’sir mexanizmi uchun operatorni ortiqcha yuklash usullari taqdim etiladi.

2. Klass ham o‘z nom maydoniga ega obyektidir. Bu darslar turkumining hech bir joyida aytilmagan. Shuning uchun “obyekt” so‘zi o‘rniga “instansiya” so‘zini qo‘llash to‘g‘riroq bo‘ladi.

3. Python tilida inkapsulyatsiyaga unchalik ahamiyat berilmaydi. Boshqa dasturlash tillarida odatda sinfda e‘lon qilingan xususiyatga bevosita kirish mumkin emas. Uni o‘zgartirish uchun maxsus usul taqdim etilishi mumkin. Pythonda buni sinfning mulkiga tashqaridan kirish orqali amalga oshirish oson. Shunga qaramay, Python hali ham sinfdagi o‘zgaruvchilarga kirishni cheklashning maxsus usullarini taqdim etadi

Ma‘lumki, obyektga yo‘naltirilgan dasturlash asosan real hayotdagi obyektlarni modellashga asoslangan. Demak, obyektga yo‘naltirilgan dasturlashni o‘rgatish obyektlar va ularning o‘zaro ta’siri tushunchasidan boshlanishi kerak [1].

Sinflar va obyektlarni batafsil ko‘rib chiqishdan oldin, biz uchun sinflar va obyektlar tushunchasi Python tilida qanday amalga oshirilishini bilish muhimdir. Chunki sinf va obyektning odatda dasturlash tajribasiga ega bo‘lganlar uchun tushunish juda qiyin. Python tiliga kelsak, muammolar nafaqat yangi boshlanuvchilar uchun, balki C++, Java,


C # va boshqalar kabi tillar misolida obyektga yo'naltirilgan dasturlash usullari bilan tanish bo'lgan o'quvchilar uchun ham paydo bo'lishi mumkin.

Shuningdek, Python tilida obyektga yo'naltirilgan dasturlashni amalga oshirish mexanizmlari va tamoyillari C++, Java va C# da qo'llaniladiganlardan sezilarli darajada farq qiladi. Fundamental farqlar hatto terminologiya darajasida ham mavjud [4].

Oddiy qilib aytganda, obyekt - bu ham obyektlar bo'lgan ma'lumotlarga (o'zgaruvchilarga) ta'sir qiluvchi usullar (funksiyalar) to'plami. Ushbu obyektlar uchun sxema sinfdir. Sinfni obyekt haqidagi barcha tafsilotlarga ega bo'lgan eskiz yoki prototip sifatida tasavvur qiling[3].

Sinfdan foydalanish obyektidagi xatti-harakatlar va holatni birlashtirish imkonini beradi. Xulq-atvor so'zini eshitganingizda, funksiyani o'ylab ko'ring, ya'ni biror narsani bajaradigan (yoki xohlasangiz, xatti-harakatni amalga oshiradigan) kodlar bo'lagi. Davlat so'zini eshitganingizda, o'zgaruvchilarni o'ylab ko'ring, ya'ni sinf ichidagi qiymatlarni saqlash joyi. Biz sinf xatti-harakat va holatni birlashtiradi, deb ta'kidlaganimizda, biz shunchaki sinf funksiyalar va o'zgaruvchilarni paketlashini bildiramiz [2].

Sinflar usullari va atributlariga ega. Pythonda sinfning xatti-harakati usulni yaratish bilan belgilanadi. Metod so'zi - bu sinf ichida aniqlangan funksiyaga berilgan obyektga yo'naltirilgan dasturlash nomi. Nega usullar shunchaki sinf funksiyalari sifatida tan olinmaganligi, sinf o'zgaruvchilari nom atributi bilan ma'lum bo'lgani kabi, vaqt o'tishi bilan yo'qolgan (1-rasm).




1-rasm. Sinf tarkibiy qismlari

Sinfdan foydalanish uchun siz undan obyekt yaratasiz (quyida bunga misolni ko'rasiz). Bu obyektни instantatsiya-lash deb nomlanadi. Instant so'zini eshitganingizda, ya'ni obyekt yaratish uchun sinfni chaqirasiz.

Ehtimol, ajablanarlisi shundaki, siz hech qanday holat yoki xatti-harakatlarga ega bo'lmagan sinf yaratishingiz mumkin, ammo Python uchun hali ham sinf. Aslida, bunday sinf bo'sh. Keling, sinf misollarimizni bo'sh misol bilan boshlaymiz va u yerdan narsalarni olamiz. Biz tarjimonning >>> ko'rsatmasi bo'yicha ishlaymiz.

Biz MyPerClass deb nomlangan bo'sh sinf yaratishdan boshlaymiz. Biz buni sinf nomiga class kalit so'zi bilan old qo'yish orqali amalga oshiramiz, so'ngra sinfni amalga oshiradigan kodlar to'plamini taqdim etamiz va darhol undan MyObj nomi bilan obyekt yaratamiz (2-rasm).



2-rasm: Sinf va obyekt deklaratsiyasi

Ushbu sinf to'plamida Python kalit so'zi passni o'z ichiga olganligiga e'tibor bering, bu Pythonning bo'sh bayonoti (bu hech narsa qilmaydi).

Python dasturlash hamjamiyatida kichik harflar (ta'kidlash uchun pastki chiziq bilan) yordamida funktsiyalarni nomlash bo'yicha yaxshi o'rnatilgan konvensiya mavjud, sinflarni nomlash uchun esa UpperCase (birlashtirilgan so'zlar, bosh harflar) ishlatiladi. Ushbu konvensiyadan so'ng, my\_per\_class() funksiya chaqiruvi ekanligi aniq bo'lishi kerak, chunki MyPerClass() obyektни yaratadi. Xuddi shu sinfdan yaratilgan obyektlar sinf bilan bir xil xatti-harakatlarga ega (sinfda belgilangan almashish usullari), lekin holatning o'z nusxasini (atributlari) saqlaydi.

Inkapsulyatsiya - obyektни tashkil etuvchi komponentlarga (usullar va o'zgaruvchilar) kirishni cheklash. Inkapsulyatsiya ba'zi komponentlarni faqat sinf ichida mavjud qiladi. Pythonda inkapsulyatsiya faqat qaysi atributlar ochiq va qaysi biri ichki ekanligi haqida dasturchilar o'rtasidagi kelishuv darajasida ishlaydi. Atribut nomining boshidagi bitta pastki chiziq o'zgaruvchi yoki usul sinf usullaridan tashqarida foydalanish uchun mo'ljallanmaganligini, lekin atribut shu nom bilan mavjudligini bildiradi.

```
>>> class A:
...     def _private(self):
...         print("Bu shaxsiy usul ")
...
...
>>> a = A()
>>> a._private()
Bu shaxsiy usul
```

Atribut nomining boshida qo'sh chiziq ostidagi chiziq qo'shimcha himoyani ta'minlaydi: atributga bu nom orqali kirish imkoni bo'lmaydi.

```
>>> class B:
...     def __private(self):
...         print("Bu shaxsiy usul")
...
...
>>> b = B()
>>> b.__private()
```

Traceback (most recent call last):

File "<stdin>", line 1, in <module>

Attribute Error: 'B' object has no attribute '\_\_private'

Biroq, bu to'liq himoya qilmaydi, chunki atribut hali ham \_ClassName\_\_AttributeName nomi ostida mavjud:

```
>>> b._B__private()
Bu shaxsiy usul
```

**Meros** deganda, bolalar sinfi ota-sinfning barcha atributlarini o'z ichiga oladi, shu bilan birga ularning ba'zilar bekor qilinishi yoki bolaga qo'shilishi mumkin. Masalan, biz o'zimizning lug'atga o'xshash sinfimizni yaratishimiz mumkin:

```
>>> class Mydict(dict):
...     def get(self, key, default = 0):
...         return dict.get(self, key, default)
>>> a = dict(a=1, b=2)
>>> b = Mydict(a=1, b=2)
```

Mydict klassi xuddi lug'at kabi ishlaydi, bundan tashqari get usuli sukut bo'yicha None (yo'q) o'rniga 0 ni qaytaradi.

```
>>> b['c'] = 4
>>> print(b)
{'a': 1, 'c': 4, 'b': 2}
>>> print(a.get('v'))
None
>>> print(b.get('v'))
0
```


**Polimorfizm** dasturlashda juda muhim g'oyadir. U har xil foydalanish holatlarida har xil turlarni ifodalash uchun bitta obyektдан (usul, operator yoki obyekt) foydalanishdan iborat. Polimorfizm ko'p shakllarni anglatadi [6].

Python turli xil argumentlarni qabul qilishi mumkin bo'lgan ba'zi funktsiyalarga ega. Bunday funktsiyalardan biri len(). U har xil turdagi ma'lumotlarni qabul qilishi

mumkin. Keling, bu qanday ishlashiga misolni ko'rib chiqaylik.

```
>>> print(len("Python"))
6
>>> print(len(["Python", "Java", "C++"]))
3
>>> print(len({"Name": "Dilfuza", "Address": "Uzbekistan"}))
2
```

Bu yerda biz len() funksiyasi bilan qator, ro'yxat, kortej, to'plam va lug'at kabi turli xil ma'lumotlar turlari ishlashi mumkinligini ko'rishimiz mumkin. Biroq, biz har bir ma'lumot turiga xos ma'lumotlarni qaytarishini ko'rishimiz mumkin (3-rasm).



3-rasm: len() funksiyasining polimorfizmi.

Polimorfizm - bu turli sinflarda bir xil usulning har xil xatti-harakatlari. Misol uchun, biz ikkita raqamni qo'shishimiz mumkin va ikkita satr qo'shishimiz mumkin. Bu holda biz boshqa natijaga erishamiz, chunki raqamlar va satrlar turli sinflardir.

Yuqorida biz Pythonning obyektga yo'naltirilgan dasturlashni qo'llab-quvvatlashining barcha asoslarini ko'rib chiqdik. Ma'lumotlar atributlari va moslashtirilgan usullar bilan oddiy sinflarni qanday yaratishni ko'rdik. Shuningdek, biz sinflarni qanday meros qilib olish va qo'shimcha ma'lumotlar atributlari va qo'shimcha usullarni qanday qo'shish va usullarni qanday qilib "amalga oshirish" mumkinligini ko'rib chiqdik. Agar biz sinfni meros qilib olsak, lekin quyi sinfimiz taqdim etadigan usullarni cheklamoqchi bo'lsak, uni amalga oshirish kerak bo'ladi, lekin undan ehtiyotkorlik bilan foydalanish kerak, chunki u pastki sinfdan uning asosiy sinflaridan biri ishlatilishi mumkin bo'lgan joyda foydalanish mumkin degan taxmini buzadi, ya'ni, polimorfizmni buzadi. Maxsus sinflar muammosiz birlashtirilishi mumkin, shunda ular Pythonning o'rnatilgan va kutubxona sinflari bilan bir xil sintaksislarni qo'llab-quvvatlaydi. Bunga maxsus usullarni qo'llash orqali erishiladi.

### Adabiyotlar

1. Kölling, M., The Problem of Teaching Object-Oriented Programming, Part 1: Languages, Journal of Object-Oriented Programming, 11(8): 8-15, 1999.
2. Paul Barry. Head First Python. O'Reilly Media, 2010. -P. 494 . Series: Head First.
3. Python programming: 2 in 1. Theory and Practice by Techs Ed Academy, 2020.
4. Васильев А.Н. Python на примерах. Практический курс по программированию. - СПб.: Наука и Техника, 2016. - 432 с.
5. Сузи Р.А. Язык программирования Python. Курс лекций. - СПб: Питер. 2005. - 206 с.
6. Saidova D. E. Analysis of the Problems of the Teaching Object-Oriented Programming to Students //International Journal of Social Science Research and Review. - 2022. - T. 5. - №. 6. - C. 229-234.
7. Жураев Т. Информатика дарслари самарадорлигини оширишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш. НГПИ имени Ажинияза. // «Фан ва жамият». 2015. №. 1. -С.47-50.
8. <https://habr.com/ru> - Полиморфизм в Python.
9. <https://python.ivan-shamaev.ru> - Classes, methods Python 3. OOP examples.
10. <https://pythonworld.ru> - Python3 для начинающих: Инкапсуляция, наследование, полиморфизм.

**REZYUME.** Maqolada talabalarga obyektga yo'naltirilgan dasturlashni o'rgatish metodologiyasi tadqiq etilgan bo'lib, Python dasturlash tilining xususiyatlari va uning obyektga yo'naltirilgan dasturlashdagi afzalliklari hamda o'quv jarayonida qo'llaniladigan ta'lim metodlariga integratsiyalangan holatda tavsiflangan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье исследуется методика обучения студентов объектно-ориентированному программированию, описываются особенности языка программирования Python и его преимущества в объектно-ориентированном программировании, а также его интеграция в методы обучения, используемые в процессе обучения.

**SUMMARY.** The article explores the methodology for teaching students object-oriented programming, describes the features of the Python programming language and its advantages in object-oriented programming, as well as its integration into teaching methods used in the learning process.

## YOSHLARNI JISMONIY TARBIYA VA SPORT ORQALI SOG'LOMLASHTIRISHDA IJTIMOY FAOLLIK SIFATLARINING TAKOMILLASHTIRISH ZARURIYATI

A.Y.Saidova – o'qituvchi

E.A.Erkaev – o'qituvchi

Farg'ona politexnika instituti

**Tayach so'zlari:** ta'lim, tarbiya, barkamol avlod, integratsiya, shaxs, jismoniy tarbiya, ma'naviy-axloqiy tarbiya, harakatli o'yinlar, ma'naviy-axloqiy mezon, didaktik tamoyil.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, гармонично развитое поколение, интеграция, личность, физическое воспитание, духовно-нравственное воспитание, подвижные игры, духовно-нравственные критерии, дидактический принцип.

**Key words:** education, upbringing, harmoniously developed generation, integration, personality, physical education, spiritual and moral education, action games, spiritual and moral criteria, didactic principle.

Mamlakat sportchisi - bu millat vakili, mavjud jamiyat kishisining axloqiy namunasidir. O'zbek sportchisining axloq normalari yuqori darajada shakllangan, fikrlash doirasi keng, ma'naviy boy, kirisshuvchan, yaxshi tashkilotchi bo'la oladigan insonni tarbiyalash nazarda tutiladi. Bu mezonlar ayniqsa navqiron mamlakatimiz yoshlari uchun taalluqlidir. Sportchi axloqiy tarbiyasining xususiyatlari, uni jismoniy tarbiya jarayonida amalga oshirilishiga quyidagicha yo'nalish va shakl berilmoqda. Jamoatchilik burchiga ijtimoiy munosabatda bo'lish, faoliyatni o'z shaxsiy ishi bilan teng qo'yish, jamiyat va davlat ishini past darajada deb bilmaslik. O'zining jismoniy tarbiyasiga ongli munosabatda bo'lish, Vatan talabiga

doimo tayyor turish - bu har bir jamiyat a'zosining umumiy burchi hisoblanadi. Mamlakat sportchisini xalqaro maydondagi g'alabalarini hal qiluvchi omili, o'z xalqi, Vatani oldidagi javobgarlik burchini his qila olishida.

Mamlakatimizning yangi taraqqiyot bosqichida yoshlar ijtimoiy faolligini oshirishning institusional tizimini takomillashtirish zarurati yuzaga kelganligi va yoshlar ijtimoiy faolligini oshirish - aniq maqsadga qaratilgan tashkiliy-pedagogik jarayon ekanligi, unda yoshlarda shakllangan ijtimoiy faollik sifatlarining takomillashtirilishi va boyitib borilishi zarurati asoslanadi. Zero, «bugungi kunda mamlakatimizni yangilash va modernizatsiya qilish, uni innovatsion asosda rivojlantirish, o'z oldimizga qo'ygan

ko'p qirrali va murakkab vazifalarni amalga oshirish maqsadida biz zamonaviy va kreativ fikrlaydigan, har qanday vaziyatda ham mas'uliyatni o'z zimmasiga olishga qodir bo'lgan, g'ayrat-shijoatli, intellektual salohiyati yuksak, vatanparvar yosh kadrlarga davlat va jamiyat boshqaruvida muhim vazifalarni ishonib topshirmoqdamiz» [1]. Shuning uchun ijtimoiy faol ergashtiruvchi, liderlik sifatiga ega, mas'uliyatli, fidoyi va vatanparvar yoshlarni tarbiyalash dolzarb pedagogik vazifalardan biriga aylanmoqda.

Ta'lim muassasalarida o'quvchi-yoshlarni jismoniy madaniyatini rivojlantirish masalasida mustaqillikning ilk yillarida normativ huquqiy hujjatlar orqali tadrijiy yuksaltirish asoslari yaratildi. Masalan, 1992-yil 14-yanvarda «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi qonun qabul qilindi, unda jamiyatimizda sport bilan shug'ullanish, jismoniy tarbiyani rivojlantirish kelajak avlodni jismoniy madaniyat ko'nikmalari asosida tarbiyalash masalalarining huquqiy asosi yaratildi. 2000-yilda ushbu qonunning yangi tahrirda qabul qilinishi va o'zgarishlar kiritilishi orqali mamlakatimizda jismoniy madaniyat sohasida yangi davr boshlandi.

Shuningdek, 1992-yil iyulda qabul qilingan va 1997-yilda yangi tahrirda qabul qilingan «Ta'lim to'g'risida»gi qonunda ham ta'lim oluvchilarning salomatligini muhofaza qilish va musthakamlashni kafolatlovchi shart-sharoitlar yaratish, o'qish, mehnat qilish va dam olish uchun ta'lim muassasalari mas'uldir deyilgan. O'zbekistonda yangilanishlar jarayoni birinchi Prezidentimizning «Qonunlar o'zgarishlar jarayonlaridan avval yurishi kerak», degan ko'rsatmasi asosida amalga oshiriladi. Mustaqillikning dastlabki yillarida O'zbekiston Respublikasining «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi Qonuni qabul qilindi. Ushbu qonunning ikkinchi tahriri 2000-yil 26-mayda tasdiqlandi. O'zbekiston Respublikasining «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi Qonunining yangi tahriri 2015-yil 4-sentabrda qabul qilindi. Mazkur Qonunda O'zbekiston hukumatining jismoniy tarbiya va sportni rivojlantirish huquqiy-me'yoriy asoslari Konstitutsiya va xalqaro huquq meyor mos ravishda yaratilgan [2].

Talaba-yoshlarni sifatli ta'lim olishlari va jismoniy barkamol bo'lib voyaga yetishlari uchun imkoniyatlarning yaratilishi, qonuniylashtirilishi ularning yorqin kelajagi garovi hisoblanadi.

O'zbekistonning Birinchi Prezidenti Islom Karimovning «Ta'lim-tarbiya va kadrlar tayyorlash tizimini tubdan isloh qilish, barkamol avlodni voyaga yetkazish to'g'risidagi» Farmoni, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1999-yil 27-maydagi qarori va boshqa rasmiy hujjatlar asosida «Sog'lom avlod» dasturi ishlab chiqilda va amaliyotga olib kiritildi. Dastur «Sog'lom ona va sog'lom bola» tamoyili asosida jamiyatda sog'lom ijtimoiy muhitni shakllantirish, sport va sog'lomlashtirish faoliyatlarini yo'lga qo'yish orqali jismoniy madaniyatni rivojlantirish, ta'lim-tarbiya jarayonida jismoniy tarbiyalash amaliyotini qo'llash orqali jismoniy madaniyatning pedagogik texnologiyalarini ishlab chiqish asoslari yaratildi. Shu bilan birga, maxsus maktablar, ya'ni nogiron va jismonan ojiz bolalar uchun va nogironlar sport klublari faoliyatini takomillashtirish orqali yoshlarda jismoniy madaniyat ko'nikmalarini o'stirish, ularni chiniqtirish, jismoniy nuqsonlarini bartaraf etish uchun ta'lim-tarbiya jarayonida ham jismoniy mashqlar orqali ta'sir ko'rsatish texnologiyalarini yaratish zarurati paydo bo'ldi [3].

2019-2023-yillar davrida O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirish konsepsiyasiga muvofiq innovatsion fikrlaydigan kadrlarni tayyorlash va tanlashni tashkil etish tizimi yaratiladi. Unga muvofiq jismoniy tarbiya va ommaviy sport sohasiga ma'muriy kadrlar tayyorlash jarayoniga sportni boshqarishning maxsus dasturlarini joriy etish,

professional, menejerlar, sport tibbiyot xodimlari va psixologlar uchun seminarlar o'tkazish, Sport Management (sportni boshqarish), Sport Leadership (sportda rahbarlik qilish), Sport Administration (sport ma'muriyatchiligi) yo'nalishlari bo'yicha yetakchi jahon sport markazlarida tajriba o'rtirishlarni tashkil etiladi [4].

Innovatsion yondashuv asosida o'quvchi-yoshlarni jismoniy madaniyatini rivojlantirishning pedagogik jarayonini mamlakatimizda o'tkaziladigan uch bosqichli sport musobaqalari muhim ahamiyatga ega. Zero, «Umid nihollari», «Barkamol avlod», «Universiada» sport o'yinlarini o'z ichiga olgan yaxlit tizimning amalga oshirilishi mamlakatimiz yoshlarini jismoniy madaniyatini o'stirishdagi evolyutsion o'sib boruvchi jarayon sifatida ma'no kasb etadi.

Bugungi kunda ta'lim tizimida o'quvchi-yoshlarni jismoniy madaniyatni rivojlantirish jarayonining pedagogik asoslari va ta'lim texnologiyalari yaratilishi bilan birga sport klubi kengashi faoliyatini ham takomillashtirish, faoliyatini kengaytirish, o'quvchi-yoshlarni jismoniy madaniyatni rivojlantirish bilan bog'liq darsdan tashqari to'garaklar, sport o'yinlari va tayyorlov guruhlarini faoliyatini takomillashtirish metodikasini ishlab chiqilgan.

Shuningdek, 2019-2023-yillar davrida O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirish konsepsiyasida ta'lim muassasalarining o'quv dasturlariga o'quvchilarning jismoniy faolligini rag'batlantiruvchi sog'lom turmush tarzi yuritish ko'nikmalarini shakllantirish va sog'lom ovqatlanish bo'yicha tadbirlar va maxsus kurslarni kiritish vazifalari ham tashkil etilishi belgilangan. Ta'lim muassasalari o'quvchi-yoshlarni jismoniy madaniyatni rivojlantirish jarayonida ta'lim muassasalaridagi jismoniy tarbiya har bir viloyatda qurib bitkazilgan olimpiya xazinalari tayyorlash kasb hunar kollejlari faoliyati muhim ahamiyatga ega. Chunki ular orqali o'quvchi-yoshlarni jismoniy barkamollik, jismoniy tarbiya va sport bilan bog'liq pedagogik faoliyat mezonlari, jismoniy madaniyat ko'nikmalarini o'stirish asoslari ishlab chiqiladi, tajriba o'tkaziladi. Shuningdek, o'quvchi-yoshlarni jismoniy madaniyatga tayyorlashga doir ilmiy tadqiqot ishlari olib boriladi va tajribalar tashkil etilishi orqali natijalar tahlili o'tkaziladi.

Jamiyatimizda yoshlarda milliy qadriyatlar va urf-odatlariga ijobiy munosabatni shakllantirishda qadriyatlar va an'analarga sodiqlik ruhida tarbiyalashda ta'lim tizimi samarali faoliyatni amalga oshiradi. Talaba-yoshlarda jismoniy madaniyat ko'nikmalarini rivojlantirishda jismoniy tarbiya darslari bilan birga, xalq milliy o'yinlari va sayohatlar tizimini yaratish muhim bosqich hisoblanadi.

Yoshlarda jismoniy madaniyatni rivojlantirish masalasi har doim davlat siyosatining ustuvor vazifalaridan biri sifatida qaralgan. Ta'lim tizimida ham Davlat ta'lim standarti asosida o'quvchi-yoshlarni jismoniy madaniyatni rivojlantirishda bosqichma bosqich, uzviylik asosida Jismoniy tarbiya darsining joriy qilinishi, alohida dars soatlari belgilanishi muhim ahamiyatga ega hisoblanadi. Bu orqali davlat o'quvchi-yoshlarning jismoniy rivojlanishi, har tomonlama barkamollikka erishuviga tizimli yondashib, aniq strategiya asosida ishlar tashkil qilinadi. Pedagogik jarayonda ham jismoniy madaniyatni pedagogik rivojlantirish metodikasi, shakllari va ta'lim texnologiyasini yaratishga doir fundamental tadqiqotlar yo'lga qo'yildi. Jumladan, 1999-yilda umumta'lim maktablari uchun Jismoniy tarbiya dasturi ishlab chiqildi. Dasturning mazmunida sinflar, o'quvchilarning yoshi, jinsi va jismoniy tayyorgarligini hisobga olgan holda gimnastika, yengil atletika, sport va harakatli o'yinlar, suzish, kurash va milliy raqslar o'z ifodasini topgan [5]. Lekin bu dasturni amalga oshirishda bir qancha tashkiliy va ta'limiy muammolar borligi namoyon bo'ldi.

Xulosa qilib aytganda, jismoniy madaniyat ko'nikmalarini, xususan, jismoniy sifatlarini rivojlantirishning zarurati yuqoriligi va natijasi salmoqliligi ko'zga yaqqol tashlanib turibdi. Shuni qayd etish kerakki, jismoniy sifatlarini rivojlantirishda ularning (kuch, tezkorlik,

chaqqonlik, chidamlilik va hokazolarning) barchasini o'zaro uzviy bog'lab olib borishni tarbiya jarayoni taqazo qiladi. Lekin sportning ma'lum bir turida muayyan fazilat kuchliroq shakllanadi, rivojlanadi va u yetakchi harakat sifati tarzida nomoyon bo'ladi.

#### Adabiyotlar

1. Mirziyoyev Sh.M. Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oliy bahodir. 2 jild. -Toshkent: «O'zbekiston», 2018. 491-b.
2. «Xalq so'zi», 1992-yil 23-iyul, 1997-yil 3-sentyabr sonlari
3. Шакиржанова К.Т., Джалилова Л.А. Узбекистон республикасида мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши //Замонавий таълим / современное образование. 2016, -С. 9, 65.
4. 2019-2023-yillar davrida O'zbekiston Respublikasida jismoniy tarbiya va ommaviy sportni rivojlantirish konsepsiyasi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi. 2019 yil 14 fevral. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
5. Эшназаров Ж. Жисмоний маданият тарихи ва бошқариш. –Тошкент: Фан ва технология. 2008, 283-б.
6. Эгамбердиева Т.А., Тоштемиров О.А. "Талаба-ёшларнинг жисмоний фаоллиги ва маданиятини юксалтиришнинг инновацион-педагогик хусусиятлари" *Фан-Спортга* 5 (2020): 56-59
7. Mamazufarovich, Abdugapparov Abdullaion, and Sulavmonov Ergashbov Radiaboevich. "UNITY OF UPBRINGING AND DEVELOPMENT OF HARMONIOUSLY DEVELOPED GENERATION IN THE PROCESS OF PHYSICAL EDUCATION." *Innovative Technoloqica: Methodical Research Journal* 2.10 (2021): 57-60.
8. Ivanovna, Mixeeva Aleksandra, Toshtemirov Otabek Abidovich Abidovich, and Saidova Aziza Yakubovna. "Strengthening the Health and Spiritual Maturity of Young People through Physical Education and Sports." *CENTRAL ASIAN JOURNAL OF MEDICAL AND NATURAL SCIENCES* 2.6 (2021): 64-67.
9. Atamukhamedova, M. R., Yormatov, G. S., & Erkaev, E. A. (2019). Relations between basic exchange and sprint. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(10), 304-308.

**REZYUME.** Ushbu maqolada yoshlar ijtimoiy faolligini oshirishning zarurati yuzaga kelganligi va yoshlar ijtimoiy faolligini oshirish – aniq maqsadga qaratilgan tashkiliy-pedagogik jarayon ekanligi, unda yoshlarda shakllangan ijtimoiy faollik sifatlarining takomillashtirilishi va boyitib borilishi masalasi asoslangan.

**РЕЗЮМЕ.** Возникает необходимость повышения социальной активности молодежи и повышение социальной активности молодежи представляет собой целенаправленный организационно-педагогический процесс, основанный на необходимости совершенствования и обогащения сформированных у молодежи качеств социальной активности.

**SUMMARY.** There is a need to increase the social activity of young people and the increase in the social activity of young people is a purposeful organizational and pedagogical process based on the need to improve and enrich the qualities of social activity formed among young people.

### ТАЛАБА-ЁШЛАРНИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИГА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУҲИМ ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

С.Сапарниязов – ассистент ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

**Таянч сўзлар:** талаба, спорт мусобақалари, жисмоний тарбия, жисмоний маданият, оммавий спорт, спорт мусобақаларига тайёрлаш тизими.

**Ключевые слова:** студент, спортивные соревнования, физическое воспитание, физическая культура, массовый спорт, система подготовки к спортивным соревнованиям.

**Key words:** student, sport competitions, physical education, physical culture, mass sports, the system of preparation for sports competitions.

Аҳолининг барча катламларини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан кенг камраб олишни таъминлайдиган инновацион шакллар ва механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни 2019-2023 йиллар даврида ривожлантириш концепциясида жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасини тўлиқ қўламда ривожлантириш йўлида Республика маҳаллалари, туманлари ва минтақалари бўйича тегишли ҳудудларда аҳолининг жинс-ёш таркиби хусусиятларини, ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда ўтказиладиган спорт тадбирларининг оммавийлиги ва мунтазамлигини таъминлаб соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, аҳолининг барча катламларини жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш ишлари доирасида спорт муассасалари, ижро этувчи ҳокимият органлари ва жойларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро ҳамкорлигининг намунавий моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, аҳолининг турли катламларини камраб олишни кенгайтиришга мўлжалланиб ўтказиладиган «Спорт — ҳаёт тарзи» спорт ва жисмоний тарбия — оммавий мавзули тадбирларнинг турлари хилма-хил бўлиши ва тез-тез ўтказилишини, янги медиа-технологиялардан фойдаланган ҳолда фаол иштирокчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини таъминлаш, Жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасида, шу жумладан, инновацион ғоялар ва технологияларни

ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш учун илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришга инвестицияларни кенг жалб этиш, фуқароларда кичик ёшдан бошлаб соғлом турмуш тарзига, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга, соғлом, кучли ва амалий ижобий қизиқишни сингдиришга йўналтирилган тизимнинг янада ривожланишини таъминлайдиган норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш каби вазифалар белгиланган бўлиб, **2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини амалга оширишдан кутилаётган натижалар қуйидагиларни ўз ичига олган:**

- жисмоний тарбия ва оммавий спорт соҳасини модернизация қилишнинг олдинга қўйилган вазифаларини ҳал этиш иқтисодий инновацион ривожлантиришни таъминлашнинг устувор йўналишларидан ва Ўзбекистон Республикасининг геосиёсий рақобатбардошлилигидан келиб чиқиб мамлакат инсон капиталини аниқ мақсадни қўзлаб шакллантиришнинг кенг имкониятларини таъминлайди.

- 2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш:

- аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга;

- аҳолини жисмоний тарбия ва оммавий спорт машғулотлари билан қамраб олиш тизимини бошқаришнинг инновацион усуллари жорий этилишини тезлаштиришга;

- замонавий энергия ва ресурсларни тежайдиган инновацион қурилиш технологияларини жорий этиш, янги технологияларни ҳисобга олган ҳолда спорт объектлари ва инфра тузилмасини жиҳозлаш ва тўлиқ жиҳозлаш асосида умумтаълим ва спорт муассасаларининг бинолари ва спорт иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлашни кенгайтиришга;

- спортнинг оммавий турларини, шунингдек, бошқа қўшимча омишлар ва йўналишларни (тиббий, психологик ва шу каби) ривожлантиришга;

аҳолининг барча қатламлари учун кўрсатиладиган жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт хизматларининг сифати, долзарблиги ва хилма-хиллигини, манзиллилигини оширишга қўмаклашади [1].

Мазкур вазифалар негизда шарқ алломаларнинг ёшларни жисмонан чиникиши, спорт мусобақаларини ташкил этишдаги ўрнини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да, Марказий Осиё халқларининг «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Гўрўғли», «Ойсулув», «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо», «Манас», «Қизжибек», «Қози Курпеш Баян сулув» каби дostonларда никоҳ тузишга оид одатларда йигитнинг жисмоний қобилиятларига алоҳида аҳамият берилган. Йигитнинг жисмоний қобилияти синаб кўрилган. Масалан, унинг қизга муносиб ёки номуносиб эканлигини аниқлаш учун ўзаро от пойгаси, камондан нишонга уриш, узокқа ўқ узиш, кураш тушиш каби беллашувлар ўтказилган. Шунингдек, бу танлов «Қиз қувмок», «Тортишмачок», «Олтибоқан» каби халқ ўйинларида ўз ифодасини топган. Бу дostonлар қадимги даврда ёшларни жисмоний беллашув, мусобақаларга тайёрлаш ҳақида бизга тўлиқ тасаввур ва маълумот бера олади [2:304].

Тошга ўйиб ёзилган ёдгорликлар ичида ўзининг таълим-тарбиявий ғоялари билан маънавий мерос қолдирганлардан бири - Кўрқит ота ўғит-насихатларидир. VIII-IX асрнинг машҳур қозоқ куйчиси, мусикашунос олимлардан бири Кўрқит ота ўғит-насихатлари, афоризмларининг тарбиявий аҳамияти катта. Кўрқит соғлом авлодни, турмуш тарзини муҳим санаб, онадан ибрат олмаган қиз ёмон, отадан ўртак олмаган ўғил ёмон. Бундай фарзанд халқнинг бошини бирлаштириб, уйдан овқат беришга ҳам қўймайди, деган сўзлар кишини ўйга толдирмай қўймайди [3:160]. Дунёга машҳур олим, маърифатпарвар Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» ва «Бахт-саодатга эришув ҳақида» асарларида соғлом авлодни шакллантиришда жисмоний тарбияга катта эътибор берган [4:224]. Ибн Сино соғлом турмуш тарзини ташкил қилиш учун асосан етти нарсани тартибга солиш орқали эришиш мумкинлигини уқтиради: Мижозни мўътадил қилиш, овқат истеъмолида мижозни иссиқчан ёки совуқчанлигига қараб танлаш ҳамда ҳавони нам ёки қуруқлигига эътибор бериш ва ҳоказолар. Гавдани чиқиндилдан тозалаш, шахсий гигиенага эътибор бериш. Тўғри тузилишни сақлаш. Бўйига нисбатан тана оғирлигини оширмаслик. Бурун орқали олинадиган ҳавони етарли ва яхши олиш. Кийимга эътибор бериш. Жисмоний ва рухий ҳаракатларни тартибга солишлар қиради.

Буюк аллома Алишер Навоийнинг эр-хотин муносабатлари, бурчлари, аёллар фазилати, уларнинг оилада тутган ўрни ҳақидаги қарашлари бекиёсдир. «Маҳбуб-ул-қулуб» асарида у инсонларнинг соғлом турмуш тарзини ташкил этишга алоҳида эътибор берган [5:244]. Қозоқ оқини (шоир) Шал (Тилеуке)

Кулке ўғли шеърларидаги педагогик ва психологик қарашлар ижтимоий асосда қурилган бўлиб, йигитнинг бошидаги боғи оилдан бошланишини уқтиради ва оилада ота ва онанинг соғлом турмуш қуриш муҳим аҳамиятга эгалигини алоҳида таъкидлайди [6:160]. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган шарқ мутафаккирларидан бири Аҳмад Дониш ўзининг «Наводир ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») номли асарида ҳам соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор берган. XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошида яшаб ижод этган татар олими Ризоуддин Ибн Фахруддиннинг «Оила» асарида ҳам соғлом турмушни ҳаётдаги асосий мезон деб ҳисоблаган [7:64].

Жисмоний тарбия - педагогик жараён бўлиб, инсон организмни морфологик ва функционал жиҳатдан такомиллаштиришга, унинг ҳаёти учун муҳим бўлган асосий ҳаракат малакасини, маҳоратини, улар билан боғлиқ бўлган билимларни шакллантириш ҳам яхшилашга қаратилган асосий воситалардан биридир. Жисмоний тарбия инсон соғлом турмуш тарзини тартибга солишда жуда катта ўрин тутди ва ҳеч қандай исбот талаб қилмаслигини кўрсатади.

Талаба-ёшларни спорт мусобақаларига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш инсоннинг меҳнат шароитини ҳам ўзгартиради, жисмоний меҳнат ўрнига ақлий меҳнатдан фойдаланиш устун келади.

Демак, XXI асрдаги аҳоли олдидан турган долзарб муаммолардан бири аҳоли истиқомат қилаётган минтақаларни, уларни ўраб турган атроф-муҳитни тезроқ соғломлаштиришни талаб этилади. Спорт кишига ҳар томонлама таъсир кўрсатади: соғлиқни мустаҳкамлашга умумий жисмоний ривожланишига амалий қўникмаларни эгаллашга ёрдам беради ва ўзининг юксак эмоционаллиги билан фарқланади. Жисмоний тайёргарлик жараёнида ўзида юқорида саналган сифатларни ривожлантирган спортчилар мусобақалар пайтида керакли натижаларни кўрсатадилар.

Ёшларда соғлом турмуш тарзини ташкил этиш жуда зарурлиги боис энг долзарб муаммолар сирасига қиради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Соғлом турмуш тарзи ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги ўта долзарб муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқ.

Юқорида келтирилган юридик ҳужжатлар ва бошқа манбалар асос қилиб олинган ҳолда узлуксиз таълим тизимига жисмоний таълим-тарбия масалалари сингдирилмоқда. Жисмоний тарбия мазмуни ишлаб чиқилиб, улар ижтимоий талаблар асосида модернизацияланмоқда.

Россия федерацияси О.А.Волкованинг “Бўлажак ўқитувчининг касбий ўзини ўзи белгилашнинг педагогик шартлари ва воситалари” номли диссертациясида олиб борилаётган тадқиқот ишларини тизимли ҳолда ташкил этиш, шунингдек ўқувчиларнинг саломатлигини сақлаш, саломатлик асослари бўйича билим ва тушунчаларни таркиб топтириш ҳамда такомиллаштиришда ОТМ таълими тизимидаги нафакат табиий илмий фанлар, балки фанлар бирдек масъулият ва имкониятга эга эканлиги таъкидланган [8]. В.И.Дубровскийнинг жисмоний тарбия ва спортга оид илмий асарларида янгилашиб бораётган инновацион таълим технологиялари, таълим тизимларининг ўзгариб бориши, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб боришда замонавий, самарали воситалар ва усуллар орқали ёндашувлар бўйича тавсия ва кўрсатмалар берилган [9].

Бу ғоялардан кўринадики барча аҳолининг жисмоний тарбияга оид саводхонлигини таъминлаш зарур, бунинг учун аввалом бор ўқувчиларнинг жисмоний тарбияга оид билимларини ривожлантириш тизимини такомиллаштириш лозим

Шиддат билан янгиланиб бораётган таълим технологиялари, инновацион таълим тизимларининг ўзгариб бориши натижасида мавжуд муаммоларни бир мунча самарали воситалар ёрдамида бартараф этишга кенг имкониятлар очмоқда. Шунинг учун талабаларнинг жисмоний тарбияга оид билимларини ривожлантиришнинг мавжуд тизимини такомиллаштириш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин деган хулоса келинди.

Талабаларнинг жисмоний тарбияга оид билимларини ривожлантириш ОТМларининг таълим жараёнларида ва ОТМдан ташқари ишлари орқали амалга ошириш мумкин. Бунда асосан жисмоний тарбия фани орқали амалга ошириш самарали натижани беради.

Олиб борилган илмий тадқиқотларимиз давомида жисмоний тарбия таълими жараёни ва синфдан ташқари ишлар орқали талабаларни соғломлаштириш, билим, кўникма ва малакаларини ошириш, жисмоний тайёрлашни ошириш, ўқув-тарбиявий ишлар, спорт ва соғломлаштириш ишларига талабаларни жалб қилиш ва саралаш ишлари, спорт мусобақаларига тайёрлаш

билан биргаликда, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, атроф-муҳит билан тўғри муносабатни ўрнатиш, тежамкорлик, шахсий ва жамоат гигиенаси, жисмоний тарбияга оид билимларини ошириш каби вазифаларни амалга ошириш имкониятлари юқори эканлиги ўз исботини топди.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини юксак даражадаги умумий жисмоний тарбияга оид маданият ва касб маҳоратни эгаллаган бўлиши, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзлаштирган, табиат ва атроф-муҳитни муҳофазасига салбий таъсир кўрсатмайдиган талабаларни тарбиялашга эътибор беришлари зарурлиги талаб қилинади. Бунинг учун ОТМ талабаларининг жисмоний тарбияга оид билимлари даражасини бойитиш мақсадида ўқитувчиларга қуйидаги зарур илмий-амалий ёрдам кўрсатиш зарур:

-ОТМ талабаларининг жисмоний тарбияга оид билимларини ривожлантириш методларини ишлаб чиқиш;

-ОТМ дан ташқари таълим жараёнида талабаларга жисмоний тарбияга оид билим беришнинг замонавий методикаларини ишлаб чиқиш;

-ОТМ жисмоний тарбия таълими жараёнида талабаларнинг жисмоний тарбияга оид билимларини ривожлантириш мазмуни, шакл, усул ва воситаларини ишлаб чиқиш лозим деган хулосага келдик.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш” тўғрисидаги фармони //lex.uz// Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06/19/5863/3979-сон; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги 118-сон қарори билан тасдиқланган “2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури” //lex.uz// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.02.2019 й. 09/19/118/2612-сон; Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 18.01.2021 йилдаги 23-сон)

2. Хасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. - Т.: «Ўқитувчи», 1996.
3. Жармқбаев Қ. Қазақ психологиясының тарихы. -Алматы: «Қазақстан», 1996.
4. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
5. Алишер Навоий. Махбуб-ул-Қулуб. - Т.: 1966. 13-жилд.
6. Жармқбаев Қ. Қазақ психологиясының тарихы. -Алматы: «Қазақстан», 1996.
7. Ризоуддин ибн Фахруддин. Оила. / Таржимон: Т.Зиёев. -Т.: «Мехнат». 1991.
8. Волкова О.А. «Педагогические условия и средства профессионального самоопределения будущего учителя». Автореф. дис. ...канд. педагогических наук Саратовском государственном университете им. Н.Г.Чернышевского.
9. Дубровский В.И. Лечебная физическая культура. Учебник для студентов высших учебных заведений. -2-е изд. -М.: «Владос» 2001. –С. 608.

**РЕЗЮМЕ.** Мазкур мақолада талаба-ёшларни спорт мусобақаларига тайёрлаш тизимини такомиллаштириш муҳим педагогик муаммо сифатида эканлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилган ҳамда талаба-ёшларни спорт мусобақаларига тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг амалиётдаги ҳолати ёритилган бўлиб, мазкур жараён бўйича тегишли илмий хулосалар келтирилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье анализируется значение совершенствования системы подготовки студентов к спортивным соревнованиям как важной педагогической проблемы, а также практическое состояние совершенствования системы подготовки студентов к спортивным соревнованиям, и приводятся соответствующие научные выводы по данному процессу.

**SUMMARY.** This article provides a scientific and theoretical analysis of the improvement of the system of training students for sports competitions as an important pedagogical problem, as well as the practical state of improving the system of preparation of students for sports competitions.

#### DZYUDONÍŔ RAWAJLANÍW TARIYXÍNAN

Dj.Sultamuratov – *aga oqitwshi*

B.Aytmuratova – *student*

*Ózbekstan mámleketlik дене tárbıyası hám sport universiteti Nókis filiali*

**Tayanch soʻzlar:** dzyudo, «yumshoq yoʻl», Dzigoro Kano, Kodokan dzyudo, Rafail Kelimbetov, Budokan, Kodokan.

**Ключевые слова:** дзюдо, «мягкий путь», Дзигоро Кано, Кодокан дзюдо, Рафаил Келимбетов, Будокан, Кодокан.

**Key words:** judo, "soft way", Dzigoro Kano, Kodokan judo, Rafail Kelimbetov, Budokan, Kodokan.

Erte zamanlardan-aq güres jawingerlerdi fizikalıq tayarlawda áhmiyetli ámeliy roldi atqaradı. Gürestin haqıyqıy rawajlanıw tariyxına kóz juwırsaq, tariyx bizdi áyyemgi Greciyağa jeteleydi. Ol grek ádebiyatı hám súwretlew óneri shıǵarmalarında keń sáwleleniwın taptı. Gürestin Greciyada áhmiyeti hám keń tarqalǵanı tuwralı bılay delinedi, juwırwı izinen dárhal birinshilerden bolıp (b.e.sh. 776 j. keyin kóp uzamay) Olimpiya oyınına (baǵdarlamasına) kirgizilgen.

Dzyudo güresi tariyxı XIX ásirniń ekinshi yarımnan baslanadı. Jas yapon Kano Dzigoro (1860-1938), Tokio imperatorlıq universitetine tapsırıp, sonıń menen bir qatarda, aldın Tensinsinyo-ryu mektebinde, keyin Kito-ryu mektebinde dzyu-dzyucudı (inglis tilleri variantında djiu-djitsu) úyreniwdi basladı. Jaqsı ustazlar, óziniń intası hám miyneti arqasında jas Kano qısqa waqıt ishinde dzyu-dzyucuda tańqalarlıqtay tabıslarǵa eristi. Universiteti ayırıqsha tamamlap, Kano – chinovnik sıpatındaǵı óziniń

kásibin dawam etiw kerek pe, yamasa jawingerlik ónerdi úyreniwdi dawam etiw zárur me, degen eki joldan birin tańlaw aldında turdı. Dzyu-dzyucuǵa degen mehir-muhabbat, súyiwshilik jeńiske erisip, Kano jankúyerlik penen shuǵıllanıwı dawam etedi. Sebebi ol zamanda Yaponiyada Meydzidıń siyasiy ekonomikalıq hám sociallıq reformasınıń quramalı sharayatı húkim sürmekte edi. Sonlıqtan ol Yaponiyada dástúriy jawingerlik sistemani saqlaw hám jetilistiriw jollarına bas qatırdı.

Texnikasın sistemalaştırıp hám oqıtıw metodikasın jetilistiriw, 1882-jılǵı may ayında Eysyodzi budda xramınıń úlken emes imaratı janınan «Kodokan dzyudo» atı menen Kano óz mektebine tiykar saldı. Áne, usı jerde, úlken emes zalda, jeke gúrestiń jańa sisteması payda boldı hám dáslepki oqıwshıları qatnay basladı. Keyinsheli olar Kanoǵa dzyudo gúresin el ishinde hám sırtında keń tarqatıwda sadıq járdemshiler bolıp xızmetler etti.

Dzyudo, yapon tilinen sózbe-sóz awdarǵanda, «jumsaq jol» yamasa «iyiliwshen (mayısqaq) jol» degendi bildiredi. DO túsiniǵı – JOL, Aziya xalıqlarında qúdiretli filosofiyalıq áhmiyetke iye.

Kano dzyu-dzyucudı Yaponiyanıń biybaha baylıǵı dep esapladı. Onıń niyeti boyınsha dzyu-dzyucu – dzyudo joqarı nátiyjeli jawingerlik óner ǵana bolıp qalmastan, sonıń menen birge adamdı fizikalıq hám morallıq rawajlandırıwǵa járdem beriwshi bilimlendiriw sisteması da bolıp qalıwı kerek. Kano tárepinen dúzilgen sistema áste-aqırın, tek ápiwayı xalıq arasında ǵana emes, húkimetlik sheńberde de keń tarqaldı. 1886-jıldan baslap áskeriy hám policiya akademiýalarında oqıtılıw baslandı. Kóp uzamay orta hám joqarı oqıw orınlarınıń fizikalıq tayarlaw baǵdarlamaları kirgizildi. Elde dzyudo ishqpazlarınń sanı adam isengisiz tempte ósti. 1911-jılı Dzigoro Kano Yapon sport asociaciyasın shólkemlestirip, onıń prezidenti boldı. Dzyudo sistemasın jetilistiriw boyınsha jumıslar 1922-jılǵa shekem dawam etti. Bul jeke gúres túrin úyreniw jetkilikli dárejede ápiwayı hám barınsha ámeliy bolıwı ushın Kano barlıq waqtın hár qıylı usıllardı oylap tabıwǵa jumsadı. 1889-jıldan baslap Kano aǵartıwshılıq iskerligin Evropada gúllendirdi hám kóp uzamay dzyudo gúresi Franciyada, Ullı Britaniyada, Gollandiyada hám basqa Evropa ellerinde rawajlandı. Dzyudoǵa qızıǵıwshılıq basqa da kontinentlerde payda boldı, máselen AQSh prezidenti Teodor Ruzvelt Kodokannıń jetekshi instruktorların bir neshe ret AQSh qa mirát etti. Máselen, solardıń biri Maeda Micue uzaq dawam etken gúres turnirlerinde 1000 ǵa jaqın jekpe-jekler ótkerdi, solardıń basım kópshiliginde jeńiske eristi, tek eki ret utıldı, nátiyjede Braziliyada gúreske tiykar saldı hám «Brazilshen dzyu-dzyucu»dıń tırnaǵın qalawshı esaplanadı. 1909-jılı Xalıq aralıq Olimpiya komitetinde Yaponiyanıń bas wákili bolıp, Kano Olimpiya oınlarınń Tokioda ótiwin hám dzyudo gúresin onıń baǵdarlamasına kirgiziwdi árman etti. 1936-jılı Berlin Olimpiadası waqtında XOK (Xalıqaralıq olimpiya komiteti) sessiyasında Kanonıń ármanı turmısqa asa basladı – 1940-jılı Oınları Tokioda ótkeriw hám jarıs baǵdarlamasına dzyudo gúresin kirgiziw haqqında tariyxıy qarar qabıl etildi. Biraq Qıtaydaǵı Yaponiya tárepinen járiyalanǵan urıs Tokio Olimpiadasınıń ótiwin gúmanǵa qaldırdı. Usı jaǵday professor Kanonıń ólimi sebeplerinen biri dep kórsetiledi. 1938-jıl 4-maydaǵı XOKtıń gezektegi sessiyasınan (Kairda ótkerilgen) úyine qayıp kelgen dzyudonıń tiykarın salıwshı ol 78 jasında qaytı boldı [3].

Izin ala baslanǵan ekinshi dúnya júzilik urıs Kanonıń arızınıń iske asıwın kóp keshiktirdi. Awır urıs jıllarında shınıǵıwlar ámelde toqtadı. Degen menen, ekinshi dúnya júzilik urıs tamamlanǵannan eki jıldan keyin dzyudo jańa epkin menen tarqala basladı. Pútkil Yaponiya boylap dzyudo gúresi boyınsha jarıslar qaytadan jolǵa qoyıldı, al 1948-jılı urıstan sońǵı birinshi mámleket chempionatı ótkerildi. Urıstan sońǵı qıyın dáwirge qaramastan dzyudo, hátte Yaponiyadan tisqarida da rawajlanıwın basladı.

1948-jılı Evropa Dzyudo awqamı (EJU), al 1952-jılı bolsa xalıqaralıq dzyudo federaciyası (IJF) dúzilip, onıń prezidenti etip dzyudonıń tırnaǵın qalaǵan Kanonıń birden-bir ulı Risey saylandı. Al 1956-jılı Tokioda dzyudodan birinshi jáhán chempionatı ótkerildi.

1964-jılı Yaponiyada shólkemlestirilgen XVIII Olimpiada oınlarında mezbanlardıń usınısı boyınsha dzyudo gúresi Olimpiada oınları baǵdarlamasına kirgizildi. Dzyudo jarısları belgili «Budokan» — «Jawingerlik ónerler sarayı»nıń tatamilerinde bolıp ótti. Usınnan baslap dzyudo olimpiya baǵdarlamasınıń ajıralmas bólimi bolıp kiyatır hám nátiyjede bul sport túrinıń dúnyalıq masshtabta keń tarqalıwına xızmet etpekte.

Házirgi waqıtta dzyudo Xalıq aralıq federaciyaǵa 198 mámleketten milliy federaciylar aǵza. Yaponiyada dzyudo menen 8 millionǵa shamalas, jáhán boyınsha 20 millionǵa jaqın adam shuǵıllanadı. Haqıyqatında qúdiretli, kóp milletli bul jámiyetti professor Kanonıń – Kodokannıń («Túsiniw jolı sarayı»)nıń perzentı dep ataw múmkin [8].

Kano dzyudonıń tiykarǵı maqseti – adamzattı «ózara húrmet hám amanlıq» hám «ruwxıy hám fizikalıq energiyadan ele de nátiyjeli paydalanıw» principlerine muwapıq tárbiyalawda dep esapladı. Usınday ideyası arqasında dzyudo mekteptiń tar sheńberinen planetanıń túpkir-túpkirlerine qádem urdı, millionlap adamlar jawingerlik óner sheberi, ataqlı filosof Kano Dzigoronıń wásiyat etken ármanların turmısqa asırmayta.

Rossiyada Dzyudo gúresi V.S.Ochepkov tárepinen rawajlandırıldı. Ol bir waqıtları Yaponiyada jasap turıp, «Kodokan» Dzyudo sport mektebinde 1932–1933-jılları oqıp, jaqsı bahalarǵa iye bolǵan. V.S.Ochepkovtıń bassılıǵında bul gúrestiń túri menen Moskva dene tárbiyası institutında studentler shuǵıllana baslaǵan, al 1933-jılı Dzyudo gúresi pán retinde P.F.Lesgaft atındaǵı Leningrad dene tárbiyası institutı baǵdarlamasına kirgizildi. 1935-jılı Moskva qalasında birinshi márte Dzyudo gúresi boyınsha jarıs ótkerildi. 1937-jılı Moskva-Leningrad dzyudoshıları ortasında joldaslıq ushırasıw bolıp ótti.

1972-jılı SSSR mámleketinde dzyudo rásmiy túrde sport túri dep tán alınǵan. Al 1973-jıldan baslap awqamnıń barlıq awqam respublikalarında Dzyudo gúresi rawajlana basladı. Hár qıylı jarıslar shólkemlestirildi. Mısalǵa ayıp ótsek, qala hám rayonlıq jarıslar, Spartakiada, Olimpiada, oqıwshılar arasında spartakiada jarısları, pútkil soyuzlıq jaslar oınları shólkemlestirilgen. Sol waqıttaǵı jarıslar 7 awırılıq salmaqlarda ótkeriletuǵın bolǵan. Sol jılları dzyudo menen awqamlıq mámleketimizde 250 mın adam shuǵıllanıw, sonıń ishinen 16 mın sport ustası (sheberi) jetilisiw shıqtı. 1962-jılı birinshi márte Evropa chempionatı Essene (GFR) qalasında tabıslı ótkerildi. Komandalıq jarısta III orındı awqam dzyudoshıları iyeledi, al óz salmaq kategoriyaları boyınsha 2 altın, 2 gúmis, 1 bronza medalların qolǵa kirgizdi. Bulardan altın medal Anzor Kiknadzege hám Kirov Kibrolashvililerge nesip etti. Bul sportshılar aldın sambo gúresi menen shuǵıllanǵan edi. Olar tez arada Yaponiyanıń Dzyudo sportı sırların da ózlerine boysındırıp aldı. Evropa tatamilerinde awqam dzyudoshıları joqarı nátiyjelerge, jeńiske eristi. Anzor Kiknadze (Tbilisi), Sergey Novikov (Moskva), Aleksandr Yackevich (Riga), Vitaliy Pesnyak (Minsk), Aleksey Tyurin (Moskva), Grigoriy Verichev (Chelyabinsk)ler, sonday-aq Evropa jarıslarında tórt mártebe chempionlıqtı jeńip alǵan Xazret Tliceri (Maykop)ler naǵız dzyudoshılar edi. Evropa chempionatı eki jıldan bir ret 1956-jıldan baslap ótkerilip turdı. Rossiya sportshıları Dúnya júzilik jarıslarǵa 1965-jıldan qatnasıp, onda bronza medalın alıwǵa miyasar boldı. Komandamızdıń dúnya júzlik jarıslarda qoladan joqarı medallarǵa erisiwi ushın on jıl waqt kerek boldı.

Birinshi ret jer júzilik chempion bolǵan Sovet dzyudoshısı maykoplı Vladimir Nevzorov, keyninen bul ataqtı alǵan palwan Temur Xubuluri (Gori qalasınan),

Yuriy Sokolov (Leningrad qalasınan), Nikolay Soloduxin (Kursk qalasınan), Xazret Tliceri (Maykop qalasınan).

Dzyudo birinshi ret Olimpiada oyınına 1964-jılı Yaponiyanıń Tokio qalasında kirgizildi. Usı jarısta sportshılarımız tórt bronza medalın iyeledi: A.Bogolyubov, O.Stepanov, A.Kiknadze hám P.Chikviladzeler. Al, olimpiadanıń, altın medalların – Toxekida Nakatani, Isao Okano, Isao Inokuma hám Anton Geesinkler jeńip aldı. Segiz jıldan keyin, yaǵnıy eki Olimpiada oyınınan soń ǵana Sovet dzyudo mektebiniń aǵzası Shota Chochishvili (Gori qalasınan) Olimpiada chempionı bolıp, altın medaldı qolǵa kirgizdi, eki márte Dúnya júzilik chempion Fukio Sasaxarudı jeńiliske ushıratı. Monrealda bolıp ótken olimpiada oyınında Covet komandası ayırıqsha bolıp shıqqan. Vladimir Nevzorov hám Sergey Novikov, Moskvada bolıp ótken olimpiada oyınında Tbilisi qalasınan Shota Xabareli hám Nikolay Soloduxin, tilekke qarsı Seul qalasında bolıp ótken olimpiada oyınında biziń komandamız altın medalǵa dawagerlik ete almadı. «Drujba-84» dep atalǵan Xalıq aralıq forumda Sovet dzyudoshılarının: Nikolay Soloduxin hám Yuriy Merkulov (ekewi de Kursk qalasınan), Vitaliy Pesnyak (Minsk), Grigoriy Verichev (Chelyabinsk) hám Xabil Bektashevlarđın (Kuybishev) barlıǵı altın medallardı qolǵa kirgizgen.

Burıńǵı awqam quramındaǵı Ózbekstanda dzyudo gúresi menen shuǵıllanıw 1972-jıldan baslandı. Sol jılı pútkil awqamnan sambo gúresiniń sırların biletuǵın, qánige sportshılardı Moskvaga shaqırıp, dzyudo gúresine qánigelestiriw maqsetinde seminar-oqıw shınıǵıwları ótkerilgen. 1972-jılı shólkemlestiriw jumısları alıp barılǵan bolıp, dzyudo gúresi menen anıqlap shuǵıllanıw 1973-jıldan baslandı. 1987-jılı dzyudo menen shuǵıllanıwshılar 27 mıń adamǵa jetken. Bul gúreske tek bizlerdiń wálayat, respublikalar ǵana emes, tutas mámleket boylap dzyudodan mashqı ótkeriw jedel iske tústi. Qızıǵıwshılar sanı artıp bardı.

Dzyudo gúresiniń bas gúrestiń túrлерinen bolǵan sambo, milliy gúreske ayırım ámel shınıǵıwları uqsas bolıp, keledi, tek sport kiyimlerde kishkene ayırmashılıq bar hám shınıǵıw ámelлерinen: buwıw, qoldı awırtıw usıllarında ózgesheligi bar. Gúres baha beriw yamasa upay menen bahalanǵanda ayırılıp turadı. Dzyudo gúresi biziń milliy gúresimizge de uqsas. Milliy gúres bolsa pútkil Orta Aziya mámleketlerinde keńnen tarqalıp, rawajlangan sport túri bolıp esaplanadı. Házirgi waqıtta dzyudo gúresine milliy gúres ámel shınıǵıwları uqsastırılıp, milliy gúresimizdi Orta Aziya mámleketлерinen dúnya mámleketlerine belgili etip, milliy gúresimizdiń rawajlanıwına sebepshi bolmaqta. Milliy gúrestiń rawajlanıp, dúnya júzine keńnen tanılıwına dzyudo gúresi sebepshi ekenligin tán alıwǵa boladı. Sebebi házirgi waqıtta milliy gúres ámel shınıǵıw jaǵınan, upay beriw jaǵınan bir-birine uqsas bolıp keledi.

Ózbekstan Respublikası dzyudoshıları 1986-jılı dáslepki ret jaqsı nátiyjege eristi dep aytsaq aljaspaymız, sebebi sol jılı Ózbekstan Rossiyanıń Tambov qalasındaǵı awqamlıq jarısta komandalıq esapta birinshi ret 3-orındı iyeledi. Óz awırlıq salmaǵında T.Durdiev (Termiz qalasınan), A.Gafurov (Tashkent qalasınan) hám A.Xramcovskiy (Shirshiq qalasınan) altın medalların qolǵa kirgizdi. Al Awqam Chempionatında A.Kloyan, D.Solovyov hám A.Xramcovskiyler bronza medalların utıp aldı.

Qaraqalpaqstan Respublikasında dzyudo gúresi 1979-jılı sentyabr ayınan «Spartak» iqtıyarlı sport jámiyetinde trener Rafail Kelimbetov tárepinen rawajlana basladı. Sol jıldıń noyabr ayında trener Djumamurat Sultamuratov er balalar arasında R.Kelimbetovqa járdemshilikke keldi. Sonnan baslap eki trener respublikamızda dzyudo gúresin rawajlandırıwǵa kóp miynetler sińirdi. 1980-jılı trener Djumamurat Sultamuratov Qaraqalpaqstan Respublikası xalıq bilimlendiriw ministrliğine qarashlı №3-sanlı jas

óspirim-balalar sport mektebinde dzyudo sekciyasın ashtı. 1981-jıldan baslap respublikamızdıń barlıq rayonlarında dzyudo gúresinen jarıslar shólkemlestirile baslandı hám usı jıldan baslap Ózbekstan hám Qaraqalpaqstan Respublikası kóleminde bolıp ótken jarıslarǵa qatnası hám jaqsı nátiyjelerge eristi. 1983-jıl sentyabr ayınan baslap Qaraqalpaqstan Respublikasında da dzyudo menen shuǵıllanıw baslandı. Dáslepki ret Qaraqalpaqstan Respublikası Xalıq bilimlendiriw ministrliğine qarashlı balalar hám jas óspirimler sport mekteplerinde hayal-qızlar arasında da dzyudo gúresi rawajlana basladı. 1984-jıldan Qaraqalpaqstan Respublikasında, Ózbekstan Respublikasınıń barlıq wálayatlarında hám qońsı Qazaqstan Respublikasınıń Jambıl, Shımkent, Almatı qalalarında pútkil soyuzlıq jarısları ótkerilip kelindi. Bul jarıslarǵa biziń qızlar komandamız qatnasıp, sıylı I, II, III orınlardı iyeledi. 1984-jılı Jambıl oblastınıń Merke qalasında pútkil awqamlıq jarısta qızlarımızdan: Gúlbáhár Imanbaeva I orın, Jıla Bekmuratova II orın, Aqmaral Túrǵanbaeva III orındı iyeledi. 1985-jılı Jambıl oblastınıń Jańatas qalasında pútkil soyuzlıq jarısta qatnasqan Dilnaza Sayıpazarova II orın, Zuxra Tayırova III orındı jeńip aldı. 1987-jılı Ózbekstannıń Andıjan qalasında oqıwshı qızlar arasındaǵı spartakiadaǵa qatnasıp, biziń qızlar komandamız 13 oblastıń arasında dáslepki beslikten orın iyeledi. Bul tabısqa dzyudoshı qızlarımızdan: Mariyash Jumabekova I orın, Janna Sayıpazarova III orını menen salmaqılı úleslerin qosıp, komandanıń jaqsı nátiyjelerge erisiwın táminledi. Ulken tabıstıń qolǵa kiriwinde qızlar komandasın jarısqa jaqsı tayarlap, qatnastırǵan trener Djumamurat Sultamuratovtıń kóp miynetleri bar ekenin ayıp ótiw orınlı.

«Dzyudo sport túrin bunnan bilay da rawajlandırıw ilajları haqqında»ǵı Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2022-jıl 20-iyundaǵı qararında mektepke shekem, mekteplerde, joqarı oqıw orınlarında dzyudo gúresin rawajlandırıw ushın joqarı dárejeli, bilimli kadrlardı tayarlaw, dzyudo sırların jaqsı biletuǵın oqıtıwshı-trenerlerdi bilimin asırıw hám dzyudonı rawajlandırıw ushın dzyudo boyınsha kóplegen materiallar toplap, oqıw-metodikalıq qollanba kitaplar shıǵarıp, talabalardı, jaslardı qızıqtırıp, joqarı dárejeli dzyudoshılardı tayarlap shıǵarıw hám respublikalıq universiada, spartakiada, olimpiada oyınlarına qatnastırıp, jaqsı nátiyjelerge erisiw, bul – biziń aldımızǵa qoyǵan úlken maqsetimiz.

1983-jıl sentyabr ayınan baslap Qaraqalpaqstan Respublikasında da dzyudo menen shuǵıllanıw baslandı. Dáslepki ret Qaraqalpaqstan Respublikası Xalıq bilimlendiriw ministrliğine qarashlı balalar hám jas óspirimler sport mekteplerinde hayal-qızlar arasında da dzyudo gúresi rawajlana basladı. 1984-jıldan Qaraqalpaqstan Respublikasında, Ózbekstan Respublikasınıń barlıq wálayatlarında hám qońsı Qazaqstan Respublikasınıń Jambıl, Shımkent, Almatı qalalarında pútkil soyuzlıq jarısları ótkerilip kelindi. Bul jarıslarǵa biziń qızlar komandamız qatnasıp, sıylı I, II, III orınlardı iyeledi. 1984-jılı Jambıl oblastınıń Merke qalasında pútkil awqamlıq jarısta qızlarımızdan: Gúlbáhár Imanbaeva I orın, Lola Bekmuratova II orın, Aqmaral Túrǵanbaeva III orındı iyeledi. 1985-jılı Jambıl oblastınıń Jańatas qalasında pútkil soyuzlıq jarısta qatnasqan Dilnaza Sayıpazarova II orın, Zuxra Tayırova III orındı jeńip aldı. 1987-jılı Ózbekstannıń Andıjan qalasında oqıwshı qızlar arasındaǵı spartakiadaǵa qatnasıp, biziń qızlar komandamız 13 oblastıń arasında dáslepki beslikten orın iyeledi. Bul tabısqa dzyudoshı qızlarımızdan: Mariyash Jumabekova I orın, Janna Sayıpazarova III orını menen salmaqılı úleslerin qosıp, komandanıń jaqsı nátiyjelerge erisiwın táminledi. Ulken tabıstıń qolǵa kiriwinde qızlar komandasın jarısqa jaqsı tayarlap, qatnastırǵan trener Djumamurat Sultamuratovtıń kóp miynetleri bar ekenin ayıp ótiw orınlı.

#### **Ádebiyatlar**

1. “Jismoniy tarbiya va ananaviy sportni yana da rivojlantirish chora-tadbirlar tuğrisida”gi Uzbekiston Respublikasi Prezidentiniń 2017 yıl 3-iyundaǵı PQ 3031-sonlı qarori.

2. Raxlin N. Dzyudo: pravila sorevnovaniy. –Moskva: 2010.
3. Istomin A.A. Dzyudo gúresi. –Tashkent: 1993.
4. Elov A.N. Dzyudo. –Tashkent: 2005.
5. Raxlin N. Pravila sudeystva v Dzyudo. –Moskva: 2010.
6. Yugay L. P. Osnova dzyudo. –Tashkent: 2003.
7. Istomin A.A., Absattarov A.A. Borba Dzyudo. «Medicina», 1990.
8. Dadabaev O. Dzyudo nazariyati va uslubiyati, “Davriy matbuot savda” baspasi.
9. Xolxodjaev O.T., Mansurov M.M. “Dzyudo gúresinde tóreshilik qılıw hám jarıstı ótkeriw qağıydaları”, 2019.
10. Mámbetov B., Sultamuratov Dj., Nurekeev B., Qadirbaev B., Berdaxova N. Dpyudo. Oqırw-metodikalıq qollanba. Nókis, 2022.

**РЕЗЮМЕ.** Мақоллада дзюдо sportining paydo bo'lish, shakllanish, rivojlanish tarixi haqida fikr yuritiladi. Shuningdek, Qorqalpog'iston Respublikasida dzyudo sportining tarixi va kelajagi, yosh dzyudochilarning yutuqlari haqida ma'lumotlar keltirib o'tilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассматривается история возникновения, становления и развития дзюдо. Также была представлена информация об истории и будущем спорта дзюдо в Республике Каракалпакстан, а также о достижениях юных дзюдоистов.

**SUMMARY.** The article discusses the history of the emergence, formation and development of judo. Also, information about the history and future of judo sport in the Republic of Karakalpakstan, as well as the achievements of young judokas was presented.

## АЖИНИЁЗ ҚОСИБОЙ ЎҒЛИ ТАРБИЯВИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Ж.К.Таспанова** – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

*Бердақ номидаги Қарақалпақ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** жамият, тарбия, обод турмуш, жамоатчилик, ёндашув, тарбия мухити, оила этикаси, феъл-атвор, ижтимоий-педагогик қараш, шаклланиш.

**Ключевые слова:** общество, воспитание, благополучие, общность, подход, образовательная среда, семейная этика, поведение, социально-педагогическая установка, формирование.

**Key words:** society, upbringing, well-being, community, approach, educational environment, family ethics, behavior, socio-pedagogical attitude, formation.

Ажиниёз ижодининг катта қисмини жамиятнинг педагогизациялаш ғояси ташкил этади. Педагогиканинг инсон капиталини яратишдаги асосий ўрин тутиши, шахсга йўналтирилган таълим-тарбиянинг инсон камолотидаги аҳамиятини шоир ўз ғоялари орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилади. Ажиниёз дунёқарашларининг бир тарафида адолатсиз жамиятнинг яхшилаш фикри турар эди. Шунга кўра, у жамиятдаги барча кучларни ҳаракатга келтирувчи манба – бу инсонлар эканлигини назарда тутиб, жамиятдаги ҳар бир инсоннинг шу орқали халқнинг хизматида катта ишонч билан қаради. Ёшларни олийжаноб ҳислатлар эгаси қилиб тарбиялаш жамият аъзоларининг умумий тарбиявий мақсади эканлигини ёрқин фикрлар орқали уқтириб ўтади: ҳар бир фарзанд ота-она учун “кўнгил қувончи, жигарбанди” [1:171], авлодлар давомчисидир.

Мутафаккир “Болурми” шеърида фарзанд тарбиясининг асосий ўрни оила эканлигини, бола оила таъсирида шаклланишини айтиб, ҳар бир уйнинг: “Ўғил-қизи бўлиб, яна бой бўлса, ёлғончи дунёда армон болурми” [1:133] – деб, оила ҳақидаги ўз идеалини, оилада ўғилнинг ҳам, қизнинг ҳам ўрни алоҳида эканлигини, ота-оналарнинг ўз болалари билан обод турмушда яшашини, оила даромати ўғил-қиз тарбиясига етарлича бўлишини маъқуллади. Шу ўринда мутафаккирнинг гендер тенглик ва маданият масаласидаги фикрлари ҳам бугунги кун билан ҳамоҳангдир. Унинг нуқтаи назарича, жамият учун ўғил ҳам, қиз ҳам бирдек зарур, тенг ҳурматга лойиқдир, инсон эркак ёки аёл бўлишига қарамасдан жамиятда бир хил мақомга эга бўлиши лозим: “Одам ўғли – барчаси одам” [1:73].

Ажиниёзнинг бола туғилганида тарбияга, эътиборга зарур бўлиб туғилади, жамоатлик муҳитда фарзанднинг ақли, ҳунари ва ўқувсиз бўлиши туғилганидан бошлаб бериладиган тарбияга боғлиқ. Одамларнинг олган тарбияси ва наслик ривожланиши бир хил бўлмагани учун, вояга етганида уларнинг ақл даражаси, кўрган ва билганлари, феъл-атвори ҳам ҳар хил бўлади деб тушунтириб, бу фикрини аниқ етказиб бериш мақсадида “Барча бирдек бўлган эмас” номли шеърида ёзди.

Шоир ўзининг “Барча бирдек бўлган эмас” номли шеърида тарбия жараёнини ташкил этишга индивидуал ва табақалашган ёндашувни татбиқ этиш лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, бола она қорнидаёқ тарбияга муҳтождир. Бола туғилганидан кейин унга мақсадли, узлуксиз ва тизимли тарбия

бермоқ лозим. Шу ўринда шоир шахс тарбиясининг ҳам генетик, ҳам ижтимоий жиҳатларини ҳисобга олиш лозимлигига ҳам алоҳида урғу берганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Шоир инсон тақдирида белгилаб қўйилган ёзмашларга маълум даражада тарбия ёрдамида ўзгаришлар киргизиш, болани ўзи ўйлаган мақсадига мослаштириб шакллантиришга бўлади деб тушунди. Шу сабабли тарбия инсон умрида катта рол бажаришига эътибор бериб, болани қандай тарбияласанг, шундай вояга етишини ҳам айтиб ўтади ва уни жамиятда ёш вақтидан ақллиққа, одоб-ахлоқли ва инсонийликка ўргатиш лозим деди. Сабаби “аввалида ўнгмаган сўнгида ҳам ўнгмас” [2:107]. Ёшлиқда берилган тарбия салбий ҳаракатларга мойил бўлса, бу улғайган вақтда инсондаги асосий феъл-атвори айланиб кетади. Оқибатида жамиятнинг бундай азбоси “Асли бузук бўлиб, ақл сўзга эргашмас, насиҳатга кўнгил бўлмас” [2:107] даражада шаклланиб чиқишини айтади. Шунинг учун ҳам Ажиниёз “Кўрдим” шеърида ёшлардаги салбий феъл-атворнинг олдини олишни, инсонларнинг жамоатлик муносабатлари борасида бир-бирига тарбиявий таъсир кўрсатиши мумкинлигини таъкидлади. “Бўлмагунча” шеърида турмушда инсоннинг яхши, ёмон, ақли, ҳунардор бўлишини наслига, ота-бобосига боғлиқлик жойи бўлса ҳам, оламга объектив муносабатда бўлиш орқали мутафаккир бу масалада кўпгина ўзига хос ҳаётий реал фикрларини ифодалайди. “Бўзатов” поэмасида у одамлардаги “оқ суяк”, “қул”, “қун” каби тушунчаларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган инсонларнинг насли эмас, балким жамоатчилик, иқтисодий ҳолат, юртлар орасидаги уруш, босиб олишлар деган фикрни айтди. Бундан ташқари “Йўқти” шеърида отадаги насл яхши бўлиб, лекин бола тўғри тарбияланмаса, оқибати қуйидагича бўлишини таъкидлади:

Ёмон бўлса зурриётнинг

Чикмас дунёда ҳеч номинг [1:120]

Шоир тарбия ишида ёшлар яшаётган жамиятдаги муҳитнинг таъсирига катта аҳамият берди. Ёшларнинг биринчи тарбия мухити – оиланинг тарбияли, фарзанд тарбияси учун ғамхўр, бола тарбияси бўйича тушунча ва тажрибаларга эга бўлиши зарур деб санади. Ажиниёз йигитларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни хотин-қизларга таййик ва зўравонлик қилишдан тийилишга чақиради. Оила этикаси ва психологиясига доир билимлардан хабардор бўлмаслик, масъулиятсизлик

охир-окибат асоциал (ижтимоий хатарли) оидаларнинг пайдо бўлишига замин яратишини “Йигитлар” шеърида ифода этган. Боланинг социумда ривожланиши масаласи билан боғлиқ ижтимоий-педагогик қарашларини “Бахт” шеъри орқали баён этган. Шоирнинг фикрича, бола салбий иллатларга эга кишилар билан бирга бўлса, унинг келажаги хавф остида қолади. Мардлик, жасорат, элпарварлик сифатлари унинг учун ёт тушунчаларга айланиб, “маънавий бегоналашув” юзага келади.

“Элларим бордур”, “Керакдур” шеърларида халқ ичидаги бой, феодаллар билан подшоҳларнинг ўз авлодларини халқни зулм билан бошқаришга ўргатиш, уларни қандай айёрлик билан алдаш йўлларини, судхўрлик қилиш каби ишларни оилаларида шакллантириб келганлигини, бу каби ёмон тарбия мазмунини ўз даврида юқори синф вакиллари тарафидан давом этаётганини ҳам сўз этди.

Шу мақсадда у ўз асарларида ёшларнинг инсофли, одоб-ахлоқли тарбияланиши масаласига алоҳида эътибор қаратди. Унинг фикрича, инсонларнинг феъл-атвори, ахлоқ жиҳатидан ривожланиши жамоатчилик ҳаётда бир-бирига ёмон муносабатда бўлишига йўл қўймайди. Одоб-ахлоқ тарбиясининг шундай ижтимоий аҳамиятини сезиб, шоир инсондаги феъл-атворга боғлиқ ютуқларни ақл фаолияти билан боғлиқ деб қарайди. Ақл инсоннинг феъл-атворини тартибга солади. Ақл-хуши жойида бўлган одам ёмон ишлардан йироқ бўлиб, айб қилмайди. Шундай экан: “Айбни билмаган ақлсиз зайф” [3:188] ёки ақли йўқ ёшларнинг “одоби ҳар қандай ҳеч зоти бўлмас” [3:188]. Шундай экан, мутафаккирнинг фикрича, инсоннинг ақл тушунчаси унинг жамиятдаги яхши феъл-атворининг, юриш-туришининг юз беришига манба бўла олади.

Шоир одобли ва одобсиз инсонлар орасида наслик фарқлар йўқ эканлигини, уларда фақат тарбия билан билим олишнинг ўзгача тушунчаларда ёки ҳар хил даражада шаклланишига боғлиқ эканлигини айтади. Шундай фарқларга кўра: “Фазилат билмаган нодон” бу одам эмас, у инсонлар орасида яшаётган “Тўрт туёкли молга ўхшаш” [1:73] – одам мисол махлуқлар, деди.

Шоир ёшлардаги яхши феъл-атворни айтганда, энг аввало, инсофли бўлишни тилга олиб, барча иззат-ҳурмат инсонга қаратилишини, инсонни қадрлаб авайлашни вазифа қилиб белгилайди. Чунки, “Бу дунёнинг кўрки – одам боласи” [3:65]. Шундай даражадаги баланд ҳурматга лойиқ инсон, жамиятда бир-бирини қадрини билиши, ўзаро эҳтиромли, инсофли муносабатда яшаши керак. Агар “одам ўғли одам қадрини билмаса, ундан кўра ўтлаб юрган мол яхши” [1:122]. Одамга хос яхши ишларнинг, юриш-туришининг бор бўлсагина жамиятдаги бошқа инсонлар ҳурмат кўрсатади, сабаби уларнинг “одамгарчилик инсондадур кўнгили” [2:68].

Ажиниёз ўзи яшаётган феодал жамиятда одамни хор тутиб, қадрини оёқ ости қиладиган, зулм хонлар билан бийларни кўриб яшади. Уларнинг “Инсонийлик ишлардан бўлмади ному-нишон” [2:83]. Шоир бундай паст инсонларни ёмон назар билан тилга олади: “Қилмаган хайр-эхсон” [3:72]) инсонийлик иш эмас, одамлар бир муҳитда, жамоатда яшаётган ўзи каби бошқа инсонларга меҳрибон бўлиши керак. Айниқса худони таниган ҳақиқий инсон, ўзининг барча ҳаракатларини инсонни ҳурмат қилишга, унга яхшилик қилишга, худонинг яратган бандаси деб илоҳий туйғу билан муносабатда бўлишга тарбияланиши лозим.

Мутафаккир ижодида ёшларни дўстлик ва ўртоқлик руҳида тарбиялаш масаласи ҳам алоҳида ўрин тутади. Шоир жамият ҳаётида инсонларнинг ўзаро дўстона муносабатда бўлишига алоҳида аҳамият қаратади. Сабаби инсонлар орасидаги ўзаро дўстлик, иноқлик ва

биродарлик жамиятдаги муҳитни инсоний муносабатлар асосида қуришга хизмат қилади. Иноқлик, аҳиллик ва ўзаро ҳамжиҳатлик йўқ жойда жамият тараққий этмайди, аксинча бошбошдоклик, маънавий таназзул юзага келади. Мазкур йўналишда Ажиниёз Саъдий Шерозийнинг “Бўстон” ва “Тулистон” шеърий рисоаларидаги сингари панднома руҳидаги мақол ва маталлардан самарали фойдаланган: ёлғиз кишининг номи чиқмас. Чунки: “Ҳеч кимга бўлмаган улфат, мевасиз бир дарахтга менгзар” [1:72]. Ҳаётда яхши инсонлар билан дўстликда яшасанг, кўнглинг тўқ, руҳинг бой бўлиб, ишларинг олға силжийди, фақат “яхши дўстинг бўлар ўлгунча мадат” [1:72]. Ёшлар дўстлик муносабатда ўзаро содиқ, ишончли, бир-бирига чин қалбдан дўст бўлиши керак. “Дўст бўлиб дўстидан гапни яширган, дўстга ҳилоф қилиб ёлғон сўзлаган” [1:123] – айёр душман. Бундай “ёмон одам дўстдан қочар, воз кечар” [1:130] ва бир кун келиб бевафолик қилади, шунинг учун ҳам “Юрма номард йўлдош билан” [1:106]. Дўст излаган одам ўзига ўзаро тушуна олган “қадрини билар бир қадрдон изласа” [1:132] гина ҳаёт қийинчиликлари енгиллашиб, мақсад қилган ишларига ғайрат билан интилишини, дўстнинг руҳий тилакдошлиги мадад беришини айтиб, бу ишда ёмон, муттаҳам, “номахрамни асло йўлдош қилмасликни” [1:72] насиҳат қилади.

Жамиятда одамлар орасидаги дўстлик тилакдошлигининг мустаҳкамлиги, бир фикрдаги ният билан иш қилишга интилиши, уларнинг туташган шериклигини барпо этади. Ёшларнинг бирлашиб ўзаро шерик бўлиши, энг аввало, шаклланган дўстлик туйғулари асосида юзага келса, ишончли бўлишини, дўстлиқнинг инсонлардаги шериклик учун манба сифатида хизмат қилувчи руҳий кучга эга эканлигини: “Ҳамжиҳат дўст бўлиб кўлни ушласанг, яхши бўлганини ақл ва ўй билан кўрдим”, [1:67] деб, таърифлайди. Шундай қилиб Ажиниёз, тинч, яхши муносабатларга эга ҳаётга эришиб, жамиятда кўп нарсаларга қўл етказиб яшашга, айниқса, адолатли, тенг замонга эришиб, бахтли турмуш кечиришга “Шоду ҳуррамликни кўришга, халқ билан ғалабага интилиш керакдур” [1:134] – деб, ёшларни бирлашган халқнинг барпо этиш қудрати улғў бўлишига ишонч билан қарашга тушунчалар берди.

Ажиниёз тарбиявий қарашларида байналмилаллик, миллатлараро мулоқот маданияти, толерантлик педагогикасига доир фикрлар ҳам катта ўрин эгаллайди. Шу сабабли Ажиниёзнинг халқни бир жамоага бирлашган ҳолда яшашга чорлаш йўлари халқлар дўстлиги ҳақидаги қарашлари билан туташган. У ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ ва бошқа миллатларнинг ўзаро тили, урф-одати, дастури томонидан яқинлигини, шажарага суянса, ота-боболари туғишган бўлганлигини таъкидлаб, бу халқларнинг дўстлик муносабатда, тинч-тотув умр кечириши жамият турмушида ободликка эришишининг асоси деб баҳолади. Шоир Қиз Менеш билан айтишувда тарихий шажараларга асосланиб, қозоқ, қорақалпоқ халқларининг келиб чиқиш асоси бир илдиз эканлигини билдирган эди. Шу сабабли шоир миллатчилик сиёсатини авж олдирувчи феодалларнинг зулм қарашларига қарши жамиятдаги худо яратган барча миллатлар тенгдек ўз ҳуқуқларига эга деган тушунчани тасвирлаган: “қорақалпоқ қозоқ билан тенгма-тенг юрт” [3:218] эканлигини тушунтирди.

Халқларнинг ўзаро баробар даражада кадр-қимматга эга эканлигини, бир халқни иккинчи халқдан паст ёки юқори деб баҳолаш адолатсизлик, одамийлик меъёридан чиқиб кетиш эканлигини ёшларга батафсил тушунтириб, ҳар бир миллат одамлари ўз элини севиши, халқ манфаати учун интилиши бурчи бўлишини талаб этди. Жамиятнинг тўғри

ривожланишига тарбиянинг кўрсатувчи таъсирини юкори санаган шоир ҳар бир фуқоронинг, бутун халқнинг ўз эли билан ажралмас даражада мустақкам боғлиқликда бўлишини талаб қилди. Мутафаккир ўзининг тарбиявий қарашлари билан чинакам маънода ватанпарвар, халқпарвар эканлигини яққол намоён этган. Унинг юртпарварликка доир қарашларидан айна пайтда ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, фуқаролик компетенцияларини шакллантиришда ҳам самарали фойдаланиш мумкин. Унинг қуйидаги мисралари бунинг ёркин мисолидир:

Ер ҳам эл биландур, эл ҳам ер билан,

Ерсиз элнинг куни дарбадар билан. [1:35] -

деб билдирган эди. Шоирнинг ёшларга туғилган юртни севиш туйғуларига эга бўлишини, уни қадрлашини, зарур ҳолатда ташқи душманлардан асраши кераклигини, юртдан бешиб бўлмаслигини таъкидлашдаги мақсади: “Юртдан айро тушган девона бўлур” [1:63] деб, тушунтириш эди. Ўзга юрт қадрингни билмайди. “Ўзга юртда мусофирлик қилгандан, ўриб сени хўрласа ҳам она юрт яхши” [1:123] – деб, она юртнинг ҳар нарсадан ҳам ортиқлигини сездиради. Чунки, “Ҳар ким ўз юртида давлатли султонга менгзаб” [3:101] яшайди. Дунёда гўзал шаҳарлар ва бетакрор ўлкалар кўп, лекин “Ҳар кимнинг ўзига Мисрдур жойи” [3:122].

Шоир ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришнинг фақат шу инсоннинг ўзи учунгина эмас, балки бутун жамият учун ҳам аҳамиятли эканлигини, элнинг ривожланиб, обод бўлиши инсонлар меҳнатига боғлиқлигини, шунинг учун ёшлар халқ учун меҳнат қилишга тарбияланиши кераклиги ҳақида ҳам қимматли фикрлар билдирди. “Баъзи бировлар” номли шеърида ҳар бир инсон ўз меҳнати билан тирикчилик қилиши лозимлиги, барча ўз рискини ўзи топиши кераклигини

таърифлади. Инсонлар ёлғиз ўзи яшаб кун кечириши учунгина эмас, балки халқ манфаати, элнинг ривожланиши учун ҳам тер тўкиши лозим. Меҳнатнинг ижодий қудратининг юқорилиги, унинг элни севиш туйғулари билан боғлиқликда деб тушунган шоир: “Юртга фойдаси йўқ мактанчоқ марддан, чангингни қоқиб эсан шамол яхши” [4:84] деди.

Шоир меҳнат қилишга чорлаш билан бирга, ёшларга хунар эгаллашни насиҳат қилиб, бунинг халқ талабини бажаришда аҳамиятли эканлигини, турмушда бошқаларга ғаразли бўлиб яшашдан қутилишнинг асосий чораси хунар эгаллаш эканлиги, айниқса ҳеч ким ўргана олмайдиган мураккаб хунарларни эгаллаш, душманларни ҳам ўзига муҳтож қилиб қўювчи, уларнинг хунарига бош ўриб, сизга зарур бўлиб ялашини тушунтирди. Инсонни бундай қадрли хунарлар бахтга эриштиришини “Менгзар” шеърида жуда тушунарли қилиб ифодалаган.

Шундай қилиб, Ажиниёз, ёшларнинг яхши феъл-атвори эгаллаб, жамоатчилик муносабатларда одоб-ахлоқни сақлашни, меҳнатсевар, одил, дўстлик муносабатларнинг қадрига етгучи, халқига фидойи, бир сўзли, сабр-фаросатли, мард бўлиши фақат шу одам учунгина эмас, балки жамиятдаги муҳит учун алоҳида зарур фазилатлар деб ҳисоблади. Мутафаккирнинг инсондаги яхши феъл-атвор, одоб-ахлоқдаги ютуқлари жамиятнинг яхшиланишига, унинг инсоний муносабатларга бой бўлишига олиб келади деган тарбиявий тушунчалари, айниқса, инсонлар жамиятини яхши муносабатларга, ижобий муҳитга айлантирувчи куч, шунинг учун уларни инсонийлик феъл-атворида шакллантириш лозим деб тарбиянинг ижтимоий кучига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилиши педагогик жиҳатдан катта маънога эга бўлди.

#### Әдебиатлар

1. Әжинияз. Таңламалы шығармалары. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1994. 114-б.
2. Әжинияз. Таңламалы шығармалары. – Нөкис. «Илим», 2014. 247-б.
3. Әжинияз. Таңламалы шығармалары. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1988, 152-б.
4. Әжинияз. Таңламалы шығармалары. – Нөкис: «Қарақалпақстан», 1975, 252-б.
5. Әжинияз. Демишлер. / “Қарақалпақстан жаслары”, 1997, 9-октябрь.

**РЕЗЮМЕ:** Ушбу мақолада Ажиниёз Қўсибой ўғлининг тарбиявий қарашларининг асосий йўналишлари айtilган. Мақолада фарзанд тарбиясининг асосий ўрни оила эканлигини ҳақида, уларни инсофли, одоб-ахлоқли тарбияланиши ҳақида, тарбия инсон умрида катта рол бажариши, болани қандай тарбияласанг, шундай вояга етиши, уни жамиятда ёшлигидан ақллиликка, одоб-ахлоқли ва инсонийликка ўргатиш лозимлиги ҳақида атаб ўтилган. Шоир бир неча марта ёшларни меҳнатсеварликка чақириб, қолаверса уларни ўзининг тарбиявий қарашлари билан чинакам маънода ватанпарвар, халқпарвар руҳида тарбиялашни таъкидлаб ўтди.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье раскрываются основные направления просветительских взглядов Ажинияза Косибай ули. В статье подчеркивается, что главную роль в воспитании детей играет семья, их справедливое и нравственное воспитание, роль воспитания в жизни человека, путь взросления ребенка, необходимость с малых лет приучать его к интеллектуальности, нравственности и гуманный в обществе. Поэт неоднократно призывал молодежь к упорному труду, подчеркивал необходимость воспитания ее в духе истинного патриотизма своими просветительскими взглядами.

**SUMMARY.** This article reveals the main directions of enlightenment views of Ajiniyaz Kosibay uli. The article emphasizes that the main role in the upbringing of children is played by the family, their fair and moral upbringing, the role of upbringing in a person's life, the way a child grows up, the need to accustom him to intellectuality, morality and humanness in society from an early age. The poet repeatedly urged young people to hard work, stressed the need to educate them in the spirit of true patriotism with his educational views.

#### PUL QIYMATINI IFODALOVCHI NUMERATIVLARNING PRAGMATIK XUSUSIYATLARI

**G.I.Toirova** – *filologiya fanlari doktori, professor*

**N.H.Achilova** – *magistrant*

*Buxoro davlat universiteti*

**Tayanch soʻzlar:** oʻlchov soʻz, pragmatika, sonlar, miqdor, ot, soʻz turkumi, oʻlchov, hisob, pul qiymati, son soʻz turkumi, hisob soʻzlar, nutqiy vaziyat, pragmatik yondashuv, nutqiy muloqot.

**Ключевые слова:** слово-измерение, прагматика, числа, количество, существительное, словосочетание, мера, счет, денежная величина, числовое словосочетание, слово-исчисление, речевая ситуация, прагматический подход, речевое общение.

**Key words:** word-measurement, pragmatics, numbers, quantity, noun, phrase, measure, account, monetary value, numerical phrase, word-calculus, speech situation, pragmatic approach, speech communication.

Bugungi kunda tilshunosligimizda faol qoʻllanilayotgan oʻlchov soʻzlar yaqin davr ichida paydo boʻlib qolgan emas, ularning qoʻllanilish davri qadim paytlarga borib taqaladi,

asosiy oʻlchov soʻzlarning qoʻllanilish davriga oid asosiy manbalar qadimgi turkiy til va XI-XIV asrlarga toʻgʻri kelsa-da, uning kengayishi, isteʼmolda keng qoʻllanilishi

XV asrdan boshlangan, eski o'zbek tilida ham o'lchov so'zlar keng iste'molda bo'lgan va hozirgi kunda ham tez-tez foydalanilmoqda. Bu aynan texnika asrining rivojlanishi, tilning yangi so'zlar bilan boyishi evaziga bo'lishi mumkin. Ularning davr taqozosiga va talabiga ko'ra qo'llanishi tilda paydo bo'layotgan yangi so'zlarga bevosita daxldordir.

Aynan shu o'rinda bizda o'z-o'zidan savol paydo bo'lishi tayin: o'lchov so'zlar o'zi nima, o'lchov so'z paradigmasi qanday hosil bo'ladi, ularni hosil qilishdagi asosiy unsur qanday... Keling, ularning har biriga birma-bir to'xtalamiz.

O'lchov so'zlar tilshunosligimizda hisob so'zlar deb ham yuritiladi. O'lchov so'z bu sanaluvchi miqdor va sanalayotgan obyekt va subyekt o'rtasida qo'llaniluvchi miqdor anglatuvchi so'z hisoblanadi. Demak, yuqorida qayd etganimizdek, o'lchov so'zlarning o'zini sanalmish va miqdor anglatuvchi so'zlar oralig'ida ekan. Ushbu qolip asosida ushbu tahliliy misolni ko'rib chiqsak: bir **tup** olma.

- 1) **bir** – miqdor anglatuvchi so'z;
- 2) **tup** – o'lchov so'z;
- 3) **olma** – sanalayotgan predmet.

O'lchov so'zlarning nutqda voqelanishining aynan pragmatika sohasida o'rganilishi ham bevosita unga nutqiy jihatdan yondashishni talab qiladi. O'lchov so'zlarning nutqiy ko'rinishi har bir individ og'zaki muloqotiga bog'liq jarayon hisoblanadi, ushbu holatni adabiy til yoki dialektik nuqtayi nazardan yoxud nutqiy vaziyat yuzasidan baholash bevosita shaxs tafakkuriga oid ekanligi bilan farqlanadi.

Adabiy til nuqtayi nazaridan o'lchov so'zlar pragmatikasi aynan ilmiy yoxud rasmiy uslub ichida namoyon bo'lib, bunda o'lchov so'zlarning ifodalanishi mutlaqo so'zlashuv stilidan yiroq bo'ladi, xususan, rasmiy uslubdan olingan ushbu parchaga e'tibor bering:

4) *Bir ijtimoiy guruhda ishtirok etuvchi fuqarolar soni o'n nafarni tashkil qiladi.*

Ushbu gapda qo'llanilgan "nafar" so'zi adabiy til me'yorlariga muvofiq ravishda qo'llangan bo'lib, aynan ushbu gapning so'zlashuv nutq doirasida ham ko'rib chiqsak:

5) *Bir ijtimoiy guruhda ishtirok etuvchi fuqarolar soni o'ntani tashkil qiladi.*

So'zlashuv uslubida bu "-ta" bilan mutanosiblik hosil qildi.

Dialektik nuqtayi nazardan ham o'lchov so'zlari shevaga xos yoki bo'lmasa, adabiy til qoidalariga muvofiq keluvchi bo'lishi mumkin, sheva munosabatlarida ba'zan shunday holatlar kuzatiladiki, chetdan o'zlashgan so'z bevosita sheva elementi sifatida qo'llaniladi, e'tibor bering:

6) Magazindan 10 karobka shirinlik oldim (dialektik nutqqa xos);

7) Do'kondan 10 quti shirinlik xarid qildim.

Yuqorida keltirilgan gaplarda "karobka" va "shirinlik" so'zlari o'zaro nutqiy qo'llanilishi jihatidan qarama-qarshilikni hosil qilib, so'zlashuv nutqining o'ziga xos jihatlari dialektik nuqtayi nazardan yoritib bermoqda.

Shu o'rinda aytish kerakki, o'lchov so'zlar pragmatikasiga doir atamalar og'zaki nutqda qo'llanilganda, bevosita fonetik o'zgarishlarga ham yuz tutishi mumkin, misol uchun "tup" so'zining "tip" yoki "tub" shaklda talafuz qilinish holatlari uchray turadi:

8) Bog'dagi bir **tip** olma bu yil mevaga kirdi.

Ushbu gap ham bevosita dialektik yondashuvning bir ko'rinishi hisoblanadi.

Bundan tashqari, o'lchov so'zlar pragmatikasining yana bir xususiyati shundan iboratki, ularning iste'molda yoki iste'molda emasligiga ko'ra quyidagi turlari kuzatiladi.

- **tarixiy:** qadoq, tanob, jon, taxa, enlik, so'lkavoy, tosh, pud, yumaloq, savjin, gaz ...
- **zamonaviy:** bit, bayt, terabayt, kilovatt, pachka, gradus, kubometr, nusxa, varaq ...


Yuqorida qayd etilgan o'lchov so'zlardan tarixiydari

hozirda deyarli qo'llanmasada, biroq ularning nutqda uchray turish holatlari ham kuzatiladi.

Shuni ham ta'kidlash joizki, o'zbek tilshunosligida qo'llanilayotgan hisob so'zlar va boshqa tillarda foydalanilayotgan o'lchov so'zlari nutqda nima maqsadda ishlatilayotganiga ko'ra farqlanadi, xususan, yapon tilshunosligida qayd etilishicha, ularning nutqidagi o'lchov so'zlari xalqning kundalik turmush faoliyati bilan bevosita bog'liq ekan. Ya'ni ular kundalik faoliyatlarida olib boradigan mehnat turiga qarab, o'lchov so'zlardan foydalanishar ekan. Rus tilshunosligida esa hisob so'zlarga nisbatan "so'zlarning klassifikatori" termini ishlatilishi ham rus tilshunosligining o'ziga xos xususiyatlaridan biri hisoblanadi. Ingliz tilshunosligida esa hisob so'zlar sifati-da, asosan, sonlardan foydalaniladi va ular miqdor (asosiy sonlar), ketma-ketlik (tartib sonlar), chastota (bir, ikki marta) va qism (kasr) kabi munosabatlarni ifodalashi mumkin.

Son so'z turkumi mustaqil so'z turkumlari orasida yasash xususiyatiga ega emasligi va son-sanoqni ifodalashi bilan ajralib turadi, ushbu holatda uning hisob so'zlar – numerativlar – bilan qo'llanilishini ham inobatga olish zarur. Hisob so'zlar, aslida, ot so'z turkumiga oid so'zlar hisoblanib, son so'z turkumi bilan yonma-yon kelib, o'lchanayotgan miqdorning qanchani tashkil etishini ifodalovchi so'zlar hisoblanadi. Hisob so'zlar qator ma'naviy guruhlariga ega bo'lib, yakkalab ko'rsatish uchun, to'dalash, juftlab ifodalash, uzunlik, pul miqdori, og'irlik kabi ma'nolarni ifoda etish uchun qo'llaniladi [7,8].


#### Hisob so'zlarning ma'naviy guruhlari (1-chizma).



Biz ushbu maqolamiz orqali pul qiymati ma'nosini ifodalovchi hisob so'zlarning pragmatik xususiyatlari bilan tanishib chiqamiz. Aytish joizki, pul qiymatini ifodalovchi hisob so'zlar davriy xususiyatiga ko'ra ikki guruhga bo'linadi [13]:


- a) Qadimiy pul birliklari ma'nosini ifodalovchi hisob so'zlar;
- b) Zamonaviy pul qiymatini ifodalovchi hisob so'zlar.

#### Hisob so'zlarning davriy xususiyatiga ko'ra turlari (2-chizma).



Qadimiy pul birliklarini ifodalovchi hisob so'zlar tarixda ishlatilgan numerativlar hisoblanib, bugungi kunda ular nuqtaiy muloqotimizda deyarli qo'llanilmaydi. Xususan, oltin, kumush, tanga, mischaqa, so'lkavoy, chaqa, tiyin va hokazo. Ular bir-biridan bildirayotgan miqdori bilan farq qilgan, oltin juda yuqori qiymatni anglatgan, mis esa kichik miqdorni ifodalaganligi tarixdan ma'lum. Ba'zi asarlarda ham ushbu pul qiymatini ifodalovchi numerativlar mavjud bo'lib, ular sirasiga Rabg'uziyning "Qissasi Rabg'uziy" asarini kiritishimiz mumkin. Mis yarmog'i, tanga, oltin, kumush, gavhar, javohir kabi pul qiymatini ifodalovchi hisob so'zlar qo'llanilgan ushbu asarning bugungi davrimiz uchun juda ham ahamiyatli hisoblanadi [10].

### “Qissasi Rabg’uzi” asarida qo’llanilgan pul birliklarini ifodalovchi hisob so’zlar (3-chizma)



bog’liqdir. Ularning pragmatik xususiyatlarini nazarda tutadigan bo’lsak, bevosita nutqiy jarayonni kuza-tishimiz lozim.

Wikipedia onlayn ensiklopediyasida so’nga quyidagicha ta’rif beriladi:

1) Qadimgi atamalardan biri bo’lib, Firdavsiyning “Shohnoma” asarida “so’m” pul solingan qopcha (xalta) ma’nosida qo’llanilgan.

2) O’zbekiston Respublikasining pul birligi [13].

Demak, pul qiymatini ifodalovchi numerativlar sifatida “so’m” birligi avvaldan mavjud so’z hisoblanib, davrlar o’tishi bilan ma’no ko’chishi yuz berganligiga guvoh

bo’lishimiz mumkin. Ya’ni ma’lum vaqtlar o’tgach, so’m so’zining “pul solingan qopcha” ma’nosi tubdan o’zgarib, mamlakat pul birligini ifodalovchi qiymatga aylangan.

Pul qiymatini ifodalovchi numerativlarning asosiy nutqiy muloqot o’rinlari sifatida banklar, savdo-sotiq joylari kabilarni keltirish mumkin. Ularning tez-tez bank xodimlari, savdo bilan shug’ullanuvchi shaxslar nutqida qo’llanilishi ular nutqiy vaziyatning asosiy bo’lagi ekanligidan dalolat beradi. Yana qiziqarli ma’lumot sifatida shuni aytishimiz mumkinki, pul qiymatini ifodalovchi hisob so’zlar agro va jargonlarda ham qo’llanilib, umuman, boshqa ma’noni kasb etishi yoki hisob so’z ma’nosi o’zgarib, pul ma’nosini anglatib ketishi mumkin. Masalan, “aqcha” so’zini oladigan bo’lsak, ushbu so’z tarixan pul qiymatini ifodalovchi numerativ hisoblansa-da, biroq argo nutqida muloqot qiluvchi shaxslar tilida bu “pul” ma’nosini anglatar ekan.

Xulosa sifatida aytishimiz mumkinki, pul qiymatini ifodalovchi numerativ so’zlar tarixan shakllangan bo’lib, bugungi kunda ularning tarixiy ifodalagan ma’nosi qisman o’zgarishga uchrab boshqa ma’no anglatish hodisalari ham mavjud. Ularning nutqiy vaziyatda qo’llanilishi ma’lum holatlarga bog’liq hisoblanib, pragmatik yondashuvda ushbu holat tahlil qilinadi.

### Adabiyotlar

1. Rahmatullayev Sh. Hozirgi o’zbek adabiy tili. –Toshkent: Universitet, 2006.
2. Раҳматуллаев Ш. Семема мустақил тил бирлиги. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1984, № 3, 24-30-б.
3. Sayfullayeva R., Mengliyev B. va boshqalar. Hozirgi o’zbek adabiy tili. -Toshkent: «Fan va texnologiya», 2010. 416-b.
4. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: «Ўқитувчи», 1992. 261-б.
5. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. –Тошкент: 1980.
6. Кўчқортёев И. Тилнинг луғат системасини ўрганишнинг бир йўли тўғрисида. // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1973, № 3.
7. Ҳакимова М. Ўзбек тилида вақт маъноли луғавий бириклар ва ularning матн шакллантириш имкониятлари. –Ф.: 2004.
8. Ҳамдамов П. Ўзбек тилида нумеративлар. – Тошкент: «Фан», 1983. 94-б.
9. Ҳожиёв А. Сўз ва унинг моҳияти//Ўзбек тили лексикологияси. –Тошкент: 1981. -6-10-б.
10. Ўзбек тили грамматикаси. I том. Морфология. –Т.: 1975. 610-б.
11. [www.wikipedia.org](http://www.wikipedia.org)
12. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
13. [www.google.com](http://www.google.com)

**REZYUME.** Ushbu maqola tilshunosligimizda tadqiq etilayotgan o’lchov so’zlar pragmatikasi haqida bo’lib, ularning tarixi, foydalanish o’rni hamda qo’llanilish usuli doirasi haqida ham alohida so’z boradi. Bundan tashqari, o’zbek tilshunosligidagi o’lchov so’zlar hamda boshqa tillar doirasidagi hisob so’zlar qiyosi ushbu maqolada ko’rib chiqiladi. Maqolada son so’z turkumi, uning tarkibidagi pul ma’nosini ifodalovchi hisob so’zlarning pragmatik xususiyatlari, ularning nutqda voqelanishi haqida so’z yuritiladi. Pul qiymatini ifodalovchi hisob so’zlarning pragmati xususiyatlari shundan iboratki, ularning qo’llanilishda, asosan, nutqiy vaziyat hisobga olinadi hamda ma’lum sharoit nuqtayi nazaridan pragmatik jihatdan yondashiladi.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье речь идет о прагматике изучаемых в нашем языкознании слов измерения, а также об их истории, месте употребления и сфере применения. Кроме того, в данной статье рассматривается сравнение слов измерения в узбекском языкознании и слов-арифметиков в других языках. В статье рассматривается количество слов, прагматические особенности счетных слов, которые представляют значение денег, и их встречаемость в речи. Прагматические особенности слов, описывающих ценность денег, заключаются в том, что при их употреблении в основном учитывается речевая ситуация и прагматический подход с точки зрения определенных условий.

**SUMMARY.** This state speech is about the pragmatics of the words of measurement studied in our linguistics, as well as about their history, place of consumption and scope. In addition, this country is considering a comparison of measurement words in the Uzbek language and arithmetic words in other languages. The state considers the number of words, pragmatic features of countable words that represent the meaning of money, and ix occurrence in speech. The pragmatic features of words that describe the value of money are that when they are used, the speech situation and the pragmatic approach in terms of determining conditions are mainly taken into account.

### ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ГИМНАСТИКА ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИ

**С.М.Тойлибаев** – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали

**Таянч сўзлар:** талабалар, таълим муассасаси, касбий фаолият, асосий гимнастика воситалари, мутахассис, ўқитувчи, жисмоний тарбия ва спорт.

**Ключевые слова:** студенты, образовательное учреждение, профессиональная деятельность, средства основной гимнастики, специалист, учитель, физическое воспитание и спорт.

**Key words:** students, educational institution, professional activity, means of basic gymnastics, specialist, teacher, physical education and sports.

Дунёда ўқитувчиларнинг касбий-педагогик фаолиятига қўйилаётган талаблар ҳар бир машғулотнинг содда ўрганиш услубларини ишлаб чиқиш ва коммуникатив кўникмаларга эга бўлиш билан тавсифланадиган таркибий компонентларини эгаллаш даражасига қараб белгиланмоқда. Ўз навбатида ўқув жараёнининг самарали ташкил қилиш амалда қўлланилаётган восита

ва услубиятларнинг тўғри танланиши ҳамда доимий равишда янгиланиб бориши билан узвий боғлиқ. Олий таълим муассасалари талабаларининг касбий-педагогик тайёрлаш учун зарур таркибий компонентларини шакллантириш учун ижтимоий соҳа талабалари бўйича ўқув дастурига мувофиқлиги, шунингдек, шахсий хусусиятларига мослиги билан белгиланмоқда. Шу

туфайли, олий таълим муассасалари талабаларнинг касбий фаолиятини амалий ва назарий жиҳатдан замонавий турли воситалар билан куроллантириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳоннинг етакчи фундаментал назариётчилари томонидан таълим самарадорлигини ошириш, касбий-педагогик фаолиятини такомиллаштириш учун соҳада инновацион жараёнларни фаол жорий этишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ёш мутахассисларни тайёрлашнинг оптимал усулларни ишлаб чиқиш, жисмоний тарбия фани ўқитувчисини касбий функцияларининг таркибий компонентларини шакллантириш таълим муассасалари дастурларининг билим, кўникма ва малака талабларини такомиллаштириш асосий гимнастика воситалари элементларини интеграциялашга йўналтирилган излашлар олиб борилмоқда. Асосий гимнастика воситалари орқали ўқув жараёнини самарали ташкил этишда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассиснинг касбий тайёргарлигини ошириш учун янгича ёндашувларни жорий қилиш зарурияти юзага келмоқда.

Республикамиз олий таълим муассасаларида ҳар томонлама ривожланган мутахассисни шакллантиришга қаратилган бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада олий таълим муассасаларининг устувор вазифалари белгиланган бўлиб, таълим муассасалари учун мутахассислар тайёрлашда уларнинг касбий тайёргарлиги даражасини ошириш, жисмонан соғлом кадрларни тарбиялашда янги самарали педагогик услублардан фойдаланиш талабини қўймоқда. Асосий гимнастика воситалари ёрдамида касбий маҳоратни шакллантириш масаласи ихтисослашган олий ўқув юртлири шароитида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини модернизация қилишга қаратилган илмий-услубий материалларни ишлаб чиқиш зарурлигига эътибор қаратилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўпгина давлатларнинг мутахассислари илмий асосланган услубиятларни такомиллаштириш ҳамда ишлаб чиқиш, шунингдек, бутун ўқув-тарбия жараёнини комплекс ҳолда қайта кириш устида иш олиб бормоқдалар. Ватанимиз олимларидан Ш.Х.Ханкельдиев, И.А.Кошбахтиев, А.К.Эштаев, Р.С.Саломов, Ф.А.Керимов, М.Н.Умаровлар томонидан талаба ёшлар ва ўқувчиларнинг ҳаракатга келтирувчи имкониятларини ташкил этиш ва оширишни кўриб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларини тайёрлаш муаммоларини тадқиқ қилишнинг назарий асосларини яратган олимлар, жумладан М.Я.Виленский, Ю.Ф.Курамшин, Л.П.Матвеев каби мутахассисларнинг бой тажрибасини ўргана туриб, объектнинг ўзига хос хусусиятини иноватга олган ҳолда билиш ва ўзгартирувчи фаолиятни ташкил қилиш воситалари, услублари, шарт-шароитлари ҳамда тамойиллари улар томонидан тадқиқ қилинганлиги аниқланади. С.Д.Смирнов, Н.Н.Тютюник, Л.И.Лубышева, Ю.К.Гавердовский, В.Н.Егоровлар талабаларда хотирани ривожлантирган ҳолда ахборот узатишга диққатни тортадилар, назария ва амалиётида ўқитувчининг таълим бериш фаолиятидан талабаларнинг билим олиш фаолиятига ургу беришни эътироф этадилар. Бироқ, мутахассислар умумий педагогик билим ва кўникмаларни ҳисобга олиб, касбий фаолиятда эса асосий гимнастика воситаларидан фойдаланишни ҳисобга олинмаганлиги маълум бўлди.

Гимнастика соҳасидаги етакчи хорижий олимлар томонидан бўлажак мутахассисларнинг касбий фаолияти масалалари кўриб чиқилиб, тадқиқотларни бўлажак мутахассис эга бўлиши керак бўлган асосий мезонлари аниқланиб – буларга ташкилий, назарий

билимлар, амалий кўникмалар, маҳорат ва коммуникатив кўникмалардан иборат эканигини маълум қилади [1]. Муаллифлар умумий педагогик компонентларни жисмоний тарбиянинг асосий воситалари мисолида ўрганилар, асосий гимнастика воситаларига келсак, уларнинг ўқув жараёнига изчил тақсимланиши ва асосий гимнастика воситасида касбий маҳоратини ўзлаштириш услубияти кўриб чиқилмаган.

Шундай қилиб, “Гимнастика ва уни ўқитиш методикаси” фанини ўқитишда ўқув жараёнини ташкил қилишга бағишланган ишлар юзаки ўрганилган ва гимнастика кўпкураш элементларига изчил ўргатиш масалалари охиригача очиб берилмаган. Махсус адабиётлар таҳлили “Гимнастика ва уни ўқитиш методикаси” фанига табақалаштирилган ёндашув зарурлиги, ўз аҳамиятини йўқотмаган ўрганиш ва ўтказиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди.

**Тадқиқотнинг мақсади** жисмоний маданият факультетлари талабаларининг касбий фаолиятини асосий гимнастика воситалари орқали такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни жисмоний маданият факультетлари талабаларинининг асосий гимнастика воситалари орқали касбий педагогик кўникма ва малакалари эгаллаши жараёни ташкил этади.

Тадқиқотларимиз асосан асосий гимнастика воситалари ёрдамида жисмоний тарбия бўйича педагогик кадрларни тайёрлаш тизимининг назарий, педагогик ва техник асосларини ўрганишига қаратилган эди.

Махсус ва илмий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, тараққий этаётган замонавий дунё жамият фаровонлигини ривожлантиришга бўлган ўз умидлари ва режаларини айнан таълимни ҳамда умуман таълим тизимини такомиллаштириш билан боғламоқда. Ишимизнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, биз педагогика ОТМларида жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлаш соҳасида тадқиқотлар олиб бордик.

Жисмоний тарбия ва спорт таълими соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ўқув жараёнининг мазмуни ва ташкил қилинишига янгича ёндашувларни ишлаб чиқишини назарда тутди. Бундай енгича ёндашувлар талабаларнинг касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги ўсиб борувчи фаоллигини рағбатлантиришни тақдир этади. Жисмоний тарбия соҳасида мутахассис тайёрлаш иккита асосий таркибий қисмларни назарда тутди: интеллектуал ва ҳаракатланиш (1-расмга қarang).

Бўлажак мутахассиснинг мақсади ўқитиш жараёнида ўзгарувчан хусусиятга эга бўлади, чунки ёш мутахассиснинг вазифаси олдинда турган касбга имкон қадар яхшироқ тайёрланишдан иборат. Касбий билим, кўникма ва малакалардан ташқари, у ривожланишнинг дунёқарашга хос, маънавий, умуммаданий, эстетик, эмоционал-иродавий ва жисмонавий жиҳатларини камраб олади [1,3]. Бу ерга бўлажак педагогга шахсий позицияни (педагогик фаолиятга бўлган мотивацион-қадриятли муносабат) шакллантириш, яъни уни касбий ўз-ўзини такомиллаштириш усуллари билан куроллантириш ҳам қиради.



Касбий фаолиятнинг асосий таркибий компонентлари

Бўлажак жисмоний тарбия ва спорт мутахассиссининг шаклланишига хисса қўшадиган гимнастика бўлимлари, сўровнома натижаларига кўра қуйидаги

тартибда тақсимланди: “машқлар техникаси”, “атамалар”, “ўқитиш усуллари”, “эҳтиётлаш ва ёрдам бериш”, “гимнастика назарияси” (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал. “Гимнастика ва уни ўқитиш методикаси”**

**фани бўйича мутахассисни шакллантирадиган модуллар (баллар)**

| Гуруҳлар                 | Кўрсаткичлар |          |          |          |          |
|--------------------------|--------------|----------|----------|----------|----------|
|                          | 1            | 2        | 3        | 4        | 5        |
| Ўқитувчилар              | 4,1±0,43     | 4,2±0,39 | 3,4±0,35 | 3,8±0,37 | 2,4±0,26 |
| 2 б. талабалари          | 2,8±0,29     | 2,4±0,22 | 3,2±0,33 | 2,4±0,25 | 2,4±0,22 |
| 3 б. талабалари          | 3,2±0,33     | 2,8±0,27 | 2,4±0,19 | 2,6±0,27 | 2,2±0,19 |
| 4 б. талабалари          | 4,2±0,38     | 3,8±0,36 | 3,4±0,29 | 3,8±0,39 | 2,4±0,25 |
| ( $\bar{X} \pm \sigma$ ) | 3,6±0,36     | 3,3±0,31 | 3,1±0,29 | 3,1±0,32 | 2,3±0,23 |

**Изоҳ:** 1-Машқлар техникаси, 2-Атамалар, 3-Ўқитиш усуллари, 4-Эҳтиётлаш ва ёрдам бериш, 5-Гимнастика назарияси.

Олий мактаб олдида жисмоний тарбия ва спорт соҳасида талабаларни тайёрлаш учун мавжуд ўқув дастурларни ўз вақтида янгиллаб туриш муаммоси доимо мавжуд. Модернизация дастури қабул қилиниши билан олий ўқув юртлири олдида жисмоний маданият ва спорт соҳасида касбий малакали ва рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашнинг илмий асосланган янги усуллари топиш вазифаси қўйилди [2].

Анкета сўровномаси натижалари мутахассиснинг шаклланишига хисса қўшадиган модулларни аниқлади. Ўқув дастур модули позициясининг аҳамияти кўрсаткичлари таҳлиliga кўра, ўқитувчилар ва талабалар ўртасида қарама-қаршиликлар, айрим позицияларда эса фикрларнинг ўхшашлиги кузатилди. 4-босқич талабалари ва ўқитувчилар муҳимлиги жиҳатидан машқ бажарилиши техникаси ва атамаларни олдинга қўйди. Эҳтиётлаш ва ёрдам беришнинг муҳимлик даражасини бироз пастроқ деб белгилашган, лекин гимнастик машқларни бажаришни ўргатишда бу бўлим жуда мураккаб ҳисобланади. 2-босқич ва 3-босқич талабаларига келсак, 2,2-4,8 балл оралиғида барча кўрсаткичларда катта келишмовчиликлар ва тебранишлар кузатилди.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини тайёрлаш доирасида

ўқув-тарбия жараёнини ўрганишга қаратилган илмий-услубий адабиётлар таҳлили замонавий жамиятда тез ўзгаришчан шароитларда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кучли эҳтиёж мавжудлигини аниқлашга имкон берди. Мактабдаги педагогик амалиёт бошланишидан олдинги даврда “Гимнастика ва уни ўқитиш методикаси” фанини ўқитиш услубиятини ишлаб чиқиш ОТМ жисмоний тарбия тизими доирасида жисмоний тарбия ва спорт бўйича педагогик кадрларни тайёрлашда долзарб ва кам ўрганилган муаммолардан бири ҳисобланади.

Иккинчидан, педагогик кузатувлар ва анкета сўровномалари натижалари таҳлили барча услубий, назарий, техник ва амалий кўникма ҳамда малакаларни педагогик маҳоратга таъсир этиш даражасига кўра табақалаштиришга имкон берди. Тадқиқотларда аниқланишича, касбий педагогик кўникма ва малакалар деганда шундай малакалар тушуниладики, улар ёрдамида дарс олдида қўйилган вазифаларнинг ҳал этилишига эришилади.

Учинчидан жисмоний маданият факультетлари талабаларини асосий гимнастика воситалари ёрдамида касбий фаолиятга мақсадли тайёрлашда ўқув жараёнини самарали тузиш учун барча ёшдаги ўқувчилар гуруҳининг хусусиятлари инобатга олинishi керак.

**Адабиётлар**

1. Эштаев А.К., Тойлибаев С.М. Гимнастика и методика преподавания. (Учебное пособие). 2022. -С. 36-38.
2. Eshtaev A.K. Gimnastika nazariyasi va uslubiati. (O'quv qo'llanma) Eshtaev Anvar Kurganovich. -T.: «O'zkitobsavdo-nashriyoti», 2020. 312-b.
3. Умаров Д.Х. в соавт. Оздоровительно-развивающие виды основной гимнастики. // Д.Х.Умаров, М.Н.Умаров, А.К.Эштаев (Учебное пособие). -Т.: Издательско-полиграфический отдел УзГИФК, 2006. -С. 204.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада жисмоний маданият факультети талабаларининг асосий гимнастика воситалари орқали касбий фаолиятини ошириши ва ривожланиши ҳақида маълумотлар берилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье излагается повышение и развитие профессиональной деятельности студентов факультетов физической культуры с помощью средств основной гимнастики.

**SUMMARY.** The article talks about the increase and development of the professional activity of students of the faculties of physical culture with the help of basic gymnastics.

**ЕСCVET- ЕВРОПА КАСБИЙ ТАЪЛИМИ УЧУН КРЕДИТ ТИЗИМИНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚўЛЛАНИШНИНГ УСЛУБИЙ МАСАЛАЛАРИ**

**А.И.Турениязова – физика-математика фанлари номзоди, доцент**

*Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали*

**Таянч сўзлар:** касбий таълим, кредит, ECVET, ўқув натижалари, ўқув натижалари бирликлари.

**Ключевые слова:** профессиональное образование, кредит, ECVET, результаты обучения, единицы результатов обучения.

**Key words:** vocational education, credit, ECVET, learning outcomes, units of learning outcomes.

**ЕСCVET тизимининг асосий мақсади ва вазифалари.** Касб-хунар таълими учун Европа кредит тизими (ЕСCVET) - бу Европа Иттифоқининг умумий асбабларидан бири бўлиб, унинг мақсади шахснинг квалификация олиш йўлига эга бўлган ва баҳоланган ўқув натижаларини кўчириш, тан олиш ва тўплашга ёрдамлашиш, эгилувчан, индивидуallashtirilgan траектория бўйича бутун умри давомида ўқишни рағбатлантириш ҳисобланади. ECVETнинг асосий тамойилларини яратиш ва тадбиқ этиш фуқароларнинг ўқув натижаларини (learning outcomes) яхшироқ тушунишга, уларнинг шаффофлиги, трансмиллий мобиллиги ва кўчириш мумкинлигига олиб келиши керак. ECVET таълим

соҳасида Европа ҳамкорлигини ривожлантириш ва миллий квалификация рамакаларини (National Qualification Frameworks) ишлаб чиқиш, ноформал ва информал ўқув натижаларини валидация қилиш, яъни расмий тан олиш, касб-хунар таълимида сифатни таъминлашга ўз улушини қўшади [1].

**ЕСCVET тизимининг асосий инструментлари.** Амалда қўлланиладиган даражага эга бўлиши учун бу кредит тизими қуйидаги ECVET тамойиллари ва техник компонентлари билан мустаҳкамланмоғи керак:

- квалификациялар ECVET тамойилларининг марказий концепти бўлган ўқув натижалари бирликлари ёрдамида таърифланади;

• ўқув натижалари бирликларини баҳолаш, валидация қилиш (расмий, ҳақиқий деб ҳисоблаш) ва тан олиш, шунинг билан бирга уларни кўчириш ва тўплаш жараёни мавжуд;

• ECVET ҳамкорликлари тушуниш меморандуми (Memorandum of Understanding), ўқув шартномалари (Learning Agreements), расмий ҳужжатларнинг асл маъносини очадиган қўшимча ҳужжатлар билан қўллаб-қувватланади.


ECVET мақсади квалификация тизимларининг Европа Иттифоқи бўйлаб тушунишга осон ва мослашувчан бўлишини таъминлаш орқали ишчилар ва таълим олувчиларнинг мобиллигини қўллаб-қувватлашдир. Синов кредитларини кўчириш (transfer) квалификацияларни ёки квалификация бирликларини, компетенцияларни бир ўқув контекстидан бошқа бирига (формалдан ноформалга ва ҳок.), бир таълим даражасидан бошқасига (бошланғичдан ўрта ва олийга), шунингдек, бир таълим вазиятидан бошқасига (миллий - тармоқ – минтақавий – маҳаллий) кўчириш имконини беради. Бу эса таълимнинг ҳар хил контекстларини, даражаларини, вазиятларини интеграллаштириш орқали фуқароларга ўқув натижаларини тўплаш имконини яратади. Натижада академик ва меҳнат мобиллик анча ошади.

Кредит тизими (credit system) - формал, ноформал ва ёки информал таълим контекстлари орқали эришилган ўқув натижаларини тўплаш ва уларни расмий қабул қилиш, ушбу контекстларнинг бирдан бошқасига кўчиришни енгиллаштириш асбоби. Кредит тизими қуйидагиларни ташкил қилади:

- компонентларига (модулар, курслар, диссертация ишлари ва ҳок.) синов бирликлари (кредитлар) илова қилинган ўқув ёки тренинг дастурини ёки
- ҳар бир бирликга кредит синов бирликлари илова қилинган ўқув натижаларидан фойдаланадиган квалификацияни таърифлаш орқали тузилиши мумкин.

Формал таълим (formal learning) - ташкиллаштирилган ва тартиблаштирилган муҳитда (таълим муассасаси, малака ошириш институти ёки иш жойи каби жойларда) амалга ошириладиган мақсадлари, вақти ёки ресурслари бўйича аниқ ўқишга мўлжалланган таълим. Формал ўқиш таълим олувчи хоҳиши билан мақсадли турда амалга оширилади ва одатда сертификат/диплом олишга олиб келади. Информал таълим (informal learning) - иш жойида, оилада, дам олиш пайтларида, кундалик фаолият юритиш давомида ўрганиш натижаси. Бундай таълим вазифаси, вақти ёки таълим олувчига амалий ёрдам нуктаи назаридан ташкиллаштирилмаган ёки тартиблаштирилмаган. Таълим олувчининг келажги нуктаи назаридан информал ўқув, одатда, мақсадли турда, унинг хоҳиши билан амалга ошири-лавермайди. Информал таълим орқали олинган ўқув натижалари валидация қилиниши ва сертификатланиши мумкин. Информал таълимни яна «тажриба орқали, ёки тасодифий таълим» деб ҳам аташади. Информал таълимга мисол сифатида уй шароитида овқат пиширишни ўрганиш, автомобиль ёки компьютерларни таъмирлаб ўрганиш, шахмат-шашка ўйнаб ўрганиш, хобби сифатида қўлда ўйинчоқлар ясаб, кашта тикиб ўрганиш, компьютерни йиғиш ва созлашни мукамал ўрганиш турларини келтириш мумкин. Ноформал таълим (non-formal learning) - ўқув вазифалари, ўқув вақти ёки ўқувни қўллаб-қувватлаш шароитлари бўйича аниқ ўқишга мўлжалланган таълим деб эътироф этилмаган таълим олиш тури бўлиб, таълим олувчининг хоҳиши билан мақсадли турда амалга оширилади. Ноформал таълим орқали олинган ўқув натижалари валидация қилиниши ва сертификатланиши мумкин. Ноформал таълим баъзида чала (қисман) тартиблаштирилган деб таърифланади [3].

ECVET вазифалари ва техник компонентлари қуйидаги схемада берилган [3,4].



ECVETнинг умумий вазифалари бўлиб трансмильий мобиллик ҳамма учун ва ҳаёт давомида ўқиш ҳамма учун тамойиллари қабулланган. Бунинг учун квалификацияга эга бўлиш йўлида ўқув натижаларининг тан олиниши зарур. ECVET мобиллик ва умр давомида ўқиш вазифаларини квалификацияларнинг шаффофлиги, ўқув натижаларини тўплаб бориш ва

уларни кўчириш жараёнини ташкиллаштириш орқали амалга оширади. ECVETнинг техник компонентлари квалификация, ўқув натижалари бирликлари (квалификацияларнинг мазмуни ва тузилиши), синов бирликлари (квалификацияларнинг ўлчами ва бирликларнинг нисбий вазни), ўқув натижаларини баҳолаш, ўқув натижаларини валидация қилиш, ўқув

натижаларини тан олиш, тушуниш Меморандуми (хамкорлик), ўқув шартномаси (келишуви), таълим олувчининг шахсий натижаларини ҳужжатлаштириб бориш ҳисобланади [2,4].



| Соҳа (сектор)                       | Касб                                                         | Фан                                                                                |
|-------------------------------------|--------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------|
| Ахборот коммуникация технологиялари | 3330201 - Компьютер ва дастурий таъминот инжиниринги         | Компьютер тармоқлари (113 соат)<br>Компьютер архитектураси (113 соат)              |
| Менежмент                           | 3230900 – Бухгалтерия ҳисоби ва аудит                        | Бюджет ташкилотлари учун бухгалтерия иши (113 соат)<br>Аудит (184 соат)            |
| Инжиниринг                          | 3310603 – Автомобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш | Автомобиль конструкцияси (269 соат)<br>Автомобилларни диагностика қилиш (142 соат) |

Ушбу секторларнинг ҳар бирдан касб-хунар коллежларининг битта касби учун иккита фан танлаб олинди.

**Асосий натижалар.** Юқорида кўрсатилган фанлар учун НукДПИ командаси томонидан (муаллиф томонидан «Компьютер тармоқлари» ва «Компьютер архитектураси» модуллари учун) намуна сифатида ўқув натижалари белгилаб олинди. RUECVET лойиҳасида тақдим этилган методика бўйича ўқув натижалари бирликлари (units of learning outcomes) ишлаб чиқилди ва кредит тизими бўйича турдош коллежларда ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиш учун лойиҳа сайтига жойлаштирилди [5].

#### Адабиётлар

1. <http://ec.europa.eu/education/policy/vocational-policy/doc/2015-rigaconclusions.en.pdf>. Latvian Presidency of the Council of the European Union and European Commission. 2015.
2. ECVET Tools. Yianna Orphanidou. University of Nicosia. 2017.
3. [www.ecvet-info.de](http://www.ecvet-info.de) Geographical Mobility in Vocational Education and Training: Guidelines for describing units of learning outcomes
4. [www.dropbox.com/...](http://www.dropbox.com/...) Connie Livori. User Guide for the Implementation of ECVET within Level 4 Russian and Uzbekistan chosen Units from chosen Qualifications.
5. [www.ruecvet.uz](http://www.ruecvet.uz)

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Европанинг касб-хунар таълими учун кредит тизими (ECVET)ни Ўзбекистон миллий таълим тизимида синовдан ўтказиш масалалари ва жорий этиш имкониятлари кўриб чиқилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассмотрены вопросы тестирования и возможности дальнейшего внедрения Европейской системы кредитов для профессионально-технического образования и обучения (ECVET) в национальную систему образования Узбекистана.

**SUMMARY.** The article discusses the issues of testing and the possibility of further implementation of the European Credit System for Vocational Education and Training (ECVET) in the national education system of Uzbekistan.

## ТАРОЗИ ТОШЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ

К.А.Турсунметов – физика-математика фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон миллий университети

Ф.Султонова – таянч докторант

Андижон машинасозлик институти

**Таянч сўзлар:** тарози, тарози тошлари, савдогар, савдо сотик, бирликлар.

**Ключевые слова:** весы, весовые гири, купец, торговля, единицы.

**Key words:** scales, weights, merchant, trade, units.



Тарозининг кундалик ҳаётда, техникада, технологияда ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларида роли ва аҳамияти бекиёс каттадир. Тарози тарихан Осиёда шаклланган ва Умар Хайём, унинг ўқувчиси ал-Хозиний ҳамда ал-Берунийлар томонидан мукаммаллаштирилган. Тарихан елкали ва паллалли тарозининг яратилишида ал-Хозиний(ал-Хазин) тан олинган ва у жисмларнинг массасини 0,1 % аниқликда ўлчаш техникаси ва методикасини яратган [1].

Тарозининг мавжудлигини энг қадимги далиллари милoddан аввалги 2400-1800 йилларда Ҳинд дарёси водийсида аниқланган. Бунгача тарози йўқлиги сабабли банк иши олиб борилмаган. Дастлабки, аҳоли пунктларида топилган, сайқаланган тош кубиклари, эҳтимол тарозида масса ўрнатувчи тошлар сифатида ишлатилган.

Мисрда тарозилар милoddан аввалги 1878 йилларда ихтиро қилинган, аммо улардан фойдаланиш эҳтимоли анча олдинроқ бўлган. Оммавийликни билдирувчи ва Мисрнинг олтин учун изроғлиф рамзини билдирувчи ўймакор тошлар топилган бўлиб, бу мисрлик савдогарлар олтинни етказиб бериш ёки олтин қазиб олиш конларини катологизация қилиш учун белгиланган масса ўлчов тизимидан фойдаланганликларини кўрсатмоқда. Гарчи бу даврдан бирон бир тарози сақланиб қолмаган бўлсада, кўплаб тортиш тошлари тўпламлари ва мувозанат тарозиларидан фойдаланишни тасвирлайдиган девор расмлари кенг қўлланилишини кўрсатмоқда.

Милoddан аввалги 400 йил кўплаб кичик савдогарлар ва уларнинг миқозлари томонидан тарозиларнинг устунлиги ва сифатига қараб кўплаб кўринишлари намоён бўлди. Леонардо Да-Винчи каби буюк ихтирочилар уларнинг ривожланишида шахсий ёрдам беришди [2].

Тарозининг тузилиши ва ишлаб чиқаришдаги барча ютуқларга қарамай, милoddий XVII асргача бўлган барча тарозилар мувозанат ўлчовидаги фарқлар эди. Амалдаги оғирликларни стандартлаштириш ва савдогарларнинг тўғри оғирликларидан фойдаланишни таъминлаш- бу вақт давомида ҳукуматларнинг жиддий машғулотларидан эди.

Албатта, мумтоз-механик тарозида тортиш, асосан тарози тошлари ёрдамида ўлчанади. Шу сабабли ушбу мақолада тарози тошларининг шаклланиш ҳамда уларнинг такомиллашиш тарихи баён қилинади.

Тарозининг Ўрта Осиёда тўлақонли шаклланиши муносабати билан моддаларни тарозида тортиш учун тарози тошларини шаклланиш тарихини ўрганиш халқимиз тарихини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Тарози тошларининг илк намуналари эрамиздан аввалги III мингинчи йилларда шумер цивилизацияси натижасида Эриду, Убайд, Муру ва Ур-шаҳар давлатларида яратилган бўлиб, археологик қазихмалар даврида 400 дан ортқ тарози тошлари (гирлар) аниқланган. Тарози тошлари ўқ, куб, сферик, тухумсимон шаклларда бўлган.

Ўрда топилган тарози тошлари яқин Шарқда кенг тарқалган бўлиб, улар бронза ва қумушдан ясалган. Бу тошларнинг кўпчилиги Жанубий Месопотамияда асос

солинган шеке(8,4 г)га асосланган. Қизиғи шундаки, Шимолий Месопотамияда Миср шекели (9,4 г) амалиётда қўлланилган. Шунингдек 7,8 г ли финикилар шекели ҳам қўлланилган.

Кейинчалик асосий тарози тош бирлиги Харапп системасидаги бирлик-13,6 г асос қилиб олинган ва улар куб шаклда ҳамда ўрдак шаклда қуйма бўлган. Тошларга маркировка сифатида давлат бошлиқлари номи ёзилган, масалан Шулга(2094-2046 й. э.а).

Осмон(Усмон) империяси(давлати)даги XVII-XVII асрларда оғирлик ўлчов воситаларининг кўриниши турли хил ўлчамда халқасимон шаклда тасвирланган. Бу даврдаги дастлабки бирликлар 564,432 г ёки 176 дирҳамга тенг деб олинган Кейинги ўлчов бирликларининг қиймати 100 дирҳам ёки 320,7 граммга тенглиги аниқланган. Кейинчалик “ботмон” бирлиги киритилган.

Эрамизнинг III минг йиллигидаги қадимги Месопотамиянинг ёдгорликларида шеке(8,42 г) қадимги дунёнинг илк оғирлик ўлчовларини бирликлар бўлган тарози тошлари аниқланган. Турли давлатларда бу бирликлар асосида 340 граммдан 1 кг гача бўлган оғирликларни ўлчашда қўлланилган.

Ўрта Осиёда метрология ўлчаш методикаси ва унинг тарихи кам ўрганилган. Шарқ метрологияси бўйича В.Хинцнинг “Мусулмон ўлчовлари ва уларни метрик системасига ўтказиш” қўлланмасида маълумотлар қисман келтирилган.

Яқин Шарқда ва Араб Шарқида кўпинча 100 л ҳажмга тўғри келувчи буғдой миқдори 65-77 кг, арпа миқдори 60-72 кг га тўғри келган бирликлар ишлатилган.

Шу жумладан, 1 туя қопи тахминан 194,3 кг буғдой ёки ҳажми 252,342 литрга тенг бўлган. XIV асрда Эронда 1 жорий =120 табрид манаки, 1 табрид манаки=250 дирҳам (1 дирҳам 3,2 г) ёки 100 кг буғдойга тўғри келган. VII-VIII асрларда Самарқанднинг Соғдида 4,46 грамм масса бирлиги қўлланилган. Пенжикентда топилган тарози тошида 4,46 граммга тенг бўлган катталик-мисқол белгиси бўлган. Бухорода бир мисқол 4,8 грамм ҳамда 5,0 граммли мисқоллар ишлатилган. Кейинчалик мисқол - 4,8 грамм бирлик Ўрта Осиёдаги барча вилоятларда қўлланилган ва XVI асрда мисқоллик қумуш тангалар, XVIII асрда олтин тангалар зарб қилинган [3].

Шунингдек, 1 намданг=1/12 мисқол (4,8 г) ҳам ишлатилган. Хуфда ҳовуч модда миқдори –мут=500 грамм катталик амалиётда қўлланилган.

Фарғонада, Хўжандда пайс масса бирлиги қўлланилган. Хўжандда 1 пайс=25,6г, Наманганда 1 пайс=6 золотник=25,6 г модда бирлиги XIX асргача кенг қўлланилган. Шу жумладан модда миқдорининг 1 мисқол=4,467 г, 1 данак=0,64 г, 1 тасуж=0,18 г бирликлари ҳам амалиётда кенг қўлланилган.

Мусулмон давлатларда оғирликнинг асосий ўлчами дирҳам кенг қўлланилади. У юнонча драхма, динор сўзларидан келиб чиққан. Динар оғирлик ўлчовига мисқол (меткаль, митсоль, метикал) номи берилган. Қабул қилинган қонуниятга асосан 10 мисқол=7 дирҳамга тенг, лекин кўпинча бу нисбат 3:2 нисбатда олинган. XIX аср ўрталарида метрик системаларининг пайдо бўлиши билан араб Шарият комиссияси 1 дирҳам=3,0898 г, 1 мисқол=4,6882 г га тенг деб қабул қилинди. Лекин барибир мусулмон давлатларида оғирлик ўлчови бирликларидаги фарқ узоқ сақланиб

қолди. Масалан, Мисрда 1 мискол=4,68 г, Ирокда 4,46 г, Форсда 4,6 г бўлган.

Усмон империяси (XIII-XVII асрларда) даврида тарози тоши бирлиги 176 дирхам=564,22 г, 1 контор=100 дирхам ва бир ботмон ундан 72 марта катта бўлган birlikлар қўлланилган. Шунингдек, вазни 400 дирхам (1 дирхам=3,207 г) га тенг бўлган “окка” бирлиги бозор савдосида кенг ишлатилган ва Усмон империяси забот қилган давлат ва жойларда бу катталик муомилага киритилган.

Окка бирлиги савдо бирлиги бўлиб кенг қўлланилган. Масалан, 1 окка=120 birlik ёғ, 90 birlik қанд, 240 birlik пиёз, 60 birlik уксус, 1 birlik туз, 12 шиша вино ва ҳақозо.

Шуниси қизикарлики, тарози тошларида монограмма –ёзувлар бўлиб, унинг 2 тасида Султон Махмуд(1648-1687й.) биттасида Султон Сулаймон(1687-1691 й.) номлари битилган.

Месопатамия тарози тошларининг ватани бўлишга даъвогарлардан биринчидир. Ассирия империяси даврида (э.а. 745-727 й.) 2 мина=946 г ли, 3 шекел=52,36 г, 1 мина=480 г, шунингдек 1/2 мина=241 г ли тарози тошлари қуйилиб, амалиётда қўлланилган. Шунингдек, 15, 5, 3, 2, 1, 1/2, 1/4, 1/5 миналик шер шаклидаги тарози тошлари ишлаб чиқилиб, турмушда ишлатилган.

Мина-оғирлик ўлчов бирлиги Қадимги дунёнинг асосий ўлчовлари бўлиб қолган. Қадимги Месопатамияда (э.а. III мингинчи й.), шунингдек, 1 мина яқин Шарқда, қадимги Мисрда, қадимги Грецияда, Финикида, Иудеяда 340 гдан 1 кг гача бўлган катталикларда қўлланилган.

Мина сўзи шумерларнинг “мина” сўзидан олинган бўлиб, “ер оғирлик тоши” деган маънони англатади. Қўп ҳолларда 1 мина=490 г, э.а. 1235-1237 й.да 471,2 г катталиклар ҳам ишлатилиб, у вақт бўйича ва даврий равишда ҳар хил давлатларда ҳар хилда ўзгариб турган [4].

Шуни таъкидлаш лозимки, биздан 2800 йил аввал икки хил: “оғир”-“шоҳона” 1 мина=1010 г ва “енгил”-“ҳалқона” 1 мина =505 г ли тарози тошлари қўлланилган.

Қадимги Грецияда э.а. VII асрда ҳукмдор Фидоннинг “Федон ўлчовлари” ишлатилган. Унда 1 мина =600-630 г, 60 мина=1 талант, 1 мина=100 дирхам, 1 обол=1 г катталикдаги оғирлик birlikлари қўлланилган. Шунингдек, VI асрда Форс (Персид) олтин ва қумуш миналар мос равишда (420 г ва 543,3 г), Арабистонда 1 мина 850 г, Ҳиндистонда 1 мина=560 г катталикда қўлланилган.

Шунингдек, “карат” сўзи қорол дарахтидан олинган бўлиб, унинг катталиги бу дарахт уруғининг оғирлигига тахминан тенг бўлиб, 0,15-0,20 г ни ташкил қилган. 1907 йилда эса жаҳон бўйича бир хил – 1 карат=200мг, 1 гран=50 мг деб қабул қилинади. Лекин АҚШда, Буюк Британияда 1 гран=64,7989 г, Францияда 1 гран=51,3 г, фармацевтикада 1 гран=79,7981 г-62,0209 г интервалдаги катталиклар қўлланилади.

Хитойда тарози тошларининг бирлиги э.а. II асрларда шаклланиб, узоқ вақт Шарқ амалиётидаги ўлчовлардан фарқ қилди. Э.а. 221 йилда асосий оғирлик бирлиги 1 иш(тан)=60 кг га тенг катталик қабул қилинди.

XVIII-XIX асрларда Хитойда оғирлик ўлчови 1 лян=1/11 рус фунти яъни 37 г катталик=1 хитой унцияси деб қабул қилинди.

1 лян=10 цянь(Хитой золотниги)=100 финь(хитой улуши)

16 лян=1 гин(цзинь) ва 160 гин 1 дань (коп) қилиб қабул қилинган. Хитой Япония ва Корея билан жуда яқин алоқада бўлгани учун, бу катталиклар у давлатларда амалиётда кенг қўлланилган.

Дорихоналар ишида “золотник”, “ярим золотник” ва “дон”(зерна) =1/68 золотник, 8 доля=1/96 золотник. Фунт (Ғарбда) “гривна”ни суриб чиқди. 1 фунт= 1 гривна.


Ғарб билан савдонинг ривожланиши натижасида фунт гривка (катта гривенкани) номини савдодан суриб чиқарди. Фунт савдода кенг қўлланила бошлади. Шунинг учун ҳам Фунт(409,5г)-эталони Д.И.Менделеев томонидан Pt-Jr қотишмасидан тайёрлаган.


1875 йилда оғирлик ва ўлчов ҳалқаро ташкилоти (МОВ) ташкил қилинди ва килограмм ҳамда метр катталиклари ва уларнинг эталонлари қабул қилинди. 1 кг эталон тарози тоши Jr-Pt қотишмасидан тайёрланган бўлиб, Франциядаги Севр шаҳрида сақланади[5].

Ҳозирги кунда бутун жаҳон бўйича 1 тонна=1000 кг, 1 кг=1000г, 1г=1000мг, 1 мг=1000мкг катталиклар қўлланилади. Шунингдек, 1 карат=200 мг катталик заргарликда ҳамда қимматбаҳо тошлар оғирлик ўлчови бўлиб хизмат қилмоқда.

Тарихан шаклланган ва амалиётда қўлланилган тарози тошлари ҳамда улар яратилган давлатлар номи 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал. Тарози тошларининг кўринишлари ҳамда улар яратилган давлатлар.

|                                                                                                                                                                                   |                                                                                       |
|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------|
| Эриду, Убайд, Муру, Ур шаҳар, Урук давлатлари (э.а. 4000-250 й.). Тарози тошлари гематит-темир оксиди қотишмасидан тайёрланган.                                                   |    |
| Месопатамия ва Ғарбий Суриянинг қадимги тарози тошлари (э.а. IV-III мингинчи йиллар). Тарози тошлари тошдан, бронзадан, базалтдан, гематитдан ясалган.                            |   |
| Ниппурнинг қадимги тарози тошлари (э.а. 2300-2100 йиллар). Тарози тошлари гематитдан калласи гавдасига ёпишган ўрдак шаклида ҳамда бошқа содда шаклларда ясалган.                 |  |
| Мина-қадимги даврнинг тарози тошлари (э.а. III мингинчи йиллар)                                                                                                                   |  |
| Қадимги Мисрнинг савдода ишлатиладиган тарози тошлари(жами 15 хил). Оҳак тош, бронза, гематит (темир оксиди қотишмаси)дан тайёрланган.                                            |  |
| Рим империяси давридаги Исроил тарозитошлари (э.а. VII асрлар). Тарози тошлари тошдан, бронзадан ва кўрғошиндан ясалган. Э.а. I асрда гранитдан, базальтдан, оҳак тошдан ясалган. |  |
| Ассирия империясининг қадимги тарози тошлари (Нимруд) (э.а. VIII-VII асрлар) Тарози тошлари бронзадан қуйилган.                                                                   |  |

|                                                                                                                     |                                                                                   |
|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------|
| Осман (Усманийлар) империяси (давлати)дагитарози тошлари (XIII-XVІІасрлар)                                          |  |
| Ура-шахар давлатида қўлланилган тарози тошлари. Тарози тошлари оҳак тош, гранит, базальт, бронзадан ясалган.        |  |
| Ҳозирги замон тарози тошлари магнитланмайдиган ва зангламайдиган пўлат ҳамда бошқа қотишмалардан (чўяндан) ясалган. |  |

#### Адабиётлар

1. Султонова Ф.М. Температура вашакллаништарихи. //«Физика, математика ва информатика». № 3, 2021.
2. Дорфман Я.Г. Всемирная история физики. -М.: «Наука», 1979, [Том 1](#), 1979, [Том 1](#), (до начала 19 в.).
3. Кудрявцев П.С. История физики. -М.: «Просвещение». [Том 1](#), [Том 2](#), [Том 3](#) (1956-1971).
4. Льюис М. История физики. -М.: «Мир», 1970, [Часть 1](#), [Часть 2](#).
5. Спасский Б.И. История физики в 2-х тт. -М.: МГУ, 1963. [Том 1-1](#) (до первой половины 19 в.).

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада тарози, тарози тошларининг яратилиш тарихи ва уларнинг такомиллашиши тўғрисида сўз юритилади. Тарози тошларининг кундалик ҳаётда, техникада, технологияда ва бошқа ишлаб чиқариш тармоқларидаги роли ва аҳамияти ўрганилиб, унинг шаклланиш тарихига кенг тўхтаб ўтилган.

**РЕЗЮМЕ.** В этой статье рассказывается о весах, истории создания весов и их доработке. Изучена роль и значение весов в быту, машиностроении, технике и других отраслях, широко обсуждена история его формирования.

**SUMMARY.** This article talks about scales, the history of the creation of scales and their refinement. The role and importance of scales in everyday life, engineering, technology and other industries has been studied, and the history of its formation has been widely discussed.

### СҮҮРЕТЛЕҮ ӨНЕРИ ЖӘРДЕМИНДЕ ЖОҚАРЫ ОҚЫҮ ОРНЫ ТАЛАБАЛАРЫНЫҢ КӘСИПЛИК КӨЗҚАРАСЫН РАҲАЖЛАНДЫРЫҮ

**Т.В.Уразимова** – *көркем-өнер таныҮ илимлериниң кандидаты, доцент*

**А.Сарсенбаев** – *магистрант*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*

**Таянч сўзлар:** педагогика, таълим жараёни, таълим усуллари, инновацион технологиялар, касбий компетенциялар, тасвирий санъат, ижодкорлик.

**Ключевые слова:** педагогика, процесс образования, методы образования, инновационная технология, профессиональные компетенции, изобразительное искусство, творчество.

**Key words:** pedagogics, education process, education methods, innovative technology, graphic arts, creativity.

Дөретиўшилиқ, қәсиплик көзқараслар мәселесине ҳәзирги заман теориялық көзқараслары өткен әсирдиң орталарында қәлиплести. Көп заманлардан бери топланған илимий билимлердиң дөретиўшилиқ пенен қолланылыўы, ҳәм сондай ақ адамлардың оғада ири техникалық жойбарларды әмелге асырыўға таярлығының нәтийжесинде техниканың ҳәр қыйлы тараўлары жедел раўажланды.

Дөретиўшилиқтиң ҳәр қыйлы тараўларын тәрбиялап жетилистириў ҳәзирги заман билимлендириўиниң тийкаргы ўазыйпаларының бирине айланды. Ҳәзирги заман жасларының, ҳәм соның ишинде талабалардың да баҳалаў түсиниклериниң бағытлары, оларды билим алыўға мәжбүрлеўши себеплер, қәсип таңлаўға болған қатнаслар ҳәм басқа да көплеген жағдайлар өзгерди. Сонлықтан жаңа педагогикалық технологияларды ислеп шығара отырып, билимлендириўдиң социаллық мәдений орталығын басқарыў системасын жетилистире отырып, заман талабына жуўап беретугын, жаңа әўлад қәнигелерин жаратыўдың тийкарларын есапка алыў, олардың улыўма, ҳәм сондай ақ, айрықша мүмкиншиликлерин, қәбилетлерин, қәнигелилик сыпатларын анықлаў зәрүр. Жоқарыда айтып өтилгенлерге байланыслы, биринши гезектеги ўазыйпасы талабалардың көркемлик дүнья қарасын қәлиплестириў ҳәм эстетикалық цикл пәнлери арқалы көркем өнерге тартыў болған, педагогикалық жоқары оқыў орынларының роли анық белгиленеди.

Көркемлик дүньяқараслардың раўажланыўы көплеген илимлердиң: философия, социология,

Юқорида келтирилган маълумотларнинг қўп хиллиги, уларнинг даврий равишда ўзгариб туриши тарози тошларини шаклланиши мукаммаллашиш жараёни нихоятда мураккаб кечған. Лекин уларнинг асосийлари Марказий Осиё хухудларида пайдо бўлиб шаклланған. Буюк ипак йўли бўйлаб, амалиётда кенг қўлланилиб, Европаға ҳәм кенг тарқалған.

Тарозиниң Ўрта Осиёда, Умар Хайём, Ал-Хозиний ва Ал-Берунийлар томонидан такомиллашиши, унинг Буюк Ипак йўли бўйлаб Европаға, Хитойға тарқалиши фақат савдо-сотиқни ривожлантирибгина қолмай, балки маданиятни, илм фанни тарқалиши сабаб бўлғани каби бу жараёнда тарози тошлариниң роли ва аҳамияти қатта бўлған.

психология, педагогика, көркем өнерди изертлеў илими, эстетиканиң – изертлеў предмети болып табылады. Бизиң изертлеўимиз, сүўретлеў өнери дөретпелери менен тиккелей танысыў арқалы талабалардың көркемлик дүньяқарасының раўажланыўына тийкарланады.

Эстетикалық тәрбия (ҳәм пүтинниң бир бөлеги сыпатындағы көркемлик дүньяқарас) жеке адамның ҳәр тәрәпме раўажланыўы системасындағы ең әҳмийетли элементлердиң бири. Гөззаллықтың баҳасын билетугын, оны түсинетугын, өмир ҳақыйқатлығына эстетикалық қатнаста бола алатугын адам дүньяны реңлердиң, формалардың, даўыслардың пүткил рәңбәреңлигинде көрип, түсине алады. Ол көркем өнердеги ҳәм оны қоршап турған дүньядағы сулыўлықты түсинеди.

Көркемлик дүньяқарастың раўажланыў процесиниң эстетикалық тәрбияның қурамына киретуғын бир бөлеги екенлиги сөзсиз. Солай екен, көркемлик дүньяқарас тутасы менен алынған көркем өнер системасы: көркем өнердиң сүўретлеў өнери жәрдемине де, сондай-ақ адамды қоршап турған эстетикалық шөлкестилеңген орталықтың барлығы менен де қәлиплестиледи. Ҳәм биринши гезекте, көркемлик дүньяқарастың раўажланыўына, көркем өнердиң көз бенен көриўге болатугын визуал объектлери тәсир көрсетеди. Сонлықтан, биз, барлық арнаўлы түрде үйлестирилген, көз бенен көриўге болатугын дүзилеслер арасында, көркемлик дүньяқарасты раўажландырыў ўазыйпаларына сүўретлеў өнери шығармалары ең толығырақ жуўап

береди деп айта аламыз. Сүүретлеу өнеринин оғада үлкен тәрбиялық мүмкиншиликлери, эстетикалық тәрбияның өзинин тийкары екенлиги гумансыз, сондай-ақ, ол өзін қалеген басқа тәрбиялық процестин күшейтиўшиси сыпатында көрсетеди [1:21-22].

Хәзирги заман педагогикасындағы, талабалар менен ислесиўде сүүретлеу өнеринен пайдаланыўға байланыслы болған изертлеулерде биз төмендеги тийкаргы бағдарларды көрсете аламыз:

➤ Сүүрет салыў менен шуғылланыў тийкарында графикалық көркем образ жаратыў (Г.М.Белютин, Л.Г.Медведев хәм б.);

➤ Мүсиншилик дәретпесинин тәсири тийкарында эстетикалық қатнастың пайда болыўы пресеси

➤ Эстетикалық қабыл етиў тийкарларын живопись шығармалары бойынша қәлиплестириў(С.С.Алексеев, Г.В.Беда, Т.Брилл, Ж.Вибер хәм б.)

➤ Көркем билимшлик тийкарларын китап иллюстрациялары менен танысыў арқалы қәлиплестириў (Н.В.Куьмина, В.А.Фаворский, А.Капро хәм б.).

Сонлықтан, хәзирги заман педагогикасының изертлеулері тийкарынан сүүретлеу өнери хәм оның хәр түрли тәрәплерине байланыслы болады. Талабалардың көркемлик дүньяқарасының раўажланыўындағы сүүретлеу өнери шығармаларының интегралланған роли толық ашылмаған.

Жоқарыда айтып өтилгенлерге тийкарлана отырып, биз педагогикалық жоқары оқыў орны талабаларына салыстырып қарағанда, көркемлик дүньяқарастың қәлиплесиўи хәм раўажланыўының мәселеринин изертлениўинин жағдайы жетерли дәрежеде емес деп айта аламыз. Буннан тысқары, хәр қыйлы авторлардың изертлеулері көбирек дәрежеде, көркемлик дүньяқарастың қәлиплесиўи хәм раўажланыўының негизлерине емес, ал эстетикалық тәрбияға улыўма көз-қарасларға байланыслы. Айтылғанларға қосымша ретинде көркемлик дүньяқарастың раўажланыўының дәрежесин, оның дүзилисин хәм ең баслысы оқытыўшының профессорлық-педагогикалық жумысында қолланылыўының дәрежесинин қалайынша баҳаланыўы кереклигинин де жеткиликли дәрежеде изертленбегенлигин атап өтиўге болады.

Усыған байланыслы, талабаларды қәсипке таярлаў барысында олардың көркемлик дүньяқарасын раўажландырыў зәрүрлиги хәм атап өтилген мәселе бойынша толық хәм ең баслысы тәртиплестирилип дүзилген қолланбаның жоқлығы себепли келип шығатуғын қарама-қарсылық пайда болады.

Сонлықтан бул кемшиликтиң себеплери төмендегилер болып табылады:

➤ Хәзирги заман жәмийетинде, қәлиплескен көркемлик дүньяқарасқа ийе, оқыўшылардың

эстетикалық тәрбиясын нәтийжели әмлге асыра алатуғын оқытыўшыға болған талаптың бар екенлиги.

➤ Илимий әдебиятлардың хәм оларда болажақ оқытыўшыларды қәсиплик хызметке таярлаўға байланыслы хәр қыйлы теориялардың оғада көплиги хәм соның менен бирге талабалардың көркемлик дүньяқарасын мақсетли хәм комплексли раўажландырыў пресесинин илимий-методикалық тәрәптен жеткиликсиз тәмийинленгенлиги.

➤ Талабалардың көркемлик дүньяқарасын раўажландырыўда сүүретлеу өнери усылларының бар мүмкиншиликлери хәм ең баслысы болажақ қәнигелерди қәсипке таярлаў барысында толық пайдаланыў мүмкиншилиги.

Айтылғанларды есапқа ала отырып, педагогикалық жоқары оқыў орынлары талабаларында көркемлик дүньяқарасты раўажландырыўдың мазмуны, дүзилиси, психологиялық-педагогикалық тийкарларын комплексли изертлеу өткеріў зәрүр.

Сонлықтан, талабалардың көркемлик дүньяқарасын раўажландырыўды табыслы күшейтиў ушын төмендегилерди әмелге асырыў керек:

➤ Қабыл етиў хәм түсиниў себебинин пайда болыўына тәсир ете алатуғын, ҳақыйқый, терең миллий тийкарларға жуўап беретугын живопись, мүсиншилик хәм графикалық шығармалардан пайдаланыў;

➤ Сүүретлеу өнери шығармаларын өзлестириўге тиккелей тәсир етиўши сыртқы хәм ишки рецептли қолланбалардың жаратылыўы хәм раўажландырылыўы;

➤ Хәм акырында, көркем образды жеке адамның психологиялық қәсийетлерин түсиниўдин тийкаргы усылы сыпатында қабыл етиў.

Қанаатланарлы нәтийжелерге ерисиў ушын төмендегилер зәрүр:

➤ Изертленип атырған мәселе бойынша барлық әдебиятларды (философиялық, психологиялық-педагогикалық, искусство таныў бойынша ) анализлеп шығыў.

➤ «Көркемлик дүньяқарас» түсинигинин мәнисин, мазмунын хәм оның қурамына кириўши структуралық компонентлерин анықлаў хәм ең баслысы оның педагогикалық жоқары оқыў орынлары талабаларында раўажланыўының психологиялық-педагогикалық тийкарларын ислеп шығыў.

Бизиң заманымыз – мағлыұматлар технологиясы заманы – өзинин күш жигерин жәмийеттин ийгилигине жумсайтуғын, дәретиўши, стандартларға бойсынбай ойлайтуғын адамларды талап етеди. Сонлықтан, хәзирги заман билимлендириўинин тийкаргы ұазыпасы – дәретиўши, ғәрезсиз, мәселелерди өз қуши менен шеше алатуғын, еркин адамларды тәрбиялаў болып табылады, себеби тап усы дәретиўши адамлар адамзаттың прогресин белгилеп береди.

#### Әдебиятлар

1. Urazimova T.V. Uzbekistan's professional pedagogy in the context of developing students' artistic and creative abilities by means of fine arts. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 2021, 9 (4), 18-23.

**РЕЗЮМЕ.** Мақола тасвирий санъат орқали болажақ ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини шакллантиришга бағишланган. Бу ерда эстетик тарбия муҳим роль ўйнайди, бу шахснинг дунёқарашини, интеллектуал ва ижодий потенциалини ривожлантиришга ёрдам беради. Шунинг учун таълим жараёни ижодий одамнинг таълимга, мулоқот, ҳаётнинг турли соҳаларида ҳамкор бўлишга тайёр бўлиши керак.

**РЕЗЮМЕ.** Статья посвящена вопросам формирования профессиональной компетенции будущих учителей средствами образательного искусства. Не последнюю роль здесь играет эстетическое воспитание, способствующее активизации развития мировоззрения, интеллектуальных и творческих потенциалов личности. Поэтому процесс образования необходимо основывать на создании условий для воспитания творческой личности, готовой к диалогу, сотрудничеству и сотворчеству в различных сферах жизни.

**SUMMARY.** The article is devoted to the formation of the professional competence of future teachers by means of fine arts. An important role here is played by aesthetic education, which contributes to the intensification of the development of the worldview, intellectual and creative potentials of the person. Therefore, the education process must be based on creating conditions for the upbringing of a creative person who is ready for dialogue, cooperation and co-creation in various spheres of life.

## БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА КРЕАТИВЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Н.Н.Утаева – докторант

*Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти*

**Таянч сўзлар:** креатив, технологик маданият, креатив сифатлар, ижодий, коммуникатив, технологик ёндашув, рефлексив.

**Ключевые слова:** creative, technological culture, creative qualities, creative, communicative, technological approach, reflexive.

**Key words:** креатив, технологическая культура, творческие качества, творческий, коммуникативный.

Хозирги кунда олий таълимни тизимли ислох қилишнинг устувор йўналишларидан бири, олий таълим тизимини замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил ва креатив фикрлайдиган юқори малакали кадрлар билан таъминлашдир.

Педагогнинг креатив фикрлаши, бўлажак мутахассис учун замон жадаллик билан ривожланаётган хозирги кунда муваффақиятли фаолият юритишида керакли бўлган муҳим компетенциялардан биридир. Бу компетенция когнитив кўникмаларнинг юқори даражада ривожланган бўлишини, жумладан, мантикий фикрлаш, солиштириш, таҳлил ва синтез, муаммоларга яқка тартибда ва жамоа бўлиб ностандарт ечимлар топа олиш қобилиятларини тақозо қилади.

Олий таълим муассасаларида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини касбий тайёрлаш ҳамда таълимни сифат жиҳатидан юқори даражага кўтариш учун битирувчиларда ташаббускорлик, мустақиллик, креативлик сифатларини қарор топтириш ва ривожлантириш лозим. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон Қарориди [1] ҳам кадрлар тайёрлашнинг мазмунини тубдан қайта қўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий маълумотли мутахассислар тайёрлашга зарур шарт-шароитлар яратиш масаласи долзарб вазифа сифатида белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” [2] устувор вазифа сифатида белгиланган.

Юқорида қайд этилган қарор ва фармойишлардан асосий мақсад шўки, жамиятнинг ижтимоий буюртмасини таъминлаш ҳамда мактабларда технологик таълим ўқитувчиларига қўйилаётган талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлашдир.

Шў ўринда, фан ва техникани хозирги кундаги жадал ривожланиши шароитида бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида креатив сифатларини ривожлантиришга катта эҳтиёж мавжудлигини кўрсатади.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида креативликни ривожлантиришда Олий таълим муассасаларининг Технологик таълим йўналишлари муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ушбу таълим муассасаларида Технологик таълим йўналиши бўйича тахсил олаётган талабаларда креативликни ривожлантиришга хизмат қиладиган зарур педагог шарт-шароитларни яратиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлашда касбий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш, таълимга ижодий ёндашган ҳолда муаммолар ечимини топиш, мантикий фикрлаш, хулосаларни мустақил фикрга асосланган ҳолда чиқариш кўникмаларини шакллантиришга эътибор бериши зарур.

Шў ўринда олий таълим тизими талабаларининг ўқув жараёнига бўлган қизиқишларини орттириш, уларнинг ижодий ва танқидий тафаккурини

шакллантиришга қаратилган билиш жараёнини таркиб топтириш лозим.

Бў борда олим Н.А.Мўслимовнинг эътироф этишича педагогик ижодкорликни қуйидагича даражаларга бўлиш мўмкин:

- Ижодкорликнинг биринчи даражаси – аудиториядаги талабалар билан ўзаро элементар алоқалар ва мўлоқотни ўрната олиш. Бўнда педагог талабалар билан қайта алоқа ўрнатади. ўзининг таъсирини ўтказиш асосида пировард натижани таъминлайди. “ўрганган методикаси, ўрганган ва орттирган” тажрибаси асосида иш юритади.

- Ижодкорликнинг иккинчи даражаси – машғўлотларда ўз фаолиятини оптималлаш, ривожлантиришдан бошланади. бўнда в ўзига маълум бўлган мазмун, метод, шаклларни усталик билан танлайди ва янги мақсад сари интилади.

- Ижодкорликнинг ўчинчи даражаси – эвристик ёндашув ўқитувчи ижодий, жонли мўлоқот асосида талабалар билан самимий мўлоқот қилиш учун муҳит яратади.

- Ижодкорликнинг тўртинчи даражаси – бў педагогнинг юқори даражада тўлиқ мустақил ижодий муҳитда иш юритиши билан характерланади. [3]

Шунингдек, бўлажак технологик таълим ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантириш учун олий таълим муассасаларида ўқув жараёнида талабаларни мустақил изланишга ундайдиган топшириқларни бериш мақсадга мувофиқ.

Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини ижодий-танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик тизимни вужудга келтиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- талабаларда ижодий-танқидий фикрлашни шакллантиришнинг педагогик-психологик шароитларини яратиш;

- талабаларнинг ижодий-танқидий фикрлашига қўйилган талабларни аниқлаш;

- талабаларда ижодий-танқидий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг ўзига хос педагогик технология жиҳатларини аниқлаш.

“Технологик таълим” ўз навбатида тарбиянинг ажралмас бир қисми ҳисобланиб, таълим оловчиларни яратувчанлик ва фаолият, касбий ўзликни англаш, умуттаълим мактаби битирувчиларини касбларни эгаллашлари билан боғлиқ мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлайди. Технологик таълимнинг асосий мақсади технологик маданиятни шакллантиришдир. Бўнда асосий вазифа моддий ва маънавий кадриятларни яратиш бўйича яратувчанлик фаолияти методлари ва воситалари тизимини эгаллашдир.

В.Д.Симоненконинг фикрича, технологик маданият эгаси ижодий, коммуникатив, ижтимоий, илмий-тадқиқот, ахборот, умуммаданий ва умумкасбий кўникма ва малакалари ривожланган ижодкор шахсдир. У ноодатий фикрлаш ва ҳаракат қилиш имкониятига эга [4].

Технологик таълим ўқитувчисининг креативлигини ривожлантиришга эришиш қуйидаги ҳолатлар мавжудлигини тақозо этади: бўлажак технологик таълим ўқитувчисининг касбий ва шахсий шаклланиш даражаси бў йўлда ташкил этилган жараёнинг умумий моҳиятини ёритувчи педагогик тизим самарадорлигига чамбарчас боғлиқлиги; бўлажак технологик таълим

ўқитувчисининг касбий жиҳатдан шакллантиришни таъминловчи жараёнларнинг ташкилий бошқаруви мақсадга мувофиқ тарзда такомиллашиб бориши; рефлексив бошқарув бўлажак технологик таълим ўқитувчисини касбий жиҳатдан шакллантиришдан кўзланган мақсаднинг натижаланишини кафолатлайди.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, бўлажак технологик

таълим ўқитувчиларининг креатив фаолиятини ривожлантиришда ижодий тафаккурини ривожлантириш, таълимга ижодий ёндашган ҳолда муаммолар ечимини топиш, мантикий фикрлаш, хулосаларни мустақил фикрга асосланган ҳолда чиқариш кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

#### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. 39-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2017. 39-б.
3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. /Монография. –Т.: “Фан”, 2004. 33-б.
4. Муслимов Н.А. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. /Монография. –Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2013. 41-б.
- 5.Симоненко В.Д. Основы технологической культуры. –М.: БГПУ, 1998. 268-б.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини тайёрлаш ва креатив фаолиятини ривожлантиришда ижодий тафаккурини ошириш муаммолари ёритилган. Шунингдек, таълимга ижодий ёндашган ҳолда муаммолар ечимини топиш, мантикий фикрлаш, хулосаларни мустақил фикрга асосланган ҳолда чиқариш кўникмаларини шакллантириш чора-тадбирлари кўриб чиқилган.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассматриваются проблемы подготовки будущих учителей технологического образования и повышения их творческого мышления в развитии творческой деятельности. Предусмотрены также мероприятия по поиску решения задач с творческим подходом к обучению, логическим мышлением, умением делать выводы на основе самостоятельного мышления.

**SUMMARY.** This article discusses the problems of preparing future teachers of technological education and increasing their creative thinking in the development of creative activity. There are also activities to find solutions to problems with a creative approach to learning, logical thinking, the ability to draw conclusions based on independent thinking.

### ЎСПИРИНЛАРДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРИ

**Н.Б.Шапсанова – мустақил тадқиқотчи**

*Тошкент кимё-технологиялари институти Шаҳрисабз филиали*

**Таянч сўзлар:** ўспирин ёшлар, дунёқараш, ахборотнинг глобаллашуви, манипуляция, диний тасаввурлар, илмий тасаввурлар, ахборот таҳдидлари, илмий дунёқараш, соғлом психология, борлик, жамият ва одамнинг муштараклиги.

**Ключевые слова:** подростковая молодежь, мировоззрение, глобализация информации, манипулирование, религиозные идеи, научные идеи, информационные угрозы, научное мировоззрение, здоровая психология, общность бытия, общество и человек.

**Key words:** adolescent youth, worldview, globalization of information, manipulation, religious ideas, scientific ideas, information threats, scientific worldview, healthy psychology, commonality of being, society and man.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичига келиб дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар, кўпинча турли ниқоблар, жозибали шиор ва ғоялар пардаси остида ўз манфаатлари йўлида бошқа давлатларга ғоявий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий босим ўтказишга интилиб келаётганликлар сир эмас. Айниқса, ғоявий психологик уруш кўринишидаги таъсирлар орқали, ёшлар онгига ва маънавиятига йўналган таҳдидларнинг интернет ва бошқа ахборот воситалари ёрдамида ёшлар ҳаётига кириб келиб, уларнинг тарбиясига салбий таъсир этаётганлиги ҳамда уларнинг мақсад - интилишларида, йўналганлигида, дунёқарашиди, тафаккури ва шуурида салбий ўзгаришлар кузатилаётганлиги ота – оналар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчиликини жиддий таъшишлангирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ахборот глобаллашуви жараёнининг моҳияти ҳақида тўхталиб, “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғарзли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировнинг қўлига бериб қўймасдан уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”, - деб алоҳида таъкидлайди [2:23].

Ижтимоий-гуманитар фан соҳаларининг вакиллари билан бир қаторда психолог олимлар ҳам ер юзида мавжуд бўлган ана шундай ёвуз кучларнинг таъсирида шаклланиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш учун зарур бўлган миллий

-маданий ва тарбиявий-психологик механизмларни яратишни устувор вазифалар сифатида қарайдилар. Бундай зарурият эса психология соҳасида илмий билиш усулларида самарали фойдаланган ҳолда ўспиринлар дунёқарашини психодиагностикаси ва психокоррекцияси борасида муҳим тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини кўрсатади.

Шунга таяниб, биз мазкур мақоламизда ўспиринлар дунёқарашининг шаклланиши ҳолатини ҳамда улар дунёқарашини шаклланишига таъсир этадиган ижтимоий-маданий ва тарбиявий-психологик омиллар, шарт-шароитлар таъсирини ўрганишни тадқиқотимизнинг муҳим мақсади сифатида белгиладик.

Дастлаб, биз ўспиринлар дунёқарашини аниқлашга йўналтирилган ижтимоий психологик сўровнома (ИПС)дан фойдаландик. Ўспиринлар дунёқарашини аниқлашга йўналтирилган ижтимоий психологик сўровнома қуйидагича илмий-услубий тузилишга эга.

Ижтимоий-психологик сўровнома (ИПС) ўспиринлар дунёқарашини аниқлаш ва атрофича ўрганишга йўналтирилган саволлардан таркиб топган бўлиб, улар ҳаётида дунёқарашнинг қайси шакли (мифологик дунёқараш, диний дунёқараш, турмуш билан боғлиқ (қундалик) дунёқараш, фалсафий-илмий дунёқараш) етакчилик қилиши ўрганилди. Сўровнома шундай тузилганки, уни ташкил этган саволлар инсонни ўраб турган бутун воқелик – борлик, табиат, жамият, инсон ва унинг онги муштараклиги, ундаги тараққиёт қонуниятлари, шарт-шароитлари, тараққиётни ҳаракатга келтирувчи, ўзгартирувчи муҳим омилларнинг моҳияти улар томонидан қандай англаниши, ўзида шаклланган тушунча, тасаввур, билим ва дунёқарашига таяниб баҳолашлари ўрганилди.

Натижаларни психологик нуқтаи назардан таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ўрганилаётган ўспиринлар-

нинг дунёқарашида мифологик дунёқараш тамойиллари устунлик қилаётганлар 7,4 % ни, дунёқарашида диний дунёқараш тамойиллари устунлик қилаётган шахслар 24,3 % ни, дунёқарашида турмуш билан боғланган (кундалик) дунёқараш тамойиллари устунлик қилаётган респондентлар 26 % ни, дунёқарашида фалсафий-илмий дунёқараш тамойиллари устунлик қилаётган йигит-қизлар 42,3 % ни ташкил этди.

Ўспиринлар дунёқарашини ўрганиб, юқоридагича баҳолаган бўлсак-да, мифологик дунёқарашга таянадиган ёшлар (7,4%) билан диний дунёқарашга таянадиган иштирокчиларнинг (24,3 %) фикр ва қарашларида бир-бирига яқин тушунча ва тасаввурлар, мазмун-моҳияти билан ўхшаш фикрий йўналганлик мавжудлиги кузатилди.

Турмуш билан боғланган (кундалик) дунёқараш устунлик қиладиган ўспиринларнинг (26 %) фикр ва қарашларида бир томондан диний дунёқараш билан боғланганлик кузатилса, бошқа томондан фалсафий (илмий) дунёқарашга боғланганликка (таянишга) хос ёндашувлар мавжудлиги аниқланди.

Дунёқарашида фалсафий (илмий) дунёқараш тамойиллари устунлик қилаётган ўспиринларда (42,3 %) инсонни ўраб турган бутун воқелик-борлиқ, табиат, жамият ва инсоннинг (унинг тафаккури, онги) ўзаро муштараклиги, улардаги тараққиёт қонуниятлари ва зарур шарт-шароитларнинг узвийлиги, тараққиётни ҳаракатга келтирувчи, ўзгартирувчи муҳим омилларнинг моҳияти тўғрисидаги фикр ва қарашларида, илмий тушунча, тасаввур ва билимларга асосланиши, илмий ва ҳаётий ечимлар ҳамда реал воқеликка таяниб баҳо беришлари кузатилди. Шундай бўлса-да, фалсафий -илмий дунёқараш устунлик қилаётган ўспиринларнинг фикр ва қарашларида турмуш билан боғланганлик (кундалик) дунёқарашга яқинлик ёндашувлари ҳам ифодаланди.

Уларнинг 7,4 % ида мифологик дунёқараш ёки ҳаёлий образлар ва афсоналарга таянувчи дунёқараш етакчилик қилаётганлиги, айнан шу шахслар оиласида тарбиявий жараёнларга енгил-елпи қараб, тарбиявий жараён яхши кечмаганлиги, оилавий тарбияда мифологик қарашлар устунлик қилганлиги (жумладан, шу мазмундаги филмларни кўриш, китобларни ўқиш), оиладан кейинги таълим тизимида ана шундай ёшлар тарбиясига ва унинг дунёқарашига тарбиячилар, ўқитувчилар ва кенг жамоатчилик эътиборсизлик билан қараганлиги оқибати деб баҳолаш мумкин. Мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида амалдаги таълим тизимида айнан шу ёшларнинг бошқа тенгдошлари учун бу ҳолатлар салбий таъсири билан қатор муаммоларнинг шаклланишига олиб келиш эҳтимоли мавжуд. Чунки, мифологик дунёқараш воқелик ҳақидаги ҳаёлий образлар ва афсоналарга таянувчи билимлардан тўпланган ва тизимга солинган бир даврда (шундай муҳит шаклланган оила ва бошқа жойларда) вужудга келади. Аслида бу ҳолат борлиқнинг инсон онгидаги ҳаёлий инъикоси сифатида қадимги давр кишилари учун хос бўлган. Улар воқеликни турли ривоятлар ва афсоналар асосида тасвирлаб, уни қаҳрамон халоскорлар, ёвуз ва эзгу кучларни ифодаловчи образлар тарзида билишган. Табиатдаги жонсиз jismlарни жонлантириб, олов, сув, ҳаво, табиат ҳодисаларини ҳам муайян жонли образларнинг намоён бўлиши деб ҳисоблашган. Ҳозирги ёшлар уларни ривоятлар ва афсоналар сифатида қабул қилиб, илм-фан ривожланган ҳозирги даврда илмий-фалсафий дунёқарашга асосланишлари ўринлидир.

Дунёқарашида диний тушунча ва тамойиллар устунлик қилаётган ўспиринлар 24,3 % ни ташкил қилаётганлиги ҳам оилавий ва оиладан кейинги таълим-тарбия тизимида алоҳида эътибор билан қарашни

тақоза этади. Оилавий муносабатларда диний эътиқод ва дунёқарашларнинг устунлиги ҳамда бу ҳолатнинг оиладаги тарбия муҳитига сингиши ёшларнинг ҳаётда йўналганлиги ва илмий дунёқарашининг шаклланиши учун энг хавфли омиллар сифатида хизмат қилади. Диний эътиқод ва диний дунёқарашга асосланган тарбия етакчилик қилган жойда ёшларда илмий-фалсафий дунёқарашнинг ривожланишига имконият қолдирмайди. Аслида диний тарбия ёшларни ҳар томонлама баркамол шаклланишига хизмат қилиши, уларда инсонга хос зарур сифат ва фазилатларни камол топтиришга, жамиятда амалда ҳуқум сураётган миллий-маданий меъёрлар ва қадриятларни ўрганиш ҳамда амал қилишга йўналган бўлиши лозим. Чунки, диний таълимнинг асоси бўлган муқаддас китоблар-Қуръони карим ва муқаддас ҳадисларда фақат инсон камолотини таъминлашга йўналган эзгу-ғояларни учратишимиз мумкин.

Бугунги кунда дин никоби остида юриб, дин ва мусулмонлар халоскори сифатида диний экстремизм ва халқаро терроризм ғояларини, “оммавий маданият” кўринишларини иродаси бўш, тафаккури заиф, онгида тарбиявий бўшлиқ мавжуд бўлган ёшлар орасида тарғиб қилиб, ўша манфур кимсалар ўз мақсадлари ва манфаатлари йўлида астойдил иш олиб бормоқдалар.

Демак, ўз-ўзидан аёнки, дунёқарашида мифологик дунёқараш (7,4 %) ва диний дунёқараш (24,3 %) тамойиллари етакчилик қилаётган ўспиринларнинг мазкур нуқтаи назари нотўғридир. Улар ўзларини ўраб турган-воқелик, табиат, жамият ва инсоннинг яралиши, инсоннинг онгли мавжудот сифатида ривожланиш қонуниятлари, босқичлари ва унинг яратувчанлик имкониятларини илмий-фалсафий нуқтаи назардан тушуниб баҳолай олмадилар. Бу ҳолат, улар билан боғлиқ кейинги ўқув-тарбиявий жараёнларни тубдан ўзгартиришни тақоза этади.

Турмуш билан боғланган (кундалик) дунёқараш тамойиллари устунлик қилаётган ўспиринлар (26 %) билан ҳам янада кўпроқ ишлаш лозимлиги кўриниб турибди. Уларнинг дунёқарашида кундалик турмуш билан боғлиқ ақлга сиғадиган тасаввурлар, олам ва одам тўғрисидаги оддий анъанавий қарашлар етакчилик қилади. Уларни бутун борлиқ, ташқи олам, табиат, жамият, инсон онги ва тафаккурининг муштараклиги ҳамда уларда кечадиган умумий қонуниятларни чуқурроқ англашга интеллектуал имкониятлари етарли шаклланган деб бўлмайди.

Дастлабки тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ҳозирги ўспирин ёшларнинг 42,3 % идагина илмий-фалсафий дунёқараш барқарор шаклланганлиги, улар атроф воқеликни, табиат, жамият ва инсон моҳиятини, уларнинг ўзаро муштараклигини илмий баҳолашда улар ўзларининг билими, ақлий имконияти, ахлоқ-одоби билан тенгдошларига нисбатан анча афзалликлари аниқланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ўспиринлар дунёқарашида салбий ўзгаришлар юзага келишининг муҳим омиллари ўрганилганда, улар онги ва дунёқарашини белгилайдиган билимлари, уларда қарор топган интеллектуал тараққиёт даражалари ҳар доим ҳам тўғри илмий-методологик йўналишга мос келавермаслиги аниқланди. Ўспиринларнинг тенг ярми-дунёқарашида мифологик дунёқараш тамойиллари устунлик қиладиган (7,4 %), диний дунёқараш тамойиллари етакчилик қиладиган (24,3 %), турмуш билан боғлиқ (кундалик) дунёқарашга кўпроқ амал қиладиган (26 %) улар бутун борлиқни ўзаро муштараклигини, яъни -табиат, жамият, инсон ва унинг тафаккури ўртасида кечадиган энг умумий қонуниятларни илмий-фалсафий жиҳатдан тўғри баҳолай олмадилар. Улар дунёқарашида салбий

ўзгаришлар юзага келишининг асосий сабаблари сифатида хизмат қилаётганлиги кўриниб турибди.

Ўспиринлар 31,7% ининг (7,4%+24,3%) дунёқарашдаги янглиш тасаввурларни вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ шарт-шароитларни тубдан ўзгартириш ва қайта кўриб чиқишга тўғри келади.

Ўспиринларнинг 26 %и ўзларидаги мавжуд дунёқарашни тузатиб, борлиқни илмий-фалсафий тушуниш даражасига эришиш учун билимларни чуқурлаштириши ва методологик ёндашувларини тузатишлари лозим. Уларнинг 42,3 %и ўзларида мавжуд бўлган илмий-фалсафий дунёқараш юзага келиши ва ривожланиши билан боғлиқ манбаларни аниқ ҳамда яққол тасаввур қилаётганликлари ёшларни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш учун янада муҳимдир.

Ўзбек миллий-маданий муҳитида шаклланаётган ўспирин ёшлар, уларнинг ота-оналари, ижтимоий фан соҳа ўқитувчиларида ўспиринларда ёт ғоялар таъсирига берилувчанликнинг асосий сабабларини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди. Ўтказилган анкета сўров натижаларига кўра, унинг етарлича тарбияланмаганлиги, унда тарбиявий бўшлиқнинг мавжудлиги (ўринлар йиғиндиси 1,79; 84,2%), унинг тақдири учун ота-оналарнинг эътиборсизлиги (тарбияда лоқайдлик, бепарволик, назоратнинг йўқлиги) (ўринлар йиғиндиси 1,80; 84 %), ўспиринга иқтисодий етишмовчиликнинг таъсири (ўринлар йиғиндиси 2,52; 69,5%), ўспирин ёт ғояларининг психологик таъсир кучига (манупуляцияга) алданиб, ҳаётда ўз ўрнини топишга уриниши (ўринлар йиғиндиси 2,56; 68,8%) унинг ёт ғоялар таъсирига берилувчанлигининг энг таъсирчан манбаи деб ҳисоблайдилар.

Ўспиринларда ёт ғояларга берилувчанликнинг юзага келишида унинг маънавиятининг бўшлиғи натижасида

#### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. -Т.: “Ўзбекистон”, 2017. 48-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. 3-том. –Тошкент: 704-б.
3. Алимасов В. Ижтимоий низолат: назарияси, амалиёти ва ечимлари. //“Фалсафа ва ҳуқук” 2007, № 2, 9-12-б.
4. Информационно-психологическая и психотранная война. Хрестоматия под ред. Е.А.Тараса. –Минск: “Харвест” 2003.
5. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общества и культура. -М.: 2000. –С.39.

**РЕЗЮМЕ.** Ушбу мақолада ўспирин ёшларда дунёқарашнинг шаклланиш қонуниятлари, дунёқарашнинг турлари, шунингдек, ёшларда илмий дунёқарашни шакллантириш бугунги куннинг долзарб мавзуси эканлиги ҳақида сўз боради.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассматриваются закономерности формирования мировоззрения у подростков, виды мировоззрения, а так же формирование научного мировоззрения в юношестве является актуальным вопросом на сегодняшний день.

**SUMMARY.** This article discusses the laws of formation of worldview in adolescents, types of worldview, as well as the formation of scientific worldview in youth is a topical issue today.

## Tálim - tárbiya teóriyasi hám metodikası

УДК 37.015.31

### ТАЛАБАЛАРНИ ИЖТИМОЙИ ФАОЛ ШАХС ҚИЛИБ ШАҚЛЛАНТИРИШ МОДУЛИ БЎЙИЧА ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

И.Ш.Алқаров – физика-математика фанлари номзоди

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**Таянч сўзлар:** фаол, шахс, ижтимоий, маънавий, камолот, иммунитет, маданият, экология, сиёсий, ҳуқуқий, диний, бағрикенглик.

**Ключевые слова:** активные, личность, социальная, духовная, зрелость, иммунитет, культура, экология, политическая, правовая, религиозная, толерантность.

**Key words:** active, personal, social, spiritual, maturity, immunity, culture, ecology, political, legal, religious, tolerance.

Янгилашган Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири сифатида Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Шунингдек, барча ислохотлар қатори бу соҳадаги тарихий ўзгаришлар ҳам бевоқиф ташаббуси ва раҳнамолиги остида амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонун [1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон «Олий ва ўрта

махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори [2], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони [3] ҳам юртбошимизнинг ёш авлод ҳақидаги ғамхўрлик ва эътиборининг амалий ифодаси сифатида вужудга келганини барчамиз яхши биламиз. Ушбу қонун

хужжатлари асосида диёримизда таълим-тарбиянинг замон талабларга тўлиқ жавоб берадиган миллий модели шаклланди ва унинг самарали фаолияти нафақат ўзимизда, балки дунё микёсида ҳам тан олинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони [3]нинг 1-илласи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да “Олий таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чораларнинг самарадорлигини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёкарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талабаларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш” белгилаб қўйилган.

Таълим-тарбия соҳасидаги энг илғор миллий ва умумбашарий билим ҳамда тажрибалар, анъана ва қадриятларни ўзида мужассам этган ушбу тадқиқотда [8] таълимни маънавий-ахлоқий тарбия жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бундай концептуал қараш Президентимизнинг маънавият, таълим-тарбия, ёш авлод келажиги, бир сўз билан айтганда, халқимиз ва Ватанимиз истикболига дахлдор бўлган барча чиқишларида, китоб ва рисолаларида ўз аксини топиб келмоқда.

Ўрта Осиёда, умуман Шарқ дунёсида қадим-қадимдан тарбия маънавий-ахлоқий қадриятлар ифодаси эканлиги бугунги кунда таълим жараёнини тарбия билан уйғун олиб боришда олдимизга юксак вазифаларини юклайди.

Таълим тизимида маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларини тубдан қайта қуриш, шунингдек, таълим муассасалари раҳбарлари, мутассадди ходимлар, соҳа мутахассислари, устоз ва мураббийлари, шунингдек барча-барча жамият аъзолари олдидаги энг муҳим масалага айланиб бормоқда.

Республикамиз раҳбарияти томонидан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар чуқур таҳлил қилиб, ҳар томонлама белгилаб берилган зарурий ва долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантиришга оид бир қатор ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда [6].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, “Талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш” моделининг таркибий қисмлари учун талабалар мажмуаси ва тарбия мазмунини шакллантиришда [5]: шахснинг маънавий камолотини таъминлаш; мафкуравий иммунитет ва ғоявий қурашчанлик; соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданият; экологик билим ва маданият; диний бағрикенглик (толерантлик) маданияти; сиёсий-ҳуқуқий билим ва маданият каби таркибий қисмлар ва булар бугунги кун талабларига мос ҳолда, ҳар бир таркибий қисми учун алоҳида маълумотлар базаси шакллантирилиб, мавжуд муҳитни ҳисобга олган ҳолда қайта такомиллаштирилиб олинди.

Ушбу дастурни яратишда аجدодларимиз ўз салоҳияти, билими ва ақл-заковати, буюк илмий кашфиётлари, юксак инсоний фазилатлари билан асрлар давомида бутун дунёни ҳайратга солиб келган. Талабаларимиз ҳам уларнинг шонли анъаналарини

муносиб давом эттириб, нафақат ўзининг билим ва маҳорати, касб малакаси, айни вақтда, юксак маънавияти билан барчага ўрнатиб бўлмоғи лозим. Бунинг учун Президентимиз, давлатимиз томонидан барча шароит ва имкониятлар яратилган ва яратилиб келинмоқда. Таълим тизимида берилган юқори имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўз олдидаги масъулиятли вазифаларни муваффақиятли бажармоғи зарур.

Мустақилликдан кейин Ўзбекистоннинг мустақил тараққиётини кўролмаган кимсаларнинг динни ниқоб қилиб олиб конституцион ҳукуматига қарши турли тажовузлар қилишга, миссионерлик, халқаро терроризм, маънавий таҳдидларга қарши ҳаракат ҳиссини уйғотиш зарур. Бу борада “Агар жамият ҳаётнинг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси-бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафкураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади» деди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев [4]. Мухтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг ушбу сўзлари “Талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш” модулининг таркибий қисмлари бўйича дастурини яратиш учун асосий кўприк сифатида ўз ифодасини топган. Шунингдек, юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб “Талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш” дастурини яратиш мақсадга мувофиқдир.

Талабаларни ижтимоий фаол шахс сифатида шакллантиришни қафолатлайдиган таълим-тарбия тизими, тарбия жараёнини ташкиллаштиришда ҳали ўз ўрнини топмаганлигини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб кўрсатмоқда. Жамиятга, маънавиятга қарши қандайдир ташқи ёки ички таҳдиднинг пайдо бўлиши, ҳар қандай жамият ва халқнинг бугуни ва истикболини ўйлаб яшаётган ҳар бир онгли шахсни ўйлашга мажбур қилади. Шундай экан, биз доимо ижтимоий фаолликни талабаларда шакллантириб, такомиллаштириб боришимизни улкан вазифа қилиб юклайди.

Президентимиз ўз асарларида ва нутқларида таъкидлаганидек, бугунги кунда замон талабларига мос таълим олаётган ёшларни ҳар қандай ғоявий, мафкуравий таҳдид ва тажовузларга қарши тура оладиган, уларга қарши фаол қураша оладиган, ҳар қандай жойда эркин сўзлай оладиган, мустақил фикрлайдиган, фидойи, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун жонини фидо қиладиган ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантиришдек ўта муҳим ва устувор вазифани қўймоқда.

Ушбу шарафли вазифани амалга ошириш мақсадида узоқ муддатли олиб борилган тадқиқотлар натижасида талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш модули бўйича амалга оширилиши керак бўлган ишлар юзасидан дастури яратиш лозим деб топдик.

Ушбу тавсия этиладиган дастур бўйича талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш жараёнида эгаллаши зарур бўлган билимлар мажмуасини амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширилиши керак:

- талабаларнинг маънавий-маърифий қарашларини, ахлоқий билим ва тасаввурларини, маънавий саводхонлигини ошириш;
- миллий-маданий қадриятлар асосида тарбия жараёнини ташкил этиш;
- давлатимиз мустақиллиги, талабалар маънавиятига ҳавф туғдирувчи ички ва ташқи омилларга қарши қураша олишликни шакллантириш;

- миллий-маданий меросимизга, буюк аждодларимиз қолдирган бой маънавий меросга ҳамда ўғитларига амал қилиш ва уларни авайлаб асраш, келажак авлодга соф ҳолатида етказиш;

- талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш модулининг [5] таркибий қисмларга олдиға қўйилган улкан вазифалар асосида уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида компьютерда ўргатувчи ва назорат қилувчи махус дастурлар ишлаб чиқиш;

- ижтимоий фаол шахснинг асосий фазилатлари ва кўрсаткичларини аниқлашга оид методлар ёрдамида талабаларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш;

- таълим муассасаларида ёшларни ижтимоий фаол шахс этиб шакллантиришни кўзда тутадиган тизимли мустақил таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш;

- юқорида қайд этилган таркибий қисмлар бўйича махсус тарбиявий курсларни ташкил этишда мавжуд ўқитиш технологиясини, методикасини тубдан қайта қўриб чиқиш ҳамда таркибий қисмлар мазмунини талабалар онгига сингдиришда таълим-тарбиянинг махсус мустақил интеллектуал (компьютер) тизими, яъни талабаларнинг ушбу таркибий қисмлар бўйича билим ва кўникмасини ҳосил қилиш ва мустақамлаш мақсадида махсус компьютер дастурлари яратилиб, улар асосида талабаларнинг билим савиясини аниқлаб бориш;

- ҳар бир талабани ихтиёрий шахс билан эркин мулоқатга кириша олиш қирраларини шакллантириш;

- халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлигини инобатга олган ҳолда, ахборот-коммуникацион технологиялари тизимига асосланган тарбия технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

- талабаларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш мезонлари ва усулларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқилган мезон ва усуллар асосида доимий равишда талабаларнинг билим даражасини баҳолаб бориш талаб этилади.

Бунинг учун эса талабалар онгига қуйидаги малака ва кўникмаларни ҳамда фазилатларини шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- фидойилик, ҳамжиҳатлик, тинчликсеварлик, дахлдорлик, мардлик, «ватанпарварлик» тушунчасининг моҳиятини ёшига мос даражада тушунтира олиш;

- ватанпарвар шахслар, уларнинг хизматлари ҳақида ҳикоя қилиб бера олиш;

- ватанига муҳаббатли бўлиш, унинг ташвишларидан азият чекиш, ютуқларидан қувониш ва бошқаларга тарғиб эта олиш;

- ватан тупроғини бебаҳо билиш, уни асраш, юрт мустақиллигини мустақамлаш, ватандошларининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш;

- ватанига, миллатига ҳиёнат қилган кимсаларга ўз шахсий муносабатини ифода қилиш;

- ўз манфаатларидан Ватан манфаатларини устун қўйиш кераклигини мисоллар билан асослаб бера олиш;

- бўлажак касбининг Ватан тараққиётини таъминлашдаги аҳамиятини асослаб бера олиш;

- миллий ғурур, Ўз халқи тарихи, тили, маданият ва санъати, истиқболи ҳақидаги тушунчаларни асосли баён этиш;

- ватандошларни ҳурмат қилиш ва бунга Ўз ҳаётдан мисоллар келтира олиш;

- республика мустақиллигига, конституциявий тузумга таҳдид солаётган кучларни бошқаларидан ажрата олиш ва уларга нафратни ифода қилиш;

- ватан равнақи, юрт тинчлигини таъминлашга қўшаётган хиссасини кўрсата олиш ва шу қабиларга эътиборни қаратиш лозим бўлади.

Бунинг учун талаба қуйидаги йўналишлар бўйича ўқув-тарбия жараёнини амалга оширади.

Ижтимоий фаол шахс фазилатларини тадқиқ этиш методлари ва воситалари асосида талабаларда курашчанлик фазилатларини шакллантириш [7] учун миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, кўркмаслик, Ватанни севиш, давлат рамзларини билиш, байрамларни, маросимларни моҳиятига етиш, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда аниқ мақсад қўйиб яшашга интилиш, бефарқлик ҳақида тасаввурга эга бўлиш, менталитетни билиш, бузғунчилик, тажовуз ҳақида, келажак ҳақида, Ватан ҳақида тасаввурга эга бўлиш, атрофдагиларга муносабати ва бошқалар ҳақида билимга эга бўлиш.

Шунингдек, талабаларда ўз фаолиятида мақсадли кураш олиб бориш, мустақил фикрга эга бўлган фидокор, тарихни тўғри англаш, ўз кучига ишониш, ислохотларда фаол иштирок этиш, урф-одатларни, анъаналарни асраш, эзгу ғояларга садоқат, буюк келажакка ишонч ҳисси билан яшаш, эзгулик ва меҳрибонлик туйғуларини ривожлантириш.

Бунда дастлабки омил сифатида мактабгача таълимдан бошлаб олий таълим муассасаларида намоён бўлади. Тадқиқотларга кўра, инсонлар асосий билим ва кўникмалари, тасаввур, тушунчаларига айнан шу ёшларда эга бўлишади. Демак, бу босқич келгуси авлод тарбиясида ўз аҳамияти жиҳатидан ўта муҳим ҳисобланади. Шундай экан, ушбу тавсия этилаётган дастур бўйича “Талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш” модулининг таркибий қисмларининг ҳар биридан алоҳида яратилган компьютер дастурлари асосида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва у асосида ўқув-синов ишларини олиб бориш талабаларни ҳар томонлама ижтимоий фаол шахс бўлиб етишишига ишонамиз.

### Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь кўни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бундан борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқидан.
5. Алқаров И.Ш. Таълим муассасаларида талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантиришнинг педагогик асослари. I қисм. Монография. - Тошкент: Иқтисод-молия. 2010. 190-б.
6. Тўрақулов Х.А., Алқаров И.Ш., Усмонов Н.Ў. «Таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар» ўқув қўлланма. – Тошкент: “Фан ва технология». 2008. 120-б.
7. Алқаров И. Ижтимоий фаол шахс фазилатларини тадқиқ этиш методлари ҳақида. Ўз. Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг Ахборотномаси. -Нукус: 2011. 89-91-б.
8. Тўрақулов Х.А., Алқаров И.Ш., Усмонов Н.Ў., Фарсаханова Д. Бўлажак педагогларни касбий фаолиятга тайёрлашда ғоявий-ахлоқий тарбия. -Тошкент: “Фан ва технология”. -Т.: 2010. 140-б.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада “Талабаларни ижтимоий фаол шахс қилиб шакллантириш” моделининг таркибий қисмлари ўрганилган. Бугунги кун талабаларига мос ҳолда, ҳар бир таркибий қисмларни инобатга олган ҳолда дастури ишлаб чиқилишига қаратилган бўлиб, буюк аждодларимиздан қолган бой маънавий мероси асос қилиб олинган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассматриваются составляющие модели «Формирование студентов как социально активных людей». В соответствии с требованиями сегодняшнего дня программа направлена на разработку каждого компонента с учетом богатого духовного наследия наших великих предков.

**SUMMARY.** The article discusses the components of the model "Formation of students as socially active people". In accordance with the requirements of today, the program is aimed at developing each component, taking into account the rich spiritual heritage of our great ancestors.

## **KÁSIPLIK PÁNLERDI OQITIWDÁ DIDAKTIKALIQ PRINCIPLERDÍN ÓZINE TÁN TÁREPLERI**

**M.Amanbaev – úlken oqıtwshı**

**A.Kurmanov – úlken oqıtwshı**

*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq institutı*

**Tayanch so`zlar:** ta'limni ilmiy asosda tashkillashtırish, ta'limning tarbiyaviy xarakteri, ko'rgazmalilik tamoyili, onglilik va faollik tamoyili, malakalarnı puxta o'zlashtırish tamoyili.

**Ключевые слова:** организация обучения на научной основе, образовательный характер обучения, принцип демонстрации, принцип сознательности и активности, принцип тщательного овладения навыками.

**Key words:** research based teaching, educational nature of training, the principle of demonstration, the principle of consciousness and activity, the principle of careful mastering skills.

Didaktikalıq principler: tálimdi ilmiy tiykarda shólkemlestiriw; onıń tarbiyalıq xarakteri, turaqlı dawamıylıǵı; kórgizbeligi, mazmunınıń oqıwshılardıǵa say bolıwı; oqıtwdıń belsendiligi hám sanalılıǵı; bilim, kónlikpe hám mamanlıqlardı puqta ólestiriw hám hár bir oqıwshı menen jeke tártipte islesiwden ibarat bolıp tabıladı.

Oqıtwshı oqıwshılardıǵa mashına hám úskenelerdiń dúzilisi, islew principı hám miynetni shólkemlestiriwdi tereń úyretiwı, olardı ilim hám texnikanıń jetiskenlikleri, alımlar, injener hám jumısshılardıń xızmetleri haqqındaǵı maǵlıwmatlar menen de tanıstırıwı lazım.

**Tálimdi ilmiy tiykarda shólkemlestiriw principı** oqıwshılardıń tálim jumsların aktivlestiriwshı, aqlıy kábiiletlerin óstiriwshı, olardı óz betinshe bilim alıwǵa úyretiwshı usıllardı tańlaw hám texnikalıq atamalardan paydalanıwǵa ádetleniw bolıp tabıladı.

**Tálimniń tarbiyalıq xarakteri** oqıwshılardı kásiplik bilim beriw, olardıń aqlıy ósiwi hám de dúnyaqarasınıń qábiylesiwı ushın shárayat jaratadı.

Tálimdi ámelge asırıwda oqıtwshı oqıwshılarda óz kásiplerine muxabbat, sanalı intizam, óz miynetin rejelestire alıw, jámaát penen islese alıw kónlikpelerin tarbiyalawı lazım.

**Kórgizbelilik principı** úyrenilip atırǵan hádiyse hám zatlardı janlı ańlaw tiykarında ólestiriwdi názerde tutadı.

Tálimniń kórgizbelilik principı oqıw materialın anıq obrazlar arqalı tikkeley ańlawdı tamiyinleydi.

Tálim processinde kórgizbeli qurallardan durıs paydalanıw oqıwshılar texnikaǵa baylanıslı bilimlerdi puqta ólestirip alıwına, olarda mamalıq payda bolıwına járdem beredi.

Eger kórgizbeli qural qanday da bir pikir ushın kórsetiw quralı bolsa, sóylew tiykarǵı, al kórgizbeli qural bolsa járdemshı qural bolıp tabıladı. Eger kórgizbeli qural baqılardı rawajlandırıw ushın qollansa, sóz qısqa bolıwı, tek ǵana tiykarǵı kuralǵa, yaǵnıy baqılardıń maqset hám wazıypaların ámelge asırıwǵa qaratılıwı kerek.

Mine usı talaplardı orınlaw ushın teoriyalıq sabaqlarda plakat, multimedia, kinofilm, diafilm, janılǵı maylaw materialları, maylaw hám janılǵı menen tamiyinlew úskeneleri, stetoskop hám t.b. bolıwı kerek. Tálimniń oqıwshılardıǵa say bolıw principı olardıń aqlıy, fizikalıq hám jas ózgesheliklerin esapqa alıwı talap qıladı.

**Sanalıq hám belsendilik principı** tálimdi oqıwshılar ilmiy bilimlerdi sanalı, dóretiwshilik ólestiretuǵın baǵdarda shólkemlestiriwdi názerde tutadı. Al, buǵan oqıwshılardıń sabaq waqtındaǵı júdá belsendiligi menen erisiw múmkin.

Bul princip óndiris tálimi processinde kásiplik mamanlıqlardı sanalı ólestiriwde, ondaǵı is háreketlerin parıqlay alıwda kórinse, ámeliy tapsırmalardı orınlawda usı principniń nátiyjesi miynet uılları durıs hám belgilengen waqıtta orınlanıwında, mashınanı basqarıwda pedal hám rıchaglardan durıs hám tez paydalanıwda, bilim hám mamanlıqlardı jańa obektlerge tez hám anıq kóshiriwde kórinedi.

**Mamalıqlardı puqta ólestiriw principı.** Bul principke kóre oqıtwshı ámeliy, laboratoriya sabaqlarınıń

nátiyjeliligini qadaǵalap turadı. Mamalıqlar puqta ólestiriwiniń támiyinlew maqsetinde úyrenilgen materiallar turaqlı rawishte tákirarlap barıladı, jańa materialdı bekkemlew ilájları qollanıladı [1].

Bul princip óndiris tálimi processinde tómegishe ámelge asırıladı:

- keń qanıgelikli traktorshı-mashinist kásibin iyelew maqsetinde miynet usılların kóp márte tákirarlaw;

- mashınalar aydawdı úyretiw waqtında oqıwshılardıń túrli mamanlıqlardı óz betinshe iyelewine áhmiyet beriw;

- oqıwshılarda texnikalıq ádebiyat hám maǵlıwmanamalardan paydalanıw kónlikpelerin payda etiw;

- mamanlıqlardı qalıplestiriwde ápiwayı shınıǵıwıqlardan quramalı shınıǵıwlarǵa ótiw hám sabaqlardı óndiriske jaqın shárayatta alıp barıw.

Hár bir oqıwshıǵa jeke tártipte múnasibette bolıw principı oqıwshılardı hár tárepleme úyreniwdi, olarǵa óz waqtında járdem beriwdi, olardıń baslamashılıǵı hám dóretiwshilik qábileti kórinetuǵın shárayat jaratıwdı talap qıladı.

Hár bir oqıwshınıń ózine tán tareplerin esapqa alıw ushın oqıtwshı hám usta sabaq ótilemen degenshe olardıń minezlemesi menen tanısıwı hám hár biri menen sáwbet ótkeriwi kerek.

Teoriyalıq tálim sabaqlarınıń shólkemlestiriwshilik formaların durıs tańlaw úlken áhmiyetke iye. Bunda sabaqtı ótiw ornı hám tártibi, oqıwshılardıń iskerligi hám de sabaqta olardı toparlarǵa ajratıw, sabaq dawamında oqıtwshı menen oqıwshılar arasındaǵı baylanıstıń áhmiyeti názerde tutıladı.

Tálim insannıń biliw iskerliginiń eń quramalı túrlerinen biri bolıp, individual psixikalıq rawajlanıwı hám bilimlerdi ólestiriwdi anaǵurlım tezlestiredi. Oqıtwshı tálim processinde tek qana bilim beriw menen shegaralanbaydı, bálki bul processte oqıtwshı, talabaǵa tásir kórsetedi, al ol óz gezeginde olardıń bilim alıwların jáne de aktivlestiredi, nátiyjede oqıwshı tálim processiniń belsendi qatnasıwshısına aylanadı.

Tálim processinde oqıwshılar sanasına sińdirilip atırǵan teoriyalıq bilimler ámeliy iskerlik jardeminde jáne de bekkemlenedi. Insan qorshap turǵan ortalıqtaǵı zat hám hádiyselerdiń áhmiyetin turmısta olarǵa dus keliw jolı menen bilip aladı, olardı ólestiredi. Insan ámeliy iskerlik sebepli ǵana jámiyetlik, óndiris iskerligin shólkemlestiriwshı múnásibetler, sonday-aq, tábiyat hádiyseleriniń sırların ólestirip aladı.

Zatlar, buyımlar menen ámeliy qatnasta bolıw nátiyjesinde buyımlar sezim organlarına tásir qıladı, sezimler ańlawdı keltirip shıǵaradı. Ámeliyatta insannıń aktiv pikirlew iskerligi júzege keledi. Pikirlew jardeminde ol real waqıyalıqtı tereń túsinedi.

Bilim dereǵı sanalǵan ámeliyattıń áhmiyeti haqqında sóz júrtkende biliw processiniń áhmiyetin de kórsetip ótiw zárúr.

Biluw quramalı dialektikalıq process bolıp, janlı dodalawdan abstrakt oy-pikirge, keyin ámeliyattı ótiw jolı bolıp tabıladı. Biluw shaxs ushın belgisiz hám

ёзлестирилмеги нэрсе, вақия ҳам ҳадиёселер аҳмийетини сана ҷардемиде аңлау процесси есапланад. Обектив болмисти билив он сезиуден басланад. Сезиу санани сиртқи алам менен болатуғи бирден-бин байланиси болп табилди. Сезиу қоршап турған орталиқтағи зат ҳам ҳадиёселердиң сезим органлари (бизге белгили олар бесев)на тасир етвиши айирим белгилерини санда оз савлесин табив. Бунда ҳар бир орган, ҳар бир анализатор И.П.Павлов атип откенде, затлардиң айирим ең аҳмийетли сипатларин сезеди. Сезиу вақия ҳам ҳадиёселердиң мазмунини санда савлеленивине алып келеди [2].

Анлау-сезиу ағзалари санаға тасир етип турилған зат ҳам ҳадиёселердиң онда (санда) тутаслиғинша савлеленив процесси болп табилди.

Сезиу ҳам пикирлеу ҷардемиде тусиник пайда болди. Тусиник инсан санасинда узақ мүддет сақланп қалатуғи сезимлер ҳам анлаудиң давам есапланад. Яки басқаша айтқанда, сезим ағзаларина қандай да бир вақитлари тасир еткен ҳам де аңлап јетилген зат ҳам ҳадиёселердиң сандағи аниқ сезиу образи. Тажирйе ақибетинде адамда аңлау заһираси байп, кобейп барди. Аңлау арқали пикирлеуде, тусиниклердиң пайда болвиңда ўлкен роl ойнади.

Инсан тек қана пикир јүритиу процессинде ғана белгили бир процесс яки вақия, ҳадиёсениң аҳмийетин, мүнәсбелердиң сабеpli бахаланвиларин аниқлайди ҳам уси арқали материаллиқ болмисти терең, толиқ ҳам туври савлеленивине ерсед. Пикирлеу И.П.Павлов тәлиматина коре, нерв клеткаларини бахаланвилар яки ассоциацияларини пайда болвиңан ибарат болп табилди.

Тәлим процессинде қандай да бир пән таравинда инсанийат тәрепинен ёзлестирилген барлиқ билимлерди үйренив мүмкин емес. Тәлим процессинде ең тикарғи, ең аҳмийетли билимлер - пәнлердиң тикарлари үйренiledи.

Билимленириу оринларинда үйренилетуғи оқиу предметлериниң сани өзиниң вазипалари ҳам өзгешеликлерине мувапиқ тәризде артип барди. Баславиш классларда тәбият ҳам ҷамийет низамлиқлари хақиндағи ең апиwayи мағливатларди берив тикаринда оларда дуньяқарас қалипестирлип барилди. Уси билимлер тикаринда оқившилар обектив болмисти аҳмийетин аңлап барди.

Тәлим процессинде оқившилар билимлер системасин ийелеп қана қалмастан балки искерлик, конликпе ҳам маманлиқларин пайда етеди.

Билимлердиң амеде бир несхе мәрте қолланливи конликпелериниң пайда болвиңа алып келеди. Конликпе – бул өзле-

стирп алинған билимлер тикаринда амеде асирлатуғи ҳам амелий тәрептен мақсетке мувапиқ ҳаеркетлерге таярлиқта савлеленген санали искерлик. Демек, конликпе белгили бир искерликти шолкестирив јоллари ҳам усиларин билп, өзлестирп алиу ҳам де өз билимлерин амеде қоллана алиу болп табилди. Конликпелер белгили бир жағдайда ғана емес, балким даслепки шарт-шараятлар өзгерген вақитта да белгили бир хатти-ҳаеркетлер қилиу (пайда болған тајирйелер тикаринда) қабилети менен сүвретленеди.

Конликпелерди билимлер менен араластиривға болмади. Һар қандай конликпениң тикаринда билим јатади. Билимлер пикир алмасивларда, ал конликпе болса ҳаеркетлерде савлеленеди.

Маманлиқ белгили бир усул менен қатесиз оринланатуғи, үйренип қалинған автоматласқан санали ҳаеркет болп табилди. Маманлиқ бир ҳаеркеттин өзин бирдей шараятта коп мәрте тәкирарлау нәтијесинде пайда етеди. Маманлиқ қанша пухта болса, адам јумисти сонша тез јолға қояди.

Маманлиқлар ҳар-қийли болди, себепи, оқиу маманлиқлари - оқиу, сезиу, ағизеки есаплау ҳам басқалар; миynet маманлиқлари јумис қураллари менен ислев, материаллар ҳам де техника менен қатнаста болив ҳам басқалар; ҳаеркет маманлиқлари - јүриу, јүгирив ҳам басқалар. Конликпе сиақли маманлиқта ийеленген билимлер тикаринда пайда етеди. Конликпе ҳам маманлиқ ортасинда парилли тәреpleri де бар. Атип айтқанда, оқившилар тәрепинен өзлестирлген конликпе ҳам маманлиқлар ҳар қийли хактеристикада болди.

Јоқарида айтп отилгенде, билим, конликпе ҳам маманлиқлар тәлим процессинде пайда болди. Тәлим – диалектикалиқ тәризде равајланп баратуғи ишки тартиш процесс болп онда еки тәреп оқившли ҳам оқитвишли қатнасади. Тәлим берив бул оқившиларға билимлер берив, оларда конликпе ҳам маманлиқлар пайда етви, јаңа хақиқатларди аширивға бағдарланған дотирившиллик, логикалиқ пикирлеуди тәрибиялау болп табилди.

Ал, оқиу- оқившилардиң өзлестирив, пикирлеу ҳам де ҳаеркетлерди пайда етви процесси саналади. Оқиу процессинен оқившилар белгили болмаған, өзлестирмеги мағливатларди өзлестирп барди.

Јузмақлап айтқанда, кәсиплик пәнлерди талабаларға үйретиуде тәлимниң инновациялиқ технологијаларинан нәтијели пайдаланив тәлим сапасин асиривда аҳмийетли фактор болп есапланеди.

#### Адебијатлар

1. Davlatov K. Mehnat va kasb talim-tarbiyasidan amaliy mashg'ulotlar. - T.: «Wqituvchi», 1995. 267-b.
  2. Turakulov X.A., Sharipov Sh.S. Talabalar ixtirochilik ijodkorligini rivojlantirish. Uslubiy tavsifnoma. – Jizzax: 1998. 36-b.
- РЕЗЮМЕ.** Мақоллада о'қувчиларга фан ва техниканинг yutuqlari, olimlar, muhandis va ishchilarning xizmatlari haqidagi ma'lumotlarni berish orqali didaktik tamoyillarning o'ziga xos jihatlari ochib berish haqida bayon etilgan.
- РЕЗЮМЕ.** В статье рассматривается специфика дидактических принципов путем информирования учащихся о достижениях науки и техники, о работе учёных, инженеров и рабочих.
- SUMMARY.** The article examines the specificity of didactic principles by informing students about the achievements of science and technology, the services of scientists, engineers and workers.

#### БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ТАРБИЯЛАШ МАСАЛАСИ

Г.Б.Бабашева – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

**Таянч сўзлар:** танлаб олиш, қобилият, хаёл этиш, мустикал бажариш, фаолият, мустикал фикр јуритиш.

**Ключевые слова:** отбор, способность, воображение, самостоятельное выполнение, деятельность, независимое мышление.

**Key words:** selection, ability, imagination, self-fulfillment, activity, independent thinking.

Бизнинг давлатимизнинг кучли ривожланиши учун ҳар тарафлама етук, ўз фикрига эга ёшлар даркор. Шундай экан биз ўз фикрига эга, эркин фикрлай оладиган ёшларни қандай тарбиялаймиз?, Бизнинг ёшлар эркин фикрлай оладиган даражага етиш учун нималарни қилишимиз керак?, Ҳозирги ёшларимизнинг фикрлаш даражаси қай аҳволда қаб саволлар кўп берилади. Биринчидан бола дунёга келгандан бошлаб уларга эркинлик беришимиз керак, унинг эркин ҳаракат қилишига, эркин гапиришига итиборли бўлишимиз керак. Масалан бола ўйнаганда, болага саволлар

берилганда ҳам ҳеч кимнинг ёрдамисиз ўзи жавоб беришга ўргатиш лозим.

Айрим ота-оналар кичкина болага савол бериб, унинг ўрнига ўзлари жавоб беради. Масалан биз кичкина киздан унинг исмини сўрасак, унинг ёндига онаси жавоб беради. Бола онасининг айтганини тақирорлаб айтишга ҳам уялиб қолади. Айрим болалар бўлса эркин гапириб ўрганган, доим ўз фикрига, ўз сўзига эга бўлади. Ҳозирги вақтда кичкина болаларга савол берсанг, улар ўзлари жавоб беради. Айрим ота-оналар боласининг тўғри жавоб бермаганига уришади. Лекин биз бу

билан хеч нарсага эриша олмаймиз, аксинча ахволни олдингиданда баттар қиламиз. Шунинг учун ҳам болага берилган саволга боланинг ўзи жавоб бериши учун имконият беришимиз керак. Бола ўз хохиши билан ўзининг кўнглидагини айтсин.

Боланинг эркин фикрлай олиши ўзи яшаган муҳитга боғлиқ бўлади. Масалан, баъзи оилаларда қўйдагича тартиб ўрнатилган бўлади. Яъний дастурхон бошида фақат унинг ота-онаси гапиришади. Бошқалари эса хеч нарсага аралашмайди ва ўзларининг фикрларини ҳам билдирмайди. Бундай оилаларда тарбияланган бола уятчанг, нотик, ўзининг билганини бошқаларга еткиза олмайдиган бўлиб ўсади.

Иккинчи бир оилада эса ҳамма жамул-жам, ҳаммаси ўз-ара гаплашиб, ўзларини эркин сезиб, бир-бирлари билан эмин-эркин фикрлашиб ўтиришади. Улар маслаҳатлашиб уйдаги ечилмаган масала ва муаммоларни ўз-ара келишиб ечишади. Бундай оилада тарбияланган бола, ўз фикрини эмин-эркин, аниқ ва қисқа этиб еткиза олади.

Демак эркин фикрлашнинг ўзи ҳам боланинг дастлабки олган тарбияси билан боғлиқ экан. Биз юқорида айтиб ўтган тарбия жараёнларининг яхши тарафларини олиб қўллансак емон бўлмас эди.

«Бўлар бола бошидан маълум»-деганидай ҳозирги болаларнинг кўпчилиги иқтидорли, билишга, ўрганишга интиқ. Биз уларга тўғри ва яхши тарбия беришимиз керак. Бугинги кичкина болалар эртанги ёшлар, демек эртанги келажакимизни ўйлаган ҳолда ҳозирги замон талабларига мос ёшларни тарбиялашимиз керак. Уларга мактабга келган кундан бошлаб эътиборлироқ бўлишимиз керак. Сабаби ҳар бир ишнинг самарали чиқиши учун бошидан яхши тарбиялашимиз лозим.

1997-йили бўлиб ўтган «Кадрлар таёрлаш миллий дастури»ни тузиш комиссиясининг мажлисида юртбошимиз эркин фикрга эга бўлмаган ёшлар ҳақида жон қуйдириб «Мактабни битириб чиққан айрим ёшларнинг ўзларининг фикри йўқ» атаб ўтган едилар.

Биз болаларни, яъни келажак ёшларимизни ўз фикрларини эркин еткиза оладиган даражада тарбиялашимиз лозим. Демак биз устозлар бола мактабга келган кундан бошлаб боланинг эркин фикрлашига имконият яратиб беришимиз керак бўлади. Болаларни эркин эркин фикрлашга ўргатишимиз, ёшларни тарбиялаш бугинги куннинг бош мақсадларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бошланғич синф ўқувчиларида эркин фикрлашни шакллантириш учун биз нималарга эътибор беришимиз керак, қандай педагогик технологиялардан фойдаланишимиз зарур ва уни қандай амалга оширамыз.

Бола мактабга келганда унинг кўнгли оппоқ қоғоздай бўлади. Шу қоғозга биз қандай тарбия берсак шу ўзгаришсиз ёзилиб боради. Биз устозларнинг айтганлари улар учун қонун бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз устозлар ана шу ишночни оқлашимиз керак.

Бошланғич синф ўқувчилари кўпинча ўзининг ўқитувчисига тахлид қилади. Уларнинг юришини, гапиришини дўстлари билан бирга тахлид қилиб устозларининг ҳаракатларини қилгиси келади.

Шунинг учун ҳам бошланғич синф ўқитувчилари ҳам ўзининг фикрларига эга бўлиши, дарс мобайнида ўқувчиларининг ҳам сўзларини назорат қилиши ва ўқувчиларини эркин фикрлашига ўргатиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарс мобайнида ўқувчиларда фикрлашни қандай ўргатишимиз керак? Қайси фанлар орқали эркин фикрлашни ривожландирса бўлади, деган саволлар бор бўлиши мумкин.

Эркин фикрни ривожландириш учун фанлар чекланмаган. Масалан, фақат мана шу кўрсатилган фанлар, мана шу кўрсатмалар бўйича ишлайсиз деган

шарт йўқ. Демак ҳар бир фандан, ҳар бир ўқитувчи ўзининг ўқувчиларида қизиқишни, эркинликни, таъсирчанликни пайдо бўлиши учун ҳаракат қилиши зарур. Масалан дарс жараёнида ўртага муаммоли саволлар ташлаши ҳам ҳар бир ўқувчининг фикрини тинглаб, кейин бир ечимга келиши мумкин. Бу бўйича бахслар ўтказиши мумкин в.х.к. умумийлаштириб шуни айтишимиз мумкинки бахс, мунозара бор жойда ривожланиш бўлади.

Эркин фикрлашни ривожландириш учун ўқитувчи ҳар бир дарсга катта маъсулият билан қараши керак. Ҳар бир фан ўқитувчиси, ўтиладиган мавзусига боғлиқ, муаммоли саволлар, бошқотирмалар, тест саволларини олдиндан таёрлаб келиши керак. Масалан, бошланғич синфларда она тили дарсини олайлик. Ўқитувчи «Ат-лық» (От) мавзусини тушинтириб, тахтага мисоллар езади Отнинг саволи ҳам тахтага ёзилади. Ким? Нима? Кимлар? Нималар?

Озодбек биринчи синфда ўқийди. Бу гапда от «Озодбек» ким? саволга жавоб беради. Қолган сўзларни ҳам бизлар от десак бўладими? Нима учун бу сўзларни от деб бўлмайди? Деган ҳар хил формадаги саволларни бериш орқали мавзу бўйича ўйлашга ўргатишимиз мумкин.

Бу усулни қўллаш орқали ўқувчиларда эркин фикрлашни шакллантиришимиз мумкин.

Математика фанида ҳам ҳар хил, ўйлашни, фикрлашни талаб қиладиган қизиқарли ва мазмунли масалалар, дидактик ўйинларни қўлланиш мумкин. Масалан, қўйдаги масалада ўқувчилар уйда неча мушук борлигини топиши керак. Уйнинг турт бурчагида мушукка уч сичқондан қараб тур. Уйнинг неча мушуги бор?

| Тезкорлик         | 30 метрга югуриш (сония)                        | НГ       | 3,28         | 0,12 | 3,15 |
|                   |                                                 | ТГ       | 4,10         | 0,10 | 1,10 |
| Чидамкорлик       | “1000 метрга кросс югуриш” (дақиқа, сония)      | НГ       | 2,39         | 0,17 | 3,42 |
|                   |                                                 | ТГ       | 3,21         | 0,14 | 3,21 |
| Чакқонлик         | 4x10 метрга моксимон югуриш (сония)             | НГ       | 6,35         | 0,32 | 1,57 |
|                   |                                                 | ТГ       | 7,02         | 0,16 | 1,80 |
| Эгилувчанлик      | “олдинга эгилиш” (см)                           | НГ       | 22,11        | 1,79 | 9,17 |
|                   |                                                 | ТГ       | 24,12        | 2,26 | 10,3 |

**Таҳлил:** Куч сифатини ривожлантиришда “Турникда тортилиш” тести бўйича ўртача кўрсаткич НГ 12,15 ва ТГ 13,55 марта, “Брусда 90 бурчак ушлаб туриш” тестида НГ 9,78 ва ТГ 11,65 сонияни ташкил этди.

Тезкор – куч эса мазмунан кенг қамровли ва чуқур моҳиятга эга интеграл сифат бўлиб, малакали курашчиларни тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Кураш турларига хос бўлган барча ҳолатлар ҳаракатланишларнинг юқори даражада шаклланган бўлиши ва улар тезкор - куч асосида ижро этилиши мусобақа олишувларида ғалабага эришиш гаровидир. Тадқиқотда иштирок этган ёш тезкор - куч сифатлари “турган жойда узунликка сакраш” тестида НГ 1,23 см, ТГ 1,30 м.ни, “белдан ошириб ташлаш” тестида НГ 4,4 марта, ТГ 5,12 мартани, “елқадан ошириб ташлаш” тестида эса НГ 5,15 марта, ТГ 5,81 марта натижаларни қайд этишди.

Тезкорлик - бу курашчининг мумкин қадар қисқа вақт ичида айрим ҳаракатлар ва усулларни бажариш қобилиятидир. Тезкорлик сифатини яхши ривожлантирмасдан курашда юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Ўз рақибдан хатто секунднинг юздан бир бўлагига тезроқ ҳаракат қиладиган курашчи унинг олдида муҳим устунликка эга бўлади. Курашчи тезкорлиги кўп жиҳатдан унинг асаб жараёнлари ҳаракатчанлигига, шароитларига, рақиб ҳаракатларидаги кўримсиз ўзгаришларни сезишга бўлган сезгирлик унда қай даражада ривожланганлигига, беллашувда ҳар сафар юзга келган вазиятни бир зумда баҳолай олиш малакасига, тактик ҳаракатларни ўз вақтида ва аниқ бажаришга боғлиқ. Бунда 30 метрга югуриш (сония) тестида НГ 3,28 сонияни, ТГ 4,10 сония натижаларни кўрсатишди.

Чидамкорлик - бу бутун беллашув давомида ҳаракатларни юқори суръатда бажариш ва бутун мусобақа давомида бир неча беллашувларни шиддат билан ўтказиш қобилиятидир. Юқори даражадаги чидамлилик курашчига катта тренировка ва мусобақа юкламаларини ўзлаштиришга, мусобақа фаолиятида ўзининг ҳаракат қобилиятларини тўла қонли равишда амалга оширишга имкон беради. Курашда умумий ва махсус чидамлилик фақланади. Курашчиларнинг чидамлилик сифатини кўрсатувчи “1000 метрга югуриш” тестида фойдаланилди. Бунда НГ 2,39 сонияни, ТГ 3,21 сонияни қайд этишди.

Чакқонлик - бу ҳаракатларни назорат қила олиш, беллашув тусатдан ўзгариб турадиган вазиятда тез ҳамда аниқ йўл тутиш ва тегишли ҳаракатларни оқилона бажариш қобилиятидир. Чакқонлик спортчини ўргатиш жараёнида ривожлантирилади. Бунинг учун янги ҳаракатларни мунтазам эгаллаб бориш лозим. Чакқонлиқни ривожлантириш учун ҳар қандай машқдан фойдаланиш мумкин, лекин уларда янгиллик

элементлари бўлиши шарт. Курашчиларнинг чакқонлик сифатини кўрсатувчи 4x10 метрга “моксимон югуриш” тести бўйича аниқлади. Унда НГ 6,35 сония натижани, ТГ 7,02 сонияни кўрсатди.

Эгилувчанлик - бу курашчининг амплитудада ҳаракатларни амалга ошириш қобилиятидир. Эгилувчанлик бўғимлардаги ҳаракатчанлик билан аниқланади. У ўз навбатида, бир қатор омилларга боғлиқ: бўғим сумкаларининг тузилиши, пайлар, мушаклар чўзилувчанлиги ва уларнинг чўзилиш қобилияти. Тадқиқотда қатнашган ёш курашчи қизларнинг эгилувчанлик сифатлари, “олдинга эгилиш” тести ёрдамида баҳоланади. Синалувчиларнинг натижаларига кўра НГ 22,11 см.ни, ТГ 24,12 см.ни қайд этди.

**Хулоса.** Машғулот жараёнида ҳар бир спорт тури хусусиятига мослаштирилган умумий жисмоний тайёргарлик, мусобақалар учун тайёрлайдиган махсус жисмоний тайёргарликнинг асосий базаси бўлиб ҳисобланади. Жисмоний сифатларнинг ривожланганлик даражасини ифодаловчи тест машқлари натижаларига кўра назорат ва тадқиқот гуруҳларида тадқиқот бошида кузатиладиган кўрсаткичлар бир-биридан деярли фарқ қилмади. Куч ва куч чидамлилиги, тезкор - куч ва тезкор - куч чидамлилиги, тезкор сифатлари 12-14 ёшли курашчи қизларда етарли даражада ривожланмаганлиги маълум бўлди.

#### **Амалий тавсиялар:**

1) Эркин курашчи қизларнинг жисмоний тайёргарлигини ривожлантиришга катта эътибор бериш керак, чунки куч ва тезлик қобилиятлари, чидамлилик, мослашувчанлик етарли даражада ривожланмасдан, яхши техник ва тактик тайёргарлик билан ҳам юқори натижаларга эришиш мумкин эмас.

2) Куч сифатини ривожлантиришда штанга, турли оғирликдаги тошлар, гимнастика жиҳозлари, тўлдирилган тўплар, резина амортизаторлар, шунингдек, ўз танасини ва шерикнинг вазнини енгил машқлари оғирлик сифатида кенг қўллаш лозим. Кучни ривожлантириш бўйича машғулотларни спорт залида, стадионда, спорт майдончаларида, паркда, ҳовлида, уйда ва бошқа қулай жойларда ўтказилиши мумкин.

3) Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, узлуксиз тўғарак машғулотларида ихтисослаштирилган машқлардан фойдаланиш анъанавий машғулот шаклига қараганда самаралироқ. Стандартлардан ўтиш натижаларига кўра, истисносиз барча машқларда натижаларнинг кўпайиши жуда юқори эканлиги аниқ бўлди.

#### **Адабиётлар**

1. Акопян А.О. Вольная борьба. - М.: Советский спорт, 2006. –С. 216.
2. Борьба вольная: примерная программа для системы дополнительного образования детей: детско-юношеских спортивных школ, специализированных детско-юношеских школ олимпийского резерва и училищ олимпийского резерва. / Подлиаев Б.А., Миндиашвили Д.Г., Грузных Г.М., Купцов А.П. – М.: Советский спорт, 2003. –С. 216.
3. Зациорский В.М. Физическая подготовка борцов. - М: «Рыбари», 2004. –С. 224.
4. Мищенко В.С. Функциональные возможности спортсменов. -Киев: «Здоровье», 1990. –С. 200.
5. Холодов. Ж.К., Кузнецов. В.С. Физическая подготовка. Теория методика физического воспитания и спорта: Ежегодник. - М.: 2001. –С. 390.

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада 12-14 ёшли эркин курашчи қизларнинг жисмоний сифатларини машғулот жараёни таҳлил қилиниб, таҳлил натижалари асосида уларнинг жисмоний ва функционал имкониятларини аниқлаш услубияти ёритилган.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируется процесс тренировки физических качеств девочек-вольников 12-14 лет, а также рассматривается методика определения их физических и функциональных возможностей на основе результатов анализа.

**SUMMARY.** The article analyzes the process of training the physical qualities of girls-wrestlers 12-14 years old, and also considers the methodology for determining their physical and functional capabilities based on the results of the analysis.

#### **MAXTUMQULI BADIY-FALSAFIY MEROSINING YOSHLAR TARBIVASIDAGI O'RNI**

**A.D.Rahimova – o'qituvchi**

*Urganch davlat universiteti*

**Tayanch so'zlar:** Ma'naviyat, ahloq, uyg'onish, nasihat, komil inson, badiiy so'z, yolg'on, hasad, maqsad, vazgo'ylik, takabburlik, kibr, mag'rurlik.

**Ключевые слова:** Духовность, этика, пробуждение, совет, совершенный человек, художественное слово, ложь, зависть, цель, проповедь, высокомерие, высокомерие, гордыня.

**Key words:** Spiritual spirit, morality, awakening, exhortation, perfect man, wrong word, lie, envy, goal, shame, arrogance, pride.

Maxtumquli adabiy merosining asosiy maqsadi bugungi kunda “Yangi uyg'onish” davrining buyuk shaxsini

yaratishdan iborat. U pokiza inson yaratish uchun o'zining adabiy xazinasini orqali jamiyat hayotida odamlarga qiyshiq

va to'ntar yo'lni tashlab, to'g'ri va keng yo'l tutgan olim-shoirdir. Shoirning keng omma uchun tanlagan eng foydali yo'li va'zgo'ylikdir. Bu borada shoir "Maqsadim – xalqqa nasihat", deydi. Shoirning bunda qo'llagan quroli so'z, so'zning o'zi, badiiy so'zdir. So'zning teran ma'nosi, so'zdagi fikrning o'tkirligi shoirning avvalo o'ziga, so'ngra so'z bilan shug'ullanuvchilarga qo'yadigan qattiq talablaridan biridir.

Maxtumquli adabiy merosini o'rganishdan asosiy maqsad shoir ilgari surgan ma'naviy-axloqiy g'oyalarni to'g'ri anglab, hayotga tadbiq eta bilishdan iborat. Lekin Maxtumquli komil insonni shakllantirish uchun qanday falsafalarni ilgari suradi? Komil inson qanday bo'lishi kerak? Ikkinchi savolga birinchi javob berilsa yaxshi bo'lardi. Komil inson - bu ma'naviy- axloqiy va intellektual bilimi yuksak inson hisoblanadi. Demak, jamiyat hayotining haqiqiy manzarasi jonlantirilmoqda. Jamiyatda sahoovat va xayriya ishlari ko'payishiga katta umid bor. Olim shoir qo'llagan bu adabiy usul malomat deb ataladi. Ya'ni, bir-birining harakatlarining salbiy tomonlarini hisobga olish muhimdir. Bu usuldan faqat Maxtumquli kabi haqiqiy olimlar foydalanadi. Demak, shoirning nafis uslubi, eng avvalo, lirik xarakteriga xosdir. Adabiyotshunoslarning ta'kidlashicha, she'rning lirik qahramoni botiniy o'zi, uni real hayotdagi o'nlab donishmandlarning tuyg'ulari birlashtirgan shoirning o'zidir. Maxtumquli ilgari surgan falsafalarga ko'ra, ilm-fan, ta'lim pog'onasiga ko'tarilishi kerak. Bu ikki qadriyatga ega bo'lgan odamni hech kim zaiflashtira olmaydi. Ilmiy-ma'rifiy qutbga qat'iy rioya qilish kerak. Chunki ilm hayotda sizni yomonlikdan saqlaydigan ota-ona ibratidir. U inson himoyasi xizmatlarini amalga oshiradi. Ilm dunyo hayotining ustunidir.

Takabburlikdan uzoq turish kerak. Kibr emas, mag'rurlik. Oldinga ketmaslik uchun. Siz g'iybat qilishingiz shart emas. G'iybat Qur'ondagi eng katta o'nta ofatdan biridir. Dunyoviy hayotda inson o'zining ruhiy qarashlariga berilib ketmasligi kerak. U uyqudan uyg'onishi kerak. Agar siz stressdan xalos bo'lishni istasangiz, kitob o'qishingiz kerak.

Baxtli hayot kechirishni istasangiz, gina-qudurat, ochko'zlik, hasad, yolg'on, tuhmat va hasaddan uzoqroq bo'lishingiz kerak. Yolg'onning odamga musibatlarini haqida o'ylagan shoir yolg'onga qat'iy qarshi chiqadi.

Tuhmat inson zotiga katta zarar keltiradi. Adabiyotda Yusuf payg'ambarga Misr hokimi Po'tifarning xotini tomonidan o'n to'rt yil davomida tuhmat qilinib, haqiqiy Zulayhoning o'ziga emas, balki Yusuf payg'ambarga oshiq bo'lib qolgani bunga yaqqol misoldir. Donishmand shoir - tuhmat, takabburlik, adolatsizlik, hasadni qoralaydi. Shoir o'zining adabiy uslubining o'ziga xos xususiyatiga ko'ra, mazlumlarga zulm qilmaslikka, g'azabli yaxshi so'zni parallel tarzda nasihat qiladi.

*Yodgor bo'lar.*

*Xaqning koridir.*

*Qolmaslar.*

*Nuqsona kelgay.*

*Ko'zdan yosh kelsa.*

*O'tdi.*

*Ketmayin qolmas.*

*Yaxshidir.*

*Adolat yaxshi.*

*Oxirzamon ichinda.*

*Bandaning.*

*Asling nedir [2:240].*

SHaxsni rivojlantirish va takomillashtirishda axloqiy tarbiya muhim rol o'ynaydi. Axloqiy tarbiyaning asosiy vazifasi o'z yurtiga sadoqatli, o'z yurtini sevadigan, namunali mehnat qiladigan, yaxshi o'qiydigan, shaxsiy va davlat ishlarida faol ishtirok etadigan yagona shaxsni tarbiyalashdan iborat.

Bilim insonning ilmiy dunyoqarashining yig'indisidir.

Insonparvarlik – insoniylik, hamkasblik, do'stlik, birodarlik yig'indisidir. Aniqroq aytganda, axloqiy tarbiya quyidagi aniq vazifalarni hal qilishga qaratilgan. Axloqiy tuyg'ularni tarbiyalash. Insonning o'z harakatlariga, ko'rgan va his qiladigan narsalarga munosabati. Og'ir kun kelsa odam uchun qayg'urmoq, quvonsa quvonmoq. Lekin xursandchilik ham axloqsizlik belgisi bo'lishi mumkin. Biror kishi birovning baxtsizligidan quvonsa, bu axloqsizlik belgisidir. Axloqiy ongni tarbiyalash. O'zining jamiyatdagi o'rmini bilish, axloqiy me'yorlarni o'zlashtirish. Axloqiy tafakkurni tarbiyalash. Axloqiy me'yorlarni to'g'ri tahlil qilish va baholash orqali amalga oshirish.

Axloqiy irodani tarbiyalash. O'z-o'zini nazorat qilish, ichki erkinlikni his qilish, axloqiy me'yorlar asosida harakat qilish. Axloqiy tarbiyaning mazmun-mohiyati-Vatanga, ona yurtga, uning xalqiga, tiliga, tarixiga, moddiy, madaniy va ma'naviy qadriyatlariga chinakam muhabbatni shakllantirishdan iborat. Bu juda keng va teran tushunchadir. Xalqlar do'stligi, ularning o'z xohish-istaklari, qarashlari va e'tiqodlari bir xil hurmat, qo'llab-quvvatlash, o'zaro tushunish, o'zaro yordam, do'stlik bilan insonning eng oliy tuyg'usidir. Gumanizm axloqiy tarbiyaning o'zagidir. Insonga yuksak hurmat-ehtirom ajdodlarimizdan qolgan axloqiy xislatdir. "Go'ro'g'li" dostonidagi nasihatlar orqali ulug' Maxtumquli ijodida inson qadr-qimmatini naqadar yuksak bo'lishi kerakligi haqidagi o'z qarashlari bayon etilgan. Mehnatsevarlik. Mehnatga, uning mevasiga, mehnat qilishga munosabat shaxsning axloqiy sifatlaridan biridir.

*Axloqiy tarbiya quyidagi aniq vazifalarni hal qilishga qaratilgan:*

✓ *Axloqiy tuyg'ularni tarbiyalash; axloqiy ongni tarbiyalash*

✓ *Axloqiy fikrlashni tarbiyalash; axloqiy irodani tarbiyalash;*

✓ *Axloqiy tarbiya; o'zining axloqiy fazilatlarini mukammallashtirish;*

✓ *Axloqiy tushunchalar va e'tiqodlarni shakllantirish;*

✓ *Axloqiy harakatni tarbiyalash.*

Odob-axloq, insonparvarlik, ijtimoiy munosabatlardagi madaniyat va boshqa axloqiy fazilatlarini o'zida mujassam etadi. Bu ajdodlardan meros bo'lib qolgan axloqiy qadriyatlar tizimi, ya'ni xalq pedagogikasiga singib ketgan va uning ichida abadiylashadigan axloqiy qadriyatlar tizimidir. Insoniyat adabiyotining chegaralari chuqur va kengdir. Unda salomlashishdan tortib, mustaqil diyorimizning go'zal tabiati, zamini va yer yuzi go'zalligi, alloma va mutafakkirlarda shodlik, iftixor tuyg'ularini shakllantirishgacha bo'lgan odob-axloq qoidalarini o'rin olgan. Insonning do'stlikni yuksak qadrlashi, o'zini odobli tutishi zarurligi qadimgi yozma esdaliklarda ham o'z ifodasini topgan. Qadimgi axloq me'yorlari mashhur "Payg'ambarimiz" asaridan ham xalq ongiga mohirona yetkazilgan.

Insonning aql-zakovati, ishonchi, ishtiyoqi, dunyoqarashi uni harakatga keltiradigan kuchdir. O'sha kuchni to'g'ri o'rgatish insonning xulq-atvorining bir-biriga mos kelishini, uning ma'naviyatining mustahkamlanishini ta'minlaydi. Aks holda insonda norozi xatti-harakatlar paydo bo'la boshlaydi, loqaydlik kuchi kuchaydi, faqat shaxsiy manfaat to'loqini, harom daromadlar va poraxo'rliklar, ba'zi kishilarning milliy g'ururi nazoratsiz qolib, ularning urf-odat va an'analari e'tibordan chetda qoladi. Odob ham, axloq ham qadimgi urf-odat va an'analardan ajralmas. Ular inson hayotining xalq tomonidan yaratilgan va tan olingan talab va me'yorlari bo'lib, ularning o'zi ham inson uchun asosiy tamoyilga aylangan.

Dunyoviy va kasb-hunar ta'limi, o'rta maxsus va oliy o'quv yurtlarida boshlangan "Odob" kursining asosiy maqsadi o'qitishning o'ta qudratli vositasi bo'lsa-da,

so'nggi paytlarda e'tibordan chetda qolgan odob-axloqni qayta tiklashdan iborat. Ba'zan insoniyat adabiyoti o'zining axloq-odobiga ham parvo ham qilmaydi, ular bir-birini to'ldiradigan va shart qilib turuvchi inson harakatining ma'qul tomonlaridir. Ota-onani, qarindosh-urug'ni, kattalarni, o'qituvchini, tarbiyachini hurmat qilish, yoshlarni hurmat qilish, kerak bo'lganda ularni qo'llab-quvvatlash, qo'ni-qo'shni, boshqa millat vakillari bilan yaxshi munosabatda bo'lish, mehnatkashga hurmat. Bunday xatti-harakatlar insonning axloqiy fazilatlarini bilan uzviy bog'liqdir. Axloqiy jihatdan nomukammal odam odobli harakat qila olmaydi. Axloq - bu jamiyat hayotining barcha jabhalari bilan uyg'unlikda ishlaydigan qoidalardir.

Qalbingizni toza va to'g'ri saqlash baxtli hayot kechirishning kalitidir. SHoir falsafasi va hayot haqiqatiga ko'ra, obro'-e'tibor, or-nomus, izzat, zikr kabi yuksaklikka erishish eng qiyin ma'naviy qadriyatlardir. Demak, bu dunyo hayotida insoniy, sabr-toqatli va ko'p odamlarga kerak bo'lgan narsaga ega bo'lishingiz kerak; muloyim bo'lishi kerak; siz yaxshi do'st bo'lishingiz kerak; bo'yini yovuzlikdan sotib olishi kerak; hushyor bo'lishi kerak. U har bir aytilgan so'zdan tavba qilishi kerak. Bu har bir kichik masaldan juda ko'p ma'noga ega bo'lishi lozim. U dono va insonparvar ruhlardan ibrat olishi kerak. Ehtiyoj qo'l uzatuvchi, yaxshilik qiluvchi, yaxshilik qiluvchi bo'lishi muhim. Birovning pulini, molini sanashni, birovning mulkiga qarashni bas qilish kerak. Siz dangasalingizdan voz kechishingiz kerak. Dunyodagi eng og'ir ofatlardan biri - sog'ligingizni, chorva molingizni, boshingizni o'z zimmasiga oladigan nopok tabiidir. Shu o'rinda ta'kidlash kerakki, davlatimiz rahbari Shavkat Mirziyoyev aytganidek, «Ulug' shoir qalamiga mansub «Boy bo'lay deb, izzatingdan ayrilma», «Ta'lim bergan ustozingdan ayrilma», «Yuz yil yashab, tushsang ajal qo'lga, O'ngingdan chapingga boqqancha bo'lmas», «Har yigitning aslin bilay desangiz, Davrada o'tirib-turishin ko'ring» singari hikmatli satrlari xalqona maqolga aylanib ketgan» [1:168].

Boy bo'lish uchun ko'p mehnat qilish kerak. «Dardsiz erning nomi yo'q» maqolini xalqning alohida ta'kidlagan falsafasidir. Biz chekayotgan azob-uqubatlar faqat yaxshiliklarning azoblari bo'lishi kerak. Chunki bunday iztirobning oxiri farovonlikka, moddiy va ma'naviy rohatga aylanadi. Kimki moddiy boylikni baxt deb bilsa, bunday

boylik va bunday baxt har xil past ishlar qilib, qora puldan noqonuniy yo'l bilan o'z boyligini ayirmaganlarning og'zini tutib, besh qo'lini og'ziga tiqadi.

*Kim emish! Barin goh sotgan o'zingsan,  
Bir-biringni g'ajib yotgan o'zingsan,  
Kim bosh tiklasa tosh otgan o'zingsan,  
Axir, o'z boshing ham shu toshga tushdi.  
Keldi Mahtumquli aytgan bir zamon,  
Unutdi «Yaxshilik» so'zini yomon,  
Obro' talashmoqda qurt bilan ilon,  
Fillar pashsha bilan savashga tushdi [7].*

Iymon tavba falsafalari bilan oxiratga tayyorlanishni eslatadi. Shoir buzuqlikni la'natlaydi. U korruptsiya qonunlaridan voz kechuvchidir. Pora beruvchining nopok ekanligini, haromning ham Ollohning ham, dunyoning ham g'azabiga duchor bo'lishini, pora bergan va olganlar ham Alloh taoloning ham, dunyoning ham azobiga duchor bo'lishini bilmaganlar. Ularning shon-shuhratlari dunyo va oxiratda oyoq osti qilinmasin. Bunday odam epilepsiya bilan og'rgan juda yomon odamdur. Bundan ham yomoni, u vaqt va resurslarni sarflaydi, lekin hech qanday savdoni qaytarmaydi.

Ilm bilan shug'ullanuvchi olimlar o'z ilmlari bilan birga, muloyim fazilatlarini bilan ham jamiyatning eng sog'lom tayanchidir. Ularning ilmlari ibodat o'rniga qabul qilinadi. Bunday olimlar ulug'vor tog'larga o'xshaydi. Ularning qalblari ilm namunasi. O'sha tog'lardan ruda izlagan kishi uni topa oladi. Vatandarparvarlik dunyodagi eng muhim masalalardan biridir. Vatandarparvarlikning sinov maydoni raqobatga to'la. Vazifani to'g'rilash, uni uddasidan chiqish uchun harakat qilish, qaror qabul qilishda hushyor bo'lish, to'g'ri va har tomonlama o'ylash, dangasalik va ojizlikdan voz kechish, sabr-toqat, matonat, donolik bilan shug'ullanish, o'sha sohaning kimligini ochish masalasidir.

Donishmand shoirning har bir satrining tillar madhiyasi bo'lishi, dunyoning jonli tillarida yashab, og'izda, tilda, qolaversa, bog'chilarning repertuarida bo'lgan hikmatlari ham yuqoridagi holatlar bilan bog'liq. Ular o'zlarining hayotiy va ilmiy voqeiklarini badiiy til vositalari orqali ta'sirchan va aniq ifodalaydilar. Kim dono shoir Mahtumqulini sevsa, o'qisa, uning falsafalariga amal qilsa, Allohni sevgandir.

#### Adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизми қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 1-жилд, 2017. 368-б.
2. Махтумқули. Дунё ўтиб борадур. Шеърлар. -Тошкент: “Шарк”, 2007. 240-б.
3. “Mahtumquli she'riyatidan”. –Toshkent: 1976.
4. “Saylanma”. –Toshkent: 1995.
5. “Turkman mumtoz she'riyati durdonalari”. –Urganch: 2000.
6. Quramboyev K., “O'zbek-turkman adabiy aloqalari”. –Toshkent: 1978.
7. <https://kh-davron.uz/yangiliklar/muborak-kin/omon-matjon-75-yoshda.html>

**REZYUME.** Ushbu maqolada Mahtumquli ijodining ma'naviy-axloqiy tarbiya borasidagi qarashlarini, g'oyalarini to'g'ri anglab, hayotga tatbiq eta bilish, axloqiy jihatdan tarbiyalangan insonga qo'yilgan talabalar axloqiy tarbiyaning sifatleri, turlari haqidagi fikrlar aks etgan.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье отражены взгляды творчества Махтумкули на духовно-нравственное воспитание, на умение правильно понимать и воплощать идеина типы качеств нравственного воспитания учащихся, заложенные нравственно воспитанном человеке.

**SUMMARY.** This article reflects the views of Makhtumkuli's creativity on spiritual and moral education, on the ability to correctly understand and implement ideas, on the types of qualities of moral education of students inherent in a morally educated person.

#### ONA TILI SINTAKSISI FANINI O'QITISHDA MODELLASHTIRISH METODI ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYA SIFATIDA

*S.H.Ro'ziyeva – katta o'qituvchi*

*Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti*

**Tayanch so'zlar:** ta'lim, tarbiya, o'qitish, modellash, zamonaviy yondashuv, optimallashtirish, oliy ta'lim, uzluksiz ta'lim, pedagogika, lingvistik, tilshunoslik.

**Ключевые слова:** образование, воспитание, обучение, моделирование, современный подход, оптимизация, высшем образование, непрерывное образование, педагогика, лингвистика.

**Key words:** education, upbringing, teaching, modeling, modern approach, optimization, general secondary education, continuing education, pedagogy, linguistics, linguistics.

O'zbekistonda ta'lim tizimi boshqa davlatlar ta'lim tizimidan turli xususiyatlari bilan ajralib turadi. Jumladan,

yurtimizda yo'lga qo'yilgan uzluksiz ta'lim barcha rivojlangan mamlakatlarni o'ziga jalb qilmoqda. Uzluksiz

ta'lim - o'zaro mantiqiy izchillik asosida bog'langan hamda soddadan murakkabga qarab rivojlanib boruvchi va bir birlari taqozo etuvchi bosqichlardan iborat yaxlit ta'lim tizimi. Uzlaksiz ta'lim orqali yoshlarni bilimli va savodxon bo'lib yetishishlari, eng muhimi, jamiyat uchun kerakli kadr bo'lib yetishishlari asosiy maqsad qilib olingan. Bugungi kunda umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi hamda oliy ta'lim muassasalarida Ona tili fanini o'qitishning asosiy vazifasi: O'quvchi shaxsini fikrlashga, o'zgarlar fikrini anglashga, o'z fikrini og'zaki hamda yozma shaklda savodli bayon qila olishga qaratilgan nutqiy kompetensiyani rivojlantirish; O'zbek (ona) tilini o'qitish markazida til o'rganuvchilarning o'zaro hamda o'qituvchisi bilan nutqiy muloqoti turmug'i lozim bo'ladi. Ammo mana shu muloqot to'g'ri yo'lga qo'yilishi uchun grammatika qonun-qoidalarini yaxshi bilishga ko'maklashuvchi topshiriqlardan iborat mashg'ulotlar nazariy yoki amaliy ahamiyat kasb etibgina qolmay, o'quvchilarning til o'rganishga bo'lgan qiziqishini shakllantiradi, orttirishga ham hissa qo'shishi talab etiladi. Ana shu qiziqishni shakllantirishda, uni tobora mustahkamlab borishda sintaksisni o'rgatish muhim ahamiyat kasb etadi. Ijodiy tafakkur sohibi, ya'ni o'sayotgan, rivojlanayotgan va taraqqiyot sari yuz tuta-yotgan mamlakatimiz uchun zarur bo'lgan, ijodkor va mustaqil fikrlay oladigan shaxsni tarbiyalab voyaga yetkazish ona tili ta'limi oldida turgan eng muhim dolzarb vazifa hisoblanadi. O'zbek tilida tilshunoslikning katta bo'limlaridan biri bo'lmish sintaksis bo'limining asosiy o'rganish obyektlaridan biri gap bo'laklarini o'qitishda ta'lim berish usullarining qaysilaridan foydalanilsa ta'lim sifati, mavzuni o'rgatish sifati oshishi masalasi bugungi kunning dolzarb masalasi bo'lib qolmoqda. Shuni ta'kidlash joizki, insoniyatni farovon hayot shart-sharoitlarini yaratish, tabiiy ofatlarni oldindan aniqlash muammolari qadimdan qiziqtirib kelgan. Shuning uchun ham insoniyat tashqi dunyoning turli hodisalarini o'rganishi tabiiy holdir. Aniq fan sohasi mutaxassislari u yoki bu jarayonning faqat ularni qiziqitrgan xossalarinigina o'rganadi. Masalan, geologlar yerning rivojlanish tarixini, ya'ni qachon, qayerda va qanday hayvonlar yashaganligi, o'simliklar o'sganligi, iqlim qanday o'zgarganligini o'rganadi. Bu ularga foydali qazilma konlarini topishlarida yordam beradi. Lekin ular yerda kishilik jamiyatining rivojlanish tarixini o'rganmaydi bu bilan tarixchilar shug'ullanadi. Atrofimizdagi dunyoni o'rganish natijasida noaniq va to'liq bo'lmagan ma'lumotlar olinishi mumkin. Lekin bu koinotga uchish, atom yadrosining sirini aniqlash, jamiyatning rivojlanish qonunlarini egallash va boshqalarga xalaqit bermaydi. Ular asosida o'rganilayotgan hodisa va jarayonning modeli yaratiladi. Model ularning xususiyatlarini mumkin qadar to'laroq aks ettirishi zarur. Modelning taqribiylik xarakteri turli ko'rinishda namoyon bo'lishi mumkin. Masalan, tajriba o'tkazish mobaynida foydalaniladigan asboblarning aniqligi olinayotgan natijaning aniqligiga ta'sir etadi

Model tushunchasi lotincha "modelus" so'zidan olingan bo'lib, tabiiy fanlar yoki umuman fanda shunday moddiy qurilma sifatida tushuniladiki, unga muayyan obyekt haqida ma'lumotlar kiritilganda hosila sifatida yana shu obyekt yuzaga keladi. Boshqacharoq tushuntirganda, model tabiiy obyektlarning imitatsiyasidir (*o'xshashi, taqlidi, tabiiy ko'rinishidir*) [3:97], u o'zbek tilidagi qolip, andoza so'zlariga mos keladi [3:97]. U hodisalarining yuzaga kelishi uchun asos vazifasini o'taydi va aniq yoki mavhum obyektlar, kichraytirilgan obyektlar va sxemalarda tadqiq etiladi. Buni oddiy hayotiy misol bilan tushuntiradigan bo'lsak, olmani xarakterlovchi belgilar, atributlar – uning dumaloqligi, mevaligi, shirinligi kabilar o'sha tushunchaning fikriy modeli hisoblanadi. Agar biz olmani loydan yoki sun'iy bir materiallardan yasasak, bu uning moddiy modeli hisoblanadi [3:57-59]. Model quyidagi asoslarga ko'ra bilishda muhim hisoblanadi: Model tushunchasi lotincha

"modelus" so'zidan olingan bo'lib, tabiiy fanlar yoki umuman fanda shunday moddiy qurilma sifatida tushuniladiki, unga muayyan obyekt haqida ma'lumotlar kiritilganda hosila sifatida yana shu obyekt yuzaga keladi. Boshqacharoq tushuntirganda, model tabiiy obyektlarning imitatsiyasidir (*o'xshashi, taqlidi, tabiiy ko'rinishidir*) [3:97], u o'zbek tilidagi qolip, andoza so'zlariga mos keladi [3:97]. U hodisalarining yuzaga kelishi uchun asos vazifasini o'taydi va aniq yoki mavhum obyektlar, kichraytirilgan obyektlar va sxemalarda tadqiq etiladi. Buni oddiy hayotiy misol bilan tushuntiradigan bo'lsak, olmani xarakterlovchi belgilar, atributlar – uning dumaloqligi, mevaligi, shirinligi kabilar o'sha tushunchaning fikriy modeli hisoblanadi. Agar biz olmani loydan yoki sun'iy bir materiallardan yasasak, bu uning moddiy modeli hisoblanadi [3:57-59]. Model quyidagi asoslarga ko'ra bilishda muhim hisoblanadi:

Birinchidan, modelashtirish har bir fan obyektini sod-dalashtiruvchi metoddir. Lingvistik birliklarni model-lashtirish bu belgilar tarkibidagi elementlarning barqaror munosabatlariga asoslanadi. Shuning uchun ham butunlik tarkibidagi elementlar o'rtasidagi munosabatlarning bar-qaror va beqaror turlarga ajratilishi lingvistik model-lashtirish uchun katta ahamiyatga ega. Ikkinchidan, model-lashtirish barcha fanlar uchun xos bo'lgan umumilmiy metod hisoblanadi va u quyidagi tamoyillarga amal qiladi: *deduktivlik – mantiqiy xulosa chiqarishga asoslangan hamda xususiylikdan umumiylikka tamoyilida bo'ladi; ta-fakkur eksperimentidan foydalanish - modelni ide-allashtirilgan obyekt sifatida talqin qilishdan iborat bo'ladi.*

Lingvistik model tushunchasi struktur tilshunoslikning E.Sepir, L.Blumfeld, R.Yakobson, Xomskiy, Harris, Hokket kabi namoyandalari tomonidan kiritilgan. Uning taraqqiyoti esa XX asrning 60-70-yillariga (matematik va kibernetik lingvistika rivojlana boshlagan davrga) to'g'ri ke-ladi. Lingvistik modelni quyidagi turlarga ajratish mumkin:

1. Inson nutqiy faoliyati modellari. Bu modellar konkret nutq jarayonini va hodisalarini aks ettiradi. Masalan, aniq bir tovushning talaffuz modeli yoki nutqning yuzaga chi-qish modeli;

2. Lingvistik tadqiqot modellari. Bunda muayyan til hodisalari asosida olib borilgan tadqiqot jarayonini aks ettiradi.

3. Metamodellar – bunda lingvistik modellar saralanadi, u gipotetik-deduktiv xarakterga ega bo'ladi, o'ta ab-straktlashgan va ratsionallashgan bo'ladi. Modelashtirish metodi ayrim tillarga, jumladan, ingliz tiliga faol tat-biq qilingan.

O'zbek tilida sodda gapning qurilish qolipi: S + O + V : *Men gul terdim. Men meva yedim.*

*S= ega, O = to'ldiruvchi, V = kesim.*

Sodda gapning til sathidagi mohiyatini belgilashda tilshunoslar sintaktik nazariyaning gap haqidagi quyidagi talqiniga asoslanishadi:

1. Gapning eng kichik qolipi lisoniy birlik sifatida ongimizda mavjud umumiy birlik bo'lib, u nutqimizda fikrni til qonunlariga muvofiq tarzda shakllantiruvchi va voqelantiruvchi imkoniyatdir.

2. Gapning eng kichik qolipini belgilashda uning tashqi qurilishi, ichki qurilishi va mohiyati ajratiladi.

3. Gapning minimal qolipidan o'rin oladigan tarkibiy qismlarning mohiyatini belgilashda birikuvchanlik (valentlik), ya'ni lug'aviy birliklarda xos ma'noviy (semantik) va sintaktik, shuningdek, kesimlik shakllariga xos morfologik birikuvchanliklarga asoslanishdir. Gapning eng kichik qurilish qolipidan lug'aviy birliklarning kengaytiruvchilari (aktantlari va ularni ifodalovchilar) chiqarildi.

4. O'zbek tilida gapning eng kichik qurilish qolipini belgilashda Hind-Yevropa tillari bilan turkiy tillar orasida gap qurilishidagi asosiy farq diqqat markazida turdi. Bu farq esa quyidagicha: Hind-Yevropa tillariga bir tarkibli

gaplar umuman xos emas va gap hech qachon egasiz bo'la olmaydi.

Turkiy tillar, xususan, o'zbek tilida "Men xatni yozaman, sen xatni olib borasan" gapi bilan "Xatni yozaman, olib borasan" gapi orasida keskin farq yo'q, ya'ni o'zbek tilida kesim shaxs-son jihatdan mukammal shakllangandir [4:54].

Yuqorida bayon etilgan to'rt asosga tayanib, sodda gapning eng kichik qurilish qolipi sifatida [WPm] belgilangan. [WPm]ning tarkibida [W] – kesimning, gap kesimining atash, lug'aviy ma'no bildirishga xizmat qiladigan qismi bo'lib, mustaqil so'z turkumiga oid bo'lgan, ya'ni kesim vazifasida kela oladigan so'zga, so'z birikmasiga, kengaytirilgan birikmalar (sifatdosh, ravishdosh, harakat nomlari oborotlari)ga teng kelishi mumkin. Aniqroq ifodalaganda, [W] lisoniy qolipdagi imkoniyat bo'lib, u nutqda atov birligi vazifasini o'tay oladigan va shu nutqning istalgan birligi (so'z, so'z birikmasi va hatto gap) shaklida voqelanishi mumkin. [Pm] esa atov birligi [W]ni gap qolipi shakliga keltiruvchi vositalar majmuasining ramzi bo'lib, u nutqda kesimlik kategoriyasi ko'rsatkichlari shaklida voqelelanadi.

[WPm]=SGning quyidagi nutqiy hosilalari faqat kesimlik ko'rsatkichlari bilan shakllangan atov birligidan iborat:

|     | [W]            | [Pm]         |
|-----|----------------|--------------|
| 1.  | Yoz            | -moqchi+miz  |
| 2.  | Ketmoqchi bo'l | -ma+sa+kerak |
| 3.  | O'qi           | Ø            |
| 4.  | Oqko'ngil      | -siz         |
| 4.  | Aytib qo'y     | -ma+sa+ngiz  |
| 5.  | Talaba         | -man         |
| 6.  | Ona bo'l       | -gan+ekan    |
| 7.  | Bola           | edi+m        |
| 8.  | Kim            | -san         |
| 9.  | O'ttiz         | -dir         |
| 10. | Baxtiyor       | -siz+lar     |

O'zbek tilida gapning eng kichik qurilish qolipi–[WPm]=SGni belgilashda turkiy tillar, xususan, o'zbek tili gap qurilishida kesimning gap markazini tashkil etishi bosh mezon hisoblanadi. Zero, gapning eng kichik qurilish qolipi kesimlik ko'rsatkichlari bilan shakllangan atov birligidan ibo'rat. [WPm]=SG lisoniy sintaktik birlik sifatida ongimizda mavjud bo'lib, nutqimizda fikrni til qonunlariga muvofiq tarzda shakllantiruvchi va voqealantiruvchi imkoniyatdir.


**WPm** minimal sodda gapning modeli. M: *O'qidim. Yozding*

Bundan kelib chiqib aytish mumkinki, o'zbek tilida qo'shma gapning eng kichik modeli quyidagicha bo'ladi:

**S<sub>1</sub> + V<sub>1</sub>, S<sub>2</sub> + V<sub>2</sub> : Kuz keldi, havo soviy boshladi.** Ingliz, rus tillarida sodda gap qurilishi quyidagicha belgilangan: S + V + O: Я пишу письмо. Он играют шашку.

**I have write the letter. I am reading an interesting article.**

Qo'shma gaplarning umumiy lisoniy qolipi [WPm R WPm]= QG bo'lib, u quyidagi yana uchta oraliq ko'rinishga ajraladi:



- [WPm, WPm]=QG
- [WPm -> WPm]=QG
- [WPm -> WPm]=QG

Bu oraliq ko'rinishlar bir qarashda an'anaviy bog'lovchisiz, ergash gapli va bog'langan qo'shma gaplarning ramziy ko'rinishidek tasavvur uyg'otadi.

(Masalan, *Bahor keldi va olam yashnadi* – [WPm, WPm]=QG. *Bahor kelsa, olam yashnaydi* – [WPm -> WPm]=QG. *Bahor kelsa va olam yashnasa* – [WPm -> WPm]=QG kabi). Biroq bunday emas. Professor R.Sayfullayeva o'z ilmiy tadqiqotida "qo'shma gaplar tarkibiy qismlari orasidagi ma'noviy munosabatlarda o'z aksini topadigan bog'lovchilar paradigmasi ta'siridan ozod qilinsa, u hamma til birliklari kabi juda sodda, ixcham va ravshan tuzilishga ega ekanligini ko'rsatadi" [30], – deb yozadi. Qo'shma gaplarning umumiy lisoniy qolipi – [WPm R WPm]=QGni keltirib chiqarish va uning variantlarini kuzatish natijasida uch tipik turni ajratadi: Aslida, mazkur qurilish qoliplari qo'shma gap tarkibidagi sodda gaplarni bog'lovchi vositalarga ko'ra emas, balki bu sodda gaplarning qo'shma gap tarkibidan chiqarilganda mustaqil qo'llana olish-olmaslik belgisi asosida amalga oshirilgan. Yuqoridagi modellarning davomi sifatida so'z birikmasi hamda gapning modeli mavjud. T – H so'z birikmasining modeli. Bunda T=tobe so'z, H=hokim so'z (tobe–hokim). Yaratuvchi modellar tilshunoslik rivojlanishi natijasida yuzaga keldi, mazkur metodning bir qator afzalliklari va pragmatik jihatlari mavjud:

- modellashtirish tavsifiy emas, amaliy metod hisoblanadi;
- modellashtirish metodi har qanday sharoitda optimal («eng qulay», «eng maqbul») hisoblanadi;
- modellashtirish metodi ekonomiya prinsipiga tayanadi. Bunda uzun ta'rif va tavsiflarga ehtiyoj bo'lmaydi;
- obyekttni tushuntirish va izohlashni osonlashtiradi va soddalashtiradi.

Modellashtirish metodi keyingi paytlarda tilshunoslikda faol tatbiq qilina boshlandi. "Model" tushunchasi fan va texnikada turli ma'nolarda ishlatilgani bois modellashtirish turlarining yagona tasnifi mavjud emas. Tasnif modelning xarakteriga ko'ra, modellashtirilayotgan obyektning tabiatiga ko'ra, modellashtirish tatbiq qilinayotgan soha yoki yo'nalishga qarab amalga oshirilishi mumkin [4,46]. Modellarni shartli ravishda quyidagicha tasniflash mumkin:

1. *Tabiiy model* – o'rganilayotgan obyekt bilan bir turda bo'ladigan va undan faqat o'lchamlari, jarayonlarining tezligi va ba'zi hollarda yasalgan materiali bilan farq qiladigan model;

2. *Matematik model* – prototipdan (asl nusxadan) jismoniy tuzilishi bilan farq qiladigan, lekin prototip bilan bir xil matematik tasvirga ega bo'lgan model;

3. *Mantiqiy-matematik model* – belgilardan iborat bo'lgan, tafakkur jarayonini o'rganishda qo'llanadigan abstrakt model;

4. *Kompyuter modeli* – matematik, mantiqiy model-lashtirish metodlariga asoslanib kompyuterda algoritim va dasturlardan foydalangan holda yaratiladigan model.

Tabiiy modellarga turli xil buyum, jism, ular bilgan narsalarning tasvir, suratlari yoki shu kabilarning kichraytirilgan nusxasi kiradi. Shularni hisobga olib, biz ushbu sinf o'quvchilari uchun modellarni turli xil rasmlar orqali ham tushuntirishga harakat qildik. Ular quyidagicha ifodalandi: Tasavvurimizda gap bo'laklarini osmonda ko'rinib turgan jismlarga o'xshatsak, biz uchun eng keraklisi quyosh va oy hisoblanadi.

O'zbek tilida ega hamda kesimning o'rni nihoyatda katta. Gap bo'lishi uchun avvalo, kesim gap bo'lagini tushunib, uning turlari bilan tanishgach, ega gap bo'lagi bilan tanishiladi. Har bir gap albatta, gap bo'laklaridan tashkil topadi. Bu esa turlicha namoyon bo'ladi. Gapda ega ham, ikkinchi darajali bo'laklar (to'ldiruvchi, aniqlovchi, hol) ham bevosita yoki bilvosita kesimga bog'lanadi. Kesim (modeli –K) nima qildi? nima qilyapti? nima qiladi? (ba'zan nechanchi? qanday?) kabi so'roqlarga javob bo'ladi. Gap tarkibidagi hol asosan felga bog'lanib, gapda fel kesimning paytini, maqsadi, sabab, o'xshatish kabi ma'nolarini izohlab keladi. Shunga ko'ra ikkinchi darajali bo'laklar tarkibidan hol gap tarkibida juda muhim mavqeda

turadi. Tabiiy modellarga tayanib biz holni osmon jismlari tarkibidan bulutni tanladik. Chunki bulutda hol izohlaydigan ma'nolarning barchasi mujassam bo'lib, u ham holdek osmondagi o'rniga, tuzilishi, joylashuvi, rangiga ko'ra paytni, maqsadni, sababni, o'xshatish ma'nolarini anglatadi.



Gap bo'laklarining ishtiroki va joylashish o'rni model-lashtirib o'rgatilsa, gap tuzayotganda xatoliklarga olib kel-masligi uchun zamin yaratadi. Bu esa inson ko'rgan narsasini kodlashtirib o'rganayotganini hamda ush-bu kod uning xotirasida yanada mustahkamroq o'rnashayotganligini bildiradi. Bunda biz modellarning tabiiy va fikriy modellar kabi turlarini o'quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan holda, oddiydan murakkabga qarab o'rgatishimiz kerak bo'ladi. Chunki yuqori sinflarda ham ona tilining sintaksis bo'limiga tegishli mavzular va ajratilgan soatlar mavjud, o'quvchilar yuqori sinflarga o'tganlarida modellashtirish metodi tarkibidagi mantiqiy modellar, matematik modellardan foydalanish, murakkab grammatik qoidalarini oddiy, tushinarli, tejamlil hamda sa-marali modellar yordamida o'qitish zarur bo'ladi.

### Adabiyotlar

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кун-далиқ қоидаси бўлиши керак. –Тошкент: 2017.
2. Ruzieva S. MODELLESHTIRISH TEXNOLOGIYASI UMUMIY O'RTA TA'LIMDA SINTAKSIS BO'LIMINI O'QITISHDA OPTIMAL YONDASHUV SIFATIDA //Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali. 2021. T. 1. №. 1-245-b.
3. Ruzieva S. MOHIR-U MEHR-U MAHORAT //Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali. 2021. T. 1. №. 1.мм.
4. Ruzieva S. MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA LUG 'AT ISHI MUAMMOLARI VA ULARNI YECHISH-NING INNOVATSION YO'LLARI //Buxoro davlat universitetining Pedagogika instituti jurnali. 2021. T. 1. №. 1. 441-b.

**REZYUME.** Maqolada modellashtirish texnologiyasining oliy ta'lim ona tili sintaksisi fani darslari jarayonida zamonaviy yon-dashuv sifatida qo'llanilishi to'g'risida fikr yuritilgan. Shuningdek, maqolada modellashtirishning ta'limdagi zaruriyati hamda afzallikla-ri haqida ma'lumotlar berilgan. Modellashtirish texnologiyaning matematik hamda tabiiy metodlari qiyoslangan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье рассматривается использование технологии моделирования как современного подхода в процессе проведения занятий по синтаксису родного языка в высшем образовании. В статье также представлена информация о необходимости и преимуществах моделирования в образовании. Проводится сравнение математического и естественного методов технологии моделирования.

**SUMMARY.** The article discusses the use of modeling technology as a modern approach in the course of higher education native language syntax classes. The article also provides information about the necessity and benefits of modeling in education. Mathematical and natural methods of modeling technology are compared.

## KISHI MEKTEP JASINDAGI OQIWSHILARDIŇ ANA TILI SABAQLARINDA KLASTAN TIS JUMISLARDI SHÖLKEMLESTIRIW

**S.Saburova – doktorant**

*Ájiniyaz atındaǵı Nókis mámleketlik pedagogikalıq instituti*

**Tayanch sózlar:** sinfdan tashqari o'qish darslari, tarbiya, ona tili, grammatika, sintaksis, fonetika, morfemika, ta'lim, so'z, gap.

**Ключевые слова:** внеклассное чтение, воспитание, родной язык, грамматика, синтаксис, фонетика, морфемика, образова-ние, слово, предложение.

**Key words:** extracurricular reading, upbringing, mother tongue, grammar, syntax, phonetics, morphemics, education, word, sen-tence.

Baslawish klaslardıń ana tili sabaqlarında klastan tis jumislardıń máqseti-ana tili sabaqlarında alǵan bilim, uqıplılıq hám kónlikpelerin jetilistiriw, ana tiliniń fonetika, grammatika, morfemika, sintaksiz, sóz birikpesi, sóz, gáp sıyaqlı túsiniqler menen tanıstırıw, ana tiline húrmetti oyatıw hám onı ámelde durıs paydalana alatuǵın kámil insandı tárbiyalawdan ibarat.

Klastan tis ana tili sabaqları 1-2-klaslarda háptede 1-márte, 3-4-klaslarda 2-háptede bir márte ótkeriledi. Sawat ashıw dáwirinde bolsa hápte aqırında Álipbe sabaǵınan 17-20-minut ajratıladi.

Klastan tis ana tili sabaqları oqıw dástúri menen tikkeley baylanıslı bolıp onda kózde tutilǵan maqset hám wazıypalardı ámelge asırıwda jaqınnan járdem beredi. Bunıń ushın oqıwshılarda kitap oqıw mádeniyatın tárbiyalaw olarda ápiwayı kitap oqıwshıdan izleniwshen kitap oqıwshı dárejesine kóteriń talap etiledi.

Sonıń ushında 1-2 klass ushın ana tili hám oqıw páni oqıw dástúri hám sabaqlıqları bir kitapta berilgenligine baylanıslı bul klass oqıwshılarına klastan tis ana tili hám oqıw sabaqları birgelikte shólkemlestiriledi [1:28].

Oqıwshılarda kitapqa qızıǵıwshılıq oyatıwda hár bir balaǵa jeke tártipte úyretiw, shaxsiy qızıǵıwların esapqa alıw zárúr. Balalarda kitap ústinde islew kónlikpesin rawajlandırıwda olarda kitapqumarlıq mádeniyatın tárbiyalawdıń tiykari bolıp esaplanadı. Bunda oqıw ushın ajratılǵan saatlardan paydalanıladı.

Ádebiy hám keń taralǵan shıǵarmalardı ózbetinshe bárqulla oqıp barsa ǵana, oqıwshılardıń dúnya qarasımın rawajlanıwı hám keńeyiwine xızmet etedi.

Klastan tis oqıw sabaqlarınıń tiykarǵı wazıypası oqıwshılarda ádebiy kitaplardı oqıwǵa qızıqtırıw, oqıǵan kitaplardı boyınsha pikirlerin aytı alıwǵa úyretiw, balalar ádebiyatıń belgili jazıwshılarınıń ómiri hám dóretiwshiligi menen elementar tárizde tanıstırıw esaplanadı.

Balalarda jaqsılıqqa muhabbat, jamanlıqqa jerkenish kóz benen qarawǵa úyretiw, olardıń baylanıslı sóylewin rawajlandırıw, ádebiy – estetikalıq oylawınıń qalıplesiwinde klastan tis oqıw sabaqlarınıń da áhmiyeti úlken.

Klastan tis oqıw sabaqlarınıń eń áhmiyetli wazıypalarınıń biri ózbetinshe oqıw kónlikpelerin tárbiyalaw esaplanadı. Bunıń ushın ózbetinshe islew ushın tapsırmalar beriw, qızıǵarlı shınıǵıw túrлерinen paydalanıw, eń jaqsı shıǵarmalardı, pikirlerdi, jazıwshı haqqında toplanǵan pikirlerdi oqıtıw, «Jańılıtpash», «Jumbaqlar tabıw», «Tásirli oqıw», «Naqıllar aytıw jarısı», «Ertek oylap tabıw», «Bilimdanlar maydanshası», sıyaqlı kórik-tañlawlar shólkemlestiriw, temalar boyınsha soraw-juwaplar alıp barıw, oyın tárizindegi jumıs túrлерinen paydalanıw zárúr. Oqılǵan shıǵarmalar ústinde sáwbetler ótkeriw, «Kitap hápteligi» n shólkemlestiriw, shıǵarmalar tiykarında kishi bayanlar jazıwdı shınıǵıw etiń jaqsı nátiyje beredi.

Klastan tis oqıw sabaqları klasta oqıw menen baylanıslı tárizde shólkemlestiriledi. Klasta oqıw klastan tis oqıw ushın zárúr bolǵan oqıw kónlikpesin rawajlandıradı, oqıwshılardıń oqılǵan shıǵarmasın túsiniwge úyretedi, sózligin bayıtadı. Klastan tis oqıw qızıǵarlı hám ózine tartatuǵın jumıs túri bolıp, balalardıń bilim dárejesin

bayıtadı, táriplew ushın materiallar beredi.

Házirgi waqıtta baslawish klass oqıwshıları ushın klastan tıs oqıwǵa tiyisli qollanbalardıń baspadan shıqpaǵanlıǵı oqıtıwshılardıń bul jumslardı shólkemlestiriwde qıymshılıq tuwdıradı [2:42].

Klastan tıs oqıw basqıshları. Klastan tıs oqıw-oqıwshılarda ózbetinshe kitap tańlaw hám oqıw kónlikpelerin qalıptestiredi. Óz betinshe oqıw kónlikpesin rawajlandırıw 3 basqıshqa bólinedi.

1. Tayarlıq basqısı. Ol birinshi klastıń sawat ashıw dáwirine tuwrı keledi. Oǵan sabaqtıń bir bólegi 17-20-minut ajratılǵanlıǵı ushın klastan tıs shınıǵıwı dep júritiledi.

Onıń ózine tán qásiyetleri sonda oqıtıwshı shıǵarmanı ózi tańlaydı. Shıǵarmanıń kishi kólemde bolıwınan hám basqa kitap tańlaw ózgesheliklerine itibar beredi. Shıǵarmanı muǵallımınń ózi oqıp beredi. Oqıwshılar shıǵarmanı tańlawǵa esitkenleri haqqında pikir júritiwge olarǵa ápiwayı ǵana pikir beriwde shıǵarmanıń jazılıwınıń saykesligin anıqlawǵa shıǵarma mazmunın sóylep beriwge úyretiledi. Bul basqıshqa oqıwshılar oqıw gıgıenasi hám kitapqa qanday múnásibette bolıw menen tanısadı.

2. Baslawish basqısı. Bul birinshi klastıń ekinshi yarım jıllıǵına tuwrı keledi. Bul basqıshqa háptede bir márte 45-minutlıq sabaq shólkemlestiriledi. Shıǵarmanı oqıwdan aldın, oqıwshılar shıǵarmanıń atı hám avtorı menen tanısadı. Súwretlerdi tamashalaydı dápterlerine ol haqqında ápiwayı etip shıǵarma avtorı hám onıń atın jazadı.

Tańlangan shıǵarma jaqsı oqıytuǵın oqıwshı ǵa arnalǵan tayarlıqtan soń oqıtıladı. Shıǵarmanıń ańsat oqıtılatuǵın orınların bos oqıytuǵın oqıwshılardıń oqıtıwı da múmkin. Bul olarda oqıwǵa degen qızıǵıwshılıq oyatadı. Bul basqıshqa oqıwshılar hár qıylı túrde buwınlap oqıydı sonıń ushın muǵallım hár bir oqıwshı ǵa jeke (individual) túrde qatnas jasawı kishi kitap oqıwshınıń kitaptı ózinshe oqıwǵa úyretiwı lazım.

Tiykargı basqısı. Bul basqısı 2-4-klasslarǵa tuwrı keledi. Bul dáwirde oqıwshılardıń oqıw kónlikpeleri bekkemlenedi. Bunda oqıwshılardıń klastan tıs qarı oqıǵanları bahalanadı. Bahalawda dástúr talaplarına tiykarlanadı. Oqıǵan kitaplarınń sıpatlılıǵın ózlestiriwine muǵdarına oqıǵan kitabına múnásibet bildire alıwına itibar beriledi. Bunda oqıwshılar turaqlı túrde temaǵa baylanışlı bir neshshe shıǵarmalardı oqıp keledi. Bulardıń ayırım jerlerin tásirli etip oqıp beredi. Oqıǵan shıǵarmaların óz-ara salıstıradı [2:58].

Klastan tıs oqıwdıń basqıshları dástúr talapları tárbiyalıq wazıypaları oqıwshılardıń qızıǵıwshılıqları menen belgilenedi. Máselen: Tayarlaw basqıshında kishi kólemdegi shıǵarmanı oqıtıwshı oqıp berse oqıǵanları háqında sawbet qayta sóylep beriw ótkerile, baslawish basqıshqa pútkil klass oqıwshıları bir kitap penen bir qıylı kitap penen támin etiledi. Barlıq oqıwshılar bir tema ústinde isleydi. Bunda bir jazıwshı yaqı bir temadaǵı shıǵarmalar kórgizbesi shólkemlestiriledi. Shıǵarma ishinde oqıwshı ǵa tapsırılıwı, albomlar tayarlanıwı kinofil'm, diafilimler úzindileri kórsetiliwı hám shıǵarma mazmunı júzesinen hár qıylı ádebiy súwretler sızdırılıy da múmkin. Bul protseste kitaptı saqlaw maqsetinde onı jamaw oraw úyretiledi. «Ertekler bayramı» «Tásirli oqıwı tańlawı ótkeriledi.»

Tiykargı basqısı juwmaǵında kishi jastaǵı oqıwshılar aktiv kitap oqıwshı ushın zárúr bolǵan jaqsı oqıw kónlikpe hám tájiriybelerin iyelewleri, eń kerekli, olardıń kitap hám de ózbetinshe oqıwdı jaqsı kóriwine erisiw júdá áhmiyetli.

Klastan tıs oqıw ushın kitap tańlaw. Metodikanıń wazıypalarınan biri klastan tıs oqıw ushın kitaplar tańlaw, oqılatuǵın ádebiyatlar dizimin usınıw, jıllıqoqıw rejesi hám sabaq dúzilisi úlgilerin islep shıǵıw.

Klastan tıs oqıw sabaqlarınıń ózgeshelikleri, birinshiden, klastan tıs oqıw sistemasınıń basqıshları menen, ekinshiden, oqıw wazıypaları hám dástúr menen, úshinshiden, aldına qoyılǵan tárbiyalıq wazıypalar menen,

tórtinshiden, oqıwshı lardıń qızıǵıwı menen belgilenedi.

1-klasta tayarlıq basqıshında jańa tekst oqıtıwshı tárepinen oqıp berilse, tiykargı basqıshqa sabaqlarda jańa kishi kólemdegi tekstti oqıwshılar oqıydı.

Keyingi basqıshlarda shıǵarma analizine tiyisli jumslar keńeytiriledi, oqıwshılar oqıǵanların salıstırıwǵa, ulıwmalastırıp juwmaqławǵa úyretiledi. Qaharmanların elementar táripleydi [3:35].

Rollerge bólip oqıtıwdan paydalanıladı. Tiykargı basqısı klastan tıs sabaqlarında 2-klasta háptede 1-márte, 3-4-klasslarda 2-háptede 1-márte ótkeriledi. Oqıwshılar óz betinshe oqıwǵa úyretiledi, olar “Jetkenshek” gazetası menen tanıtılardı, yaǵnıy balalar kórsetiwı menen tanıtılardı. Bul basqıshqa ózbek, shet el ádebiyatı jazıwshılarınıń hár túrli janrdaǵı, temalarınan paydalanıladı. Qosımsha saxnalastırıwıdan paydalanıladı. Bir sabaqqa oqıwshılar bir neshshe kitaplar oqıp kelip, olar haqqında óz pikirlerin aytadı. Qaharmanların táriplep súwret sızadı. Jazıwshılar dóretiwshegi tiyisli kesheler shólkemlestiriledi. Usı tárizde ádebiyattı súyetuǵın, erkin pikir júrite alatıwın kitap súyer oqıwshını rawajlandıradı.

Klastan tıs oqıw sabaqlarında oqılǵan kitaptı analiz etiw, dóretiwshegi penen qayta bayanlaw, súwretler sızıw, tásirli oqıw, kitaplar usınıs etiw usıllarınan keń paydalanıladı.

Klastan tıs oqıw sabaqlarında ózbetinshe jumslar alıp barıladı. Baslawish klasslardıń oqıw sabaqlarında soraw-jawaplar ústinde islew, klastantıs oqıw, tekst ústinde islew, qayta gúrriń etiw, reje dúziw sıyaqlı bir qansha jumslar túrlerinen keń túrde paydalanıladı.

|-----|----|----|----|-----|---------|--------|----------|---------|----|-----|
| 2   | 1  | 64 | 88 | 200 | 130 3,8 | 153,33 | 70 65,91 | 51,23   |    | 1   |
| 3   | 2  | 49 | 74 | 170 | 110 2,9 | 130    | 60       | 35 38,9 |    | 1   |
| 4   | 3  | 78 | 84 | 150 | 90      | 110    | 60 92,45 | 22,12   |    | 1   |
| 5   | 4  | 62 | 95 | 160 | 110 4,2 | 126,67 | 50 83,07 | 31,43   |    | 1   |
| 6   | 5  | 69 | 83 | 160 | 100 4,2 | 120    | 60 58,13 | 43,33   |    | 1   |
| 7   | 6  | 57 | 60 | 180 | 110 3,4 | 133,33 | 70 50,87 | 40,24   |    | 1   |
| 8   | 7  | 57 | 91 | 170 | 100 3,3 | 123,33 | 70 47,44 | 33,71   |    | 1   |
| 9   | 8  | 48 | 74 | 140 | 90 3,3  | 106,67 | 50 47,44 | 43,59   |    | 1   |
| 10  | 9  | 50 | 97 | 150 | 90 2,8  | 110    | 60 29,55 | 50,58   |    | 1   |
| 11  | 10 | 49 | 95 | 150 | 90 4,2  | 110    | 60 65,91 | 36,12   |    | 1   |

1-rasm. Giper147\_M.csv faylida joylashgan ma'lumotlar

Faylda joylashgan barcha ustunlar qiymatlarini haqiqiy songa aylantiramiz:


```
df = df.astype('float')
plt.figure(figsize=(16,5))
df.boxplot()
plt.title("Barcha potentsial bashoratlarining qiymatlarini taqsimlash")
plt.show()
```



2-rasm. Alomatlarining haqiqiy qiymatlari

Qiymatlarni kichraytiramiz:

```
df=StandardScaler().fit_transform(df)
df=pd.DataFrame(df,columns=['X1', 'X2', 'X3', 'X4', 'X5', 'X6', 'X7', 'X8', 'X9', 'X10'])
df.index=data.index
df.head()
df1=pd.concat([df,data.X10],axis=1)
plt.figure(figsize=(16,5))
sea.boxplot(data=df1.iloc[:, :-2])
plt.title("")
plt.grid()
plt.show()
```



3-rasm. Alomatlarning masshtablangan qiymatlari.

Bir xil qiymatga ega bo'lgan yozuvlar guruhini tartiblashtirish:

```
df=df.rank()
from sklearn.decomposition import PCA
from sklearn.model_selection import train_test_split
X=df.iloc[:, :-1] ; y=df['X10']
X_train,X_test,y_train,y_test=train_test_split(X,y,test_size=0.25,random_state=23)
print(X_train.shape)
print(X_test.shape)
pca=PCA(n_components=5)
principalComponents = pca.fit_transform(X_train)
factors_Df = pd.DataFrame(data = principalComponents, columns=['PC1','PC2','PC3','PC4','PC5'])
factors_Df.index=X_train.index
```

|     | PC1        | PC2        | PC3        | PC4        | PC5        |
|-----|------------|------------|------------|------------|------------|
| Ind |            |            |            |            |            |
| 98  | 48.402893  | 22.413755  | 16.398033  | 43.734363  | -32.098131 |
| 118 | -30.703128 | 35.793521  | 46.426200  | 41.573202  | 3.243102   |
| 25  | 127.183520 | 43.432379  | -42.857989 | 17.919787  | 5.362894   |
| 55  | -74.674963 | -26.720621 | 33.432152  | -16.252905 | -5.440073  |
| 46  | -71.742828 | 3.090292   | -35.067361 | -11.430938 | 0.259342   |
| ... | ...        | ...        | ...        | ...        | ...        |
| 40  | -75.224924 | 4.031907   | -8.380978  | -16.022533 | -13.219963 |
| 92  | -56.607506 | -28.278672 | 12.683287  | -11.601628 | 1.982546   |
| 32  | 147.090005 | 73.572522  | -26.472992 | 1.313080   | 2.742582   |
| 41  | -82.178650 | -10.062564 | -39.020641 | 12.018647  | 45.259003  |
| 84  | -34.834450 | 46.609419  | -13.822230 | -46.465604 | -0.395532  |

```
print(pca.explained_variance_ratio_)
print(pca.explained_variance_ratio_.cumsum())
print(pca.explained_variance_ratio_.sum())
```

Birinchi 5 komponentlari bilan izohlangan umumiy inertsia 96 % ni tashkil qilmoqda.

Tajriba o'tkazish natijasida olingan bazadagi yuqori qon bosimi bilan murajaat qilgan mijozlarning bashorati:

names=pd.DataFrame(data=data.X10,columns=['X10'])

```
[110 rows x 5 columns]
[0.63627037 0.15379584 0.07359306 0.05208974 0.0460129 ]
[0.63627037 0.79006622 0.86365927 0.91574901 0.96176191]
0.9617619118767089
>>> |
```

#### Adabiyotlar

1. Ignatev N.A., Usmanov R.N., Madraximov Sh.F. Berilganlarning intellektual tahlili. – T.: “Mumtoz so'z”, 2018.
2. Madraximov Sh.F. Umumlashgan ko'rsatkichlar va ulardan bilimlarni shakllantirishda foydalanish. Monografiya. - Qarshi: Qarshi davlat universiteti, 2018. 103-b.
3. Программирование искусственного интеллекта в приложениях. М.Тим Джонс ; Пер. с англ. Осипов А.И. – М. : ДМК Пресс, 2011. –С. 312.
4. [www.kaggle.com](http://www.kaggle.com)

**REZYUME.** Maqolada sun'iy intellekt usullaridan foydalanib, mijozlardagi yuqori qon bosimi kasalligini bashorat qiluvchi dasturiy vosita algoritmi keltirilgan bo'lib, kuzatishlar natijasida to'plangan ma'lumotlarni masshtablash, ularni vizuallashtirish, bashorat natijalarini sonli va grafik ko'rinishda tasvirlash amalga oshirilgan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье представлен алгоритм программного средства прогнозирования заболевания повышенным давлением у клиентов методами искусственного интеллекта, реализован масштабирование данных, собранных в результате наблюдений, их визуализация, представление результатов прогноза в численном и графическом виде.

**SUMMARY.** The article presents an algorithm of a software tool for predicting high blood pressure in clients using artificial intelligence methods, scaling of data collected as a result of observations, their visualization, presentation of forecast results in numerical and graphical form.

#### AYOLLARDA PERINATAL DAVRDAGI PSIXOEMOTSIONAL HOLATLAR DIAGNOSTIKASI: METODIKALAR TASNIFI

M.B.Kalandarova – tayanch doktorant

Urganch davlat universiteti


**Tayanch so'zlar:** psixoemotsional holat, psixodiagnostika, xavotirlanish, depressiya, perinatal psixologiya, homiladorlik.

**Ключевые слова:** психоэмоциональное состояние, психодиагностика, тревога, депрессия, перинатальная психология, беременность.

**Key words:** psychoemotional state, psychodiagnostics, anxiety, depression, perinatal psychology, pregnancy.

Tug'ruq va tug'ruqdan keyingi davrning psixologik o'ziga xosliklarini o'rganish ayollarning homiladorlik va

```
final_factors_Df = pd.concat([factors_Df, data['X10']], axis = 1)
id_factors=pd.concat([names,final_factors_Df],axis=1)
id_factors=id_factors.sort_values(by=['PC1'])
final_factors_Df=final_factors_Df.sort_values(by=['PC'])
fig = plt.figure(figsize = (16,5))
ax = fig.add_subplot(1,1,1)
ax.set_xlabel('Asosiy komponent 1', fontsize = 15)
ax.set_ylabel('Asosiy komponent 2', fontsize = 15)
ax.set_title('Natija (Axis 1 & 2)', fontsize = 20)
targets = [0,1]
colors = ['green','red']
for target, color in zip(targets,colors):
    indicesToKeep = final_factors_Df['X10'] == target
    ax.scatter(final_factors_Df.loc[indicesToKeep, 'PC1'],final_factors_Df.loc[indicesToKeep, 'PC2'], c=color, s = 50)
ax.legend(targets)
ax.grid()
plt.show()
```



4-rasm. Yuqori qon bosimi bilan murajaat qilgan mijozlar bashoratining grafik tasviri

Obyekt sifatida olingan jadvaldagi ma'lumotlar (1-rasm) son qiymatlari katta bo'lgan holatlarda xatoliklar qiymati ham katta bo'lganligi uchun alomatlardagi qiymatlarni masshtablab kichraytirdik. 2-rasmda jadvaldan olingan alomatlar qiymatlari grafik ko'rinishda tasvirlangan. Rasmdan ularning katta sohani egallaganligi ko'rinib turibdi. Qiymatlarni masshtablab kichraytirish natijasida og'ish xatoliklarini sezilarli darajada kamaytirishga erishdik. Bu jarayon 3-rasmda tasvirlangan. Yuqori qon bosimi mavjudligini baholashda dastlabki 5 ta alomatlar ulushi 96% ni tashkil etishi aniqlandi. Olingan natijalar sonli va grafik usulda tasvirlandi(4-rasm).

Natijalar shuni ko'rsatadiki, har bir tajriba natijasida aniqlangan alomatlar qiymatiga qarab bashorat qilishda o'ziga xos o'rin tutadi. Bu tasdiq yuqoridagi olingan natijalarda o'zining isbotini topdi.

biopsixosotsial yondashuv homiladorlik, tug'ruqlar va tug'ruqdan keyingi davr kechishining fiziologik, psixologik va ijtimoiy omillarini onaning individual-shaxsiy xususiyatlari va oilaning funksional-rolining o'ziga xosliklari asosida o'rganish zaruratini asoslaydi.

Keyingi o'n yillik davomida homiladorlik davrida va tug'ruqdan keyingi davrda ayollardagi psixoemotsional buzilishlarning o'ziga xos xususiyatlarini o'rganish akusherlik, ginekologiya, klinik psixologiya va psixiatriya sohasidagi chet el olimlarining tadqiqotlarida yuqori darajadagi e'tibor markazida turibdi. Xorijiy ishlarda perinatal affektili buzilishlar va ularning homiladorlikning, tug'ruqning va tug'ruqdan keyingi davrning kechishiga ta'siri ko'p marotalab ilmiy o'rganilgan, lekin mamlakatimizda ayollarda tug'ruqdan keyingi davrdagi emotsional holatlar va ularning namoyon bo'lishining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari o'rganilmagan.

Mutaxassislar ayollardagi psixoemotsional soha buzilishlarini turli og'irlik darajasidagi akusher-ginekologik murakkablashuvlar rivojlanishining etimologik omili sifatida qaramoqdalar. O'rganishlarning natijalariga ko'ra emotsional sohaning turg'un buzilishlari va hayoti sifatining pastligi ruhiy jihatdan sog'lom bo'lgan onalarning 50 foizigacha farzandiga uning bir yoshgacha bo'lgan davrda to'g'ri munosabatda bo'lishini shakllantira olmaydilar [1]. Bugungi kunda perinatal tibbiyotda va psixologiyada hayot sifati muammosiga katta e'tibor qaratilmoqda, chunki homiladorlikning turli bosqichlarida va tug'ruqdan keyingi davrda ayolning hayoti sifatini baholash ayol salomatligi ob'ektiv ko'rsatkichlarining uning o'z ahvolidagi jismoniy, psixologik va ijtimoiy omadlilik yuzasidan qabul qilish xususiyatlari o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni kuzatish imkonini beradi [2]. Perinatal psixologiyada foydalaniladigan biopsixosotsial yondashuv ayolning dolzarb ahvolidagi uning tug'ruqqacha va tug'ruqdan keyingi davr davomida jismoniy, psixologik va ijtimoiy faoliyat ko'rsatishi mezonini orqali baholash imkonini beradi.

Ayolning bolani dunyoga keltirishga, uni parvarishlashga va oziqlantirishga psixologik tayyorligini shakllantirish tug'ruq va tug'ruqdan keyingi davrda emotsional sohasidagi va fiziologik ahvolidagi o'zgarishlarning darajasiga bog'liq. [3]. Mutaxassislarning ko'pchiligi tomonidan ayolning farzandli bo'lishi shaxs sifatida rivojlanishidagi keskin burilish (kritik) davri sifatida, bolaning rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan ichki shaxsiy kelishmovchiliklar bilan kechishi mumkin bo'lgan xayotiy istiqbollarni jiddiy qayta baholash davri sifatida qaraladi [1]. Perinatal davrda ayollarda psixik salomatlikning buzilishi ko'plagan omillarga bog'liq bo'lishi mumkin. Perinatal davrning kechishiga ayollarda onalik sohasi ontogenezinining o'ziga xosligi, uning bolalik yoshidan boshlab, dolzarb hayotiy va oilaviy vaziyat, so'zsiz, ta'sir ko'rsatadi [5]. Farzand ko'rishga tayyorlikni shakllantirish, shuningdek bu davrning ketma-ketlikda almashadigan yetakchi holatlari bilan, gestatsion davr kechishi bilan ham chambarchas bog'liq. Perinatal davrda yuzaga kelib, tug'ruqdan keyingi davrda ona-bola munosabatining turli bosqichlarida ko'rinish jihatidan o'zgaruvchi "ona-farzand" tizimidagi diadik munosabatlarning rivojlanishi muhim ahamiyat kasb etadi. Tug'ruqdan keyingi davrdagi ayolning psixoemotsional holatining xususiyatlari asosan bola sog'ligi holatiga va uning ijobiy rivojlanishiga bog'liq bo'ladi.

Reproduktiv soha psixologiyasi nuqtayi nazaridan qaraganda ayol va uning oilasi uchun perinatal davrning muhim bosqichlarining turli-tumanligiga qaramasdan, muhokama qilinayotgan mavzu bo'yicha gestatsion va tug'ruqdan keyingi davrlarda batafsil to'xtalib o'tish muhim ahamiyatga ega. Bunday e'tibor onalar va ularning farzandlarining psixik salomatligini va hayot sifatini quvvatlash uchun kompleks hal qilish uchun zarur bo'lgan masalalarning ko'p sohalarga taalluqligining muhimligi bilan bog'liq. Ayol organizmidagi jiddiy fiziologik o'zgarishlarning uning farzandni dunyoga keltirishga

tayyorligining psixologik tomonlari bilan chambarchas bog'liqligi tibbiy-psixologik yordam ko'rsatishga kompleks tizimli yondashuv zaruratini keltirib chiqaradi.

Odatda, mutaxassislar ayollarga homiladorlikka tayyorlanish bosqichida yoki gestatsion davrda ko'proq e'tibor beradilar. Ko'pgina hollarda tug'ruqdan keyingi davrda nafaqat mutaxassislarning, balki, oila a'zolarining, onaning asosiy e'tibori bevosita bolaga qaratiladi, yosh onaning emotsional kechinmalariga e'tibor qaratilmaydi. Psixoemotsional buzilishlarni erta aniqlanishi nafaqat ayolga o'z vaqtida yordam berish, balki ona va bola uchun ikkilamchi murakkablashuvlarning oldini olish imkoniyatini ham beradi.

Perinatal davrda ayollarda psixoemotsional holatlar va ularning namoyon bo'lishlari modalligi, ko'rinish darajasi va uzoqqa cho'zilishi bo'yicha alohida o'ziga xos xususiyatlarga ega va hayotning boshqa ahamiyatli davrlaridagi shunga o'xshash ko'rinishlaridan farq qiladi. Bu davrning salbiy emotsional holatlari homiladorlik davrida zo'riqishli vaziyatlarni boshidan kechirish bilan bog'liq bo'lgan engil qisqa vaqt ichidagi xavotirli-depressiv ko'rinishlardan, to'yaqqol namoyon bo'luvchi psixotik polimorfik buzilishlargacha bo'lishi va affektiv buzilishlar darajasiga etishi mumkin [4]. Umuman olganda, emotsional holatlarning tipologiyasini, inson tomonidan ahamiyatga ega bo'lgan, uning dolzarb ehtiyojlarini qanoatlantirishga ko'maklashuvchi yoki to'sqinlik qiluvchi vaziyatlarni subyektiv boshdan kechirishini aks ettiruvchi adaptiv va dezadaptiv holatlarga ajratish mumkin. Shu o'rinda perinatal davrda ayollarning psixik holatiga ta'sir ko'rsatuvchi dezadaptiv emotsional holatlarni aniqlash va ularga o'z vaqtida maxsus psixologik yordam ko'rsatish maqsadga muvofiqdir.

Perinatal psixologiyada psixologik yordam ko'rsatish homilador ayollar va yosh onalar bilan psixodiagnostik, konsultativ va korreksion tadbirlarni o'z ichiga oladi. Psixologik tadbirlarni amalga oshirish jarayonida nafaqat ayollar bilan, balki ularning oila a'zolari bilan ham ishlash lozim. Chunki perinatal davrda ayollarda ifodalanadigan emotsional holatlar bevosita oiladagi shaxslararo munosabatlar, ijtimoiy-psixologik omillari bilan bog'liqdir [3].

Shuni alohida eslatib o'tish lozimki, perinatal psixologiyada qo'llash uchun mo'ljallangan psixodiagnostik metodlar to'plami hali yetarlicha ishlab chiqilmagan va bizning sharoitga moslashtirilmagan. Mazkur muammodan kelib chiqib, perinatal davrda ayollar psixoemotsional sohasi diagnostikasida zarur bo'lgan metodlarni o'rganishga qaror qildik.

Perinatal davrdagi ayollar psixoemotsional sohasining o'ziga xosliklarini aniqlash uchun foydalaniladigan diagnostika uslublari bir qator umumiy va maxsus talablariga muvofiq bo'lishi lozim. Psixodiagnostik metodikalar talab qilingani kabi, haqiqiy, ishonchli va turg'un bo'lishlari lozim. Ayollardagi perinatal davrda psixoemotsional buzilishlar mavjudligini va namoyon bo'lish darajasini chuqur o'rganish uchun standartlashtirilgan uslublarga bola tug'ilishida muhim ahamiyatga ega bo'lgan individual xususiyatlarni aniqlashga yo'naltirilgan loyihaviy uslublarni ham qo'shib foydalanish maqsadga muvofiq. Mavjud bo'lgan tibbiy hujjatlar tahliliga qo'shimcha ravishda klinik-anamnestik ma'lumotlarni to'plash uchun psixolog ayol bilan klinik intervyu va suhbat elementlaridan foydalanishi zarur. Shuningdek, psixodiagnostik metodlarni tanlash uchun sezuvchanlik va prognostiklik (oldindan ayta bilishlik) ko'rsatkichlari muhim mezon bo'ladi. "Ona-bola" diadasi uchun perinatal davrning keskinligi, muhimligi va o'zgaruvchanligi sababli ayollarga maxsus yordam ko'rsatish maqsadida salbiy emotsional holatlar alomatlarini o'z vaqtida aniqlashga bo'lgan zarurat dolzarbligicha qolmoqda. Shu maqsadda ayollarda xavotirlanish, tushkunlik, fobik (qo'rquvli), injiqlik va astenik alomatlarini aniqlashning uslublari turg'un buzilishlar xavfi bo'lgan guruhlarni aniqlash uchun alohida ahamiyat kasb etadi. Perinatal davr uchun uslublarning o'ziga xosligi ushbu davr uchun dolzarb bo'lgan

vaziyatlarni o'rganish bilan bog'liq. Ayollardagi homiladorlik davridagi va tug'ruqdan keyingi vaqtdagi psixoemotsional buzilishlarni o'rganishga mo'ljallangan maxsus uslublar juda kam. Sodda va tushunarlik perinatal psixolog uchun amaliyotda diagnostik uslublarni qo'llashning muhim mezonlari bo'lishi kerak. Masalan, homilador ayollar psixofiziologik ahvolidagi o'ziga xosliklari sababli katta hajmli va ko'plagan savollardan iborat uslublardan foydalanish noqulay va oxir-oqibatda natijasizlikka olib keladi. Shu bilan birga, diagnostika natijalarining hamkor mutaxassislariga ham tushunarli bo'lishi muhim. Bu mutaxassislar o'zlarining bemorlaridagi perinatal davrda boshlaridan kechirayotgan psixoemotsional buzilishlarning mezonlari (ko'rsatkichlari, belgilari) to'g'risida tasavvurga ega bo'lishlari ularni o'z vaqtida zarur bo'lgan yordam olishlari uchun klinik psixologga va psixiatrga yuborishi uchun zarur.

Perinatal psixologiyada psixologik tadqiqotlarning diagnostik bosqichida emotsional holatlarni aniqlash va baholash uchun "Nevrotik holatlarni aniqlash va baholash uchun klinik so'rovnomasi" (Mendelevich V.D., 1978, 2001). Ushbu metodika 1978 yilda K.K.Yaxin va D.M.Midelevich tomonidan ishlab chiqilgan. So'rovnomada dezadaptiv emotsional kechinmalarni sifatli tahlil qilish, hamda nevrotik holatlarning asosiy sindromlarini aniqlash imkonini beradi. So'rovnomada turli emotsional holatlarga doir 68 savoldan iborat. Yo'riqnomaga binoan tadqiq etilayotganlarga joriy (hozirgi) holatini baholash taklif etiladi. Javoblar shkalasi qo'yidagicha ajratiladi: hech qachon bo'lmagan, kamdan-kam, ayrim vaqtlarda, tez-tez va doimo. Har bir javob me'yorlashtirilgan jadvaliga muvofiq ballarga o'tkaziladi va to'plangan ballar jamlanadi. Metodika olti shkaladan iborat: havotirlanish shkalasi, nevrotik depressiya shkalasi, asteniya shkalasi, javob reaksiyasi isteriya turi shkalasi, obsessiv-fobiya (ta'qib qiluvchi), vegetativ o'zgarishlar shkalasi. 1,28 balldan ortiq diagnostik koeffitsient sog'lomlikka ishora qiladi, 1,28 balldan kam aniqlanayotgan o'zgarishlarning og'riqli tavsiflarini ko'rsatadi. 1,28 balldan yuqori bo'lgan ko'rsatkich, respondentda salbiy emotsional holatlarning yo'qligini ko'rsatadi. 1,28 balldan kam bo'lgan ko'rsatkich esa, turli yo'nalishlarga ega bo'lgan yaqqol ifodalanayotgan havotirli, astenik, isterik, obsessiv-fobiya va depressiya kabi salbiy hissiy holatlar haqida darak beradi [4].

Navbatdagi metodika Ch.D.Spilberger va Yu.L.Xaninning reaktiv va shaxsiy xavotirlik darajasini o'rganuvchi metodikasi hisoblanadi. Metodika amerikalik klinik psixologiya muammolari mutaxassisi, psixolog Ch.D.Spilberger tomonidan 1988-yilda yaratilgan bo'lib, reaktiv va shaxsiy xavotirlik (The State-Trait Anxiety Inventory (STATI)) holatini o'rganishga qaratilgan, 52 tilga tarjima qilingan xalqaro standart metodlardan hisoblanadi [5; 31-b]. Boshqa metodikalardan farqli ravishda metodika xavotirlikni holat yoki shaxsning xususiyati sifatida emas, balki ayni holatdagi xavotirlanish darajasining reaktiv (holat sifatida) va shaxslilik xavotirlanish (insonning barqaror tavsifi sifatida) differensial o'lchash imkonini beradi. Metodika rus psixologi Yu.L.Xanin tomonidan moslashtirilgan.

Shaxslilik xavotirlanish vaziyat-holatlarining aksariyat qismini tahdid soluvchi sifatida qabul qiladi, bunday vaziyatlarga xavotir xolati bilan munosabat bildiradi. Reaktiv xavotirlanish bezovtalik, asabiylashish, tanglik bilan namoyon bo'ladi.

Juda yuqori reaktiv xavotirlanish diqqatning, ba'zida nozik koordinatsiyaning buzilishi bilan tavsiflanadi. Shaxslilik xavotirlanish juda yuqoriligi asabiy nizolar, emotsional va kuchli asabiylashish natijasida kelib

chiqadigan psixologik o'zgarishlar va psixosomatik kasalliklarni keltirib chiqaradi.

Bu metodika integral o'zini baxolash xususiyatini o'rganish imkoniyatini beradi, bu barqarorlikni doimiy, shaxsiy va vaziyatli bo'lishini aniqlash imkoniyatini beradi.

Navbatdagi test V.Zung-Balashovanning "Kayfiyati yo'qlik-subdepressiya holatini aniqlash" shkalasi hisoblanadi. Metodika AQSH Shimoliy Karolina shtatining Dyuk universiteti psixiatri Uilyam Zung tomonidan ishlab chiqilgan va metodika "Zungning depressiyaning baholash shkalasi" (Zung Self-Rating Depression Scale) deb nomlanadi. Metodika Bexteroev nomidagi Leningrad psixonevrologik ilmiy-tadqiqot instituti Nevrologiya bo'limi psixiatri T.I.Balashova tomonidan moslashtirilgan. Metodika depressiv holat va depressiv holatga yaqin holatlarni differensial diagnostika qilishga qaratilgan bo'lib, dastlabki, vrach oldi ko'rik maqsadlaridagi tadqiqotlarda skening-diagnostika uchun qo'llanilishi ko'zda tutilgan.[7]

Tug'ruqdan keyingi depressiv holatlar bosqichini aniqlash va baholash uchun psixologik tadqiqotlarda navbatdagi metodika "Tug'ruqdan keyingi depressiyaning Edinburg shkalasi" (Edinburgh Postnatal Depression Scale) – EPDS dan foydalanish mumkin. Metodika so'rovnomasi shaklida bo'lib, tug'ruqdan avval va tug'ruqdan so'ng emotsional va kognitiv belgilarni, depressiv buzilishlarni aniqlashga mo'ljallangan. J.L.Cox, J.M.Holden, R.Sagovskiy tomonidan 1987-yil Edinburg va Livingstonda ishlab chiqilgan. Uni ishlab chiqishda tayanch metodika qilib, Y.Zung depressiyaning o'z-o'zida baholash shkalasi, shuningdek, R.P.Snaith, A.Bedford va G.A.Fouldslarning havotir va depressiya shkalalari tanlangan. Ulardan yosh onalar holatini depressiv sifatida tavsiflovchi qismlari saralanib olingan. Shkala 10 bo'limdan iborat, har biriga tadqiq etiluvchi 4 og'irlik darajasini belgilovchi 4 javob variantidan bittasini tanlaydi. Shkala quyidagi psixopatologik fenomenlarni aniqlashga qaratilgan tasdiqlovchi iborat: aybdorlik hissi, havotir, tashvishlilik, vahima, kula olmaslik, koping-etishmaslik, o'zini baxtsiz deb his qilish natijasida uxlay olmaslik, qayg'u, yig'loqilik, o'z-o'ziga zarar etkazish fikri. Usulning sezgirlik darajasi 86%, o'ziga xosligi esa — 85,4% tashkil etadi. O'n bo'limdan yig'ilgan barcha ballar jamlanadi. Metodika mualliflari ta'kidlashicha, 8-9 va undan yuqori ballar, tug'ruqdan so'ngi depressiyaning ehtimoli yuqori (tahminan 86% holatlarda), 13 balldan yuqori bo'lgan ko'rsatkich (eng yuqori 30 ball) tug'ruqdan so'ngi depressiyaning ehtimolini 100% mavjud ekanligini ko'rsatadi. Tug'ruqdan keyingi depressiya mavjudligini tasdiqlovchi shkala bosqichini tanlash, so'ngi yillar mobaynida muhokamaga sabab bo'luvchi masala bo'lmoqda (Мазо Г.Э., 2012, Шаманина М.В., 2015). Turli davlatlar va madaniy guruhlar uchun ushbu shkalada o'rta ballni bildiruvchi turli ko'rsatkichlar qabul qilingan: Xitoy va Buyuk Britaniyalik ayollar uchun– 9 ball (Ding T. va hammual., 2014), Vetnam va Avstraliya ayollari uchun – 14-15 ball (Мазо Г.Э., 2012), AQSH va Yaponiya - 11 ball (Schetter C.D., 2016, Morikawa M. va hammual., 2015), Fransiya – 10 ball (Denis A., 2015). Mamlakatimiz tadqiqotchilarining ma'lumotlariga ko'ra, ko'rsatkichlar farqlanmoqda. Ushbu shkala bo'yicha umumiy reytingi 10 va undan ko'p ballni ko'rsatsa, tug'ruqdan so'ngi depressiv buzilish mavjud ekanligini isbotlaydi (Ивашиненко Д.М., Култыгина С.В., 2011; Мазо Г.Э., 2012, Шаманина М.В., 2015, Aswathi A., 201, Bolak Boratav H., 2016, Cheng C., 2016) [4].

Shunday qilib, ayollardagi perinatal davrdagi psixoemotsional buzilishlarni kompleks diagnostikasining muhimligi va dolzarbligi klinik psixologlar kasbiy faoliyatida kelajakdagi muhim masalalarni belgilaydi. Psixodiagnostika uslublaridan, ularni ayollarning va ularning oilalarining perinatal davrdagi ehtiyojlariga moslashuvini inobatga olgan holda vatanimiz amaliyotida qo'llash imkoniyatlarini o'rganish uchun xorij ilm-fanining muvaffaqiyatli tajribalarini inobatga olish muhim ahamiyat kasb etadi. Ayollardagi psixoemotsional buzilishlar mavjudligini va ularning namoyon bo'lish darajasini

inobatga olgan holda “Ona-bola” diadasining oʻziga xos xususiyatlarini oʻrganish maqsadida ilmiy-tekshirish quvvatini oshirishga boʻlgan ehtiyoj keskin turibdi. Xuddi shuningdek, yana bir kelajakdagi muhim masala – tugʻruqqa koʻmaklashish mutaxassislari, perinatal psixolog, neonatolog va pediatrianing “shifokor-bemor” tizimidagi munosabatlarga va hamkorlikka koʻmaklashish

maqsadidagi sohalararo oʻzaro hamkorlik algoritmini ishlab chiqish boʻladi. Perinatal davrda ayollar psixoeemotsional sohasidagi buzilishlarini aniqlashning zamonaviy muolajasini yuksaltirish mutaxassislarga zarur boʻlgan kompleks tibbiy-psixologik yordam koʻrsatish va tugʻruqdan keyingi davrda turgʻun affektiv buzilishlar rivojlanishiga yoʻl qoʻymaslik imkoniyatini beradi.

#### Adabiyotlar

1. Гарнизов Т., Хаджицелова Д. Послеродовая депрессия // Вестник по педагогике и психологии Южной Сибири. – 2015. – № 3.
2. Голубых А.И., Савеныхева С.С. Эмоциональные особенности беременных женщин и отношение к будущему ребенку и супругу // Научные исследования выпускников факультета психологии СПбГУ. – 2014. – Т. 2. – С. 72–78.
3. Илхамова Д.И. Перинатал психология. Т., 2012 й. 100 б.
4. Коргожа М.А. Динамика эмоциональных состояний у женщин в послеродовом периоде: дис. ... канд. психол. наук. – СПб., 2019.
5. Малькина-Пых И.Г. Психосоматика: Справочник практического психолога. – М.: Эксмо, 2005.-992 с.
6. Miller M.L., Kroska E.B., Grekin R. Immediate postpartum mood assessment and postpartum depressive symptoms // Journal of Affective Disorders. – 2017. – Vol. 207. – P. 69–75.
7. Нишоновна З., Камиллова Н., Алимова Г. Психогигиена: Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар Марказий босмахонаси. 2010 й. – 247 б.

**РЕЗЮМЕ.** Maqolada ayollarda perinatal davrda psixoeemotsional holatlarni tadqiq qilish va salbiy emotsional holatlar aniqlanganda psixologik yordam koʻrsatish zarurligi tahlil qilingan. Reproktiv soha psixologiyasidagi biopsixosotsial yondashuv nuqtayi nazaridan qaraganda perinatal davrdagi ayollar kechinmalarining oʻziga xosligi, bu davrdagi xavotirli-depressiv alomatlarining rivojlanish omilini alohida maxsus oʻrganishni talab qiladi. Gestatsiya va tugʻruqdan keyingi davrlarda ayollardagi emotsional holatlarni psixodiagnostika qilish va salbiy emotsional holatlarni aniqlashning zamonaviy metodik majmuasi taqdim qilingan.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируется необходимость изучения психоэмоциональных состояний у женщин в перинатальном периоде и оказания психологической помощи при выявлении негативных эмоциональных состояний. С точки зрения биопсихосоциального подхода в психологии репродуктивной сферы специфика переживаний женщин в перинатальном периоде требует специального изучения фактора развития тревожно-депрессивной симптоматики в этот период. Представлен современный комплекс методов психодиагностики эмоциональных состояний и выявления негативных эмоциональных состояний у женщин в период гестации и послеродовом периоде.

**SUMMARY.** The article analyzes the need to study psycho-emotional states in women in the perinatal period and provide psychological assistance when negative emotional states are detected. From the point of view of the biopsychosocial approach in the psychology of the reproductive sphere, the specificity of women's experiences in the perinatal period requires a special study of the developmental factor of anxiety-depressive symptoms in this period. A modern set of methods for psychodiagnostics of emotional states and detection of negative emotional states in women in the gestational and postpartum periods is presented.

### MAKTABGACHA TARBIIYA YOSHIDA RIVOJLANISHNING PSIXOLOGIK VA IJTIMOY SHART-SHAROITLARI

**S.Saytbekova** – *pedagogika fanlari nomzodi, dotsent*

*Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogik instituti*

**G.Smetova** – *assistent oʻqituvchi*

*Qoraqalpogʻiston tibbiyot instituti*

**Tayanch soʻzlar:** maktabgacha tarbiya yoshi, oʻyin, yetakchi faoliyat, bilish jarayonlari, muloqat, asosiy psixologik yangilik, inqiroz.

**Ключевые слова:** дошкольный возраст, игра, лидерская деятельность, познавательные процессы, общение, базовая психологическая новизна, кризис.

**Key words:** preschool age, game, leadership activity, cognitive processes, communication, basic psychological novelty, crisis.

Ontogenezda 3 dan 7 yoshgacha boʻlgan davr bogʻcha yoshi davri yoki maktabgacha yosh davri hisoblanadi. Maktabgacha yoshdagi bolalar psixologiyasida juda tez sifat oʻzgarishlari boʻlishini inobatga olgan holda 3 davrga: (3-4 yosh) kichik maktabgacha davr, (kichik boʻgʻcha yoshi), (4-5 yosh) oʻrta maktabgacha davr, (oʻrta bogʻcha yoshi), (6-7 yosh) katta maktabgacha davr (katta bogʻcha yoshi)ga ajratish mumkin. Bola rivojlanish jarayonida kishilik avlodi tomonidan yatilgan predmet va hodisalar olami bilan munosabatga kirishadi. Bola insoniyat qoʻlga kiritgan barcha yutuqlarni faol ravishda oʻzlashtirib, egallab boradi. Bunda predmetlar olamini, ular yordamida amalga oshiriladigan xatti-harakatlarni, tilni, odamlar orasidagi munosabatlarni egallab olishi, faoliyat motivlarining rivojlanishi, qobiliyatlarning oʻsib borishi, katta yoshli kishilarning bevosita yordamida amalga oshirilib borilmogʻi kerak. Asosan shu davrdan boshlab bolaning mustaqil faoliyati kuchaya boshlaydi [1:185].

Bogʻcha yoshdagi bolalarga beriladigan tarbiya, ularning murakkab harakatlarini oʻzlashtirish, elementar gigiena, madaniy va mehnat malakalarini shakllantirish, nutqini rivojlantirish hamda ijtimoiy axloq va estetik didining dastlabki kurtaklarini hosil qilishga qaratilishi lozim.

Bogʻcha yoshdagi bolalarning koʻzga tashlanib turuvchi xususiyatlaridan biri, ularning harakatchanligi va taqldichanligidir. Bola tabiatining asosiy qonunini shunday ifodalash mumkin: bola uzluksiz faoliyat koʻrsatishni talab qiladi, lekin u faoliyat natijasidan emas, balki faoliyatning bir xilligi va surunkaliligidan toliqadi.

Kattalar va tengdoshlari bilan boʻlgan munosabat orqali bola axloq meyorlari, kishilarni anglashi, shuningdek, ijobiy va salbiy munosabatlar bilan tanisha boshlaydi.

Bogʻcha yoshidagi bola endi oʻz gavdasini yaxshi boshqara oladi. Uning harakati muvofiqlashtirilgan holda boʻladi. Bu davrda bolaning nutqi jadal rivojlana boshlaydi, u yangiliklarni egallashga nisbatan oʻz bilganlarini mustahkamlashga ehtiyoj sezadi, oʻzi bilgan ertagini qayta-qayta eshitish va bundan zerikmaslik, shu davrdagi bolalarga xos xususiyatdir.

Bu davrda hamma narsani bilib olishga boʻlgan ehtiyoj kuchayadi. Bogʻcha yoshidagi bola tabiatiga xos boʻlgan kuchli ehtiyojlardan yana biri, uning har narsani yangilik sifatida koʻrib, uni har tomonlama bilib olishga intilishidir.

Bogʻcha yoshidagi bolalar hayotida va ularning psixik jihatidan oʻsishida qiziqishning roli kattadir, qiziqish xuddi ehtiyoj kabi, bolaning biror faoliyatiga undovchi omillaridan biridir. Shuning uchun ham qiziqishni bilish jarayoni bilan bogʻliq boʻlgan murakkab psixik hodisa desa boʻladi.

Bogʻcha yoshidagi bolalarning har xil predmetlarga boʻlgan qiziqishi juda yoʻqori boʻladi. Ularda bu nima? nima uchun? bu nimaga kerak? singari savollar paydo boʻla boshlaydi. Bu bolaning dunyoni anglash va tushunishiga harakat etayotganligidan dalolat beradi. Shuni natijasida bolaning psixik bilish jarayonlari, emotsional-idodaviy holati va individual xususiyatlari shakllanishiga oʻzini taʼsirini koʻrsatadi.

Bolaning kamol topishida qiziqishning ahamiyati shundaki, bola qiziqqan narsasini mumkin qadar chuqurroq bilishga intiladi va uzoq vaqt davomida qiziqqan narsasi bilan shugʻullanishdan zerikmaydi. Bu esa oʻz navbatida bolaning diqqati hamda irodasi kabi muhim hislatlarni oʻstirishga va mustahkamlashga yordam beradi. Bolani yoshligidan oʻzi qiziqqan narsaga yoki qandayda bir faoliyat turiga yoʻnaltirgan maʼqul.

Ma'lumki, bolaning yoshi ulg'ayib, mustaqil harakat qilish imkoniyati oshgan sari, uning atrofidagi narsa va hodisalar bo'yicha dunyoqarashi kengayib boradi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning yetakchi faoliyati o'yindir.

Bu yoshdagi bolalarning o'yinlarini uchga bo'lish mumkin:

- 1) predmetli o'yinlar (15-20 daqiqa o'ynaladi);
- 2) syujetli-rolli o'yinlar (30-60 daqiqa o'ynaladi);
- 3) qoidali o'yinlar (1soatdan-2 kungacha davom etishi mumkin).

O'yin orqali bolada o'z xatti-harakatlarini rejalashtirish qobiliyati paydo bo'ladi va rivojlanadi, ko'p harakatlari va aqliy operatsiyalari, tasavvur va xayoli takomillashadi.

O'yin– shunday faoliyat turiki, u bevosita biror moddiy yoki ma'naviy ne'matlar yaratishni nazarda tutmasada, lekin uning jarayonida jamiyatdagi murakkab va xilma-xil faoliyat normalari, harakatlarining simvolik andozalari taqlid qilish orqali bola tomonidan o'zlashtiriladi [2:163].

O'yin faoliyatida bola ham manan ham aqlan rivojlanib boradi. O'yin tufayli bola ongida shaxslararo munosabatlar shakllanadi, yani o'zaro do'stlik, sheriklik, ishonch, ma'suliyat, hurmat, adolatlilik singari insoniy fazilatlar shuningdek oilaga bo'lgan mehr, kasbga bo'lgan qiziqish ham mujassamlashtirib boradi.

Xalqimizning o'ziga xos bo'lgan urf-odatlar, qadriyatlar va milliy xalq o'yinlarining bola tarbiyasidagi o'рни juda katta. Milliy xalq o'yinlari bolani jismoniy chiniqtirib qo'ymasdan balki uning ruhiy dunyosini rivojlantirishga, milliy urf-odatlarimizni, qadriyatlarimizni davom ettirishga, shuningdek milliy tariximizni hurmat qilish, asrash singari insoniylik fazilatlarini shakllantirishda o'zini beminnat hissasini qo'shadi.

Shuni ham aytib o'tish joyizki, xalq o'yinlari bolalarda ijodiy faollik, tashabbuskorlik, tashkilotchilik, ko'nikmalarini rivojlantirishda muhim vosita hisoblanadi [3:65].

Bu yosh davridagi bolalar ijodiy faoliyatdan tasviriy san'at ayniqsa, rasm chizishni yaxshi ko'radilar. Bolaning rasmga nimani va qanday narsa chizishiga qarab, uning atrof olamdagi voqelikni qanday idrok qilishi, xotirasi, xayoli va tafakkurining o'ziga xosligi haqida mulohaza qilish mumkin. Rasmlar orqali bola tashqi olamdan olayotgan taassurotlari va bilimlarini yetkazishga harakat qiladilar. Bolaning qalbi oq qog'ozdek beg'ubor. Unga nima chizsang shuni ko'rasan. Shuning uchun har doim bolalar bilan muloqot qilganda ehtiyot bo'lib munosabatda bo'lish kerak. Shunki har qanday muloqot bolaning jismoniy va psixologik holatiga ta'sir qiladi. Bunday holatlar bola chizgan rasmlarda ham aks etishi mumkin. Aniqlanishicha, kasal yoki kayfiyati tushkin bolalar chizgan rasmlar sog'lom va hushshaqchaq bolalar chizgan rasmlardan ko'pgina jihatlar bilan farq qiladi.

Maktabgacha yosh davri badiiy-ijodiy faoliyatida musiqa muhim ahamiyatga ega. Bolalarga musiqiy asarlarni tinglash, musiqiy qatorlarni va tovushlarni turli asboblarda takrorlash quvunch bag'ishlaydi. Agar bola shu davrdan boshlab musiqa bilan jiddiy shug'ullanishga qiziqish paydo bo'ladi, u keyinchalik haqiqiy qiziqishga aylanishi va musiqiy qobiliyatni rivojlanishiga yordam beradi [1:191].

Musiqa bilan shug'illangan bolada aqliy, jismoniy, axloqiy va estetik tarbiya shakllanib boradi. Bu esa bolaning kelajagi uchun o'zini ijobiy ta'sirini ko'rsatadi. Chunki musiqa, eng avvalo bolaning ruhiy dunyosini boyitishga, dunyoga yaxshi ko'z bilan qarashga, insonlarni hurmat qilish va yaxshilik qilishga, barcha insonga xos

bo'lgan fazilatlarini o'zida mujassamlashtirishga, o'z hayoti va faoliyatida to'g'ri qarorlarni qabul qilishga va hayotni anglashga juda katta yordam beradi.

Bog'cha yoshidagi bolalarda sezgi, idrok, diqqat, xotira, tasavvur, tafakkur, nutq, xayol, hissiyot va irodaning rivojlanishi jadal kechadi. Ularni yanada shakllantirish uchun ko'piroq ko'rgazmali vositalardan foydalangan maqul. Buning uchun bolalarga rang-baran va har-hil shakldagi o'yinchoqlar, kiyimlar, xalqalar, qutichalar va shu singari predmetlar berish maqsadga muvofiqdir. Shu tufayli bola ranglarning farqini ajrata boshlaydi. Bolalarni diqqatini asosan ko'zga yaqqol tashlanib turuvchi belgilar tortadi lekin ular bu narsalarni chuqur tahlil qila olishmaydi.

Diqqat har qanday faoliyatimizning doimiy yo'ldoshidir. Shuning uchun diqqatning inson hayotida ahamiyati benihoya kattadir. **Diqqat** deb inson his-tuyg'usini va ongini bir nuqtaga to'plab, muayyan bir obyektga faol qaratilishiga aytiladi. Inson faoliyati jarayonida idrok va tasavvur qiladigan har bir narsa, har bir hodisa, o'zi qilgan ishi, o'y va fikrlari diqqatning obyekti bo'la oladi.

Bog'cha yoshidagi bolalar diqqati asosan ixtiyorsiz bo'ladi va 5 daqiqadan oshmaydi. Ixtiyorsiz diqqat bu oldindan belgilangan maqsadsiz ravishda muayyan ob'ektga yo'naltirilishi hisoblanadi. Ixtiyorsiz diqqatda ishtiyoq va qiziqish katta ahamiyatga egadir. O'yin paytida bolalar diqqatlarini bir joyga to'plab, o'z tashabbuslari bilan malum maqsadlarni ilgari suradilar.

Bu yoshdagi bolaning xotirasi yangi faoliyatlar va bolaning o'z oldiga qo'yan yangi talablari asosida takomillasha boradi. Maktabgacha yoshdagi bolalarning xotirasi ko'rgazmali, obrazli bo'lishi bilan xarakterlidir. Bolada ko'piroq ixtiyorsiz esda qoldirish va ixtiyorsiz esga tushirish ustunlik qiladi. Bola ravchan va emotsional rang-barang materialni oson esda saqlaydi va ko'rgan narsasini uzoq muddat esda olib qoladi. Xotiraning o'sishiga o'yinlar, turli mashg'ulotlar, she'r yodlash, ertak va hikoyalar aytish va sayr paytida kuzatish ishlarini olib borish yordam beradi.

Bog'cha yoshidagi bolalar shaxsining shakllanishiga ko'ra, bu davrni uch bosqishga ajratish mumkin:

Birinshi davr – bu 3-4 yosh oralg'ida bo'lib, bola emotsional jihatdan o'z-o'zini boshqarishning mustahkamlanishi bilan bog'liqdir;

Ikkinchi davr – bu 4-5 yoshni tashkil qilib axloqiy o'z-o'zini boshqarish;

Ushinchi davr esa shaxsiy ishchanlik va tadbirkorlik xususiyatining shakllanishi bilan xarakterlanadi [1:196].

Maktabgacha yosh davridagi bolalarning kattalar bilan muloqati ularda nutqning rivojlanishi hisobiga chuqurlashadi. Bolalar ko'proq o'zi bilmagan tushunmagan narsalar va hodisalar haqida savollar berishadi. Kattalarni bilim manbai sifatida idrok qilishadi. Ular muloqot jarayonida kattalardan savollariga javob berishini, jiddiy munosabatda bo'lishini va hurmat qilishini talab qiladi. Agar bu ehtiyojlar qoniqtilmasa bola dunyoni o'z tushunchasi bilan idrok etishga harakat qiladi va tez xafa bo'lib qolish, uyatchanlik holatlari kuzatilib o'ziga bo'lgan bahosi tushib ketishiga olib kelishi mumkin.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, maktabgacha yosh davrida o'yin yetakchi faoliyat bo'ladi. Bu davr nutqning rivojlanishi uchun sezitiv davr hisoblanadi. Bola va kattalar orasidagi yangi munosabatlar, kattalar obrazi bolaning xatti-harakatlarini ma'lum tomonga yo'llaydi, bu esa bola shaxsi rivojlanishida barcha yangi psixologik tuzilmalarning paydo bo'lishida asos hisoblanadi.

#### **Adabiyotlar**

1. Nishanova Z.T., Kamilova N.G., Abdullayeva D.U., Xolnazarova M.X. “Rivojlanish psixologiyasi”. Pedagogik Psixologiya. – Toshkent: 2017.
2. Umarov B.M., Shoimova Sh.S., Ro'zieva D.I. “Pedagogika. Psixologiya”. –Toshkent: 2018, 163.
3. Mutalipova M.J. “Xalq pedagogikasi”. –Toshkent: 2005.

**REZYUME.** Ushbu maqolada maktabgacha yoshdagi bolaning kognitiv jarayonlarining xususiyatlarining psixologik va ijtimoiy sharoitlari, turli xil muloqot turlarining ta'siri orqali bolalarning shakllanishi va rivojlanishi haqida so'z boradi.

**РЕЗЮМЕ.** В данной статье рассматриваются психологические и социальные условия особенностей когнитивных процессов ребёнка в дошкольном возрасте, формирование и развитие детей путём воздействия различными видами общения.

**SUMMARY.** This article discusses the psychological and social conditions of the characteristics of the cognitive processes of a child at preschool age, the formation and development of children through the impact of various types of communication.

## АЁЛЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК МУАММОСИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСПЕКТЛАРИ

М.Р.Султонова – ўқитувчи

Урганч давлат университети

**Таянч сўзлар:** зўравонлик, психологик аспект, конфликт, иккинчи даражали қурбонлик, ҳулқ-атвор, интеллектуал, ҳиссий, иродавий, коммуникатив, деформация, қарамлик.

**Ключевые слова:** насилие, психологический аспект, конфликт, вторичная жертва, поведение, интеллектуальный, эмоциональный, волевой, коммуникативный, деформация, зависимость.

**Key words:** violence, psychological aspect, conflict, secondary victim, behavioral, intellectual, emotional, volitional, communicative, deformity, addiction.

Зўравонлик-тушунчаси умумий ҳолатда инсон шахсининг кадр-қиммати, ор-номуси, шахсиятини топташга қаратилган хатти-ҳаракатлардир.

Зўравонликнинг тарқалиши ҳақидаги статистик маълумотлар етарлича конкрет ҳисобланмайди. Чунки, оиладаги зўравонликнинг қурбонларини кўпчилиги зўравон шахсга ҳиссий жиҳатдан қарам бўлиб, ташқаридан ёрдам сўрамаслиги кўпгина тадқиқотлар орқали исботланган.

Кўпгина зўравонлик объекти бўлган шахслар (аёллар) оилавий ёки шахслараро низолар зўравонлик-нинг ошқора кўринишига айланишини фарқлай олмайдилар.

Зўравонлик муаммоси психологияда сўнгги ўн йилликларда энг жадал ривожланаётган катта соҳани ўз ичига олади. Хорижий психологияда зўравонлик муаммосини Д.Левинсон, Ж.Кобрин, Д.Финкелхор, Д.Иваниек, К.Брон, Р.Ланг, Э.Миллер, Сафронова Т.Я., Соколова Э.Т., Тсимбал Э.И. ва бошқа бир қатор тадқиқотчи-олимлар ўрганишган. Зўравонликни ўрга-ниш фаннинг турли соҳалари олимларининг эътиборини тортади, аммо ҳозирги кунга қадар психологиянинг ушбу соҳасида психологик ва концептуал аппарат ривожланмаган.

Ҳар қандай зўравонлик доимий салбий таъсирни рад этиб бўлмайди. Бирок, зўравонликнинг баъзи шакллари, айниқса доимий кўринишларини, узоқ муддатли оқибат деб аташ мумкин. Чунки, айнан зўравонлик натижасида аёллар соғлиги учун хавфли иккиламчи салбий омилларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин [8].

Кўпчилик муаллифларнинг айтишича, зўравонлик интерактив жараёндир. Уни тушунтириш учун ҳар икки томоннинг хатти-ҳаракатларини ҳисобга олиш керак [10].

Аёлларга нисбатан зўравонлик тажовузкор хатти-ҳаракатларнинг бир тури бўлиб, оғзаки ҳақорат ва таҳдидлардан тортиб, қалтаклаш ва зўрлашга қадар зарар етказиш учун куч ишлатишдир. Бу борада, аёллар эркакларга қараганда иқтисодий, жисмоний ва айниқса жинсий зўравонлик қурбонига айланиш эҳтимоли кўпроқ [7]. Аёлларнинг зўравонлик объектига айланиши уларнинг ижтимоий ва касбий мавқеяга боғлиқ эмаслиги кўплаб тадқиқотларда қайд этилган.

Турли манбаалар ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, дунёда ҳар учинчи аёл қалтакланган, жинсий алоқага мажбурланган ёки бошқа турдаги зўравонликка дучор бўлган. Дунёдаги ҳар тўртинчи аёл ҳомиладорлик даврида зўравонликка учраган. Турмуш ўртоғинг қалтаги (зўравонлик) автоҳалокат ва саратон касаллигига қараганда тез-тез учрайди. Жиноий ҳолатларда аёлларни беғоналардан кўра яқинлари томонидан ўлдирилиш (суиқасдга учраш) эҳтимоли кўпроқ [2].

Аёлларга қилинадиган психологик ва физиологик зўравонлик натижасида уларда сурункали депрессия, доимий тушкунлик ва баъзан суицидал ҳаракатлар ҳам кузатилиши мумкин [8]. Бу эса зўравонликнинг салбий оқибатларини кўрсатувчи асосдир.

Ўтказилган кўпгина тадқиқотларда аёлларга нисбатан жисмоний зўравонлик ҳолатини тавсифловчи психологик омилларга турмуш ўртоғининг спиртли ичимликларга ёки бошқа ҳулқ оғишишига мойиллиги ва қарамлиги қиради [5].

Л.Берковиц аёлларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини тажовузкор ҳаракатларнинг бир тури ва зарар етказиш учун куч ишлатишдир дейди. Зўравонликнинг асосини: оғзаки ҳақорат, таҳдидлардан тортиб, қалтаклаш ва зўрлашлар ташкил қилишини таъкидлайди [1].

Зўравонлик ҳолатида нафақат аёл азобланади, балки зўравонлик фақат бир шахсга (аёлга) йўналтирилган бўлса-да, оиланинг бошқа аъзолари ҳам “иккинчи даражали қурбонлик” деб аталадиган психологик босимга дучор бўлишларини инобатга олиш керак. “Иккинчи даражали қурбонлик”дан жабрланган зўравонлик гувоҳлари жабрланувчи (аёл) бошдан кечирган психологик оқибатларни бошдан кечирадилар. Айниқса, бу зўравонлик отаси томонидан онасини масҳара қилаётганини томоша қилаётган болалар қийин психологик тажрибани бошдан кечира-дилар [7]. Бизнингча, бу мазкур оиладаги болаларда кейинчалик ҳулқ оғишига, суицидал ҳаракатларга мойиллик ортишига ёки келгусида уларда зўравон шахс типини шаклланишига замин бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқотчи А.Б. Орловнинг фикрича, психологик (ҳулқ-атвор, интеллектуал, ҳиссий ва бошқалар) зўравонлик бу-объектни, яъни инсонни қасддан манипуляция қилиш, унинг шахсий-субъектив хусусиятларини (эркинлик, кадр-қиммат, ҳуқуқ ва башқалар) эътиборсиз қолдириб, боғланиш муносабатларини йўқ қилиш ёки аксинча, бу муносабатларни тузатиш ва ақлий (ҳулқ-атвор, интеллектуал, ҳиссий, иродавий, коммуникатив, шахсий) ривожланишининг турли хил деформациялари ва бузилишларига олиб келади [4]. Бизнингча, натижада зўравонлик объекти бўлган шахсда нафақат психозомоционал бузилишлар юзага келади, балки социал дезадаптация ҳам кузатилади. Шунингдек, зўравонликка учраган аёлларда юзага келадиган энг асосий муаммолардан бири-ўзига ва атрофдагиларга ишончсизлик ҳиссининг ортиши, посттравматик стресс-нинг узоқ давом этиши натижасида келиб чиқадиган психологик муаммоларга ечим топиш кўникмасининг пасайиши билан бир қаторда ёлғизликка мойиллик-социал яққаланиш ҳолатлари кузатилади.

Тадқиқотчилар томонидан аёлларга нисбатан зўравонлик муаммосининг асосини психологик, жисмоний, жинсий ва иқтисодий зўравонлик ташкил қилиши алоҳида таъкидланади.

Кўпинча зўравонликнинг ҳар қандай тури, аввало оила муҳитида юзага келади. Оиладаги зўравонлик-нинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

-Оилада бошланган зўравонлик ҳолатлари ҳар сафар шавқатсизлик чостатаси ва даражаси ортиб боради;

-Зўравон шахс характерини ўзгартириши тўрисида ваъдалар бериб, узр сўрашни бошлайди;

-Муносабатларни узмокчи бўлганда, жабрланувчи учун хавф ортади [7].

Оиладаги зўравонликнинг сабаблари (омиллари) қуйидагиларга бўлинади:

-Психопатик (ота-оналар ва болаларнинг зўравонликка мойиллиги);

-Ижтимоий (ташқи омилларнинг) таъсири: Қашшоқ-лик, ишсизлик, ижтимоий четланиш (яққаланиш), таълим ва маданият даражаси ва бошқалар.

-Психосоциал: Зўравонлик омиллари таркибий, вазиятли ва коммуникатив қабиаларга бўлинади. Бунда коммуникатив омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга [7].

Бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар (Д.Матсумато, П.Дейл, С.Харт, М.Брассард, В.В.Дерябина, Н.О.Зиновьева, А.Б.Орлов) фикрига кўра, психологик зўравонлик барча зўравонликнинг “тупроғи” ва “ўзаги”дир. Психологик зўравонлик асосида жисмоний ва жинсий зўравонлик пайдо бўлади [4]. Тадқиқотчилар маълумотларига кўра (М.Либскомб, И.Сарах,

Дж.Христофис-1993й) турли мамлакатларда аёлларга нисбатан болалик даврида жинсий зўравонликнинг 7%дан 36%гача, сўнгги йилларда Европада бу кўрсаткич, қизлар ва аёллар учун 6%дан-62%гача ошган. Бироқ реаллик ва статистиканинг бир-бирига номувофиқлиги жинсий зўравонлик тўғрисида универсал тушунчанинг йўқлиги билан боғлиқ [5].

